М.М. МУХАММЕДОВ

САМАРҚАНД
ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИНИНГ
90-ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА
БАҒИШЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРИХИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институтининг
90-йиллик юбилейига
бағишланади

М. М. МУХАММЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғига асосан дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ–2021

УЎК: 305.89(06)(575.1)
КБК 65(5Ў)г
М 93

М.М.Мухаммедов, А.З.Умаров. Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи. –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 376 бет.

ISBN 978–9943–7670–9–6

Дарсликда Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг энг муҳим босқичлари ёритилган. Унда муаллифларнинг Темур ва Темурийлар даври ва ҳозирги Ўзбекистон иқтисодиётини тарихий қиёслаш ғояси ўз аксини топган. Унда кейинги 600 йил давомида – Амир Темур ҳукмронлиги давридан бошлаб то бизнинг давримизгача Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни тавсифловчи тарихий далиллар келтирилган.

Дарслик бакалаврлар, магистрлар, докторантлар ва иқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасалари ўқитувчилари, давлат хизматлари ходимлари, шунингдек, Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқлари тарихи ва маданияти билан қизиқувчи кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган.

Нашр учун масъул: и.ф.д., профессор – М.Қ.Пардаев

Тақризчилар:

С.С. Ғуломов – ЎзР ФА академиги, и.ф.д, профессор.
М.К. Пардаев – и.ф.д, профессор.

ISBN 978–9943–7670–9–6

© « Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021

Тарихий воқеаларни ўрганишда тарихчи холис ва совуққон бўлиши керак.
Ш.М.Карамзин

КИРИШ

Ўзбекистон бой табиий манбалар, чинакам улкан иқтисодий салоҳият, жадал ривожланиш ва гуллаб-яшнаш учун катта имкониятларга эга. Мутахассисларнинг фикрига кўра, у табиий газ қазиб олиш бўйича дунёда 11-ўринни, унинг экспорти бўйича учинчи, пахта ишлаб чиқариш бўйича олтинчи, уран захиралари бўйича дунёда еттинчи ўринни эгаллайди (уран бўйича дунё захирасининг 4 фоизи). Ўзбекистон олтиннинг умумий захираси бўйича дунёда тўртинчи, уни қазиб олиш бўйича еттинчи ўринда туради. Унинг ери остида кумуш, мис, вольфрам, нефть, кўмир ва бошқа кўплаб фойдали қазилма бойликлар мавжуд. Шу билан бирга, ўз халқини моддий бойлик билан таъминлаш учун шундай ажойиб иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон жон бошига ялпи ички маҳсулот бўйича дунёнинг 190 мамлакати орасида 159-ўринни эгаллайди.[1]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатида Президент Ш.М. Мирзиёев ушбу ҳолатни мамлакат иқтисодий ҳаётидаги қониқарсиз ҳолат, деб эътироф этди. Иқтисодий соҳадаги вазиятнинг сабабларини тушунтириб, табиий газнинг 20-23 фоизи (11.3-14.1 миллиард кубометр) ва электр энергиясининг 15-20 фоизи (8.4-11.2киловатт / соат) исроф бўлаётганини таъкидлади ва мамлакатда катта йўқотишларга йўл қўйилаётгани натижасида бу қимматбаҳо манбалардан фойдаланиш самарадорлиги ниҳоятда пастлигига алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрича, бунинг учун биринчи навбатда макроиқтисодий сиёсатни олиб боришга жалб қилинган давлат арбоблари, иқтисодчилар, корхона раҳбарлари, кўплаб иқтисодий ва техник хизматларнинг ходимлари жавобгар эканлигини айтиб ўтди. Бундай камчиликлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам мавжуд.

[1]Список стран по ВВП на душу населения.https:ru/wikipedia.org/wiki.

MOLIYA-IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 64610

Мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистонда кўп нарса, мавжуд тартиб, дунёқараш, ақида ва қадриятлар ўзгарди. Халқнинг ўзликни англаши ҳам ўзгарди. Шу нуқтаи назардан, халқимизнинг ўтмиш, бой тарихий меросини билишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ушбу меросни иқтисодий амалиёт нуқтаи назаридан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш нафақат маълумот, балки тарихий аҳамиятга ҳам эга. Чунки, бу замонавий жамиятнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун хизмат қилади. Масалан, Буюк Темур оддий одамларнинг манфаатларини амалдорлар, ҳокимлар, судялар ва солиқ хизматчиларининг ҳужумларидан ҳимоя қилиш учун кўп куч сарфлади. У халққа шафқатсиз зулм ўтказган амалдорларни қаттиқ жазолади. Ушбу муаммолар бугунги кун муаммоларини ечишда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти «Темур тузуклари» китобига ёзган сўзбошисида ёзишича, ҳозирги замоннинг долзарб муаммолари нафақат замонавий ривожланишнинг асосий тамойилларини ҳар томонлама таҳлил қилишни, балки тарих сабоқларини чуқур билишимизни ҳам талаб қилади, чунки, тарихдан олинган хулосалар бугунги кун муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Шу сабабли, иқтисодий тарихнинг ҳозирги муаммоларини ўрганаётиб, фожиали хатоларнинг олдини олишда ўтмишдан фойдали сабоқлар олиш мақсадга мувофиқдир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи энг буюк тарихий воқеаларни билиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Ушбу буюк мерос тарихининг ёркин ва шарафли саҳифаларидан бири Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ. Муаллиф ўз олдига Марказий Осиё минтақасида ва хусусан, Ўрта Осиёда юз берган узоқ тарихий ўзгаришлардан сўнг бугунги Ўзбекистон Республикасини ташкил топишининг ва иқтисодий жараёнларни такомиллашиб боришининг чуқур сабабларини ўрганишни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйган. Шу муносабат билан, тадқиқот даври Амир Темурнинг қудратли ва улкан давлатни барпо этиш, иқтисодий фаолиятнинг жадал ўсиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, савдо, ҳунармандчилик, қурилиш, фан, маданият ва ҳоказоларни жадал ривожлантириш давридан бошлаб белгиланди. Тадқиқот Темурийлар давлатининг заифлашуви ва

Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги Дашти-Қипчоқ кўчманчи қабилаларининг бостириб кириши билан боғлиқ ҳалокатли урушлар ва иқтисодий таназзул даврини ҳам ўз ичига олди. Бутун бир аср давомида - 1499 йилдан 1599 йилгача бўлган даврда маҳаллий аҳоли Шайбонийлар сулоласининг зулми ва мустабид ҳукмронлиги остида қолди. Унинг даврида қишлоқ хўжалигининг аҳволи жуда оғир эди. Бу, айниқса, оддий одамларнинг турмуш тарзида ўзининг аксини топди, меҳнаткаш халқ бутунлай қашшоқликка юз тутди.

Шайбонийлар сулоласи Марказий Осиёни қонли урушлар майдонига айлантирди. Тахт учун ўтказилган ўзаро урушларда Шайбонийлар авлодининг барча вакиллари йўқ қилинди.1599 йилда Аштархонийлар сулоласи ҳокимиятга келди. Аштархонийлар даврида марказлашган давлат мустақил феодал давлатларга бўлиниб кетди.

XV аср охири - XVI асрнинг бошлари Ўрта Осиёда савдо шаҳарларининг аҳамияти пасайиши билан тавсифланади. Чунки Буюк Ипак йўли ўз аҳамиятини йўқотиб, савдо-сотиқ йўли Буюк географик кашфиётлар натижасида океанларга кўчиб ўтган эди. Бу жараёнлар Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлишига, шунингдек, Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларининг шаклланишига қадар янги давлатларнинг пайдо бўлишига ва халқларнинг аралашиб кетишига сабаб бўлди.

Тез орада (XVII-XVIII асрлар) савдо йўллари Россия билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўналиши бўйича ҳаракатлана бошлади. XIX асрнинг 70-йиллари чор Россияси томонидан Ўрта Осиёни забт этиш ва мустамлакага айлантириш билан боғлиқ бўлди. Кейинчалик, Россияда рўй берган Октябрь инқилоби таъсири остида Бухоро амирлиги ва Хонликлар батамом тугатилди.

Фуқаролар уруши ва иқтисодий вайронагарчилик йиллари, Ўрта Осиёда истиқомат қилаётган халқлар орасида ўтказилган миллий чэгаралаш муаммолари, аҳолининг моддий аҳволи ва турмуш даражасига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Иқтисодий қийинчиликлар замирида Ўрта Осиёда қўққисдан бошланиб кетган миллий низо Совет Россиясининг иштирокида юз берди. Октябрь инқилоби таъсири остида сунъий вужудга келган БСХР, ХСХР ва ТАССРлар замирида 1924-1925 йилларда ўтказилган

миллий чегаралаш натижасида СССР таркибига кирган Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Қирғизистон ва Тожикистон АССРнинг шаклланишига олиб келди.

Ўшандан бери Ўрта Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ривожланишида то 1991 йилгача, яъни мустақилликка эришгунларигача янги давр бошланди. Бу йиллар давомида Ўзбекистоннинг тақдири Совет Россияси билан чамбарчас боғлиқ эди.

Оддий одамлар Совет тузуми томонидан ўрнатилган тамойилларни қабул қилишди. Чунки, узоқ йиллар давомида иқтисодий ночорликда ва асирликда яшаган одамлар эркинликка интилиб, тенглик, қардошлик ва ўзаро ёрдам байроғи остида янги ҳаёт қуришни афзал кўрдилар.

Совет Иттифоқи давридаги Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш хусусиятлари чоризм давридаги иқтисодий тузумдан кескин фарқ қилади. Бироқ, ягона иқтисодий режа ва Бутуниттифоқ меҳнат тақсимоти байроғи остида мустабидлик ва буйруқбозлик даври бошланди. Шунингдек, Иттифоқ мавжуд бўлган йиллар давомида, Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг пахта хом ашёсини етказиб берувчи асосий маконига айлантирилди, мамлакатда саноатнинг асосий қисми пахта саноатига хизмат кўрсатишга йўналтирилди.

Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши, саводсизликка барҳам бериш, мактаблар қурилиши, ердан фойдаланишнинг асрлар давомида ривожланиб келган тартибининг бекор қилиниши, анъанавий турмуш тарзи ва маданиятининг йўқ қилиниши орқали аёлларнинг озод этилиши билан кечди.

Совет Иттифоқи даврида Ўзбекистон иқтисодиётини марказлаштирилган бошқариш ва унинг ривожланишини Марказнинг республикаларга нисбатан иқтисодий сиёсатининг мазмунига асосланиб, шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич – Ўзбекистон ССР ташкил топганидан 50-йилларнинг ўрталаригача, иккинчи босқич эса мос равишда 50-йиллардан мустақилликка қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Биринчи босқич қийин ва зиддиятли давр ҳисобланади. Бир томондан, Марказ ёрдамида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал

суръатлар билан ривожланди. Нафақат пахта саноати, балки бошқа қатор соҳалар ҳам тараққий топди. Ўтган асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда жадал индустриализация жараёни бошланди: енгил ва оғир саноатнинг йирик заводлари ва фабрикалари қурилди, уларнинг атрофида янги шаҳарлар қурилиб, эскилари қайта тикланди. 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида Иттифоқнинг энг муҳим корхоналари ва фабрикалари уруш бўлаётган ҳудудлардан эвакуация қилиниши туфайли саноатнинг ривожланиши рўй берди. Иттифоқдош республикалар билан иқтисодий муносабатлар ўзаро манфаатлар асосида ривожланди Шунингдек, Марказнинг беғараз ёрдами ҳам мавжуд бўлиб, Москва Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланишидан манфаатдор эди. Бошқа томондан, фуқаролар уруши ва синфлараро зиддиятларнинг кучайиши қатағонлар, улкан моддий ва инсоний йўқотишлар билан кечди. Сталиннинг қатағонлари пайтида Ўзбекистоннинг таниқли сиёсатчилари ва маданият арбоблари, маҳаллий зиёлилар ва йирик корхоналар раҳбарлари қаттиқ тазъйиққа учрадилар. Уруш пайтида Ўзбекистоннинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг катта қисми фронтга сафарбар қилинди. Шу билан бирга, Иттифоқнинг урушдан жабр кўрган минтақалари аҳолиси Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Айнан шу даврда бутун Иттифоқдан келган қочқинларга бошпана берган, ўзига хос эвакуация марказига айланган Тошкент «Нон шаҳри» ва «Халқлар дўстлиги шаҳри» деб ном олди.

Иккинчи босқич (50-йилларнинг ўрталаридан 1991 йилгача) газ саноати, олтин қазиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа замонавий тармоқлари каби янги тармоқларнинг пайдо бўлиши натижасида Ўзбекистон иқтисодиётининг янада ривожланиши билан тавсифланади. Буларнинг пировардида Ўзбекистон индустриал-аграр мамлакатга айланди. 1966 йилда Тошкентда рихтер шкаласи бўйича 8 баллдан юқори бўлган ва 5.3 магнитудали кучли зилзила содир бўлди. Зилзила Тошкентнинг аксарият қисмини вайрон қилди ва шунинг учун шаҳар Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан келган қурувчилар томонидан Совет услубида қайта қурилди. 1977 йилда Марказий Осиёдаги биринчи метро Тошкентда иш бошлади. Бироқ, марказнинг буйруқбозлик, маъмурий мустабидликка асосланган тизими иқтисодиётнинг янада ривожланишига

тўсқинлик қилди. Иттифоқдош республикалар билан ўзаро товар алмашинуви Ўзбекистон учун салбий натижаларни келтирди, коррупциялашган олий раҳбариятнинг сиёсий «ўйинлари», айниқса, «пахта иши» Ўзбекистон жамоатчилиги орасида кенг ва ҳақли равишда қатъий норозиликларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

1991 йил 31 августда Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари VI сессиясида Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида Мустақиллик куни деб белгиланди. Ўзбекистон Мустақиллигини дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакати расман тан олди. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди. Мустақилликка эришганимиздан кейин Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш йўлини тутди. Республика мустақил иқтисодий ривожланиш имкониятига эга бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) ва бошқа нуфузли ташкилотлар аъзоси.

Ўзбекистон мустақиллик туфайли маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин даврини босиб ўтиб, мамлакатнинг биринчи президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш ва замонавий инновацион технологияларни тадбиқ этишга йўналтирилган “Ўзбек модели” асосида жадал ривожланди. Тарихий қисқа даврда Ўзбекистоннинг кўп асрлик иқтисодиёти ўтиш даврининг энг оғир оқибатларини енгиб ўтди ва мунтазам ўсиб бориш босқичига кирди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади ва халқаро миқёсда мустақил давлат сиқатида тан олинди.

Ҳозир Президент Ш.М. Мирзиёев жамиятнинг барча жабҳаларини, шу жумладан, иқтисодий соҳада ислоҳотлар ўтказиб, пировард натижада Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, одамларнинг моддий фаровонлигини тубдан ошириб, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига чиқиш сиёсатини олиб бормоқда. Президентнинг либерал иқтисодиёт тарафдори сифатида мамлакатда

замонавий ва жадал ривожланаётган инновацион иқтисодиётни яратишга қаратилган йўналишда сиёсат юритиши Ўзбекистоннинг ривожланиш истиқболи учун жуда муҳим. Бу ерда жаҳон ҳамжамиятининг бошқа мамлакатлари учун ҳам фойдали бўладиган ибратли бой тажриба мавжуд. Айниқса, радикал бозор ислоҳотлари йўлига қадам қўйган давлатлар учун бу жуда фойдали..

Ўзбекистон эришган ютуқ ва қўлга киритган кўрсаткичлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар рейтингида мамлакатимиз шарафли 5-ўринни эгаллади. Колумбия университети (АҚШ) социологлари томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмаги билан ўтказилган «Жаҳон бахт индекси» тадқиқотининг эълон қилган натижаларига кўра, Ўзбекистон 158 мамлакат ичида юқори 44-поғонани, МДҲ мамлакатлари орасида эса биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Америка Қўшма Штатлари президенти ёрдамчиси ўринбосари Лиза Кертиснинг айтишича, “Ўзбекистон ислоҳотлар йўлидаги қийинчиликларга қарамай, сўнгги 2,5 йил ичида савдо ва транзитнинг чорраҳаси сифатида қайта тикланаётган, минтақадаги ўзгаришларнинг асосий манбаи сифатида ўзини намоён қилди. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитетини қўллаб-қувватлайди ҳамда Ўзбекистонга ва унинг порлоқ келажаги – минтақада иқтисодий етакчи кучга айланиши йўлида шериклик қилишга тайёр”. Бу мамлакатдаги иқтисодий вазиятга берилган асосли ва объектив баҳо ва бугунги кун воқеликларига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистонда Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ва бевосита раҳномолигида мамлакатимизни дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларидан бирига айлантиришга қаратилган ривожлантириш стратегияси амалга оширилмоқда. Бу ҳақиқатан ҳам мисли кўрилмаган кўлам ва аҳамият касб этадиган стратегик муҳим вазифа бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш Ўзбекистоннинг кўп миллионли аҳолиси учун муносиб турмуш даражасини таъминлайди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон иқтисодиёти замонавийлашиш ва жадал ривожланиш учун улкан имкониятларга эга.

Бунга иқтисодий вазиятни тубдан яхшилаш ва цивилизациялашган иқтисодий тартибни ўрнатиш бўйича янги йўналишни изчил амалга ошириш, иқтисодий тизимни кенг кўламда ва ҳар томонлама ислоҳ қилиш орқали эришилади.

Ушбу китоб муҳим иқтисодий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мунтазам ўсиши асосида жамият ҳаётининг асосий мақсади - аҳолининг турмуш даражасини ошириш нуқтаи назаридан мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишнинг долзарб муаммоларига бағишланган. Унда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бозор ўзгаришларининг назарий асослари ва мазмуни батафсил муҳокама қилинади, нотўғри қабул қилинган макроиқтисодий қарорларнинг сабаблари ва оқибатлари ўрганилади, уларни ҳал қилишнинг йўллари асослаб берилади.

Ҳар қандай илмий ижодий иш сингари, монография ўта долзарб, ортга суриб бўлмайдиган муаммоларни кенг муҳокама қилиш ва ижодий фикр алмашиш асосида уларнинг самарали ечимини топишни мақсад қилиб қўйган. Албатта, китобда муҳокама қилиш учун таклиф этилган фикрлар ва ёндашувлар баъзи ҳолларда мунозарали, илм-фан ва амалиёт нуқтаи назаридан оқилона ечим, муқобилига эга бўлиши мумкин. Ушбу китобни нашр этиш билан муаллиф олимлар, етакчи раҳбарлар, кенг доирадаги ўқувчилар эътиборини Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини яратиш ғоясини амалга ошириш учун ўз вақтида ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларни муҳокама қилишга қаратмоқчи бўлади. Муаллиф ўқувчилар томонидан тадқиқотни такомиллаштириш бўйича билдирган ҳар қандай қимматли фикрлар ва таклифлар учун китобхонларга ўз миннатдорчилигини билдиради, ўқувчини қониқтирмаган ҳолатлар учун эса таассуфини изҳор қилади.

Иқтисодиёт тарихи – бу шаклланиш жараёни ҳали якунланмаган илмий ва ўқув фанидир. Сўнгги йилларда, фаннинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, иқтисодиёт фанида ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилаётгани шубҳасиз, аммо бу соҳадаги кўп муаммолар ҳалигача ҳал қилинмаяпти. Бу, айниқса, Ўзбекистон иқтисодиёти тарихидаги илмий тадқиқотларни талаб қиладиган муаммоларга тегишли.

Муаллифлар ушбу бўшлиқни маълум даражада тўлдириши мумкин бўлган ушбу китоб замонавий иқтисодиёт фанининг муҳим йўналишлари бўйича янги тадқиқотлар учун туртки бўлади, деб умид қилади. Шунингдек, зукко ўқувчиларнинг барча изоҳ ва истакларини қуйидаги манзилга юборишларини сўраб, уларни миннатдорчилик билан қабул қилади:

Самарқанд, А.Темур кўчаси, 9, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти.

Хоҳиш – бизни ёндиради, қудрат эса ғорат қилади.
О. Балзак

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ТАРИХ ФАН СИФАТИДА

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА УНИ ДАВРЛАРГА АЖРАТИШ АМАЛИЁТИ

1.1. Иқтисодий тарих фанининг предмети

Вақт илгарилаб боради, у мунтазам равишда олға интилади ва уни ҳеч ким бир лаҳза бўлсада тўхтата олмайди. Мана шу қудрати билан содир бўлган воқеа-ходисалар ўтмишда қолиб келгуси авлодлар учун тарих вазифасини ўтайди. Умумий тарих номли фан мавжуд. Ушбу фан кишилик жамиятининг ўтмишини бугунни англаш ва келгуси ривожланиш истиқболларини ўрганишга хизмат қилади. Тарих тушунчаси юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, сўзма-сўз таржима қилинганда “воқеалар ҳақида суҳбат” маъносини англатади. Умумий тарих кишилик жамияти ривожланишини унинг барча аниқликлари бўйича, ўтмиш ва келажакда ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Мазкур фаннинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, у ўтмишимизни биз учун тушунарли баён қилиш ва ўтмишдан келажак учун маълум сабоқ олишимизга бағишланганлигидир. Ушбу фаннинг беқиёс аҳамиятини англаган биринчи Президентимиз И. А. Каримов ўз асарларида “тарихий хотирасиз келажак йўқ” дея таъкидлаган. Халқнинг ўз-ўзини англаши тарихни англашдан бошланишини, “халқимиз ўз келиб чиқиш тарихи ва шажарасини билиши, бизнинг ким эканлигимизни англашимиздир»[2].

Антик даврданоқ ўтмиш ҳақидаги фан илмий англашнинг мустақил соҳасига айланган, XVI асрда эса мустақил фан мавқеига эга бўлди. Тарих фанининг қизиқарли таърифи “Йўқотилган цивилизациялар” китоби муаллифлари томонидан берилган: “тарих – бу санъат асари, тикланмайдиган табиий ресурслар эмас,

[2] Каримов И.А. «Без исторической памяти нет будущего». -Т.: «Узбекистан», 1999. 3 бет.

тарих жонсиз табиатдир. Тарих – бу тупроққа айланган, тўкилган, сочилиб кетган ва улар ҳақида фақатгина китобларда қолган бўлиб ўтган ва ўтмишга айланган эсдаликлардир …»[3].

Дунёга машҳур француз тарихчи олими М. Блок тарих фанини «инсон ҳақидаги, даврлардаги одамлар ҳақидаги фан" деб таърифлаган. Агарда умумий тарих инсоният ҳақидаги фан экан, у ҳолда инсониятнинг хўжалик фаолияти тараққиёти ва ижтимоий муносабатларини таҳлил қилиш ва тавсифлаш, мазкур соҳага оид турли илмий хулосалар чиқариш иқтисодиёт тарихи каби фанда амалга оширилади.

Иқтисодий тарих (халқ хўжалиги тарихи) ижтимоий-иқтисодий фанлардан бири ҳисобланади. Тарихни муайян кетма-кетликда ва турли тасодифларсиз методологик асосларига киритиш, моддий ва маънавий жиҳатдан англаш, иқтисодиёт тарихи бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар каби жамият тараққиётининг моддий ишлаб чиқариш ва иқтисодий ҳаётининг бошқа соҳалари қонуниятлари ўрганади.

Тарихий-иқтисодий ўрганиш дарихий далиллар билан чекланиб қолмаслиги керак. Тарихий-иқтисодий далиллар тарихий воқеа-ҳодисалар рўй берган муҳит, шарт-шароитлар нуқтаи назаридан ўрганилади. Шунинг учун тарихий ривожланишнинг аниқ жаврларини белгилаб олиш зарур. Мазкур босқичларнинг асосий хусусиятларини қамраб олувчи белги ва тамойиллар иқтисодий ривожланишнинг моҳияти ва қонунларини анлашда методологик аҳамият касб этади. Турли даврларнинг жонли ва аниқ тарихий ҳақиқатлари, турли халқларнинг турлича шарт-шароит, турмуш тарзи ва турлича ташқи муҳит боғлиқлигида ўрганиш ушбу халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мураккаб тарихий йўлини ва тақдирини белгилаб берган.

Тўпланган ва ўрганилган ишончли тарихий далиллар ва манбаларни хўжалик тараққиётининг яхлит тасвирини яратишда умумлаштириш зарур бўлади. Чунки турли даврларда хўжалик фаолиятининг моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари аксарият ўша даврнинг сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий таълимотларида ўз аксини топади. Яхлитлик – билишнинг негизи ва устқурилмасидир.

---

[3] Воронин А., Зданович Л. «История исчезнувших цивилизаций». - М.: РИПОЛ классик, 2004. 7 бет.

Таъкидлаш жоизки, жамият тараққиёти, унинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтиши, босқичма-босқич ва инқилобий ривожланиши ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш кучларининг ислоҳ қилиниши билан боғлиқ муносабатларга ҳар томонлама боғликдир. Шунинг учун меҳнат воситалари ва қуролларининг ҳолати ва ривожланиши, инсон капиталининг сифат даражаси, унинг иштимоий ва ишлаб чиқариш тажрибаси, иш кўникмалари, "давлат-жамият-шахс" муносабатлари ва уларнинг ишлаб чиқариш кучларига тескари алоқасига жиддий эътибор қаратиш лозим. Моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш кишилик жамият тараққиётининг асоси ва мазмуни ҳисобланади, уларни тарихий тадрижийликда ўрганиш эса иқтисодий тарихни нафақат тарихий, балки иқтисодий фан сифатида шаклланишини таъминлаб беради.

Иқтисодий тарих иқтисодий фан ҳисоблансада унинг предмети ишлаб чиқариш кучлари ва ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатлари билан чекланади. Иқтисодий тарих тарихий фан сифатида иқтисодиёт (халқ хўжалиги) ривожланишини тарихий тадрижийликда ва аниқликда, муайян мамлакат мисолида воқеалар хронологиясининг ижобий ва салбий хусусиятларининг сабаб-оқибатлари нуқтаи назаридан ўрганади. Шундай қилиб, ***иқтисодий тарихнинг предмети алоҳида олинган мамлакатнинг иқтисодиётининг яхлит ҳолда ва муайян тарихий даврда пайдо бўлиш ва шаклланиш жиҳатларини ҳамда уларга мос келувчи ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганиш ҳисобланади***.

Иқтисодий тарих алоҳида иқтисодий-тарихий фан бўлиб, иқтисодий тараққиёт қонунлари асисида ишлаб чиқариш қонунларини ўрганишга қаратилгандир.

Ишлаб чиқариш тарихини муайян тарихий воқеа-ҳодисалар доирасида ўрганиш, иқтисодий тараққиёт қонунларини тадқиқ қилиш ҳамда у ёки бу мамлакатнинг хўжалик ривожланишини тарихий далилларга таянган ҳолда амалга оширилади.[4] Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг иқтисодий тарихини ўрганиш мамлакатнинг мустақилликгача бўлган ва мустақилликдан кейинги иқтисодий тараққиёт қонунларини ўрганиш, собиқ

[4] Лященко П.И. История народного хозяйства СССР. Т.1. - М.: Гос. изд-во полит.лит-ры, 1955. - 17-18 бет.

иттифоқнинг парчаланишининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлақонли англаш ҳамда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт йўлига ўтиши заруратини англаш, Ўзбекистон халқининг мустақилликни англаши ҳамда мустақил тарққиёт йўлини танлаш йўлидаги ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини тўлақонли ҳис этишў йўлидаги муҳим қадам десак муболаға бўлмайди.

Иқтиссодий тарих фанини ўрганиш жараёнида олинган билимлар умумназарий фанлар (иқтисодиёт назарияси, фалсафа, социология, психология ва бошқ.), шу жумладан, унга назарий асос бўлиб хизмат қилувчи аниқ иқтисодий фанлар (статистика, бухгалтерия ҳисоби, молия ва бошқ.)ни чуқур ўзлаштиришга имкон беради. Шу билан бирга иқтисодиёт тарихи ижтимоий муносабатларни ўрганишнинг барча ўзига хос жиҳатларини қамраб олмаслиги, шу билан бирга улардан четлашмаслиги ҳам керак.

Иқтисодиёт тарихи курси нафақат иқтисодиётга оид, шу билан бирга унга давлат тарихи, сиёсатшунослик, миллий ғоя ва мафкура, социология каби тарих масалаларини ҳам қамраб олади. Тарих фанининг негизи ва устқурмаларисиз алоҳида олинган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўрганиш мумкин эмас албатта.

Иқтисодиёт тарихини, айниқса Ўзбекистон мисолида унинг босиб ўтган ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрганиш жамият тараққиётининг умумий ҳамда тарихан ижтимоий тараққиёт мавжуд бўлган ёки бўлмаганлиги, тарих – тартибсиз ва айқаш-уйқаш тасодифлардан иборат эканлиги ва ноаниқ йўналишда бораётганлигига оид масалаларга жавоб топишга имкон беради. Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, халқлар тарихи умуман олганда тараққиёт йўлидан кетмоқда. Ушбу фикрнинг яққол далили сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бозор муносабатлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган ҳолда ноаниқ ва мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитда салбий оқибатларсиз бозор муносабатларини қарор топтиришга эришганлигимизни, мамлакат ҳудудида яшаётган барча халқларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг таъминланганлиги ҳамда умуминсоний тараққиёт, яъни Ўзбекистонни замонавий цивилизациялашган демократик, келажаги буюк давлатга айлантирганлигимизни кўрсатишимиз мумкин. Бозор муносабатларига ўтишнинг

дастлабки босқичларидаёқ биринчи Президент И.А.Каримов “Ўзбекисон: тараққиёт ва янгиланишнинг йўли” номил асарида мамлакатда бозор ислоҳотларининг туб моҳияти ва мақсади – очиқ иқтисодиёт, кучли ижтимоий сиёсат ва барқарор бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятни қуришдан иборат эканлигини билдирган эди. Унинг фикрича, фақат шундай барқарор бозор муносабатлари қарор топган жамиятгина ўз халқи учун муносиб турмуш тарзи, ҳуқуқ ва эркинликлар, маънавий-ахлоқий ривожланишни таъминлаб бера олади[5]. Бозор муносабатларига ўтишгача белгилаб олинган олижаноб мақсадга бугун том маънода эришдик десак муболаға бўлмайди.

Иқтисодиёт тарихи фани ўз предметини ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқа малакатларда содир бўлаётган истисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқади. Масалан, Англияда саноат инқилоби XVIII асрда қўл меҳнатининг фабрика ишлаб чиқаришига ўтиши билан содир бўлган эди, ўша вақтда ижтимоий муносабатларда инқилоб бўлиб, ўз турмуш шароитларини яхшилашни талаб қилаётган ишчилар синфини вужудга келтирган эди.

Ушбу мисол билан параллел олиб қарайдиган бўлсак, мустақиллик туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти янги технологияларни жорий этиш орқали нафақат иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсишини, шу билан бирга омманинг турмуш тарзи, турмуш даражаси ва маданияти англаб бўлмас даражада ортганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Асл тарихийлик тарихий далилларни ижтимоий-иқтисодий даврнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишни ва баҳолашни талаб қилади. Чунки тараққиётга юз тутган ҳодисалар жамият ривожланишининг маълум бир босқичида уни салбий баҳолаш, бошқасида эса ижобий баҳолаш объекти бўлиб хизмат қилади.

[5]Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. Т.1. – Т.: «Узбекистан», 1996. 39 бет.

1.2. Иқтисодий тарих фанининг ўрганиш усуллари ва уни илмий нуқтаи назардан даврлаштириш

Бошқа фанлар қатори иқтисодий тарих умумий тарихнинг хронологик даврийлаштирилиши каби қатъий даврлар асосида ўрганилади. Мазкур масалага турлича ёндашувлар мавжуд. Тарихий фанларни илмий даврлаштириш инсоният тарихида қандай омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигига боғлиқ. Масалан, социологияда географик йўналиш тамойиллари келтирилган эди. Унинг тарафдорлари таъкидлашича, тарихий жараёнларни белгилаб берувчи асосий омил географик шарт-шароитлар ҳисобланади. Рус олими Л.И.Мечников ҳам жамият тараққиётининг асосий омили сифатида денгиз йўлларининг очилиши деб баҳолаган. Шу асосда инсониятнинг ривожланиш тарихи дарёлар даври (қадимги халқлар тарихи), Ўрта ер денгизи даври (ўрта асрлар цивилизацияси) ва океанлар даври (замонавий халқлар тарихи)га бўлинган эди.

Айирбошлашга асосланган концепция тарафдорлари жамиятнинг иқтисодий ва тарихий ривожланиш асосиини айирбошлаш усуллари ташкил қилади деб ҳисоблашган. Таниқли немис олими К.Брюхер (1847-1930 йй.) айирбошлаш даврини учта даврга бўлишни таклиф қилган: 1) ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни истеъмол қилишга асосланган ёпиқ уй хўжаликлари даври; 2) маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига айирбошланадиган шаҳар хўжалиги даври; 3) халқ хўжалиги, яъни маҳсулот бир хўжаликдан иккинчисига кўплаб айирбошлаш алоқалари орқали ўтади[6].

Яна бир немис иқтисодчиси Б. Гильдебранд (1811-1878 йй.) нинг ҳам ўз йўналиши мавжуд. У иқтисодий тарихни 1) натурал хўжалик, яъни маҳсулотлар пул иштирокисиз айирбошланади; 2) пул хўжалиги, айирбошлаш пул воситасида амалга оширилади; ва 3) Кредит хўжалиги, яъни маҳсулотлар қарз ҳисобига ёки кредит асосида айирбошланади[7].

АҚШлик олим Хайтингтон иқтисодий ривожланиш асосини географик омиллар (иқлим) билан боғлайди, англиялик олим А.Тойнби эса, тарихий шахслар, маданият ва диний эътиқодларга

---

[6]Бюхер К. Возникновение народного хозяйства. - С-Петербург.: Из-во б.и., 1907. 207 бет.

[7]Гильдебранд Б. Политическая экономия настоящего и будущего. – М.: Директмедиа Паблишинг, 2008. – С. 16. Перевод М.П. Щепкина. Воспроизводится по изданию: Гильдебранд Б. Политическая экономия настоящего и будущего. СПб. 1860.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI № 64610

боғлиқ ҳолда 13 та асосий турини ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, цивилизациянинг барча турлари ўз тараққиёти давомида айнан бир хил босқичларни: пайдо бўлиши, тараққий этиш ва инқироз даврларини босиб ўтади. Тараққиётнинг ҳаракатга келтирувчи кучи "ижодий элита" ёки ижод аҳли ташкил қилиб, "инерт омма"ни ўзига жалб қилади[8].

Иқтисодий ва тарихий ривожланишни юқорида келтирилган схема ва даврийлаштиришлардан фарқли равишда Маркс таълимоти ишлаб чиқариш усулларига ёки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини акс эттирувчи турли формацияларга (ибтидоий тузум, феодал тузм, капиталистик тузум, коммунистик тузум) ва тарихни материалистик англашга қаратади.

Юқорида келтирилган фикрларни танқидий таҳлил қилишга асосий диққатни қаратмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, уларнинг барчаси инсоният тараққиётининг у ёки бу жиҳатларини кўрсатиб беришга қаратилган. Шунингдек, ушбу тизимлаштиришларнинг барчаси муайян вақтда маълум маконда содир бўлган ҳодисалар замирида рўй беради. Фалсафик нуқтаи назардан ёндашганда барчаси макон ва замон категорияларига асосланади.

1.3. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон иқтисодий тарихини даврий ўрганишининг ўзига хос жиҳатлари

Фалсафанинг даврлаштириш категорияси усулларига таянган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий тарихини тарихий далиллар ҳамда тарихий жараёнларда шахс ролига таянган ҳолда иқтисодий ривожланишнинг аниқ босқичлари асосида ўрганишни, ушбу асосда Ўзбекистоннинг иқтисодий тарихини қуйидаги кетма-кетликда даврлаштиришни таклиф қиламиз:

1) Ўрта Осиёда Темур ва темурийларнинг Шарқ Ренессанси даври.

2) Босқинчилик ва Ўрта Осиёнинг майда феодал хонликларга бўлиниб кетиш даври.

3) Ўрта Осиё ривожланишининг мустамлакачилик даври.

4) Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва Иттифоқ таркибида ривожланиши.

---

[8]Тойнби А. Исследование истории. Т.1-12. 1934-61. 207 бет.

5) Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ва ривожланиши.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейинги (1991 йилдан бугунги кунда қадар) ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1) 1991-2000 йиллар – режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш даври. Босқичма-босқич ислоҳотлар асосида бозор муносабатларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши;

2) 2001-2010 йиллар бозор муносабатлари негизининг яратилиши, ривожланиш ва тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши;

3) 2011-2016 йиллар. Иқтисодиётни модернизациялаш, етакчи тармоқларни диверсификациялаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш асосида жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичга эришиш ҳамда тараққий этган мамлакатлари даражасига олиб чиқиш;

4) 2017 йилдан бугунги кунга қадар. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва кенг кўламли ислоҳотларнинг бошланиши, мамлакатда Ғарб услубидаги цивилизациялашган бозор муносабатларини шакллантириш ҳамда жадал иқтисодий ўсиш ва тараққиёт йўлига олиб чиқиш.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тарихи курсининг тузилиши ва уни ўрганиш тамойиллари юқорида келтирилган хронологик даврларга асосланган.

Ўзбекистоннинг мустақил босиб ўтган тараққиёт йўли, иқтисодий ўсишнинг тўпланган бой тажрибаси ва амалиёти катта назарий ва амалий қизиқиш уйғотади.

Фикримизча, ушбу муаммони ҳал этишда қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқ:

1. Иқтисодиёт (халқ хўжалиги)нинг ривожланишини далилларни тадрижий ва хронологик кетма-кетликда келтириш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бундай ҳолатда далилларни ёритиб бериш тасодифий характерга эга бўлган ҳолда уни келтиришдан кўзланган мақсад ва сабаблари очилмасдан қолиб кетади, бу эса ўз навбатида муаллифнинг чуқур ўйланган назарий ва амалий хулосалар бериш имкониятини чеклайди. Шунинг учун тадқиқот

келтирилаётган далилларнинг сабаби ва оқибатлари нуқтаи назардан берилиши лозим;

2. Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш жараёнларини таҳлил қилишда унинг ўзига хос жиҳатлари: Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, ривожланиши ва тараққий этишининг қонуниятлари ва ўзига хос жиҳатлари, иқтисодиёт ривожланишини халқнинг тарихий ва маиший-хўжалик турмуш тарзи ва ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ўрганилишига асосий урғу бериш.

Республикада ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви тарихий тараққиёт, унга имкон берувчи тармоқлар ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш замирида таҳлил қилиниши лозим. Бунда тарихий-иқтисодий масалаларни ҳал этишнинг ҳудудий-комплекс ёндашуви муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини тармоқлараро, мамлакатнинг бошқа ҳудудлари ва қардош мамлакатлар билан алоқаларини кенг ёритиб лозим;

3. Ўзбекистон иқтисодиёт (халқ хўжалиги) тарихий-иқтисодий тадқиқот объекти сифатида ишлаб чиқариш, айрибошлаш, тақсимот ва истеъмол муносбаатларини қамраб олади. Бунда ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари бозор муносабатларини асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг яхлит мажмуаси сифатида олиб қаралади.

Меҳнат ресурсларининг меҳнат қуроллари ва воситаларининг тараққий этиши нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши зарур эди;

4. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг аниқ ифодаси ишлаб чиқаришнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва шу каби тармоқлари кесимида тақсимланиш хусусияти, уларнинг ҳар бири бошқа кўплаб тармоқлар мажмуи сифатида тарихий ёндашув асосида, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашув ҳамда иқтисодиётни комплекс ривожлантириш тамойили асосида ўрганилиши лозим.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига баҳо беришнинг якуний ва хулосавий жиҳати – бу аҳоли турмуш даражаси ва мамлакат манфаатларига мувофиқлигидир. Иқтисодий тарихни тадқиқ қилиш халқ хўжалигини ташкил қилиш ва бошқаришнинг турли шаклларини, иқтисодиётнинг тарихан кўпукладлилиги, аралаш иқтисодиётга боғлиқлигини қамраб олиши ва таҳлил қилиши лозим.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. АМИР ТЕМУРНИНГ ЧИНГИЗИЙЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ МЎҒУЛЛАРСИЗ ҚАЙТА ТУҒИЛИШИДАГИ РОЛИ

II БОБ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ КУЧЛИ ФЕОДАЛ ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИДА АМИР ТЕМУРНИНГ ТАРИХИЙ РОЛИ

Темурийлар салтанатининг қудрати, унинг иқтисодий сиёсатининг Ўрта Осиё халқлари ҳаётидаги моҳияти ва аҳамиятини батафсил очиб беришдан олдин, Амир Темурнинг таржимаи ҳоли ва ҳокимият тепасига келиши тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш керак.

Амир Темур 1336 йилда Шаҳрисабздан 13 км узоқликда (ҳозирги Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятининг шаҳарларидан бири) Кеш шаҳри яқинидаги Хўжа-Илғор қишлоғида туғилган. Дунё тарихидаги энг буюк саркардалардан бирининг ҳақиқий исми Темур ибн Тарагай Барлос бўлиб, бу «Темур Барлос авлодидан бўлган Тарагайнинг ўғли» деган маънони англатади. Ғарб манбаларида Буюк саркарда ва давлат арбоби "Тамерлан" номи билан тез-тез учрайди. Бу форсча «Темури Ланг», яъни «Темур Чўлоқ»[9] сўзидан келиб чиққан. «Унинг отаси Тарагай Х1У-асрнинг бошларида Қашқадарё воҳасига кўчиб келган барлос қабиласининг аслзодаларидан бири бўлган.[10]

Темур болалигидан овчилик ва уруш ўйинларини яхши кўрар, мўғул урф-одатларини севар, тарихга қизиқар эди. Ёшлигида таълим олмаган бўлса ҳам, у айни пайтда жуда истеъдодли, ҳар томонлама ривожланган ва жуда қобилиятли инсон эди. Манбаларга кўра, у туркий ва форс тилларини чуқур билган (айрим муаллифларнинг даъволарига зид равишда умуман арабча гапирмаган), олимлар билан гаплашишни хуш кўриб, тарихий адабиётларни овоз чиқариб ўқиб беришини талаб қилган. Атрофидаги аъёнлар ва олимлар билан суҳбатларда тарихдан мисоллар келтириб, кучли хотирага эгалиги билан уларни ҳайратда

[9]Манбаларда келтирилишича 1362-йилда Сеистонда Темур мўғуллар билан жанг пайтида жиддий жарохат олади: ўнг қўлида икки бармоғидан айрилади ва ўнг оёғидан оғир жарохат олади. Жангда олинган жарохатларнинг оғриғи Темурни бутун умри таъқиб қилади ва унинг чўлоқланишига сабаб бўлади.
[10]Гафуров Б.Г. "Таджики". Т.2. – Душанбе.: Из-во"Ирфон", 1989. – 2011. бет.

қолдирган. Ёшлигидан у жисмонан бақувват, соғлом, жасур ва журъатли эди. Бизгача етиб келган маълумотларга қараганда, ёш Темур жисмоний кучлилиги билан ажралиб турган, 12 ёшидан отасининг ҳарбий юришлари ва овларида қатнашган. XX асрда буюк саркарда қабрини ўрганган антрополог олим 69 ёшда вафот этган ҳукмдорнинг биологик ёши, унинг суякларининг ҳолатига қараб, ҳатто 50 ёшдан ҳам ошмаганлигини таъкидлади.

Бир неча ўн йиллар давом этган тўхтовсиз урушлар давомида Темур ўз ҳудудига Мовароуннаҳр (Марказий Осиёнинг тарихий ҳудуди - «дарёнинг нариги томони» дэган маънони англатади), Эрон, Ироқ, Афғонистонни қамраб олган улкан ва қудратли давлатни барпо этишга муваффақ бўлди. Шунинг учун у XIV асрнинг энг кучли ҳукмдорларидан бири сифатида тан олинди. Ўз салтанатининг гуллаган даврида Темур жуда улкан ҳудуднинг ҳукмдорига айланди. Унинг қўл остида кўплаб миллат ва халқлар, бутун тамаддунлар жамланди. Афсуски, кўплаб юртдошларимиз Темур ва Темурийлар даври тарихининг бориши ва воқеалар ривожи, унинг инсоният жамиятини ривожлантиришдаги тарихий роли, айниқса ўша давр ҳаётининг иқтисодий жиҳатлари, аҳоли турмуш тарзи, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқиш муносабатларининг ўзаро уйғунлиги тўғрисида етарлича тўлиқ фикр ва аниқ маълумотларга эга эмас. Ўзининг энг қудратли бўлган вақтида Темур Чингизхон томонидан тузилган тартибга асосланган ўнлик, юзлик, минглик ва туман (10 минг)дан таркиб топган), 200 минг аскардан иборат қўшинга эга эди. Олимлар бир овоздан таъкидлайдиларки, Чингизхон ва Темурийлар сиймоси ўртасидаги аниқ тарихий ўхшашликлар бўлишига қарамай, унинг маънавий дунёси мўғул империясининг асосчисига қараганда анча бой бўлган. Темур яхши таълим олган, санъат ва адабиётни қадрлаган. Шунингдек, у олимлар, шоирлар ва усталарни ниҳоятда қадрлар эди.

Буюк саркарда номи билан боғлиқ энг машҳур афсоналардан бири Темурнинг қабрининг очилиши билан боғлиқ. Маълумотларга кўра, гўё Темурнинг қабри очилганидан кейин катта ва даҳшатли уруш бошланади. Дарҳақиқат, Совет археологлари томонидан Самарқандда Темур қабри очилиши 1941 йил 20 июнда, яъни инсоният бутун тарихидаги энг даҳшатли ва

ҳалокатли, жами 34 миллиондан ортиқ инсон ҳаётига зомин бўлган уруш[11] - Улуғ Ватан уруши бошланишидан икки кун олдин содир бўлди. Аммо тарихчилар фашистлар Германиясида СССРга ҳужум қилиш режаси Темур қабри очилишидан анча олдин тасдиқланганини ва демак, мудҳиш иккинчи жаҳон уруши бошланиши ҳам муқаррарлигини эслатишади. Шу сабабли Совет антропологлари томонидан Темур қабри очилмаганда Иккинчи Жаҳон уруши бошланиб кетмаслиги мумкинлигини исботлаш жуда қийин. Бироқ, тарихий факт ҳақиқат бўлиб қолмоқда: бир неча асрлар олдин қилинган даҳшатли башорат ажойиб аниқлик билан амалга ошди. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо, яна бир тарихий ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди - таниқли совет антропологи ва археолог олими Михаил Герасимов нафақат қабрни очишда иштирок этди, балки Темурнинг бош суягидан ташқи кўринишини ҳам тиклади. Лекин у яна кўп йиллар, аниқроғи 1970 йилгача умргузаронлик қилди.

Амир Темурнинг шахс, ҳарбий саркарда ва дунёга таниқли давлат арбоби сифатида шаклланиши тарихи жуда қизиқ. Барчаси мана бундай содир бўлган. 1365-1366 йилларда Сарбадорларнинг Самарқандни Мўғулистон хони ҳужумидан ҳимоя қилиш учун кўтарган қўзғолони Амир Ҳусайн ва Амир Темурнинг Самарқандни эгаллашига имконият яратди. Балхда 1370 йилда давлат тўнтариши бўлиб, унинг натижасида Амир Хусайн ўлдирилди. Худди шу Балх шаҳрида бўлиб ўтган курултойда Темур Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинди. Кейинги 35 йил давомида бу ҳудудда кечган сиёсий жараёнлар, дипломатия, иқтисодиётнинг ҳолати ва ривожланиши, Ўрта Осиёнинг улкан ҳудуди аҳолиси даромадлари ва яшаш тарзи каби ҳаётий муаммолари бевосита Темур (1370-1405 йй.) ва Темурийлар сулоласи (1405-1507 йй.) билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди.

Амир Темур Чингизхоннинг бевосита авлоди эмас эди, шунинг учун у Хон унвонини қабул қилмади (у «Амир» унвонини олди). Темур 1372 - 1388 йиллар давомида хон Суюртғамиш номидан иш олиб борган. Унинг вафотидан кейин Суюртғамишнингўғли Маҳмудхоннинг ва ўз исми билан тангалар зарб

[11]Интернет-манба: https://ru.wikipedia.org.wiki/Великая_отчественная_война.

этган. 1402 йилда Маҳмудхон вафотидан кейин ҳам Амир Темур унинг номидан тангаларни зарб қилишни давом эттирди (лекин, Маҳмудхон вафотидан кейин Темур бошқа хонни тахтга чиқармайди). Мўғуллар билан яқин алоқада бўлиш учун у Қозонхоннинг қизига уйланди ва мўғул тилида «куёв» деган маънони англатувчи «Кўрагоний» лақабини олди.

Буюк саркарда ва дунёга машҳур давлат арбоби Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ва унинг пойтахти Самарқанд, Ўрта Осиё тарихининг кейинги йўналишига кўрсатган катта таъсири, инсон ақлини лол қолдирувчи ҳарбий юришлари, яратувчилик фаолияти бугунги кунда ҳам давлат арбоблари, сиёсатшунослар, олимлар, тарихчилар ва шарқшуносларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Хусусан, Темур ва Темурийлар даври Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятига оид кўплаб тадқиқотларнинг ўтказилаётгани, нашр этилган китоблар, сон-саноқсиз мақолалар шундан далолат беради. Шу билан бирга, нашр этилган илмий тадқиқот ишларида иқтисодий ривожланиш, аҳоли даромадларининг дифференциацияси ва унинг ижтимоий табақаланиши, даромадларнинг шаклланиш манбалари, ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби ва Мовароуннаҳрнинг ишлаб чиқариш кучлари ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим масалалар етарли даражада ёритилмаган. Амир Темурнинг кўп йиллик ижтимоий-сиёсий фаолиятининг асосий сабаблари иқтисодий манфаатлар учунлигини ҳисобга олсак, ушбу муҳим масалада йўқотилган имкониятнинг баҳоси ва қадри аниқ бўлади.

Амир Темур Мовароуннаҳрни 35 йил бошқарди. Туғма дипломат ва нозик сиёсатчи Темур ҳар доим сиёсий вазиятни тўғри баҳолаган. Унинг кўп қиррали фаолияти Мовароуннаҳрда кучли марказлашган давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлашга қаратилган эди. Амир Темурнинг давлат арбоби сифатида ҳаёти ва унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини умри давомида ҳал қилган геосиёсий вазифаларига қараб, икки даврга бўлиш мумкин: биринчи давр -1370-1386 йиллар; иккинчи давр - 1386-1404 йиллар.

Қайд қилинган биринчи даврда Амир Темур мамлакатни мўғул истилосидан озод қилди, Мовароуннаҳр халқига узоқ

кутилган эркинлик ва мустақилликни берди, зодагонлар низоларига чек қўйиб, Мовароуннаҳрни ягона ва яхлит гуллаган давлатга айлантирди. Хоразмни ўзининг марказлашган давлатига қўшиб олиш учун амир Темур Ҳасан ва Юсуф Сўфийларга қарши курашди. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошини қамраб оладиган тарихий давр Ўрта Осиё халқлари тарихида бурилиш нуқтаси ҳисобланади. МовароуннаҳрнингXIV аср 60-70 йиллардаги сиёсий тарихи, бир томондан, мўғул хонларидан бири атрофида ҳокимиятни барпо этиш учун марказлаштирувчи кучларнинг кураши, иккинчи томондан, Хуросонда ўз давлатини яратган сарбадорларнинг оммавий ҳаракатининг кучайиши билан тавсифланади. Турли мўғул хонларининг Ўрта Осиёда мўғул мулкларининг бирлигини кучайтиришга қаратилган олдинги уринишлари, хусусан, Кебекхон томонидан ўтказилган ислоҳотлар Мовароуннаҳрдаги феодал тарқоқликни бартараф эта олмади. XIV аср ўрталарида Чиғатой улуси бир неча давлатга бўлиниб кетиб, ички низолар авж олиб кетган эди. Бундай мураккаб шароитда Амир Темур четда оддий бир кузатувчи бўлиб туролмас эди, натижада у ҳам ҳарбий ҳаракатларга тўлиқ қўшилиб, Чиғатой амирлари ички урушларининг бевосита иштирокчисига айланди, мўғул босқинчиларига қарши курашда фаол қатнашди. Бу моҳир саркарда бўлиб етишиш ва ўз ҳокимиятни ўрнатишнинг кутилмаган тасодифларга тўла энг хавфли усули эди. Шунда юз берган жангларнинг бирида, юқорида айтиб ўтганимиздек, Амир Темур жиддий жароҳат олади, шундан сўнг оқсоқ бўлиб қолади ва умр бўйи «Темурланг» лақабини олади. У урушаётган томонлар ўртасида тез-тез ўз позициясини ўзгартириб, бир томонидан иккинчисига ўтиб туради, турли хил ҳарбий ва дипломатик режаларни амалга оширади, ўзи учун зарур бўлган кучлар билан қариндошлик ришталарини боғлайди, атрофига содиқ одамларни йиғади, жангларда юқори маҳорат, жасорат ва фавқулодда жанговор қобилиятини намойиш этади. Буюк Темурнинг бу ғайритабиий фазилатлари унинг атрофидаги ва қўл остидаги одамлар орасида обрўси ва хурматининг тез ўсишига ёрдам берди.

Биринчи даврда Амир Темур асосан маҳаллий очкўз зодагонларга қарши кураш олиб борди, чунки уларнинг ўзбошимчалиги ва тўхтовсиз можаролари оддий халқнинг елкасига оғир юк

бўлиб тушган эди. Кичик давлатларга парчаланиб кетган, тарқоқ ҳудудни ташқи душманларнинг ҳужумларидан ўзини муваффақиятли ҳимоя қила оладиган, кучли марказлашган ягона давлатга айлантириш Амир Темурнинг асосий мақсадига айланади.

Узоқни кўра биладиган сиёсатчи ва давлат бошқарувининг буюк архитектори Амир Темур Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти сифатида танлади. Самарқанднинг Темурийлар салтанатининг пойтахти этиб сайланиши тарихи ҳақида афсоналар мавжуд. Афсонага кўра, янги пойтахт бўлиши керак бўлган шаҳарни танлаб, ҳукмдор учта қўйни: бирини Самарқандда, иккинчисини Бухорода ва учинчисини Тошкентда сўйишни буюрган. Уч кундан кейин Тошкент ва Бухорода сўйилган қўй гўшти айниган. Сўйилган қўйнинг гўшти айнимаган, ажойиб иқлимга эга бўлган Самарқанд салтанат пойтахтига айланди. Темур Самарқандни ўз давлатининг пойтахти сифатида танлаганидан буён шаҳар «авлиёлар юрти, соф сўфийларнинг ватани ва кўплаб олимларнинг маскани»га айланди. Шаҳар ҳақиқатан ҳам энг йирик маданий марказ, «Шарқнинг порлаётган юлдузи», «Қимматбаҳо марварид»га айланди. Бу ерга Темур томонидан забт этилган барча мамлакатларнинг энг яхши меъморлари, усталари, олимлари, ёзувчилари кўчириб келтирилди, шаҳар катта имтиёзлар ва устунликларга эга бўлди.Ушбу шаҳарда Исфаҳон, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кешнинг машҳур усталари турли хил мақбаралар, улуғвор ёдгорликларни қуришни бошладилар. Самарқанд атрофида кўплаб гўзал боғлар яратилди, уларнинг баъзиларининг номлари мерос бўлиб қолди ва бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Испания элчиси Дон Руи Гонзалес де Клавихо 1403-1404 йилларда Буюк Темурнинг яратувчилик фаолиятини ҳайрат билан кузатди. Темур ўзининг яратувчилик фаолияти билан, аввало, сиёсий мақсадларни кўзлаган. Масалан, Шаҳрисабзда ранг-баранг нақшлар билан безатилган машҳур Оқсаройнинг олд томонида, пешлавҳасига: «Агар бизнинг кучимизга шубҳа қилсангиз, бизнинг биномизга қаранг», деб ёзиб қўйилган. Ёки бўлмаса, қишлоқ хўжалиги ҳудудлари ва бепоён Дашти қипчок чорвачилигининг чегарасида ажойиб меъморий бино – Аҳмад Яссавий мақбарасини Темур ўз давлатининг буюклиги ҳамда қудратининг белгиси сифатида қурдирган.

Мўғуллар томонидан бутунлай вайрон қилинган, аҳолиси деярли батамом қириб юборилган ва қул қилинган Самарқанд шаҳри Темур даврида Афросиёбдан жануброқда янги жойда қад ростлади. Шаҳар атрофида мудофаа девори ва олтита дарвоза ўрнатилди: Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон, Феруза. Шаҳар аркида Кўксарой ва Бўстонсарой саройлари қурилган. Аркда Давлат бошқаруви девони, қурол-яроғ устахонаси, қурол сақлаш омбори, зарбхона ва қамоқхона жойлашган.

Самарқандда ва шаҳар атрофида, сарой ва боғларда тантанали тадбирлар, тўйлар, маросимлар ҳамда шоҳона хайр-эҳсонлар ўтказилган. Бу байрамларда аҳолининг барча табақалари иштирок этганлар.

Темур Мовароуннаҳрнинг воҳаларида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш, айниқса, Зарафшон водийсида суғориш тизимларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Натижада, ушбу даврда Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланиб, Россия, Татаристон ва Хитой билан савдо алоқалари алоҳида аҳамият касб этди. Темур савдо йўлларининг, айниқса, Буюк Ипак йўлининг хавфсизлигини назорат қилди.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳр халқи ва тарихи олдидаги хизматларига таниқли олим И. Мўминов томонидан муносиб бахо берилган. Совет Иттифоқи даврида марказнинг Темур шахсига бўлган муносабати салбий бўлган, шунга қарамасдан И.Мўминов «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги ўрни ва роли» номли илмий асарни тайёрлаган ва нашр этган[12]. И.Мўминов ташаббуси билан 1968 йилда ўзбек тилида «Темур тузуклари» китоби нашр этилди. И.Мўминов Амир Темурни ўз даврида Ўрта Осиёнинг тарихий мураккаб воқеликлари талаб қилган ва мамлакатнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнашига сабаб бўлган буюк шахс, давлат арбоби сифатида тасвирлаган. Аммо, олим учун бу қимматга тушди, у марказлик замондошларининг шафқатсиз танқидига учради, уни адолатсиз равишда А. Темур шахсини юқори баҳолаш ва улуғлашда айблашди.

Амир Темур асрлар давомида Мовароуннаҳр халқини дунёга машҳур қилиб келди. Агар Амир Темур бўлмаганида эди, эҳтимол

[12] Муминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: “Фан”, 1968. 116 бет.

бизни ҳайратга соладиган ва ғурурланадиган тарихий обидалар, меъморчилик дурдоналари ҳам бўлмас эди. Биз ҳақиқат-парварлиги, жасорати учун, ўша оғир пайтда ҳақиқий олим ва ватанпарвар сифатида, тўлиқ жавобгарликни зиммасига олишдан қўрқмагани учун олимимиз академик И.М.Мўминовга чексиз хурмат кўрсатишимиз керак.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида суғориш тизимларини барпо этиш, қишлоқ хўжалигидаги муносабатларни тартибга солиш ва шаҳарсозлик борасида амалга оширилган ишлар барча аҳоли ижтимоий қатламлари иқтисодий фаолиятининг энг муҳим йўналишларига айланди. Унинг шаҳар ва қишлоқ ҳаётини, ҳунар-мандчиликни, савдо ва савдо йўлларини ривожлантириш, меъмор-чилик, санъат, фан ва адабиётнинг юксалиши учун қайғуриб, ғамхўрлик қилгани диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси Мовароуннаҳрнинг кўп асрлик тарихини тўлиқ тиклаш ва Амир Темур ва Темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини аниқроқ тасаввур этиш имконини беради. Амир Темурнинг иқтисодий тараққиёт олдидаги буюк хизматлари ишлаб чиқариш кучлари ва мамлакат иқтисодиётини ривожлан-тиришдаги унинг роли ўзи босиб олган ҳудудларда тинч ва яратувчи касблар вакилларини қўллаб-қувватлагани, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлагани, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, майда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, шаҳарларни қуриш ва ободонлаштириш соҳаларида, фан ва маданият соҳаларидаги ижодкорларни қўллаб-қувватлаганида намоён бўлади. У кась соҳибларининг энг яхшиларини ўз давлати пойтахтига кўчирди. Шунинг учун унинг даврида шаҳарларни фаол тиклаш, янгиларини қуриш, кўприклар, йўллар, суғориш тизимларини барпо қилиш, шунингдек, фан, рассомлик, дунёвий ва диний таълим жадал ривожланди.

Темур ҳукмронлиги даврида унга бўйсунган ҳудудларда устози сўфий Аҳмад Яссавийга алоҳида эҳтиром кўрсатилган. XII асрда яшаб ўтган бу таниқли сўфийга Темурнинг ўзгача ихлос қўйиши устозининг Тошкентдаги мозори унинг тушига киргани-дан кейин бошланган.

Амир Темур “интизом ҳар қандай тараққиётнинг бош омили” тамойилига қатъий риоя қилган. У бўйсунмас, итоатсиз, исён-корларни қақшатқич жазолаган ва шу билан бирга оддий одамлар, ҳунармандлар ва усталар, меъморлар, олимларни ҳурмат қилган, уларнинг ҳаётий манфаатларини нопок амалдорлар ва ўғрилар зулми ҳамда зуғумидан ҳимоя қилган. Ибн Арабшоҳ таъкидлашича, Амир Темур «ўзига мутаффакирлар, илм-фан вакилларини, моҳир ҳунармандлар орасидан ақлли ва қобилиятли одамларни жалб қилди.»[13] У Буюк Ипак йўли анъаналарининг тикланишига ҳар томонлама ҳисса қўшган фан, маданият ва савдо ҳомийси бўлган. Шубҳасиз, Амир Темурнинг бу хатти-ҳаракати жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига туртки берди, салтанатнинг иқтисодиёти ва маданияти юксалишига хизмат қилди.

Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси аниқ тарихий далиллар билан исботланиб турибди, унинг аҳамиятини сиёсий, мафкуравий ёки бошқа сабабларга кўра қадрсизлантиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. У ушбу минтақа халқларини мўғуллар истилосидан озод қилди, тартибсизлик ва бошбодоқликни енгиб, майда хонликларга бўлинган ҳудудларни ягона марказлашган давлат байроғи остида бирлаштириб, тартиб ўрнатди ва шу билан минтақанинг иқтисодий ўсиши, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши учун янада қулай шарт-шароитларни яратди. Унинг даврида янги гўзал шаҳарлар ва турар-жойлар барпо қилинди, бошқа давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалар кенгайди, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларда кўплаб меъморий ёдгорликлар қурилди ҳамда бу шаҳарларда илм-фан ва маданият жадал ривожланди. Таниқли тадқиқотчи Георг Вебернинг Темурни бир томондан улкан ва истеъдодли қўмондон, ҳукмдор ва қонуншунос ҳамда бошқа томондан олимлар, рассомларнинг манфаатини кўзлаган ҳомий, «адолатли қози» сифатидаги фаолиятларини алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас. Г.Вебернинг сўзларига кўра, Амир Темур шахс ва ҳукмдор сифатида турк султони Боязиддан устун эди. Боязид Темурдан фарқли ўлароқ, фатҳ урушларига берилди,

[13] Ибн Арабшох. «Амир Темур Тарихи». – Т.: «Меҳнат», 1992. 69-70 б. (ўзбек тилидан муаллий таржимаси)

давлат бошқарувидан узоқлашиб, уни очкўз, ахлоқсиз, худбин ҳамда бузуқ бошқарувчилар ва қозилар қўлига топширди.[14]

Амир Темур ҳаётининг дастлабки даври кейинги ҳокимиятининг пойдеворини шакллантириш ва қудратини мустаҳкамлаш, барпо этажак Буюк салтанатининг таъсир доирасини кенгайтириш ва шаклланишига хизмат қилди. Амир Темур эришган ютуқларидан қаноат қилмади ва бошқа давлатлар ҳисобига ўз салтанатини янада кенгайтириш йўлидан борди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Амир Темурнинг Мовароуннаҳр халқларини мўғул истибдодидан озод қилиш ва мустақилликка олиб чиқиш, энг кучли мўғул босқинчилари маркази бўлган «Жете»ни тийиб қўйиш учун қилган ҳаракатлари ва жанглари Жўжи Улуси - Олтин Ўрданинг таъсирини заифлаштирди. Бундан ташқари, озодлик учун курашиш давомида бошқа давлатларга ҳужум уюштиришга қодир кучли ва ҳаракатчан армия ташкил қилинди. Шундай қилиб, Темур ўзи томонидан ташкил этилган Чиғатой улусининг чегараларидан ташқарига ҳарбий юришларни бошлашни юзага келган вазиятнинг ўзи тақозо этди.

Иккинчи давр қўшни давлатларга ҳарбий ҳаракатлар билан бошланади. Бу даврда Амир Темур Эрон, Ироқ, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Кавказорти, Миср, Туркия, Олтин Ўрда ҳудудларига ғалабали юришларни амалга оширди. Кўплаб амалга оширилган ҳарбий юришлар натижасида у Осиёнинг катта ҳудуди ва Кавказнинг бир қисмини ўз ичига олган улкан салтанатни барпо қилди. Йирик ҳарбий юришлари қаторига унинг Эронга бўлган юришини (1381-1382йй), Олтин Ўрда хони Тўхтамишга қарши шиддатли, узоқ давом этган урушни ва Саройни мағлуб этишини (1388 й, 1395 й), Арманистон ва Грузия (1392 й), Деҳлини босиб олиш (1398 й.) Миср подшолиги (1400) ва турк Султони Боязиднинг (1402) мағлуб этилиши, унинг Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Сурияга «уч йиллик» (1386 йилдан бошлаб), «беш йиллик» юриш сифатида танилган энг йирик юришини (1392 йилдан) ва «етти йиллик» (1399 йилдан бошлаб) юришларини кўрсатишимиз мумкин. Буларнинг барчаси Мовароуннаҳрдаги феодал тарқоқликка барҳам берди, ҳудудда ишлаб чиқарувчи кучларнинг, товар-

[14]Вебер Георг. Всеобшая история. Т.VIII.(Андреев таржимаси). – М.: издание К.Т.Солдатенко, 1889. 541, 549 бетлар.

пул муносабатлари, савдо, ҳунармандчилик ва умуман иқтисодиётни ривожланиши учун энг яхши шароитлар мавжуд бўлган йирик марказлашган давлатни яратиш бўйича ҳарбий-сиёсий ечимларини топиш имконини берди. Буюк саркарда ҳаётининг иккинчи даври ҳарбий юришлар ва бошқа давлатларни қўшиб олиш билан тўлганлиги сабабли, Амир Темур тарихга дунёни забт этувчи шахс сифатида кирди. Масалан, немис тарихчилар мактабининг вакили Хейделберг Фридрих Шлоссер (1776 - 1861) Амир Темурни «буюк жангчи, дунёни забт этган янги ҳукмдор, қонун чиқарувчи, мақсадига эришиш учун ўша даврнинг турли сиёсий ва ижтимоий кучларини бирлаштиришга муваффақ бўлган ҳарбий ва сиёсий стратег, тактика бўйича мутахассис»[15], деб номлайди.

Йирик рус тарихчиси ва шарқшуноси, Ўрта Осиё минтақаси тарихини чуқур ўрганган академик В.В.Бартольд 1901 йилда «Брокгауз-Ефрон» энциклопедик луғатида Темурни «дунёни забт этган буюк саркардалардан бири» деб атаган, унинг ҳаёти ва фаолиятининг асосий босқичларини ўрганиб, яратувчанлигини тасвирлаб берган.[16]

Замонавий олимлар, Темурнинг инсоният жамияти ривожланишидаги икки томонлама, яъни ҳам вайронкор, ҳам яратувчи шахс сифатидаги миссиясини эътироф этишади: “У бир вақтнинг ўзида ўзаро зид икки вазифани бажара оладиган феноменал шахс эди, дунёни забт этган босқинчи ва айни пайтда катта марказлашган давлатнинг асосчиси; халқларни қул қилувчи золим, талончи, шаҳарларни, қишлоқларни вайрон қилувчи ва айни пайтда Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларини ободонлаштирувчи, Шохруҳия, Ашпара, Байлакан шаҳарларининг бунёдкори.”[17]

Бу ерда АмирТемурни бошқа мамлакатлар ҳудудларини эгаллаб олишга ундаган шарт-шароитларни аниқлаштириш жуда муҳимдир. Амир Темурнинг тажовузкор ҳаракатларининг асосий

---

[15]Шлоссер Ф.К. Всемирная история. Н.Г. Чернишевский ва В.А. Зайцевларнинг таҳрири остила немис тилидан рус тилига таржимаси. 3-том, СПб.: 1861. 503-504 бетлар.

[16]Между тем, в 1395 году войско Тимура оказалось в русских землях. Он не рассматривал русские территории как объект для присоединения к своей державе. Тогда Русь была настоящей окраиной мира – малоинтересной, плохо изученной и загадочной и поэтому она абсолютно не привлекала Тимура в стратегическом плане. Причиной нашествия стала борьба Тимура с золотоордынским ханом Тохтамышем. И хотя войско Тимура разорило часть русских земель, захватив Елец, в целом завоеватель своей победой над Тохтамышем способствовал падению влияния Золотой Орды на русские княжества.

[17]Интернет ресурс: http://cheloveknauka.com/osnovnye-etapy-deyatelnosti-amir-temura#ixzz5bL0CoYu7

сабаби нимада эди: босиб олинган ҳудудларнинг пуллари ва бойликларини тортиб олиш, сиёсий ирода ва шон-шарафга интилиш ёки бошқа бизга маълум бўлмаган ҳар қандай истак ва рағбатларми? Бизнинг авлодимизгача етиб келган, аммо аниқ манбалар билан тасдиқланмаган миш-мишларга кўра, Амир Темур «дунёда тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши учун бутун дунё бўйлаб битта давлат, битта пойтахт ва битта ҳукмдор бўлиши керак» деган гапни яхши кўрар экан. Эҳтимол, бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни ўрнатиш ниятида у ўз таъсир доирасини тобора кўпроқ ҳудудларга ўтказишга интилгандир? Агар Хитойга[18] қарши навбатдаги ҳарбий юриш пайтида унинг ҳаёти тўсатдан узилмаганида, агар у яна ўн йил яшаганида эди, эҳтимол инсоният дунё миқёсидаги ягона марказлашган давлат остида бирлашишга муваффақ бўлар эди. Тасаввуримизга эркинлик бериб, дунё бўйича битта давлат, битта пойтахт ва битта демократия йўли билан сайланган ҳукмдор бўлса, дунёнинг барча мамлакатлари халқларининг фаровонлиги учун тенг даражада ғамхўрлик кўрсатилса, ядро ҳалокати хавфидан халос бўлган дунёнинг барча мамлакатлари халқлари қанчалик бахтли бўлишини бир лаҳзага тасаввур қилайлик. Афсуски, Соҳибқирон қалбининг сирлари биз учун жумбоқ бўлиб қолди, унинг истаклари амалга ошмай қолди ва инсоният бундай ноёб тажрибани синаб кўриш имкониятидан маҳрум бўлди. Аммо бошқа томондан, тарихда ҳукмдорнинг бошқа мулоҳазалари маълум бўлиб, бу уни доимий ҳарбий юрушларга ундаган бўлиши мумкин: «Бутун ер юзида иккита шоҳ бўлиши мумкин эмас». Қандай бўлмасин, Темур фалсафасининг мақсади аён: дунёда бир-бири билан рақобатбардош икки шоҳ бўлмаслиги керак. Ўшанда ер юзида тинчлик ва осойишталик ҳукм суради, инсониятни бир неча марта йўқ қилиб юбориши мумкин бўлган қурол-яроғ пойгаси ҳам буткул барҳам топади.

Чор Россиясининг генерали И. И. Иванин 1836-1945 йилларда «Чингизхон ва Темурланг даврида мўғул-татар ҳамда Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий санъати ва фатҳ юришлари тўғрисида» деб номланган китобини ёзган ва ушбу китоб Санкт-Петербургда, унинг вафотидан кейин 1875 йилда нашр этилган.

[18]Интернет ресурс: http://www.hrono.info/text/podyem/voleg.html

Йирик давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг ҳарбий санъати нафақат чор Россиясида, балки большевизм даврида қизил комиссарларнинг курсларида ҳам ўрганилган. Ушбу курсларда Михаил Фрунзе ва Аркадий Гайдар ўқишган ва Амир Темурнинг ҳарбий санъатини ўрганишган. Уларнинг иккаласи Темурнинг шахсиятини ҳурмат қилишган ҳамда ўзларининг тўнғич ўғилларига Темур исмини беришган.[19]

Инсоният тарихида Чингизхон ва Темурнинг яшаган ва урушлар олиб борган даври фожиа ҳамда қон тўкишларга тўла эди. Бироқ, тарихнинг гувоҳлик ьеришича, барча буюк салтанатлар тарихида ҳар доим бундай воқеликлар юз берган. Масалан, спартанлар илотларни бутунлай йўқ қилиб юборишган, А.Македонский Фивани вайрон қилиб, Тир аҳолисини йўқ қилиб ташлаган бўлса, Цезарь Галлия аҳолисини бутунлай қириб ташлади ва ҳоказо.

Мўғул-татар босқини ўзининг шафқатсизлигида юқоридагилардан ҳам ошиб тушган. Аммо тарихдаги бу шафқатсизликларга ўта драматик тус берилган. Буюк фотиҳлар ўз фуқароларининг ҳаёти ва юртини ободонлаштиришга ҳам ҳаракат қилганини ҳисобга олиш муҳимдир. Марко Полонинг сўзларига кўра (1269-1289), Хубилайхон ўз фуқароларининг ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилиб, Хитойнинг барча ҳудудларида почта алоқасини жорий қилди, қоғоз пулларни муомалага чиқарди. Боту босиб олинган ҳудудларда ўз кўчманчи қабилаларини озиқ-овқат таъминотини яхшилаш мақсадида оқилона жойлаштирди, ғалла экиш ва ғалла майдонларини ҳимоя қилишни талаб қилди.[20] Холокухон Эронда христианларни, турли фан ва маданият вакилларини қўллаб-қувватлаганлиги тарихдан маълум[21].

М.И. Иванин, бошқа кўплаб ҳарбий мутахассислардан фарқли ўлароқ, мўғул қўшинлари тартибсиз ўрда бўлмаган, кўчманчи давлатга мослаштирилган кўчувчи, лекин тартибли қўшинлар бўлган, деб ҳисоблайди. Чингизхон қўшинларни қурол-ярог билан таъминлаш, қўшиндаги тартиб, ҳарбий таълим, тактика қоидалари

[19]Иванин М.И. «О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингисхане и Тамерлане». - Т.: Янги аср авлоди, 2017. - 6 бет. (перевод авторов с узб. языка).
[20]Ўша ерда, 12-13 бет.
[21] Ўша ерда, 13 бет.

ва стратегик масалаларда жуда қаттиққўл эди. Чингизхоннинг ғалабалари шулар билан изоҳланади. В.Ян ўзининг «Боту» китобида Наполеон Бонапартнинг мўғулларнинг ҳарбий ташкилоти ва санъати бошқа халқларга қараганда юқори бўлганлиги ҳақидаги гапларини иқтибос келтиради. Ушбу таърифни маълум даражада буюк саркарда Амир Темурнинг ҳарбий санъатига ҳам бериш мумкин. Наполеоннинг мўғул-татар қўшинлари ҳақидаги тўлиқ баёнотини иқтибос келтирамиз: "Мўғуллар босқинини тартибсиз Осиё ўрдасининг бемаъни ҳужуми, деб ўйлаш нотўғри. Бу мунтазам армия томонидан чуқур ўйланган ҳужум бўлиб, бу ердаги ҳарбий тузилма ва интизом рақибларининг қўшинларига қараганда анча юқори эди"[22]. Бу 13-асрда яшаган хитойлик йилномачининг гапини яна бир бор тасдиқлайди: «Бизнинг мамлакатимизга келган татар қўшинида куч ва интизом шунчалик ғайритабиий эдики, у бутун дунёни забт этадигандай туюларди».[23]

Бироқ, мўғул-татарлар ҳамда Ўрта Осиё халқлари ҳарбий юришларда қаршилик ва итоатсизликка дуч келишган, улар шафқатсизлик нуқтаи назаридан бир-биридан кам эмас эдилар. Уларнинг ҳарбий ҳаракатлардаги босқини шунчаликка етганд эдики, улар халқаро ҳуқуқни менсимай, бўйсунишни, ҳарбий товон, солиқ тўлашни ва бошқаларни талаб қилишга киришди. Талабларга бўйсунмаганлар, босиб олинган давлатлар батамом йўқ қилинди.[24] "Бу халқнинг табиатида нафрат, ғазаб ва ҳасад ҳукмронлик қилмоқда" (Рашид-ад-дин)[25].

Юқоридагиларни тавсифлаган М.И.Иванин мўғул-татарлар ва Ўрта Осиё халқларининг тарихи биз (Россия) икки асрдан кўпроқ вақт давомида уларнинг истибдоди остида яшаганимиз ва уч аср давомида доимий қарама-қаршиликда бўлганлигимиз сабабли ибратлидир, деб ҳисоблайди. Ва бу асорат бизнинг фикрларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, урф-одатларимиз, ҳарбий ва фуқаролик ҳолатимизга таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Энди, биз уларнинг кўпчилигини ўз таъсиримиз остига олаяпмиз ва уларни бошқарамиз, улар билан янги муносабатлар ўрнатамиз.[26]

---

[22] Ян В. Батый. - Нукус .: Из-во «Каракалпакистан», 1982. – 74 бет.
[23]Ўша ерда, 20 бет.
[24] Ян В. Батый. - Нукус.: Из-во «Каракалпакистан», 1982. – 14 бет.
[25] Ўша ерда, 100 бет.
[26] Иванин М.И. «О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингисхане и Тамерлане». -Т.: Янги аср авлоди, 2017. 15 бет.

И.А. Каримов «Темур тузуклари» китобиг аёзган кириш сўзида Амир Темур шахсиятини билиш тарихни билиш эканлигини таъкидлаган. Темурни англаш – бу ўзликни англашдир. Амир Темурнинг буюклиги бу миллатининг тарихий илдизлари, шонли ҳаёти, маданияти, ўз кучига бўлган ишончдир ҳамда шунинг асосида келажак барпо этилади.[27]

Шундай қилиб, Амир Темурнинг давлат сиёсати ва дипломатияси, ҳарбий санъати, ҳаётининг яратувчанлик моҳияти, буюкликка эришиш йўллари, Мовароуннаҳр ва унинг бутун империясининг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ижтимоий иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни, динга ва адолатга бўлган муносабати, жамоат ишларини, давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда турли муаммоларни ҳал қилишда Кенгаш билан юритиш асосида олиб борилиши мисолида қайта тиклаш зарурати пайдо бўлди.

Амир Темурнинг шахсан ўзи жангларда бевосита иштирок этиб, Мовароуннаҳрни мўғул истибодидан, қарамликдан халос қилди, тарқоқ улус ва халқларни бирлаштириб, мустақил ва кучли давлатни барпо қилди. Унинг ғоялари ва қарашлари у яшаган даврда долзарб эди, аммо ҳозирги авлодлар учун ҳам фойдалидир.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг «Темур тузуклари» китобига ёзган сўзбошини ўқир эканмиз, беихтиёр шундай хулосага келиш мумкинки, СССР парчаланиб кетганидан кейин Ўзбекистон мустақилликка эришганида, ўтиш даврининг энг оғир шароитида, мамлакатда мустақил давлатчиликни қарор топтириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатлари пойдеворига ўтказиш борасида ислоҳотларни амалга оширишда Темур тузукларидан унумли фойдаланган, деган хулосага келамиз.

Давлат ишларини ҳал қилишда Амир Темур ўзининг ишонганларидан иборат Кенгашни яқин тутди ва тўғри қарор қабул қилиш йўлини топди, устозларининг фойдали маслаҳатлари ва кўрсатмаларини миннатдорчилик билан қабул қилди. Унинг пири Зайниддин Абубакр Таёбодий Амир Темурга йўллаган мактубида давлат ишларини олиб боришда тўртта қоидага амал қилиш кераклигини айтади: 1-маслаҳат (ўзинг билан); 2-кенгашиш (бошқалар билан); 3 - ҳушёр бўлиш ва қатъий ҳукм чиқариш; 4-

[27] Темур тузуклари. - Т.: «Ўзбекистон», 2014. 3 бет. (перевод автора с узб. языка).

эҳтиёт бўлиш. А.Темур ҳали ишни бошламасдан, муаммоли вазият юзага келса, у ердан қандай чиқиш кераклиги ҳақида кўп ўйлар эди. Қабул қилган қарорини тўғри чоралар, сабр-тоқат, эҳтиёткорлик ва оқибатлари ҳақида ўйлаш билан якунлар эди. У ўз тажрибасидан билар эдики, маслаҳат икки хил бўлиши мумкин: биринчиси, баландпарвоз оҳангда билдирилган маслаҳат. У бундай маслаҳатни фақат тинглаган, холос. Иккинчисичи – юракдан келадиган маслаҳат. У бундай маслаҳатни ўз қалбида сақлаган ва ҳар доим амал қилган. Амир Темурнинг таъкид-лашича, юз минглаб отлиқлар ёрдамида ҳал қилиб бўлмайдиган масалани, тўғри чоралар (нозик дипломатия) ёрдамида ҳал қилиш мумкин. Амир Темурнинг ишонч билан таъкидлашича, у барпо этган давлат пойдевори ўн икки Тузукка асосланган. Ушбу тузукларга амал қилмаган давлатнинг ҳалокатга учраши муқаррар, деб ҳисоблаган.

Темур генетика каби фан борлигини мутлақо билмаган. Бу фан XX аср кашфиётидир. Аммо у интуитив равишда оиласи ва уруғининг тозалигига алоҳида аҳамият берган. Унинг ўзи келинларини танлаш жараёнини назорат қилган ҳамда уларнинг етти аждоди тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган. Бу танловга мамлакатнинг бирлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий мақсадлар ҳам бевосита таъсир кўрсатган. У соғлом болалар туғилишининг тарафдори бўлган, ўғил болалар тар-биясига алоҳида эътибор бериб, уларнинг кучли жангчилар бўлиб улғайиши, ҳукумат илмларини ўрганиши, оилага, давлатга содиқ бўлиб тарбияланишининг тарафдори бўлган. Болаларни онала-ридан олиб, уларни оиланингбошқа аъзоларига тарбиялаш учун берган.

Темур ўн бешинчи асрда билиб, қилган нарсаларининг кўпи бугунги кунда бизнинг хонадонларимиз ва оилаларимизга ҳали ҳам маълум эмас.

III БОБ. ТЕМУР ДАВЛАТИ ВА УНИНГ МОВАРОУННАҲРНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

Ушбу бобда биз Темурийлар давлати ва Шайбонийлар давлати иқтисодиётининг қиёсий ҳолати, шу жумладан, Россия империясининг мустамлака даври ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз.

3.1. Темурнинг оқилона иқтисодий сиёсати – унинг империясининг куч-қудрати ва гуллаб-яшнашининг асосидир

Аввало, «империя» сўзининг келиб чиқишига мурожаат қилайлик. Империялар монархнинг (императорнинг) мутлақ ҳокимияти остида бирлашган ва жуда узоқ вақт давом этган энг кучли ва энг катта қабилалараро, миллатлараро давлат тузилмалари сифатида тушунилади. Империя давлат сифатида, кўпинча иқтисодий ва географик шароитлари, аҳолининг этник таркиби ва маданий анъаналари жиҳатидан турлича бўлган ва жуда катта ҳудудларни ўз ичига олади.[28]

Қадимги Миср, Хитой, Рим, Эрон ҳудудларида вужудга келган империялар жаҳон цивилизациясининг тарихи ва ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Шарқда Эрон империясидан ташқари, Араб халифалиги ва халифалик таъсирида вужудга келган Хоразм (712-1220), Сомонийлар (819-999), Ғазнавийлар (IX-X асрлар), Қорахонийлар (X аср - 1212 йилгача), Салжуқийлар (XI-XIVасрнинг бошлари) давлатлари, Чингизхон империяси, кейин унинг харобасида Темур ва Темурийлар империяси, Шайбонийлар давлати, Хива хонлиги, Бухоро хонлиги, Манғит ҳукмдорларининг Бухоро амирлиги, Россия империяси Ўрта Осиё халқларининг тарихида муҳим роль ўйнаган.

Инсоният узоқ давр давомида натурал (ўзлаштирма) хўжалик ва оддий ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиёт исканжасида яшаб келди.

[28] Великие империи мира. - М.: РИПОЛ классик, 2011. 3 бет.

Фақат империялар вужудга келгани туфайли инсоният цивилизацияси улкан чўққиларни забт этиб, маълум даражада иқтисодий тараққиётга эришди.

Қадимги Дунё империяларига Миср - 3000 йилдан ортиқ, Рим - 2200 йил, Оссурия - 700 йил, Эрон - деярли 200 йил, Рим ва Византия - 1000 йилдан кўпроқ вақт давом этган империялар ҳамда Хитой империяси киради.

Тарихда фақат ҳудуднинг катталиги билан эмас, балки инсоният жамиятининг ривожланишидаги аҳамияти билан улкан из қолдирган империялар мавжуд. Келинг, дунёдаги энг қадимги тамаддунлардан бирининг бешиги бўлган Миср империясидан бошлайлик. Агар Месопотамия мамлакатлари ҳар доим географик муҳитидан келиб чиқиб турли хил истилоларга тайёр туришган бўлса, Шарқ томондан чўллар билан ажралиб турган Миср Месопотамияга нисбатан устунликларга эга эди. Мисрнинг жанубидаги баланд тоғлар ва Нилнинг қояли тизмалари, мамлакат шимолида Ўрта ер денгизи ва Нил делтасининг ботқоқ водийси, ғарб ва шарқдан - чўлнинг иссиқ қумлари табиий мудофаа чизиғи вазифасини бажарар эди. Қадимги юнон тарихчиси Диодор Сицилийнинг ибораси билан айтганда, «Миср табиат томонидан ҳар тарафлама ҳимоя қилинган». Айнан шу қулайлик мамлакатга бир қатор устунликларни берди. Миср Месопотамия мамлакатларига қараганда камроқ босқинга учради. Зўрға пайдо бўлган Миср давлати деярли 3000 йил давомида ҳайратланарли даражада барқарор, консерватив ва бардошли бўлиб чиқди. Миср тамаддуни тарихидаги сўнгги буюк давр Янги подшоҳлик даври эди (мил. авв. 1570-1075 йй), буюк фиръавнларнинг моҳирона ҳарбий ва давлат бошқаруви туфайли Миср ҳақиқий империяга айланди. Бу давр мамлакатга энг машҳур ҳукмдорларни берди. Шу билан бирга, бу Яқин Шарқ давлатлари билан доимий тўқнашувлар даври эди.

Икки минг икки юз йил давом этган Рим империяси инсониятнинг ҳозирги тамаддуни учун жуда кўп нарса берди. Римликлар кўп жиҳатдан муваффақиятларга эришдилар, улар жуда катта муваффақиятлар келтирган ҳарбий тактикаларини ишлаб чиқдилар, босиб олинган ҳудудларни бошқардилар ва иқтисодиётини ривожлантирдилар. Қадимги Римдан бугунги санъат ва меъморчиликнинг ривожланиши бошланди, қонуний ва

ҳуқуқий институтлар жамиятни тартибга солиш ва бошқаришнинг муҳим асоси сифатида жорий этилди. Шунинг учун ҳам кўпчилик, ҳақли равишда, римликларсиз замонавий тамаддун бўлмаган бўлар эди, деб ҳисоблашади. Рим империясининг қулаши натижасида Византия империяси пайдо бўлди ва у ўн бешинчи асргача давом этди. Византия Рим империясининг ишларини давом эттирди, аммо диний йўналиши ўзгариб, насронийлик пайдо бўлди ва империя буни шарқ мамлакатларига тарқатишга ҳаракат қилган. Пойтахт мамлакатнинг савдо марказига айланади, шундан келиб чиқиб барчанинг диққат марказида бўлади. Доимий урушлар ва талончилик империяни заифлаштирди, чунки бир неча жабҳада муттасил кураш олиб бориш мумкин эмас эди. Византия империяси Усмонли туркларларнинг ҳужумига дош беролмади ва ҳалокатга учради.

Мўғул империясининг асосчиси ҳарбий саркарда Темучин (Чингизхон) бўлган. У мунтазам равишда урушлар олиб бориб, янги ҳудудларни забт этди. Буюк Темучин бизнинг сайёрамизда яшаб ўтган энг золим ва шафқатсиз инсонлардан биридир. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Чингизхоннинг отаси қўшни қабилага қарши босқинда ҳалок бўлган ва унинг онаси етти нафар болани ёлғиз боқиш ва улғайтиришга мажбур бўлган. Тўққиз ёшида Чингизхон овқат талашиб укаси Бектерни ўлдириб қўяди. У ҳали болалигида шундай зўравонликка мойил табиатли эди. Темучиннинг бошқаруви даври ниҳоясиз қонли урушлар ва одамларнинг шафқатсиз қирғин қилиниши билан ажралиб туриши бежиз эмас. Одамларни қирғин қилиш борасида тарихдаги ҳеч бир саркарда Чингизхон билан тенглаша олмайди. Чингизхоннинг очкўзлиги ва қонхўрлиги сайёрадаги 40 миллион одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, шафқатсиз босқинчи ўша пайтда дунё аҳолисининг 11 фоизини йўқ қилди. Бундан ташқари, жуда кўп одамларнинг ўлими бутун XIII аср давомида сайёрамиз иқлимини совутиб юборди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бунга сабаб атмосферага урушда ҳалок этилганлар ҳисобидан тахминан 700 миллион тонна CO_2 кўтарилмаганидир. XIII асрда бутун Европада мўғуллар истилосидан қўрқмайдиган бironта мамлакат бўлмаган - Чингизхон империяси бутун Осиёни эгаллаб, шарқда Вьетнамдан бошлаб

ғарбда Венгрияга қадар бўлган ҳудудларни эгаллаган эди ва унинг қудратли армиясига ҳеч ким қаршилик кўрсатолмас эди. Ушбу империя бутун инсоният тарихида энг катта ҳудуд ва дунё аҳолисининг энг катта қисмига эга бўлган империя эди. Унинг бутун дунёни эгаллашига озгина қолган эди. Бироқ, ўша пайтларда бундай улкан ҳудудни бошқариш жуда мураккаб эди, чунки мўғуллар ҳукмронлиги остида ҳар қандай қулай вазиятда қўзғолон кўтариши мумкин бўлган жуда кўп миллатдан иборат халқлар бўлган. Муғуллар ўз замонасининг буюк жангчилари бўлгани шубҳасиз, аммо уларнинг давлатни маъмурий бошқарувида жиддий муаммолар мавжуд эди. Мўғул империясининг давлат бошқарувидаги бутун сиёсати улкан қўшинни сақлаш ҳамда кўпайтиришга йўналтирилган ва Буюк Чингиз империясининг яхлитлиги, дахлсизлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодиёт билан эса ҳеч ким жиддий шуғулланмаган. Фатҳ қилинган ерларнинг барчаси хонга мажбурий хирожлар тўлаган. Чингизхон асос солган империя ҳам бошқа империялар қатори ҳокимият учун курашлар, ишғол қилинган ҳудудлар аҳолисининг иқтисодий ривожланиши ва фаровон турмуш шароитларини яхшилашга ҳаракат қилинмагани сабабли кўтарган қўзғолонлари натижасида барбод бўлди. «Аслида, турли хил халқларни бирлаштирган, иқтисодий ва маданий ривожланишнинг турли даражаларига эга бўлган ҳар қандай империя барқарор тузилма бўлиши мумкин эмас»[29].

Усмонийлар империяси олти юз йил давомида ҳукм сурган. Ушбу империя Византия империясининг қулашидан кейин пайдо бўлди. Ўз ҳукмронлиги даврида Усмонийлар Европанинг ярмини ва Россиянинг бир қисмини босиб олишга муваффақ бўлди. Усмонийларнинг ҳукмронлиги даврида кўплаб ҳарбий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди, шунингдек, ғазначилик тизими ва девонхонада иш юритиш кучли ривожланди. Иқтисодий марказларнинг ривожланиши, мутлақо янги йўлларнинг очилиши, экин майдонларининг кенгайиши ва халқаро савдонинг ривожланиши билан давлат асосий иқтисодий жараёнларни амалга оширди. Шунга қарамай, давлат асосан сиёсий ва иқтисодий соҳадан манфаатдорлигини сақлаб қолди. Тинимсиз урушлар ва

[29] Великие империи мира. - М.: РИПОЛ классик, 2011.- 3-4 бетлар.

тахт учун курашлар натижасида Усмонийлар империяси кучсизланди ҳамда давлатнинг ривожланиши инқирозга учради ва охир-оқибатда барбод бўлди.

Манбаларда Россия империяси тарихи тўғрисида кўп ва қизиқарли ҳикоя қилинган. Империя Буюк Пётрдан бошланиб, Николай II нинг ҳукмронлиги билан барбод бўлди. Бу давр оралиғида Россияда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Россия Европа даражасида ривожланган ва катта ҳарбий денгиз кучига эга бўлган давлатга айланди. Тез-тез бўлиб турадиган урушлар мамлакатни заифлаштирди, аммо у охиригача туриб берди. Фақат инқилобий тўнтариш орқали ўрнатилган сиёсий тизим йўқ қилинди.

Япония империяси бир аср давом этгани учун кам танилган, аммо у ҳам буюк деб тан олинган. Бу ерда ҳам урушлар ва ҳокимиятнинг ўзгариши империянинг қулашининг сабабчисидир. Учинчи рейх – бутун инсониятнинг энг даҳшатли тарихий давридир. Бу империянинг иморати ҳаддан ташқари шафқатсизлик ва миллатчилик устига қурилган эди. У жуда қисқа вақт амал қилди, лекин энг қонли империя сифатида тарихга кирди ва Иккинчи Жаҳон урушида фашизм мағлубиятидан кейин қулади. Энг сўнгги империялардан бири бу – собиқ СССР ҳисобланади. Бу сифат жиҳатидан янги сиёсий тизим бўлиб, унда бошқарув бутунлай партия қўлига топширилган ва барча масалалар партия қурултойи қарорлари асосида ҳал қилинган. СССР даврида ютуқлар ва муваффақиятсизликлар, кўтарилишлар ва пасайишлар юз берди. Бу империя ҳукмронлиги ҳам узоқ давом этмади ва қон тўкишларсиз тугади. Давлат тўнтариши амалга оширилди ва СССРнинг давлат сифатидаги фаолиятига барҳам берилди.

Бобур, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳжахон ҳукмронлиги остида бўлган Буюк Мўғул империясини нисбатан барқарор бўлган империялар сирасида қайд этиш мумкин. Буюк географик кашфиётлардан сўнг ўз истилолари тарихини бошлаган инглиз, испан, португал, голланд, французларнинг барпо этган империяларини мустамлакачи империялар сирасига, Германия, Австрия-Венгрия, Япония ва Усмонийлар империясини анъанавий империялар таркибига киритиш мумкин. Темур империясини ҳам улар қаторида қайд этиш тўғри бўлади. Ушбу империялар ягона мафкуравий марказ, қуролли кучлар ва иқтисодий маконда барпо

этилган ҳамда давлат институтлари томонидан тизимли назорат қилинадиган тузилмалардан иборат бўлган.

Темур томонидан асос солинган империя дунёнинг йирик империялари орасида алоҳида ўрин тутади. У яратган империянинг буюклиги ва кучи, авваламбор, Соҳибқироннинг ғайритабиий шахсий фазилатлари ва истеъдоди билан белгиланади. Темур тарихда улкан мерос қолдирган буюк шахслар тоифасига мансуб бўлиб, унинг шахсияти тўғрисида жуда кўплаб тортишувлар бўлган, бўляпти ва бундан кейин ҳам давом этади. Темур ўзини бутун жаҳонга ҳукмронликка муносиб, деб ҳисоблаган ноёб автократик ҳукмдорлардан эди. Темур даврида Мовароуннаҳр нафақат жуғрофий, балки сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳам Марказга айланди. Хитой, Ҳиндистон, Мўғулистон, Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Ироқ, Византия ва бошқа давлатлар ҳукмдорлари Темурга ўз элчиларини юборишган. Ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида ҳам Темурнинг улкан иқтидор соҳиби экани кўзга ташланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан яқин дипломатик алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлган кенг дунёқарашли давлат арбоби, нозик сиёсатчи ва дипломат сифати тўлиқ намоён бўлди.

Улкан империянинг асосчиси Темур қаттиққўл, аммо жуда ақлли ва таҳлилий фикрлаш қобилиятига эга эди. Ушбу фазилатлари туфайли у энг қийин, ўта мураккаб сиёсий ва фавқулодда вазиятларда ҳам ягона тўғри, оқилона қарорлар қабул қила олган. Ўзининг ана шундай ноёб шахсий фазилатлари ва истеъдоди туфайли у оддий ёлланма аскардан дунёга машҳур давлат арбобига айланишга, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий тамойиллар асосида марказлашган давлатга бирлашган кучли давлатни барпо этишга муваффақ бўлди. Марказий Осиё ва унга туташ бўлган ҳудудларни ягона марказлашган давлатга бирлаштиришда Темур ёрдам берадиган турли усуллардан фойдаланган: ҳарбий куч, дипломатия ва рағбатлантириш чоралари. Масалан, Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги муносабатлар рус князликлари ҳолатига бевосита таъсир кўрсатар эди ва кўплаб Европа халқларининг тақдири Темур ва Боязид ўртасидаги муносабатларга боғлиқ эди. Иккинчи ҳолда, Боязид устидан қозонилган ғалаба Европа мамлакатлари учун стратегик аҳамиятга эга

эди, чунки бу Европа халқларини Болқон ярим оролига туркларнинг ҳужуми хавфидан халос қилди.

Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг бой меросини ўрганиш, унинг фаолияти ва улкан империяни бошқаришдаги тажрибасининг илмий таҳлили, аждодларимизнинг асл ватани – Мовароуннаҳрда ички иқтисодий тараққиётнинг кўплаб муҳим муаммоларини ҳал қилишга, замонавий шароитда ишлаб чиқариш кучларини самарали ривожлантиришнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлашда фойдали сабоқ олишга имкон беради.

Бошқа босқинчилардан фарқли равишда, Амир Темур фатҳ қилинган ҳудудлардаги халқларнинг турмуш шароитини яхшилашга доимий эътибор бериб келган. Шуни таъкидлаш керакки, «... энг мустаҳкам давлат тузилмасига эга ҳукмдорлар ўзига бўйсунган халқларининг урф-одатлари ва қонунларига ҳурмат билан қараган, уларга ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини берган ва давлатнинг асосий функцияларини солиқларни ундириш, савдо муносабатлари ва тинчликни сақлаш билан чеклашга қодир бўлган империялар эди»[30].

Амир Темур, давлат бошқарувида катта тажрибага эга бўлган донишмандларнинг маслаҳатларига амал қилиб, ташаббускор одамларни жуда юқори баҳолаган. У шундай деган: “Менинг тажрибам шуни кўрсатдики, азму-шижоатли, ишбилармон, ҳушёр, жасур ва қўрқмас одам тадбирсиз, лоқайд одамларга нисбатан афзалроқдир. Тажрибага эга бўлган бир киши минглаб одамларни иш билан таъминлайди.

Тажрибадан билдимки, кимдир Буюк Аллоҳнинг ёрдами ва уни қулининг тадбири билан ғолиб бўлиши мумкин»[31].Амир Темурнинг бу сўзлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотмади. «Темур тузуклари» – бу катта донишмандлик китоби. Унинг ҳар бир сатри чуқур маъно билан тўйинган ва ҳар бир саҳифасида ҳақиқат садо беради. Мазкур асарнинг барча тафсилотларини ёритиб беришнинг имкони бўлмагани сабабли, биз ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган, долзарб жиҳатларини етказиб беришга ҳаракат қилмоқчимиз.

---

[30] Великие империи мира. - М.: РИПОЛ классик, 2011. 3-4 бетлар.

[31] Темур тузуклари. -Т.: «Ўзбекистон», 2014. 95 бет.

“Темур тузуклари”раҳбар ўз сўзининг устидан чиқадиган бўлиши ва барча масалаларда адолатли бўлиши кераклигини ўргатади. Ҳукмдор ўзининг буйруқ ва тақиқларининг ижросидан хабардор бўлиши керак, токи ҳеч ким уни ўзгартириш ёки бузишга жазм эта олмасин. Ҳукмдор ўзининг қарорларига қатъий риоя қилиниши ва уларнинг бажарилишини назорат қилиши керак. Ҳукмдорнинг буйруғи, кимгадир ёқиши ёки ёқмаслигидан қатъи назар, бажарилиши шарт. Ҳукмдор бошқарувни ҳеч кимга бермаслиги керак, чунки дунёда бошқа одамларнинг хотинларига эга бўлишни хоҳлайдиганлар кўп ва айнан Султон Масъуд Ғазнавий билан шундай ҳол юз берган (вазирлар унга хиёнат қилишган ва ҳокимиятни эгаллаб олишган). Ҳукмдор бошқаларнинг ҳам фикрларини тинглаши, лекин ҳамма нарсани ўзининг билганича амалга ошириши керак. Ҳукмдорнинг қатъиятлилиги халқнинг қалбида бўлиши муҳим. Ҳукмдор сўз ва хатти-ҳаракатни танлашда эркин, чунки ҳукмдор бошқа афзалликларга эна эмас. Давлат ишларида ҳукмдорнинг шериги бўлмаслиги керак. Ҳукмдор ўз фуқароларининг феъл-атвор хусусиятларини эҳтиёткорлик билан баҳолаши ва мунтазам хабардор бўлиши керак.[32] Бундан олти юз йил муқаддам битилган бу битиклар демократик республика ва фуқаролик жамиятининг тамойилларини инкор этмайди ва замонавий тамаддун шароитида самарали фаолият юритадиган давлат органини барпо этишда улардан фойдаланиш мумкин. Темур қўшинидаги ҳарбийларга, барча даражадаги давлат хизматчиларига, шунингдек, ҳарбий саркарда, амирларга тўланадиган маошни белгилаш тизимидаги рағбатлантириш ва моддий мукофотлаш тизими бугунги кун ўқувчиси учун ҳам қизиқарлидир.

Амирларга тўланадиган маош уларнинг даражасига қараб 1000 дона отнинг нархидан 10 000 дона отнинг нархигача белгиланган. Бевосита Темурнинг авлоди бўлган амирларига 12 000 тагача бўлган отнинг нархида маош белгиланган ҳамда уларга вилоятларни бошқариш ҳуқуқи берилган. Темурнинг ўғиллари ва набираларининг таъминоти уларнинг қариндошлик даражаси ва ёшига боғлиқ бўлган. Шунингдек, амирнинг маоши унинг аскарларининг иш ҳақидан 10 баравар кўп бўлиши кераклиги қайд

[32] Темур тузуклари. -Т.: «Ўзбекистон», 2014. 96-98 бетлар.

этилган. Девонхона котиби, назоратчиларнинг маоши амирларнинг иш ҳақидан 10 баравар кўп бўлиши белгилаб қўйилган.

Темур ўзининг меросхўри бўлган биринчи ўғли Муҳаммад Жаҳонгирни вилоят ҳокими этиб тайинлади ва унга 12 минг отлиқнинг маошига тенг улуш - улуфа беришни буюрди. Иккинчи ўғли Умаршайхга вилоят билан 10 минг отлиқнинг маошига тенг ҳақ тўлашни буюрди. Учинчи ўғлига Мираншоҳга вилоят берилиши билан 9 минг отлиқнинг маошига тенг ҳақ тўланадиган бўлди. Тўртинчи ўғли Шоҳрухга вилоят берилиши билан минг отлиқнинг маошига тенг ҳақ тўланган. Бошқа одамларга арпа ёки бошқа турдаги дон билан маош тўланган. Лекин, маош тўлашда асосий ўлчов отнинг нархидан келиб чиққан. Чунки, бозорда отнинг нархи барқарор ва ишончли эди.

Темур қўшинининг асосий қисми кўчманчилардан иборат бўлганлиги сабабли улар от, қўй, туя ва бошқалар ёрдамида моддий бойлик қийматини белгилашган, шундан келиб чиқиб, жангчининг маоши унинг миниб юрган отнинг нархи билан белгиланган. Пиёда аскарлар ва хизматчилар (отлиқлар, махсус хизматчилар, чодирлар) 100 дан 1000 тагача от нархларида маош олишган. Таъкидлаш керакки, пиёдалар қўшиннинг оз қисмини ташкил этган. Қўшиннинг асосий қисми тезкор ҳаракат ва катта тезликни таъминлайдиган отлиқ қўшиндан иборат бўлган. Шунингдек, ҳарбийларнинг жанговар маҳорати учун мукофотлар, маошларнинг оширилиши, ўлжа тақсимотидаги улушларнинг кўпайиши, унвон юксалиши, туғ бериш ва ҳоказолардан иборат бўлган.[33]

Ўз хизмат бурчини ўтаётган жангчи отининг нархига тенг маош олган. Баҳодирларга эса 2 тадан 4 тагача отнинг нархида маош тўланган. Ўнбошининг маоши оддий жангчининг маошидан ўн баравар кўп эди. Юзбошининг маоши ўнбошининг маошининг икки баравари миқдорида белгиланди. Мингбошининг маоши юзбошининг маошининг уч баравари миқдорида тайинланди.

Рағбатлантириш чоралари билан бир қаторда, ҳарбий хизматдаги камчиликлари учун жангчиларни моддий жавобгарликка тортиш чоралари ҳам қўлланилди. Масалан, агар аскарлардан бири хизмат пайтида хатога йўл қўйган бўлса, унинг маоши 1/10

[33] Иванин М.И. «Чингизхан и Амир Тимур». -Т.: «Янги аср авлоди», 2017. 184-185 бетлар.

миқдорида қисқартирилган. Шунингдек, ўнбоши юзбошининг, юзбоши мингбошининг, мингбоши амир-ул-умаро (амирларнинг амири) ижозати билан хизмати учун - улуфа - хизмат ҳақи олган.

Темурнинг асосий фикрлари ва интилишлари улуғвор империяни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, давлатни бошқариш, кенг ҳудудларда осойишталикни сақлаш, исёнкор ва бўйсунмас қўзғолончиларни тинчлантириш, ташқи дунё билан дипломатик алоқаларни ўрнатишга йўналирилган эди. Ами Темур давлат бошқарувида иқтисодий муаммоларга ҳам катта эътибор қаратди. У замонавий макроиқтисодий сиёсат назарияларидан бехабар бўлса-да, империясининг ривожланиши ва гуллаб-яшнашида, давлат пойдеворини мустаҳкамлаш, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишда савдо-иқтисодий алоқалар, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг роли ва аҳамиятини аниқ тушунган.

Амир Темур ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, саройлар ва меъморий ёдгорликларни қуриш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, улкан империясидаги музофотлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кучайтиришга катта аҳамият берди. Амир Темурнинг пул-кредит сиёсати алоҳида эътиборга лойиқдир. Тангалар асосан иккита қиймат кўринишида зарб қилинган: танга деб номланган - оғирлиги 6 граммга тенг ва танганинг тўртдан бир қисми 1,5 граммга тенг бўлган, “мири” деб номланган майда кумуш тангалар. “Мири” атамаси шубҳасиз, Темурнинг «Амир» унвонидан келиб чиққан. Истеъмол товарлари савдосида юқорида қайд этилган иккита номиналга қўшимча равишда майда чакана савдо учун мис тангалар ишлатилган. Ушбу тангалар Амир Темур номи билан зарб қилинган.

Мутахассислар тангалар Астробод, Астара, Боку, Басра, Боғдод, Ҳирот, Бомиён, Дарбанд, Язд, Исфахон, Кирмон, Кушон, Қум, Мардин, Маҳмудобод, Машҳад, Сава, Самарқанд,Султония, Табриз, Хоразм, Шебанкара, Шираз каби шаҳарларнинг 40 тасидаги зарбхоналарда зарб қилинганини аниқладилар.

Ушбу тангалар нафақат Амир Темур ва Темурийлар давлатлари учун савдо-сотиқни таъминлаган, балки Шарқ мамлакатла-

ридан ташқарида ҳам тенг равишда муомалада бўлган ва ишлатилган. Ушбу тангаларни ўрганиш Темурийлар даврида пул-кредит муносабатларининг сиёсий ва иқтисодий тарихини, шунингдек, бутун империя бўйлаб турли бозор субъектлари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ муносабатларининг ривожланиш даражасини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Амир Темур номи билан зарб қилинган тангалардаги герб учта майда ҳалқалардан иборат эканлиги аниқланган. Испания қироли элчиси Р.Н. Клавихонинг сўзларига кўра, бу белги Амир Темур учта қитъанинг ҳукмдори бўлганини англатган. Амир Темур давридаги тангалар геометрик гўзаллиги ва ажойиб дизайни билан ажралиб туради, бу эса Мовароуннаҳр ва Хуросон зарбхоналаридаги усталарининг юқори даражадаги саноат маданияти ва санъатидан далолат беради.

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий валюта – сўм муомалага чиқарилди, бу эса республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлади. 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги шарафига эсдалик тангалар зарб қилинди, зарҳал ва кумуш ранглар - 10, 100 сўм, 1997 йилда 99,99 олтин танга - «100 сўм» чиқарилган.

Темур давлатида суғориладиган деҳқончилик билан бирга дашт кўчманчи ва яйлов чорвачилик, қўйчилик, отчилик ва овчилик ривожланган. Қизилқумнинг кенг ҳудудларида туялар боқилар эди, аҳоли паррандачилик, деҳқончилик билан машғул эди. Солиқ имтиёзлари бериш, бузилган суғориш тизимларини тиклаш ёки янгиларини қуриш ва ҳоказолар орқали аҳолининг фаол иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолияти давлат томонидан кучли қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди. Энг муҳими, аҳолининг иқтисодий фаоллиги даромадларнинг ўсиши ва унинг сотиб олиш қобилиятига, уй-жой шароитларини яхшилаш истагига айланди, натижада Мовароуннаҳр ҳудуди янги барпо этилган шаҳар ва қишлоқлар билан қуршаб олинди. Пойтахт Мовароуннаҳрда ва бошқа йирик шаҳарларда Буюк Ипак йўлининг карвонлари томонидан олиб келинган товарлар билан ҳам, маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар билан ҳам қизғин савдо-сотиқлар авжига чиқди. Булар мўйналар, кулолчилик

буюмлари, зираворлар, маржонлар, косметика воситалари, шифобахш ўтлар ва бошқалар. Қорамол ва бошқа ҳайвон турлари билан ҳам савдо-сотиқ фаоллашди. Маҳаллий ҳунармандлар юқори сифатли чарм ва жун маҳсулотларини ишлаб чиқаришга интиладиган бўлдилар. Озиқ-овқат бозори сут ва гўшт маҳсулотлари билан тўлдирилди, балиқ ҳам сотиладиган бўлди. Шаҳар аҳолиси ва қишлоқ аҳолисининг яқин иттифоқлашуви ва иқтисодий ҳамкорлиги, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва карвон савдосининг тез ва ўзаро боғлиқ, мутаносиб ривожланиши натижасида Темур империясининг қудрати ва халқ фаровонлигининг ўсишини таъминлайдиган ўзига хос иқтисодий салоҳияти вужудга келди.

Учта иқтисодий таркиб – кичик шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ва савдо ўзаро бир-бирини тўлдириб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, биргаликда давлат ва одамларни зарур нарсалар билан таъминлашга эришдилар.

Темур империяси дунёдаги энг йирик давлатлардан бирига айланди. Унинг ҳарбий қудрати мисли кўрилмаган эди, унга қаршилик кўрсатишга ҳеч ким журъат эта олмас эди ва бу Темурга ташқи дунёга ўз шартларини қўйишга имкон берди. Мавжуд давлатларнинг аксарияти – Ҳиндистон, Миср, Олтин Ўрда, Кавказорти, Туркияга Темурнинг амалга оширган ҳарбий юриши пайтида унинг зарбасининг кучини ўз тажрибаларида синаб кўришган. Ҳатто узоқ мамлакатлар ҳукмдорлари ҳам Темур билан ўзаро дўстлик муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилишган. Шарқ ва Ғарбни боғлайдиган энг муҳим савдо йўллари Мовароуннаҳр ҳудудидан ўтган. Натижада, бутун Осиё қитъасининг кўплаб давлатлари ва Европанинг муҳим қисми Темур империясининг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий алоқалари ва манфаатлари учун хизмат қилишга жалб қилинди. Мовараунаҳрда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадал ривожланиши ва иқтисодий ўсиши учун жуда қулай вазият яратилди. Академик А. Асқаров ўзининг «Ўзбек халқининг пайдо бўлиши тарихи» китобида тарихий далилларни чуқур таҳлил қилиш асосида «... Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда сиёсий ва этник вазият барқарорлашди»[34], дэган муҳим хулосага

[34] Аскаров А. История происхождения узбекского народа. - Т.: «Узбекистан», 2018. 472 бет.

келди. Бизнинг фикримизча, айнан сиёсий барқарорлик ва ноёб этник вазият буюк Темурнинг улкан саъй-ҳаракатлари туфайли эришилган. Давлатлараро алоқаларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши, кенг миқёсдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг бирлашуви ривожланиш учун қулай шароитни вужудга келтирди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли кенг қатламларининг иқтисодий фаоллиги ошишига, давлатнинг иқтисодий салоҳияти ва одамларнинг моддий фаровонлигининг ўсишига ёрдам берди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда иқтисодиёт ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларнинг юқори суръатлар билан ривожланиши ишлаб чиқаришнинг янада кенгайиши ва марказлашиши, унинг сифат жиҳатидан юксалиши ва дастлаб капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланишига ёрдам берди. Масалан, Бухорода, Марвда (Наршахи-ал-Утби асари) ишлайдиган тўқув корхоналари – «байтуттироз»ларда оддий фуқаролар, чорикорлар, асирлар, қуллар ёлланма ишчилар сифатида ишлашган ҳамда бундай ишлаб чиқариш жараёни дастлабки феодал кооперативларига мисол бўлади. Ўрта асрларда Самарқанд қуролярог ишлаб чиқариш корхоналар орасида йирик ишлаб чиқарувчилар тоифасига кирар эди (Клавихонинг 1404 - 1405 йиллардаги асари). Давлатнинг йирик устахоналаридаги ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши асосида оилавий кооперативларда ҳам меҳнатни ташкил этиш тажрибаси қўлланилган ва шундай қилиб дастлабки капиталистик институтлар қужудга келган. Натижада, Ўрта Осиёда преал муҳитда кичик ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва турли оилавий ҳамкорлик институтларида капиталистик ишлаб чиқаришнинг дастлабки куртаклари пайдо бўлиши учун шарт-шароит етилди.

Биз Амир Темур иқтисодий сиёсатининг асосий хусусиятлари, тамойиллари, унинг иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш ва империянинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни тараққий эттиришга ижобий таъсир кўрсатган чора-тадбирларини ёритишга ҳаракат қилдик. Шундай қилиб Амир Темур:

- парчаланиб кетган кучсиз давлатларни бирлаштирди ва кучли марказлашган давлатни барпо этиш орқали бунёдкорлик,

савдо алоқалари, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратди, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, турли ҳунармандлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тажриба алмашиш, меҳнат тақсимоти, янги тур маҳсулотлар ва хизматлар турларининг пайдо бўлишига замин яратди (айниқса, почта хизматлари);

- иқтисодий жараёнларда давлатнинг роли ва таъсирини кучайтирди, деҳқончилик воҳалари, суғориш тизимларини тиклади, янги каналлар, тўғонлар, сув омборлари, зиёратгоҳлар, саройлар, қалъалар,обод қабристонлар, почта иншоотларини қурди. Буларнинг барчаси ҳукмдорнинг ташаббуси билан ва давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ташкилий ишларнинг тўлиқ рўйхати эмас. Аммо улар натижасида аҳолининг катта қисми фойдали иш ва даромад манбаи билан таъминланди;

- мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, аскарлар учун ҳақ тўлаш ҳамда моддий зарарни қоплашнинг самарали тизими яратилди, энг муҳими, хизматдаги камчиликлар ва хатоликлар учун масъул шахслар моддий жавобгарликка ҳам тортилиш тизимини жорий этди;

- Мовароуннаҳрга катта маблағ ва бойликнинг кириб келишини таъминлади. Масалан, Ҳиндистондан олтин ва заргарлик буюмлари карвони олиб келинди. Масалан, йилномаларда олтинларни «мингта туя»да олиб келишди, дейилгани фикримизнинг ёрқин далили.[35] Мамлакатга бойликларнинг кириб келиши, савдо ва саноатнинг ривожланиши ҳақидаги қайғуриш мамлакатнинг ички иқтисодий эҳтиёжлари билан боғлиқ эди. Шубҳасиз, Темур пул ва бойликка шаҳарсозлик, ободонлаштириш, савдо, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчиликни ривожлантириш, мамлакат мустақиллигини таъминлашнинг воситаси сифатида қараган, ўз мамлакатини қудратли, бой ва бошқа давлатлар орасида обрў-эътиборини оширишга ҳаракат қилган;

- у қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш муносабатларини яхшилаш, ҳарбий қўшинининг озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтириш ҳамда ҳаётнинг асосий тармоғи ҳамда одамларнинг даромади манбаи сифатида қишлоқ хўжалиги тармоғини кўрди ва бу йўналишда диққатга сазовор чоралар қабул

[35] Интернет ресурс: https://taynikrus.ru

қилди. Гарчи Темур физиократларнинг асарларини ўрганмаган, мумтоз иқтисодиётчиларнинг ҳар қандай бойликнинг “отаси – меҳнат, онаси – ер”дир, деган илмий қарашларини билмаса ҳам, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш давлат учун ҳам, оддий одамлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини мукаммал тушунган. Бу ерда россиялик олимнинг қуйидаги сўзларидан иқтибос келтириш ўринлидир: «Шахснинг фаолияти, ижтимоий ҳаётга аралашуви,унинг қонунларни билиш билмаслигидан қатъи назар, ҳар доим жамиятда амал қиладиган ижтимоий қонунлар билан чамбарчас боғлиқдир. Акс ҳолда, одамнинг фаолияти маъносиз бўлади»[36]. Иқтисодиёт қонунларини, хусусан, эҳтиёжларни қондириш қонунини билмаган ҳолда, Амир Темур иқтисодий муаммоларни муваффақиятли ҳал қилди: мўғуллар ҳукмронлиги даврида вайрон бўлган ва ночор аҳволга тушган ирригация ва суғориш иншоотларини қайта тиклаш ишларини олиб борди ҳамда шу билан халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратишга ўз ҳиссасини қўшди. Унинг талабларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар муваффақиятли ҳал қилинди. Темур томонидан Мовароуннаҳр қишлоқ хўжалиги воҳаларини тиклаш, суғориш ишлари, магистрал каналлар, суғориш каналлари, тўғонлар, сув омборлари қурилиши, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш тизимлари, ерларни ривожлантириш, боғдорчилик, полизчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш, техник ва маданий ўсимликларни ўстириш бўйича амалга оширилган ишлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Манбалар Самарқанд, Шаҳрисабз, Қобул, Мурғоб водийсида, Эрон шимолида ва Озарбайжонда Темур ҳукмронлиги даврида олиб борилган суғориш ишлари ҳақида гувоҳлик беради. Темур Мовароуннаҳрнинг жануби-ғарбидаги Мурғоб водийси ва шимоли-шарқидаги Чу дарёси бўйларида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ўзлаштирилиши, Самарқандда деҳқончиликка ихтисослашган Анҳор туманининг ташкил этилишига катта ҳисса қўшди;

[36] Логинов В. Е. Роль личности в истории: анализ философских концепций. // ж. «Экономика и социум», 2017. №5 (36). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/rol-lichnosti-v-istorii-analiz-filosofskih-kontseptsiy (дата обращения: 19.01.2019).

- қалъа, шаҳарларни тиклаш ва қуриш, почта алоқаси ва йўл хизматларини ривожлантиришга, шаҳарларни ободонлаштириш ишларига катта ҳисса қўшди. У соқчилар турадиган миноралар, мудоффаа истеҳкомлари, қалъалар, муҳташам сарой ва қасрларни қуришга катта эътибор қаратди;

- шаҳарлар, меъморий иншоотларни қуришда фаол иштирок этди. Ёзма манбалар ва археологик материалларда Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларининг тараққий эттириш режаси, қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг бориши кенг тасвирланган. Темур шаҳарсозликнинг, саройлар ва бошқа меъморий иншоотларни қуриш ишларининг ривожланишида катта роль ўйнади. Темур ва Темурийлар даврининг машҳур меъморий, маданий ёдгорликлари сирасига Самарқанддаги Шохи Зинда, Гўри Амир меъморий ансамбли, Рухобод мақбараси, Шаҳрисабздаги оилавий мақбара, Туркистон шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси, Хўжанд шаҳридаги Шайх Маслаҳат ад-Дин мақбараларини киритиш мумкин. Шунингдек, Амир темур бир қанча батамом янги шаҳарларни ҳам бунёд этди. Тошкент воҳасида Шохрухия, Кавказортидаги Арран (Қорабог), Мовараууннаҳр минтақасининг шимоли-шарқидаги Қашғар, Байлакан билан чегарадош ҳудуддаги Ашпара каби янги шаҳарлар Амир Темур даврида бунёд этилди;

- диний маросимлар ўтказилдиган бино ва иншоотларнинг қурилишига ҳам катта ҳисса қўшди. Темур империяси, хусусан, унинг пойтахти Самарқандда диний маросимлар ўтказиладиган бинолар қурилишига оид тарихий ҳужжатлар сақланиб қолган. Темур ҳукмронлиги давридаги энг ажойиб бинолардан бири – Самарқанддаги қурилиши тугалланмаган жомеъ масжиди эди. Темурнинг бевосита таҳсири остида унинг энг яқин ҳарбий, сиёсий маслакдошлари ва сафдошлари ҳам масжидлар, мадрасалар ва хонақолар қурилиши билан фаол шуғулланишган. Темур даврида Муҳаммад Султон, Самарқандда Сарой Мулк Оға ва Шаҳрисабз мадрасаси қурилди. Энг йирик меъморий иншоотлардан бири – 1404 йилда қурилган Биби Хоним мадрасаси ҳисобланади;

- дунёда тенги йўқ муҳташам саройлар ва монументал қасрлар барпо этилди. Темур улуғвор саройлар, монументал қасрлар,

кўшклар қуриш жараёнида тўрт тармоқдан иборат «чорбог»ларда кичик боғчалар ташкил этиб, боғдорчилик санъатининг ривожланишига ёрдам берди. Амир Темур томонидан қурилган энг машҳур бинолар – бу Самарқанддаги Кўксарой, Шаҳрисабздаги улуғвор Оқсарой мажмуаларидир. Тарихий ва археологик манбаларда Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр боғларининг бунёд этилиш тарихи тасвирланган. Барпо этилган янги боғлар, бу боғларда бунёд этилган дабдабали саройлар ва ҳашаматли обидалар Амир Темурда фахр-ифтихор уйғотган;

- коррупция ва порахўрликка қарши шафқатсиз кураш олиб борди. Амир Темурнинг асосий шиори «Рости-русти» (Куч - адолатда) тамойили эди. Коррупция ва унинг намоён бўлишининг барча шакллари ушбу шиорга зид бўлгани учун, у қатъий равишда бундай ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилди. Амир Темурнинг ушбу сиёсати унинг табиатига туғма сингиб кетган эди. Ибн Арабшоҳ ёзганидек: “У алдов ва ҳазилни ёқтирмасди... Унинг принципи фақат ҳақиқатни гапиришдан иборат эди. Бир сўзни эшитиб, у далил талаб қилар эди. У ким ёлғон гапираётганини ва ким ҳақиқатни гапираётганини билар эди”[37];

- шаҳар ҳунармандчилиги ва ҳунармандчилик асосида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. С. Бородин ўзининг «Самарқанд осмонидаги юлдузлар» китобида Ўрта асрлардаги Самарқанд бозорини батафсил ёритан: «Дўконлар очилиб, унинг ичкарисидаги ипак матолар ёки мис товоқлар, ёғочсоз ҳунармандлар ясаган, турли хил рангларга бўялган эгарлар, оғир гиламларнинг патлари, тилла билагузуклар ва маржонлар ярқираб кўзга ташланади... хоразмнинг кумушранг қоракўл мўйнаси, хушбўй ҳидли қатрон ва номи ёки ишлатилиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайдиган минглаб бошқа маҳсулотла нинг ичида харидор ўзи излаган маҳсулотни Темир дарвозадан тортиб Амир Темурнинг Кўксаройи пойигача давом этган барча айланма кўчалардаги минглаб кичик дўконлардан бирида топиши мумкин. Барча қаторларни бир қарашда камраб ололмайсан, ҳар бир қаторнинг ўз маҳсулоти бор – ўйма эшиклар ёки мўйналар, қўлда тўқилган матолар ва идишлар, ҳунармандлар томонидан ясалган сопол кўзалар ёки Самарқанднинг алвон духобаси,

[37] Ибн Арабшах. Амир Тимур тарихи. - Т.: «Меҳнат», 1992. 69-70 бетлар.

темирчилар ёки рассомларнинг маҳсулоти жойлашган қаторлар”[38]. Олим қуролсозларга алоҳида эътибор қаратади: «Қуролсозларнинг устахоналари очилиб, улар ўтинлар каби тахланган қилич ёки найза тўпламлари деворларга суяниб, бир-бирларига тақилган дубулғалар, қирмизи, пўлат ёки темирдан, ҳатто кумушдан иборат,қирралари бўйлаб олтин ёки қора ёзувлар ёзилган қурол-аслаҳалар тинчгина ётибди”[39]. Темур даврида оловдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳунармандчилик турлари кучли ривожланди. Булар, биринчи навбатда, темир эритиш, темирчилик, заргарлик буюмлари, шиша маҳсулотлар тайёрлаш, кулолчилик устахоналаридан иборат эди. Темирдан тайёрланган ҳарбий аслаҳаларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан боғлиқ кўплаб устахоналар мавжуд эди. Археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, темирчилик устахоналари ғишт билан ўралган, олов ёқиладиган темирчилик ўчоқ ва ҳаво пуркайдиган босқонлардан иборат бўлган. Баъзи бир темирчилик устахоналарида узлуксиз ҳаво пуркалишини таъминлайдиган икки каналли босқонлар бўлган. Устахоналарнинг ичида темирга шакл бериш учун фойдаланиладиган сандонлар ҳамда темирни тоблаш учун сув идишлар турадиган чуқурчалар бўлгани аниқланди. Буларнинг орасида бронза қуйиш билан боғлиқ устахоналар алоҳида ажралиб туради. Кичкина ковакларга (кўпинча ойнадек ҳолатга келтирилган) қиздирилган бронза қотишмаси қуйилган. Бу ерда улар металлни юмшатиб, юпқа ҳолатга келтиришган. Археологлар юпқа металлга шакл берадиган қолипларни топишди, лекин қотишма қуйиладиган қолиплар топилмади. Қотишмалар ўз таркибига кўра икки таркибдан иборат бўлган. Заргарлар, эҳтимол ўз мижозларининг уйларида ишлашган, чунки уларнинг фаолиятига оид устахоналар топилмади, аксинча, одамларнинг яшаш уйларидан заргарлик билан шуғулланишга имкон берувчи мосламалар топилди. Афросиёбда заргарлик устахонасининг қолдиқлари топилди;

- ташқи сиёсатнинг аҳамиятини оширди. Пухта ўйланган ташқи сиёсат мамлакат тараққиёти ва гуллаб-яшнаши учун жуда

[38] Бородин С. Звёзды над Самаркандом. - Т.: «Узбекистан», 1981. 16-18 бетлар.
[39] Ўша ерда, 18 бет.

муҳимдир. Турли манбаларда, биринчи навбатда “Темур тузуклари”да айтилишича, ташқи сиёсатда, қўшни давлатлар билан муносабатларда, Темур қўшни ва узоқ давлатларга юборилган савдогарлар ва карвонбошилардан иборат ўзининг ишонган шахсларидан олган маълумотлари асосида муҳим қарорлар қабул қилган. «Давлатларни забт этиш санъати, – деб ёзган эди Темур, - мен учун шахмат ўйини каби эди». У қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ва Буюк Ипак йўлини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди.

Ўз “Тузуклари”да Амир Темур жамиятни 12 тоифага ажратади ва уларни қуйидагича тавсифлайди:

- у биринчи тоифага саййидлар, уламо, машойихларни киритган ва улар билан дин ҳақида, Қуръон асослари ва пайғамбарнинг ҳаёти тўғрисида фикр алмашиб, ўзи учун фойдали хулосалар чиқариб олган;

- иккинчи тоифага билимдон, ишбилармон, донишманд одамларни киритган ҳамда улар билан маслаҳатлашиб, мамлакатни бошқариш тажрибасини мустаҳкамлаган;

- учинчи тоифага художўйларни киритган ва улар Амир Темурнинг ғалабалари учун ибодатлар қилишган. Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» китобида Мир Саййид Барака тўғрисида маълумот беради;

- тўртинчи тоифага у нўёнлар, амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишиларни киритган, уларнинг жасурлиги ва садоқатига таяниб кенгашлар ўтказиб турган;

- бешинчи тоифага ҳарбий қўшин ва солиқ тўловчиларни киритган ҳамда уларни бир хил ижтимоий даражада ушлаб турган. У довюрак жангчиларни қўллаб-қувватлаган ҳамда уларнинг хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаб борган. У ҳарбий қўшин ва солиқ тўловчиларни шундай даражада ушлаб турганки, улар қатлам сифатида унга умуман зарар етказа олмаган;

- олтинчи тоифага ҳалол, оқил одамларни киритган ҳамда уларга давлат сирларини ишонган ва улар билан маслаҳатлашиб турган;

- еттинчи тоифага ўз саройидаги вазирлар, саркотиблар, муншийларни киритган. Улар давлат бошқарувини кўзгудек ўзларида акс эттирган;

- саккизинчи тоифага ҳокимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳандисларни киритган ва уларни мамлакат гуллаб-яшнаши учун зарур бўлган одамлар, деб ҳисоблаган;

- тўққизинчи тоифага тафсир ва ҳадис олимларини киритган ва улар билан пайғамбарлар, буюк одамлар, тарихий воқеалар борасида суҳбатлар қурган. Амир Темур уларнинг ёрдами билан давлатларнинг пайдо бўлиши ва қулаш сабабларини билиш учун тарихнинг чуқур қатламларига назар ташлашга ҳаракат қилган;

- ўнинчи тоифага сўфийлар, таркидунё қилганларни киритган. Улар билан охират ҳақида[40], илоҳий сўзларнинг мўъжизалари ҳақида суҳбатлашишдан катта маънавий илҳомланиш олган;

- ўн биринчи тоифага ҳунарманларни киритган. Чунки ҳунармандлар унинг ҳарбий қўшини учун учун қурол яроғ ва аслаҳаларни ясаб берганлар;

- ўн иккинчи тоифага савдогар ва сайёҳларни киритган. Амир Темур бу ҳақда шундай дэган: “Мен чет эл шоҳликлари ҳақидаги янгиликлардан хабардор бўлиш учун барча минтақалар ва барча давлатларнинг саёҳатчиларига ёрдам қўлини чўздим. Дунёнинг барча мамлакатларига савдогарлар ва карвон бошлиқларини юбордим, уларга Хўтан, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Арабистон, Сурия, Рум ва ҳаттоки Франк ороллaридаги шаҳарлардан топилиши мумкин бўлган энг ноёб нарсаларни олиб келишни буюрдим”[41]. Амир Темур бу йўл билан нафақат ноёб нарсалар, балки ўша давлатларнинг ҳолати, аҳолисининг ҳаёти, ҳукмдорларнинг ўз халқи билан муносабатлари ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўлган.

Самарқандда қурилиш ишларининг тузилиши ҳунармандчилик ва савдонинг гуллаб-яшнагани, шунингдек, ривожланган ижтимоий ҳаёт мавжуд бўлганини акс эттиради. Биноларнинг зичлиги, кўп қаватли уйларнинг мавжудлиги, уйларнинг катта қисмида ҳовлиларнинг бўлмагани, гавжум дўконлар ва устахоналар, кўчаларнинг торлиги, уларнинг баъзилари тепа қисмида иккинчи ва учинчи қаватларни қуриш учун тўсиқлар билан тўсиб қўйилгани ва олд даҳлизларнинг кенглиги диққатни тортади. Шаҳарнинг ой аҳолиси ўз ерларининг бир қисмини даромад олиш

[40] Абу Али ибн Сино. Избранные произведения. Т.I. - Душанбе.: Из-во «Ирфон», 1989. 35 бет.
[41] Темур тузуклари. - Т.: «Узбекистон», 2014. 100 бет.

учун дўконлар ва устахоналарга ажратган, шубҳасиз, қимматбаҳо декорация ва ҳайкалтарошлик намуналари билан безатилган тантанали хоналарнинг мавжудлиги уй эгаларининг жамиятдаги юксак мавқеини белгилаб беради.

Ўрта Осиё феодал давлатлари иқтисодиётининг асосий тармоқлари қишлоқ хўжалиги, савдо ва шаҳар ҳунармандчилик эди. Хусусан, Темур ва Темурийлар даврида қишлоқ хўжалиги сезиларли ўсишга эришди. Мўғуллар томонидан вайрон бўлган суғориш иншоотларини тиклаш ва экин майдонларини кенгайтириш чоралари кўрилди. Давлатнинг пухта ўйланган солиқ сиёсати[42] ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирди ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, янги ерларни ўзлаштириш учун қулай шароит яратди.

XV аср ва XVI асрнинг биринчи чорагида иқтисодий ҳаёт ҳунармандчилик ва товар-пул муносабатларининг катта ривожланиши билан ўзига хосдир. Бу даврда маҳсулот ишлаб чиқариш, айниқса кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. Товар-пул муносабатларига шаҳарларнинг ва қисман қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари жалб қилинди.

Манбаларда таъкидланишича, Темурийлар давридан олдин ва ундан кейин, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишигача, товар-пул муносабатлари ушбу даврдаги каби ривожланмаган. Темур ва Темурийлар даврида турли давлатлар билан савдо алоқалари кенгайди. Айнан Темурийлар даврида шаҳар аҳолисининг ўрта ва қуйи қатламлари кучайди. Эркин ҳунармандчиликнинг иқтосодий фаолиятнинг асосий қатламига айланиши маданий ҳаёт ва ижоднинг ривожланишига туртки берди. Ҳунармандчилик, биринчи навбатда, кундалик буюмларни ишлаб чиқаришга қаратилган эди. Ҳунармандлар бир гуруҳ маданий синфларга мансуб эдилар, таниқли мусиқачилар, шоирлар ва қўшиқчилар, таниқли рассомлар уларнинг орасидан чиқди. Шундай қилиб, шаҳар ҳунармандлари нафақат истеъмолчиларга маҳсулотлар етказувчисига, балки маданий қадриятларнинг яратувчиларига ҳам айланишди.

Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг катта-кичик шаҳарларида савдо, ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жадал

[42] Солиқларини меъёрлаштириш орқали солиқчилар томонидан ўз амалини суистеъмол қилиш ҳолатларининг олди олинган.

ривожланиши натижасида аҳолининг ижтимоий ва саноат табақаланиши янада чуқурлашди. Янги бозорлар, карвонсаройлар ташкил этилди, ихтисослаштирилган савдо тармоқлари, устахоналар ва дўконлар кенгайтирилди. Ёғоч, чарм, заргарлик буюмлари, қоғоз ва сопол буюмлар, ярим ипак ва ипак матолар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш турларининг кенгайиши, ортиб бораётган ички ва ташқи эҳтиёжлар таъсири остида Марказий Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон,Эрон, Олд Осиё, Россия давлати билан савдо-иқтисодий алоқалари кучайиши натижасида (Клавихо томонидан қайд қилинган) тўқув маҳсулотлари ишлаб чиқариш географияси сезиларли даражада кенгайди. Катта илмий изланишлар натижасида тадқиқотчилар Мовароуннаҳр ва Хуросондаги капиталистик ишлаб чиқаришнинг асоси бўлган ипак тўқиш ҳунармандчилик саноати Хитой ёки Кичик Осиёдан олиб келинмаган, балки, аввалдан бу ҳудудларда мавжуд бўлган, деган хулосага келдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «Ўрта Осиёда капиталистик ишлаб чиқаришнинг асоси маҳаллий шароитларда ўсиб чиққани пеал ҳақиқатдир. Ушбу ҳудудда капиталистик тўқимачилик ишлаб чиқариш манифактурасининг шаклланиши кўп асрлик ижтимоий-иқтисодий ва техник жараёнларнинг самараси эди”[43]. Бу даврда қурилиш, архитектура, рассомчилик ва миниатюра санъати ривожланди.[44]

Шаҳар зодагонлари шаҳарни ташкил этувчи аҳоли бўлиб, улар шаҳар маданиятининг ривожланишини белгилаб бердилар. Самарқанд ҳудудида сезиларли даражада ўсиш, қурилиш суръатларининг ошиши юз берди, бой хонадонлар сони кўпайди. Фуқаролар фаровонлигининг ошиши санъат ва ҳунармандчиликнинг гуллаб-яшнашига сабаб бўлди.

Бойликнинг ўсиши учун иқтисодий асос – бу ер эгаларидан олинадиган ижара ҳақи эди. Амир Темур даврида Зарафшон водийсида ўзлаштирилган ерларнинг майдони деярли XIXаср охиригача сақланиб қолди. Ҳозирги вақтдаги ҳар бир замонавий қишлоқда тепаликлар, яъни ўрта асрларнинг қудратли “бинолари” қолдиқлари мавжуд. Ғалла савдоси муҳим ўрин эгаллади, аммо бу

[43] Интернет ресурс: http://www.dissercat.com/content/istoriya-vozniknoveniya-i-evolyutsiya-eksperimentalnoi-ekonomiki-vo-vtoroi-polovine-xx-nacha#ixzz5bTPMJfzN

[44] Гафуров Б.Г. Таджики. Т.2. - Душанбе.: Из-во «Ирфон», 1989. 226-246 бетлар.

ягона даромад манбаи эмас эди. Зарафшон водийсида чорвачилик, боғдорчилик ва узумчилик ривожланди. Қишлоқларда ҳам даромад келтирадиган ун тегирмонлари, терини қайта ишлаш, виночилик, ёғочни қайта ишлаш каби ҳунармандчиликлар турлари тараққий этди.

Ёзма манбаларда чақирлар, яъни зодагонлар ҳамда савдогарларнинг хизматига ёлланган ҳамда маош олган жангчилар тўғрисида эслатиб ўтилган. Ўзига тўқ хонадонларнинг хизматкорлари, қуллари ва чўрилари бўлган ва уларни сақлаш қимматга тушган ҳамда улар уй эгасига ҳеч бир даромад келтирмаган. Фуқароларнинг уйлари меъморлар раҳбарлиги остида профессионал қурувчилар томонидан қурилган. Шаҳарнинг бой аҳолиси ипак матолардан тикилган қимматбаҳо кийимлар кийишган, уларнинг кийимлари кумуш ва олтиндан ясалган заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Марғилон каби йирик шаҳарларнинг иқтисодий таркиби ишлаб чиқаришда банд бўлган ва ишлаб чиқаришда иштирок этмайдигаган аҳоли қатламларининг ўзаро боғлиқлигидан иборат бўлган. Шаҳар ҳунармандлари ўз меҳнатларининг натижаларини бозорда эркин сотганлар, аммо уларнинг даромади дўконлар ва устахоналарни ижарага берган шаҳар ер эгаларига боғлиқ эди. Шундай қилиб, оддий савдо ва ҳунармандлик билан шуғулланадиган аҳоли батамом шаҳар зодагонларига қарам бўлиб, улар даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлган. Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам зодагонлар ҳукмронлик қилишган, аммо бу ҳукмронлик турли йўллар билан амалга оширилган. Агар шаҳарда иқтисодий қарамлик мавжуд бўлган бўлса, қишлоқларда, эҳтимол, иқтисодий бўлмаган мажбурлаш катта рол ўйнаган.

3.2. Темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаёти

Темур ҳаётлиги даврида Ҳиндистон ва Қобул ҳукмдори бўлган Пирмуҳаммадни ўзининг вориси қилиб тайинлади. Бироқ, 1405 йилда Темур вафотидан кейин Темурийлар ўртасида сулолавий кураш бошланиб кетди. Ушбу курашнинг ўртасида

1405 йил 18 мартда Самарқандни эгаллаб олган Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон ўзини Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилди. Ўзаро низолар натижасида 1407 йилда Пирмуҳаммад, 1408 йилда Мироншоҳ ўлдирилди. Худойдод амирига қарши жангда Халил Султон қўлга олинди.

Сулолавий курашда Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ ғолиб чиқди. 1409 йилда у ўз ўғли Улуғбекни Самарқанд ҳокими деб эълон қилди.

Шоҳруҳ Мирзо 1420 йилда аҳолининг кўмаги билан, Сурия ва Арабистондан ташқари, Темурнинг аввалги мулкларини ўз назорати остига олади. Шундай қилиб, Шохруҳ даврида Темур давлати (ўша вақтга келиб Буюк империя ҳудудининг бир қисми бой берилган эди) иккига бўлинди: пойтахти Ҳиротда жойлашган Шохрух давлати ва пойтахти Самарқандда бўлган Улуғбек давлати.

Улуғбек 1394 йил 22 мартда Эроннинг ғарбий қисмида жойлашган Султония шаҳрида туғилган. Унинг онаси Гавҳаршод Чиғатой амирларидан бири Ғиёсиддин Тарағайнинг қизи эди. Улуғбекнинг ҳақиқий исми Муҳаммад Тарағайдир. 1409 йил декабрда у Самарқанд ҳокими бўлди. Улуғбек Мовароуннаҳрни 40 йил бошқарди (1409-1449). У ўзининг илмий фаолияти билан танилиб, Самарқандни Шарқнинг буюк алломалари масканига айлантирди. Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги билан биргаликда маданият, фан ҳамда савдо жуда ривожланди.

Темур вафотидан кейин ягона империянинг қулаши натижасида унинг даврида Ғарбий Европа мамлакатлари билан муваффақиятли ривожланган савдо, дипломатик алоқаларнинг қисқариши ва кейинчалик тўхташи рўй берди. Шундай қилиб, Марказий Осиё жаҳон бозорларидан, дунё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан ажралиб қолди.

Темурийлар ўртасидаги ички низоларга қарамай, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда нисбатан барқарорлик мавжуд эди ва ушбу ҳудудлар гуллаб-яшнади. Суғориш тизимларини таъмирлаш ва кенгайтириш масалаларига кучли эътибор қаратилди. Дашт ҳудудларига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилди. Темурийлар чўл ҳудудларнинг ўзлаштирилишига, у ерларда боғлар

яратиш, қаровсиз қолган ерларни тиклаш ва суғоришга ҳар томонлама ёрдам бердилар. Айниқса, Темурийлар томонидан муваффақиятли қўлланилган солиқ имтиёзларини бериш орқали деҳқончиликни қўллаб-қувватлаш тизими диққатга сазовордир. Масалан, даштларни ривожлантириш, у ерда боғлар яратиш, бўш ерларни тиклаш ва озиқ-овқат етиштириш билан шуғулланадиган деҳқонлар ики йил давомида солиқ ва бошқа йиғимлардан озод қилинди.

Темурийлар даврида Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв, Тус ва Ҳирот атрофидаги қишлоқ хўжалик ҳудудларида суғориш иншоотлари яратилди. Самарқандда Зарафшон дарёсидан бошланиб, Қашқадарё воҳасидаги ерларини суғоришга мўлжалланган, мўғуллар томонидан вайрон қилинган канал қисман тикланди.

Султон Ҳусайн Бойқаро ва хусусан унингсаройида бош вазир сифатида хизмат қилган, жаҳонга таниқли машҳур шоир Алишер Навоийнинг ташаббуси билан Мовароуннаҳр, Тус вилояти ва Машҳадда суғориш тизимларининг тикланиши амалга оширилди. Бу эса Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари атрофида боғлар қуришга имкон берди.

Қишлоқ хўжалигида дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилиб, боғдорчилик ривожланди. Чорвачилик, хусусан, йилқичилик, қўйчилик, туячилик, йирик шохли чорвачилик соҳаси ҳудуд иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллади.

Давлат ерлари суюрғол шаклида Темурийларнинг қариндошларига, ҳарбий раҳбарларга ва давлат хизматчиларига тақсимлаб берилди. Суюрғол эгалари ишчиларни тайинлаш, солиқ ва тўловларни йиғиш ва айбдорларни жазолаш ҳуқуқига эга эдилар. Марказий ҳокимият ерни суюрғол эгасидан тортиб олиш, итоатсизлиги сабабли уларнинг ҳуқуқларини маъмурий жиҳатдан чеклаб қўйиш ва суюрғолга эгалик қилиш имкониятидан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Жангчиларга ҳам суюрғоллар берилган. Бобурнинг сўзларига кўра, Султон Ҳусайн Бойқаронинг 14 минг қўриқчиси ва 40 минг нафарлик ҳарбий қўшини бўлиб, уларнинг ҳар бирига 80 жариб (958 кв.метр) ер майдони ажратилган.

Темур ва Темурийлар даврида йирик ерлар, суғориш тизимлари, дўконлар (савдо дўконлари), корхоналар, тегирмонлар, бозорлар, карвонсаройлар вақф мулки сифатида берилар эди.

Масжид, мадраса, хонақо, касалхоналар вақф эгалари бўлган. Даромадлар ушбу муассасаларни сақлаш учун сарфланган. Темурийлар даврида фойдаланиш мумкин бўлган умумжамоа ер майдонлари унчалик катта бўлмаган ва асосан сувсиз ерлар бўлиб, у ерларни ўзлаштириш ўта қийин бўлган. Бундай ерлар барча жамоат аъзоларининг иштироки ва пул маблағлари ёрдамида фойдаланилган.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер эгаларини, шунингдек, уларнинг ерларида ишлайдиганларни музорилар деб номлашган. Улар тўрт гуруҳга бўлинган: давлат ерларида яшаган музорилар, мулкдор(ер эгаси)нингерида ишлайдиган музорилар, ўз ерларида ишлаётган деҳқон - музорилар, вақф ерларида яшайдиган музорилар.

Деҳқонлар солиқ сифатида асосан хирож тўлашган. Деҳқонлар ушбу солиқни ҳосил йиғим-терими даврида етиштирилган ҳосил ёки нақд пул шаклида тўлар эдилар. Хирож миқдори суғориладиган ерларда 33,3 фоизни, лалмикор ерларда ҳосилнинг олтидан бир қисми, яъни 16,5 фоизни ташкил этган. Солиқлар билан бир қаторда, аҳоли маълум вақтгача тўловсиз ҳукмдор, суюрғол ва тархон эгаларининг фойдасига ишлашга мажбур эди[45].

Шуниси эътиборга лойиқки, жамоат бинолари, саройлар, мудофаа ва ирригация иншоотлари, йўлларнинг қурилиши, таъмирланиши пайтида аҳоли ҳашарга жалб қилинган ва бу пайтда улар ўз овқатини ўзлари билан бирга олиб келишган. Бу умумжамоа фойдаланиши учун мўлжалланган жамоат иншоотларини барпо этишнинг яхшироқ, анча илғор усули эди. Аҳолини ҳашарга жалб этиш асосида ижтимоий аҳамиятга эга ишларни ташкил этиш ва амалга оширишнинг самарали анъаналари, баъзи жойларда бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Солиқчилар иложи борича кўпроқ солиқ йиғишга ҳаракат қилишган. Шу сабабли, Темур ва унинг айриворислари барқарорлик тамойилига риоя қилишга ҳаракат қилдилар, яъни кўп ҳолларда солиқ йиғиш ҳажми ва тартибини ўзгартирмадилар ҳамда уларни бузганларни қаттиқ жазоладилар. Шунга қарамай, солиқ йиғувчилар ўзбошимчалик билан белгиланган тартибни бузишга ҳаракат қилишган. Бу эса халқ норозилиги ва қўзғолонларга сабаб бўлган. Масалан, Ҳирот аҳолиси Ҳусайн Султон

[45] Интернет ресурс: https://www.examen.ru

Бойқаронинг фавқулодда солиқларига қарши исён кўтарган. Оммавий норозилик ва халқ ғазабининг кучлилиги сабабли ушбу солиқ тури икки йилда бекор қилинган.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказлашган ҳокимиятнинг нисбий барқарорлиги нафақат шаҳар, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имконини, балки иқтисодий ҳаёт учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳунармандчилик, савдо, товар-пул муносабатлари ривожига ҳам катта туртки берди. Хусусан, ҳунармандчиликнинг жадал ривожланиши ва уларнинг янада ихтисослашиши Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа шаҳарларнинг топографик тарихини ўзгартирди. Ҳунармандчилик маҳаллалари ва гузарлар, кўчалар, қатор бозорлар, ярмаркалар, гумбаз остидаги Чорсу бозорлар пайдо бўлди. Зодагон синфлар учун нозик ипак матолар ва қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқилиб, ҳашаматли буюмларга талаб ортди. Ушбу маҳсулотларнинг бир қисмига ташқи савдода ҳам талаб ошди. Мовароуннаҳрда Самарқандда ишлаб чиқилган атлас, қирмизи ва ҳирот кимхоблари каби зардўзлик буюмлари жуда машҳур бўлиб кетди. Нафақат шаҳар ҳунармандлари, балки даштларда яшовчи чорвадорлар ҳам чорва ҳайвонларнинг жунидан гилам ва наматлар тўқиб сотиш амалиётини йўлга қўйдилар.

Ўша вақтда Самарқанд, Темурийлар давлатининг пойтахти сифатида, Темур давридагидек, қурол-яроғ ишлаб чиқариш маркази бўлиб қолди. Ҳокимлар, ҳарбий қўмондонлар ва амирлар учун тайёрланган қуроллар олтин, кумуш қопламалар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Шундай қилиб, Ибн Арабшоҳнинг сўзларига кўра, Темурнинг дафн маросимидан сўнг, Темурнинг қуроллари ва кийимлари, Гўр Амир мақбарасининг деворларига осилган. Ушбу қурол- яроғларнинг кичик бир қисмининг нархи маълум бир музофотнинг бир йиллик солиғига тенг эди.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Ҳиротда зодагон қатламнниг эҳтиёжларини қондириш учун заргарлик ҳунармандчилиги ривожланди. Олтин, кумуш, металл аралашмалардан, қимматбаҳо тошлардан турли хил ҳашаматли буюмлар ясалган. Шаҳарларда мисдан уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ҳунармандчилиги жуда ривожланди: қозон, турли идишлар, аралашмалар, қумғонлар, чироқлар, шамдонлар, мойчироқлар шулар жумласидан. Шунингдек,

кулолчиликнинг сополсозлик йзналиши ҳам кенг ривожланди. Сополсоз кулоллар турли хил болалар ўйинчоқлари, пиёла, идиш-товоқ, тандир, ғишт ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошладилар. Археологик қазилмалар мармар ва тошларни қайта ишлайдиган усталар тошларга санъат асари сифатида қадрланадиган бадиий ва хаттотлик ёзувлари ва шаклларини беришганлигидан далолат беради.. Ушбу тош ёдгорликлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган, уларни ўрта асрларнинг барча ёдгорликларида кўриш мумкин. Биноларни қуриш ишларининг ривожланганлиги алоҳида эътирофга лойиқдир. Қурувчилар орасида моҳир меъморлар, муҳандислар, усталар, дурадгорлар, ганчкор ҳунармандлар бор эди. Уларни устод, яъни атоқли усталар деб аташган. Уларнинг ижоди ҳозирги вақтда ҳам инсониятни ҳайратга солиб келмоқда.

XVасрда шиша буюмлар ишлаб чиқариш ривожланди. Турли хил идишлар ва уй-рўзғор буюмлари шишадан ясалган. Юқори ва ўрта қатламлар учун уй-жой қуришда турли хил ранглар ва сояларнинг рангли ойналари ишлатилган, улар ёрдамида турли хил эшиклар, деразалар ва бошқалар безатилган. Ёғочсозлик ва ёғочга ишлов бериш ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ёғочдан турли меҳнат қуроллари, транспорт воситалари, ғишт қуйиш, пойафзал ясаш учун қолиплар, сандиқлар, қутилар, бешиклар ва бошқа кўп нарсалар ясалган.

Самарқанд ҳунармандчилиги ҳақида гап кетганда, Обираҳ-мат ариғи ёнида қоғоз ишлаб чиқарилгани ҳақида эслатиб ўтиш керак. Айнан шу ерда мисли кўрилмаган юқори технологиялардан фойдаланган ҳолда қоғоз ишлаб чиқарадиган корхона бўлган. Самарқанд қоғози бутун минтақага машҳур бўлиб, ташқи савдо предмети ҳисобланган. Тери ишлаб чиқариш ва ундан камзуллар (халатлар), пойафзал ва отлар учун анжомлар ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. Ҳарбий юришларга тайёргарлик кўриш жараёнида ўқ, ўқдон, пичоқ ва қиличлар учун ғилофлар тайёрланган.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг барча шаҳарларида ўрта асрларнинг турли ҳунармандчилик буюмлари сотиладиган махсус корхоналар, дўконлар, устахоналар ярмаркалар мавжуд бўлиб, у ерларда анъанавий равишда турли хил шарқона ширинликлар, патирлар, нонлар, атторлик буюмлари – атирлар, хушбўй шарқ зираворлари сотилган.

Темурийлар Самарқанд ва Ҳиротда Темур анъаналарини давом эттириб, олимлар, шоирлар ва мусиқачилар, меъморлар ва қурувчилар, рассомлар ва моҳир ҳунармандларни тўпладилар. Шу билан бирга, Улуғбек ташқи савдо даромадлари кўпайиб бораётгани учун солиқларни оширди.

Улуғбек томонидан 1428 йилда ўтказилган пул ислоҳоти ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Ички чакана савдога аҳолини кенг жалб қилиш мақсадида Улуғбек эски енгил тангаларнинг муомаласини тақиқлади ва янги мис пулларни муомалага киритди. Шу билан савдо-сотиқнинг майда тангаларга бўлган эҳтиёжини қондирди. Бунинг учун Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Андижон шаҳарларида бир вақтнинг ўзида зарбхоналар барпо этилди. Натижада, Мовароуннаҳрнинг ички савдоси майда мис тангалар билан тўлиқ таъминланди. Одамлар бу тангаларни «фулуси адлия», яъни “адолатли тангалар”деб номлашди. Улуғбекнинг ушбу пул ислоҳоти ҳунармандчиликни ривожлантириш, товар айирбошлаш операцияларини осонлаштириш ва савдодан тушадиган даромадларни кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратди.

Улуғбек томонидан амалга оширилган пул ислоҳоти Темурийлар давлатининг иқтисодий ривожланишидаги муҳим давр бўлди. Бу товар-пул муносабатларининг ривожланиш даврига тўғри келди ва уни жадаллаштириш учун катта хизмат қилди. Шу билан бирга, ушбу даврдаги турли хил манбалар тўпламини ўрганиш Улуғбек тоомнидан ўтказилган ислоҳотни фақат давлатнинг пул тизимини такомиллаштиришга қаратилган алоҳида иқтисодий ҳаракат сифатида баҳолаш нотўғри эканлигидан далолат беради. Бу ички сиёсатни барқарорлаштириш бўйича чуқур ўйланган ва давлатни бошқаришнинг ажралмас дастурлар занжиридаги муҳим бўғинлардан бири эди. Улуғбек томонидан эълон қилинган ва қисман амалга оширилган пул ислоҳоти, жиддий иқтисодий ислоҳотларнинг ўзаро боғлиқ бўлган учта йўналишидан бири бўлиб, Улуғбекнинг жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини тақсимлаш ва алмашинув муносабатларини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ички сиёсатининг асосини ташкил этади[46].

[46] Интернет ресурс: uni-numizmat.narod.ru/html/mavzu15.html

Ислоҳотнинг асосий мақсади, юқорида айтиб ўтилганидек, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва истеъмол товарлари савдосини тўлдириш орқали иқтисодиёт ва давлат бюджетини бойитишда ҳал қилувчи рол ўйнаган мис тангаларни зарб этиш ва муомаласини ўзгартиришга қаратилган уриниш эди. Шундай қилиб, ислоҳотлар асосан айирбошлаш ва сотишни ривожлантириш асосида марказий хазина манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Савдо-сотиқ муносабатлари ўзгармас, Темурнинг собиқ салтанатининг барча ҳудудларида ҳеч бир тўсиққа учрамай эркин муомалада юриши мумкин бўлган кучли тангани талаб қилар эди. Улуғбекнинг ислоҳоти савдо-сотиққа айнан мана шундай кучли тангани таклиф қилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда барча эски тангалар муомаладан чиқарилди. Улар Самарқанд, Бухоро, Шохрухия, Андижон, Қарши ва Термиз каби йирик шаҳарларда зарб қилиш бирдан бошланган янги тангаларга алмаштирилди. Иккинчи босқичда, янги мис тангалар бирлигининг таъминоти зарур даражага етганидан кейин эски тангаларнинг муомаласи бутунлай тақиқланган эди. Мис тангаларни ишлаб чиқариш марказлашган ҳолда битта зарбхонадан амалга оширилди.

Бу даврда мис тангаларига эҳтиёж кескин ўсди, Улуғбек мис тангаларни зарб қилишни пойтахт Самарқандда эмас, балки Бухорода жамлашга қарор қилди. Кўринишидан, ўша пайтда ишлаб чиқариш қуввати чекланганлиги сабабли кумуш ва мис тангалар зарб этаётган Самарқанд зарбхонаси белгиланган вазифаларни бажара олмас эди. Шу сабабли Бухоро ягона мис танга ишлаб чиқариш маркази сифатида танланди. Шу билан бирга, Самарқанд зарбхонаси кумуш тангаларни чиқаришни давом эттирди. Уларнинг танга пуллари хазина учун иқтисодий жиҳатдан фойдали эди, аммо кумуш тангани зарб этиш сиёсий характердаги маълумотлар ташиш борасида жуда катта аҳамиятга эга эди. Улуғбек бу тангаларни отаси Шохрух Мирзо вафотидан кейин ўзининг номидан муомалага киритди. Ўз номи билан танга зарб қилиш фақат пойтахт зарбхонаси томонидан амалга оширилиши мумкин эди, ўша пайтда мис тангаларида ҳукмдорнинг номини эслатмасдан зарб қилинарди, ҳар қандай йирик шаҳар бу

тангаларни зарб этишни ўз зиммасига олиши мумкин эди, шу сабабли мис тангалар Бухорода зарб қилинган. Мис тангаларнинг Бухорода марказлашган ҳолда зарб қилиниши мис танга ишлаб чиқаришдан олинган даромадларни тақсимлашнинг олдинги амалиётига барҳам берди ва шу билан барча даромадларни давлатнинг ягона, марказий хазинасига жамлашга ёрдам берди. Ислоҳотдан олдинги «эски» тангаларни муомалага чиқаришга қўйилган тақиқ натижасида худди шу мақсадга эришилди. Ушбу чора эски тангаларни муомаладан чиқариш ва марказлашган ҳолда янги тангаларни зарб этиш ва муомалага чиқарилишини таъминлади, бу эса умумий хазинанинг даромадларини кўпайтиришга хизмат қилди.

Умуман таъкидлаш керакки, пул-кредит ислоҳотларининг дастлабки босқичи муваффақиятли амалга оширилди ва ижобий самара берди. Бунга пул тизимининг фаолиятини тартибга солувчи қонунларни чуқур тушуниш, қисқа муддатли ва узоқ муддатли имтиёзларни олиш учун ижтимоий шароитдаги аниқ ўзгаришларга мослашувчан ёндошувнинг зарурлигини аниқ тушуниш ёрдам берди. Ушбу чоралар натижасида марказий Мовароуннаҳрда чакана савдони таъминлайдиган ягона мис тангаларнинг кенг тарқалишига эришилди[47]. Ушбу чора-тадбирлар мис тангаларнинг давлатдаги айланмасининг барқарорлигини таъминлади ҳамда энг мақбул тарзда савдони янада ривожлантиришга ва пул ислоҳотларида захиралар яратишга кўмаклашди.

Улуғбек томонидан пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш бўйича чоралар бозор талабининг кучайиши билан боғлиқ бўлиб, бу шаҳарлар ва қисман қишлоқ аҳолисининг товар-пул муносабатларига кенг жалб қилинишига хизмат қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг фаол иқтисодий муносабатларга босқичма-босқич ўтиши шундан далолат берадики, XV асрда қишлоқ хўжалиги анъанавий ички алмашинувдан узоқлаша бошлади ва қишлоқ ҳамда шаҳардаги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги муносабатларнинг янги, пул шаклида амалга оширилиши тобора кўпроқ жорий қилина бошлади.

1447 йилда Шохрухнинг вафоти ва 1469 йилда Улуғбекнинг ўлдирилиши натижасида, 1469 йилга келиб Султон Ҳусайн

[47] Интернет ресурс: uni-numizmat.narod.ru/html/mavzu15.html

Бойқаро Темурийларнинг энг қудратли вакили бўлиб қолган эди. Бироқ, Улуғбек вафотидан кейин ўзаро низолар ва марказлашишдан қочишга бўлган уринишлар натижасида Темур империясининг емирилиши тезлашиб кетди ҳамда Улуғбек ўтказган иқтисодий ислоҳотлар самарасини йўққа чиқарди. Пул зарб қилиш марказлашмаган ҳолда давом эттирилди. Натижада ҳудудлар ўртасидаги мис тангалар билан боғлиқ пул муносабатларида узилишлар юзага келиб, бозорда Бухорода зарб қилинган мис тангларнинг кўпайиши оқибатида уларни назорат қилиш имкони қолмади. Буларнинг барчаси йиғилиб, пул тизимининг инқирозини келтириб чиқарди ва бу ҳолатга фақат шайбонийлар ҳукмронлиги даврида барҳам берилди.

Шундай қилиб, қарийб бир аср давомида Темурнинг улкан саъй-ҳаракатлари эвазига эришилган ҳокимиятни марказлаштиришнинг юқори даражаси унинг вафотидан кейин сўнгги Темурийлар даврида тарқоқликнинг юқори даражаси билан алмашди. Хуросон салтанатида ижтимоий фаол гуруҳлар орасида эркинлик даражаси шунчалик юқори эдики, у душманларга қарши бирлашиб курашнинг шаклланишига тўсқинлик қилди. Бу эса янада аянчли оқибатларга олиб келди, чунки бир нечта душманлар бор эди. Мовароуннаҳрда ягона харизматик етакчининг йўқлиги ва энг муҳим ижтимоий кучларнинг ўзаро келишмаслиги минтақани ўнлаб йиллар давомида эзиб келган душманлар фойдасига хизмат қилди. Темур салтанатининг барбод бўлишида ички низолардан бўлган қўрқувнинг ташқи душман олдидаги хавфдан ҳам кучлироқ бўлгани ҳалокатли аҳамият касб этди.

Юқорида айтилганларнинг барчасини сарҳисоб қилиб шуни таъкидлаш керакки, Буюк Темур авлодлари ўзларининг ҳақиқий имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда ҳокимият учун талашди ва улкан ҳудуддаги қудратли салтанатнинг барбод бўлишига сабабчи бўлишди. Бошқа давлатларнинг ҳужумлари бошланди, натижада салтанат Шайбонийлар ҳужумига бардош бера олмади ва бутунлай барбод бўлди.

3.3. Шайбонийлар истилоси ва Ўрта Осиё феодал хонликларининг шаклланиши

Икки аср ўртаси, яъни 1501 йилда Темурийлар давлати Чингизхон хонадонидан келиб чиққан Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олинди. Шайбонийлар давлати ўзаро келишмовчиликларда истисно эмас эди, фақат Абдуллахон II даврида бироз марказлашув рўй берган бўлсада, вилоятларда ўзига хос айирмачилик кучайган эди. Абдуллахон II вафотидан сўнг, Жонийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликнинг кучайишидан Сафавийлар (Шоҳ Аббос I) унумли фойдаланишди. Жонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абу-Л-Файзхон (1711-1747 йиллар) даврида марказлашган ҳокимият ривожлана бошлади ва Манғит қабиласининг мавқеи мустаҳкамланди.

Сиёсий парчаланиш, ниҳоясиз ички низолар ва урушлар, шаҳарларнинг забт этилиши, ўтроқ аҳолининг талон-тарож қилиниши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, қишлоқ хўжалигининг йўқ қилиниши ва бошқа сабаблар XVIII асрда чуқур иқтисодий таназзул ва турғунликка олиб келди. Шундай қийин ва олдиндан айтиб бўлмайдиган шароитда ҳам ички ва ташқи савдо фаолияти олиб борилди. Хусусан, Оренбург орқали Россия билан савдо-сотиқнинг кучайганини қайд этиш мумкин, бу ерда савдогарлар божсиз савдо қилиш имтиёзига эга эдилар. Рус савдогарлари Бухорода икки-уч йиллаб яшадилар. Россия билан ўзаро савдо муносабатлари қийин, аммо ўзаро фойдали эди[48]. Шундай қилиб, бир пайтлар қудратли Темур салтанати ва Шайбонийлар давлатининг вайроналари остида, Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларида вайронагарчиликлар, ички урушлар натижасида янги феодал давлатлар вужудга келди. Кўчманчи қабилаларнинг босқинлари ҳам вайроналиклар келтирди.

XVI аср бошларида Шайбонийлар ва Бобур ўртасидаги ниҳоясиз урушлар, Исмоил I нинг қизилбошлилари босқини бутун Ўрта Осиёни вайронага айлантирди[49]. Ваҳшийлик ва талончилик, аҳолини оммавий қирғин қилиш, очлик иқтисодий тараққиётга

[48] Гафуров Б.Г. Таджики. Т.2. - Душанбе.: Из-во «Ирфон», 1989. 211-317 бетлар.
[49] Ўша ерда, 261-276 бетлар.

ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Ўрта Осиёга келган кўчманчи қабилалар энг яхши ўтлоқларни эгаллаб олишди, маҳаллий кўчманчи ва ўтроқ аҳолини сиқувга олишди, ерлар Шайбонийларнинг кўчманчи қабилалари фойдасига мусодара қилинди. Экин майдонлари камайиб кетди. Деярли эллик йиллик узлуксиз феодал урушлари савдо-сотиқ ва пул муомаласи учун ноқулай эди, кўп деҳқонлар ўз уйларини ташлаб қочиб кетдилар. Фақат Абдуллахон II даврида ҳокимиятни марказлаштириш борасида "музофотлар йиғини"ни ташкил этгандан кейин, маълум ижобий силжишлар юз берди ҳамда хўжаликларни тиклаш учун шарт-шароитларни вужудга келтирди. Аммо XVI аср ва айниқса, XVII- XVIII асрларда товар ишлаб чиқариш ва пул муомаласининг мунтазам пасайишига, хусусан, ташқи савдонинг пасайиб кетишида нафақат ички, балки ташқи омиллар ҳам таъсир кўрсатди. Маълумки, кўп асрлар давомида Ўрта Осиё орқали Шарқни Ғарб билан боғлайдиган транзит йўли ўтган, аммо XVI асрда улкан географик кашфиётлар натижасида савдо йўлларининг океанларга кўчиши оқибатида бу йўналиш ўзининг иқтисодий аҳамияти ва долзарблигини йўқотди. Марказий Осиё товарларнинг асосий оқимларидан ажралиб қолди, бу ички савдога ҳам таъсир кўрсатди, халқаро савдога талаб йўқлиги сабабли бир қатор ҳунармандчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши қисқарди. Гарчи бу йўқо-тишлар Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо алоқалари туфайли қисман қопланган бўлса-да, лекин бу алоқалар энди йўлга қўйилмоқда эди. Шайбонийлар сулоласининг ҳукмдорлари ўртаси-даги вайронагарчилик ва узлуксиз феодал низолар қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон, шаҳарларни эса талон-тарож қилишга ва йиғимларнинг кўпайишига олиб келди. Бундай ҳолат ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва савдони барқарорлаштиришга имкон бермади. XVI аср ўрталарида Бухоро шаҳри Шайбонийлар давлатининг марказига айлантирилиши натижасида бу воқеликдан четда эди. Бу Бухоронинг Ўрта Осиёда савдо ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш марказига айланишига имкон берди.[50]

Ўзбекистон иқтисодиёти тарихи нуқтаи назаридан, ишлаб чиқаришнинг мануфактура шаклининг вужудга келиши

[50] Гафуров Б.Г. Таджики. Т.2. - Душанбе.: Из-во «Ирфон», 1989, 281-284 бетлар.

масалалари катта аҳамиятга эга. Мовароуннаҳр ҳудудида ишлаб чиқаришнинг саноатлашиши вужудга келишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини ўрганиш, саноатнинг шаклланиш жараёни ва ривожланиш босқичини таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳамда Марказий Осиёнинг қўшни мамлакатларидаги иқтисодиёт назарияси ва иқтисодий қарашлар тарихининг муҳим муаммоси ҳисобланади. Феодализмнинг парчаланиши шароитида капиталистик ишлаб чиқаришнинг биринчи шакли сифатида мануфактураларда ишлаб чиқариш ва машинада ишлаб чиқариш ўртасидаги оралиқ қадам эди. Мануфактура (лотинча «қўлда тайёрлаш», «ҳунармандчилик», қўлда ишлаб чиқариш деган маънони англатади)лардаги ишлаб чиқариш меҳнат қуроллари табиати жиҳатидан ўрта аср устахоналаридан фарқ қилмаган. Аммо бу ишлаб чиқариш жараёнида ички меҳнат тақсимоти мавжуд бўлиб, ишчилар ўзларига тааллуқли алоҳида операцияларни бажаришган, бу эса меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам берди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда моддий товарларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси мустақил ҳунармандлар ва деҳқонлар (майда мулкдорлар) эмас, балки ёлланма ишчилар бўлган.

Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш корхоналарининг вазифаси уларда кенг кўламли машиналар ёрдамида ишлаб чиқариш саноатининг пайдо бўлиши даврида саноат ишчилар синфи ва буржуа тузилишининг ижтимоий манбаи бўлган ишчилар ҳамда капиталистларнинг қатламларини шакллантиришдан иборат эди. Шуни таъкидлаш керакки, Шарқнинг аксарият мамлакатларида, шу жумладан Ўрта Осиёда (Мовароуннаҳр, Хоразм ва Шимолий Хуросон ҳудудлари деган маънони англатади) ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши табиий ички ривожланиш натижасида рўй берди ва шаҳар саноатининг муваффақиятига, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг генезиси ва ривожланиши феодализмнинг парчаланиши даврида содир бўлди, яъни бу жараён Ўрта Осиёда Россиянинг мустамлакачилик ҳукмронлиги давридан анча олдин пайдо бўлган ва шаклланган ижтимоий тузилмалар таъсири остида содир бўлди. Ўрта Осиёда мануфактура асосида ишлаб чиқариш дастлаб маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тузилмалар негизида

ташкил этилган ва у ташқаридан, жумладан, Россия компаниялари томонидан бизга киритилган эмас.

Машҳур рус шарқшуноси Н.В. Хаников (1819-1878) 1841-1842 йилларда саккиз ой Бухорода бўлиб, товар ишлаб чиқариш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаси тўғрисида шундай деб ёзади: “Бухоро хонлигида, қатъий айтганда, саноатнинг фақат уч тури мавжуд, яъни қишлоқ хўжалиги, савдо ва ҳунармандчилик, мануфактура ишлаб чиқариш, битта чўян заводини истисно қилганда, умуман мавжуд эмас». Бинобарин, Ханиковдан олдин, Ўрта Осиё хонлиги ҳали Россия империясининг протекторатига киришидан 25 йил муқаддам, Бухородаги ягона ишлаб чиқариш муассасаси бўлган «Корхонаи дегрез» номли қуйма чўян заводи мануфактура асосида фаолият юритганлигини ушбу далил асосида эътироф этмоқчимиз.[51]

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ишлаб чиқаришнинг кенг меҳнат тақсимотига асосланган ҳамкорликнинг классик мануфактура шакли сифатида келиб чиқиши ўрта асрларда Ўрта Осиёда энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва демографик силжишлар жараёнида: савдо ва ҳунармандчилик соҳаларида феодал шаҳарларнинг қўшилиши (работ-қишлоқ), ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларининг марказлашуви, товар-пул хўжалигининг ривожланиши, ҳунармандчиликда буюртмалар асосида ишлаб чиқаришдан сўқма ишлаб чиқаришга ўтиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада аҳолининг ишлаб чиқарувчилар, саноат корхоналари ташкилотчилари (бой ҳунармандлар, воситачилар, улгуржи харидорлар, савдогарлар) ва истеъмолчилар қатламларига табақаланиши кабилар билан изоҳланади. Манбаларда бозор ва бозор муносабатларининг ривожланиши, ёлланма ишчилар ва саноатчи-капиталистлар қатламларининг шаклланиши ишлаб чиқаришни янги асосда шакллантиришнинг иқтисодий негизи сифатида кўрсатилган.[52] Мовароуннаҳр ҳудудида ишлаб чиқариш ва савдо соҳасидаги воқеаларнинг бундай тус олиши жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражасини баҳолаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

---

[51] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. - СПб.: Тип. Императорской Академии Наук, 1843, 111 бет.
[52] Интернет ресурс: http://www.dissercat.com/content/istoriya-vozniknoveniya-i-razvitiya-kapitalisticheskoi-manufaktury-v-srednei-azii#ixzz5bXH75aXu

УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЎРТА ОСИЁ ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТНИНГ ТУШКУНЛИККА ЮЗ ТУТИШИ ВА УЛАРНИНГ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН МУСТАМЛАКАГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

IV БОБ. ЎРТА ОСИЁ ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ИСТИБДОДГА ҚАДАР БЎЛГАН ИҚТИСОДИЁТИ

XVI аср Россия билан иқтисодий ва дипломатик алоқаларнинг мустаҳкамланиш даври бўлди. Бу Ўрта Осиё янги тарихи шаклланишининг муқаддимаси эди. Ўрта Осиё ва Москва давлатларининг савдогарлари Хонликлар ва Чор Россиясининг элчилари ҳам эди ва улар савдо-сотиқ ишларини божсиз амалга оширар эди. Астрахан орқали савдо қилиш ҳажми тез ортиб борди. Ўрта Осиё савдогарлари Москва давлатига пахта ва ипак матолар олиб келишган. Москвадан Ўрта Осиёга хом ашё, ёғоч идишлар ва жун матолар келтиришган. Россиянинг Сибир ўлкаси билан ҳам савдо алоқалари ривожланиб борди. Бухородаги рус товарларининг бир қисмини ҳинд, хитой ва форс савдогарлари сотиб олишган. XVI асрда айниқса, Абдуллохон II ва Акбар ҳукмдорлиги даврида Шайбонийлар ва Ҳиндистоннинг Буюк Мўғуллар империяси ўртасида яқин савдо, дипломатик ва маданий алоқалар ўрнатилди.

Қурилиш ва архитектура соҳасида ҳам маълум бир силжишлар рўй берди. Кўприклар, сардобалар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, турли хил савдо бинолари, мадрасалар, масжидлар, хонақолар қурилди. Бухоро ва унинг атрофидаги қурилишлар ниҳоясига етказилди: меъморий ансамбларнинг қурилиши, амалий ҳунармандчиликнинг ривожланиши, ёғоч ва тош ўймакорлиги, қўлёзмалар юқори даражада безатилди. Ўша пайтда ажойиб хаттотлар ва миниатюрачилар яшаб ижод қилиши натижасида бадиий ва тарихий адабиёт ривожланди. Абдуллахон II вафотидан кейин (1598) Шайбонийлар ўртасида низо авж олди. Сафавийлар, Хива хонлари ва қозоқлар давлатнинг муҳим қисмини эгаллаб олишди. Тахт Олтин Ўрда қулаганидан кейин Астрахан хонлигини бошқарган Чингизхонларнинг авлоди Жонибек Султонга ўтди. Бу

давр марказий ҳукумат ва кўчманчи қабилалар орасидан чиққан айирмачи-феодаллар ўртасидаги кескин курашлар билан кечди. Марказий ҳокимият жиддий реал ҳокимиятга эга эмас эди, жонийлар икки пойтахт, иккита марказга эга эди: Бухоро ва Балх. Бухорода хоннинг ўзи, Балхда эса унинг тахт вориси ёки катта лашкарбоши- оталиқ ҳукмронлик қилган. Жоний хонлари маъмурий аппаратда муҳим лавозимларни эгаллаган феодал-зодагонлар измига бўйсунишга мажбур эдилар.

Бу давр феодал тузумнинг кучайиши, сиёсий парчаланиш, ниҳоясиз ички урушлар, шаҳарларнинг бўшаб қолиши, ўтроқ аҳолидан олинадиган йиғимларнинг кучайиши билан тавсифланади. Воҳалар ва савдо карвонлари талон-тарож қилинди, шу жиҳатдан XVIII аср чуқур иқтисодий таназзул ва турғунлик даври эди. Қишлоқ хўжалиги деярли барҳам топди, суғориш тизими ишдан чиқди, ғалла танқислиги вужудга келди. Солиқ босимлари кучайди. Жамоат еридан фойдаланадиган деҳқонлар қисқартирилди, ижарачи деҳқонлар гуруҳи кенгайди.

Ҳунармандчилик ва савдо-сотиққа ўзбошимчалик билан юқори божлар, ҳар хил йиғимлар киритилди. Ҳунармандлар ва савдогарларнинг хусусий мулкига ҳеч қанақа кафолат берилмас эди, натижада шаҳар марказлари бўшаб қолди. Шу билан бирга, ўзбек қабилалари амирларидан иборат бўлган йирик феодаллар қўлида ерга эгалик ва бойликлар тўпланиб қолди. Буларнинг барчаси халқ ғалаёнлари ва қўзғолонларига сабаб бўлди: Даҳбед қишлоғидаги оммавий норозиликлар, Ҳисордаги халқ қўзғолони, 1714 йилда Бухорода кўтарилган қўзғолонлар шулар жумласидан.

йўлларнинг юк айланмаси таркибига эътибор қаратишни маъқул деб топдик. Инқилобдан олдин темир йўл орқали экспорт қилинган пахта улуши 24 фоизни ташкил этган бўлса, 1928 йилда у 10,6 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, саноат ва ирригация соҳаларини ривожлантириш учун истеъмол товарлари, машиналар, қишлоқ хўжалиги жиҳозлари, қурилиш материаллари, ёғоч, нон, тўқимачилик ва бошқа маҳсулотлар импорти кескин ўсди. Юк айланмаси таркибидаги ўзгаришлар Туркистон, сўнгра Ўзбекистоннинг марказий минтақалари билан иқтисодий муносабатларидаги ўзгаришни ўзида акс эттирди. Йўлларнинг бузилган участкалари қайта тикланди. Янги темир йўлларнинг қурилиши бошланди. Ҳаммаси бўлиб 953 км темир йўл линиялари тикланди ва қурилди. Фойдаланишдаги темир йўлларнинг узунлиги 1925 йилдаги 3122 км бўлган бўлса, 1928 йилда 3669 км га етди.

Тикланиш даври савдо айланмасининг ўсиши билан кечди. Саноат корхоналари ўз маҳсулотларини қисман сотиш ва бозорда зарур хом ашёни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлишди. Аста-секин аҳолини таъминлашнинг разверстка тизими бекор қилинди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг натура шаклида нақд пул шаклига ўтилди.

Хусусий савдо маҳаллий шароитларга яхши мослашган, асосан халқ истеъмол товарлари савдосида катта тажрибага эга бўлган ва турли ҳудудлардаги аҳолининг талабини яхши билар эди. 1926 йилдаги ишчилар ва хизматчилар бюджетининг статистик сўрови маълумотлари шуни кўрсатадики, ишлайдиган оилалар хусусий бозорда истеъмол товарларининг 65,7 фоизини сотиб олишган. Таққослаш учун бу кўрсаткич Уралда - 27,8 фоизни, Москва ва Ленинградда - 35,3 фоизни ташкил этган[92].

Савдо капитали тез айрибошланадиган қийматликлардан иборат эди. У савдо-сотиқнинг бир ҳудуддан иккинчисига тез суратларда ўтиши билан алмашиниб турарди. Давлат ва кооператив савдонинг кенгайиши билан хусусий савдо рақобатга дош беролмади. Хусусий савдо ҳажмининг кескин қисқаришига яна бир сабаб давлат ва кооператив савдо соҳасида сотиш тармоқларининг кенгайиши, товар оборотининг тезлашиши, сақлаш ва ташиш харажатлари, битта сотувчига тўғри келадиган юкни ҳажмининг оширилиши ҳисобига тақсимот харажатларининг

[92]Экономическая история Советского Узбекистана (1917- 1965гг). - Т.: Изд-во «ФАН», 1966. 47 бет.

пасайиши бўлди. Шундай қилиб, 1927-1928 йилларда ижтимоийлаштирилган савдо айланмасининг ҳар 1000 рубл учун 53,6 рубл, хусусий савдода эса 63,7 рублга харажат тўғри келарди.

Савдонинг ривожланиши улгуржи ва чакана товар айланмасининг ўсиши билан ҳам изоҳланади. 1927 йилда савдо тармоғи 87 фоизга тикланди, нархларнинг барқарорлигига эришилди. 1926-1927 йилларда саноат товарларига бўлган бозор эҳтиёжлари 56 фоизни импорт билан, 44 фоизи эса маҳаллий ишлаб чиқариш орқали қондирилди. Халқ хўжалигининг тикланиши молия, пул муомаласи ва кредит ҳолатини мустаҳкамлади.

1923-1924 йиллар бюджет даромадлари харажатларнинг 79 фоизини ташкил этди, яъни корхоналар самарадорлигининг пастлиги, капитал қўйилмаларнинг етишмаслиги туфайли бюджет тақчиллиги кузатилди. Пул муомаласини шакллантиришда Совет пул белгиларини тангалар билан алмаштириш алоҳида рол ўйнади, бу эса пул муомаласининг барқарорлашувига олиб келди. Банк ресурслари ва уларнинг кредит имкониятлари ошиб борди. Умуман олганда, кредит муносабатлари ривожланди. Илгари кредитлаш объекти фақат қишлоқ хўжалиги бўлган бўлса, кейинчалик саноат ва савдо соҳасида ҳам кредитлардан фойдаланила бошланди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат сиғимининг юқорилиги ва натурал товар муносабатлари устунлик қилганлиги боис, деҳқон хўжаликлари доимий равишда қарз маблағларига эҳтиёж сезарди, шунинг учун улар қарз олишда, қишлоқ судхўрларидан иборат хусусий кредит берувчилар хизматидан фойдаланишарди. Ижтимоийлаштирилган кредитларнинг ривожланиши билан бундай хусусий кредитларнинг мавқеи аста-секин пасайди.

Туркистон ҳудудида РСФСР таркибига кирувчи ТАССР ташкил топиши, Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан халқ хўжалигида катта ўзгаришларга рўй бера бошлади. Бу пайтда эса Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги мустамлакачилик қонунлари, мустамлакачилик зулми таъсирида, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ бўлиб қолаверди.

1873 йилдан Хива хонлиги Россия империясининг мустамлакаси эди. Мамлакат иқтисодиёти Россия капитали ва чор ҳокимияти манфаатларига тўлиқ бўйсундирилди. Хиванинг

асосий бойлиги ҳисобланган ер ва сув, йирик феодалларнинг мулки эди. Ибтидоий-феодал муносабатлар иқтисодиётда устунлик қиларди. Хива иқтисодиётининг асосий тармоқлари қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик эди. Фақат XIX аср охири ва XX аср бошларида саноат ва савдо соҳалари вужудга кела бошлади. Суғориладиган ерларнинг умумий майдони 450 минг акр, деҳқон хўжаликлари сони 100 мингтани ташкил этган, шундан 6100 таси кўчманчилардан иборат эди. Шаҳар аҳолиси 7 фоизни ташкил этган. Хива чор империяси учун хом ашё манбаи сифатида, асосан пахта, шунингдек марказдан келадиган саноат моллари сотиладиган бозор сифатида ҳам хизмат қилди.

Биринчи жаҳон уруши, фуқаролар уруши ва босмачилик ҳаракати натижасида ишлаб чиқариш, айниқса пахта етиштириш кескин камайди. 1915-1916 йилларда 90 минг акрдан ортиқ ҳайдаладиган ерларга пахта экилган бўлса, 1920 йилларда бу кўрсаткич 3 минг акрга тушиб қолди. Бошқа экин турлари ҳам камайди.

Халқ инқилобининг бошланиш арафасида, саноат соҳасида 36 та пахта тозалаш корхонаси мавжуд бўлган, бир нечта ёғ-мой тегирмонлари, совун фабрикалари, йигирмадан ортиқ ғишт заводлари бор эди. Уларнинг аксарияти иупли тўқнашувлар ва зиддиятлар туфайли йўқ қилинди ва ишдан чиқди. Вайронагарчилик транспорт тизимини ҳам издан чиқарди.

Халқнинг аҳволи ўта оғир эди. Халқ орасида мустамлака ва феодал зулмга қарши оммавий қўзғолонлари бўлиб ўтди.

1918 йил январда туркман қабила бошлиқларидан бири Жунаидхон[93] йирик феодаллар, реакцион мусулмон диндорлари, Бухоро амири ва Англия кўмагига таяниб, Хивада давлат тўнтаришини амалга оширди. Икки рус инқилоби таъсирида деҳқонлар, ҳунармандлар, майда ва ўрта буржуа ва миллий зиёлиларнинг халқ демократик озодлик ҳаракати кучайди. Диктатурага қарши ягона мухолиф куч “ёш хиваликлар” ҳаракати эди. Улар миллий буржуазия манфаатларини ифода этиб, ўз манфаатлари йўлида халқ ҳаракатидан фойдаланишни режалаштиришган эди.

[93]Жунаидхон (Мухаммад Курбан Сердар) (1857-1938), Хоразм ва Туркманистон ўлкасидаги босмачилик ҳаракати бошлиқларидан бири. 1918 январдан 1920 йил январгача Хива диктатори, 1920-1930 йилларда ўрта осиё ҳудудларида босмачлик ҳаракатига бошчилик қилган ва Қизил армия томонидан мағлуб этилган. 1931 йилда Афғонистон орқали Эронга чиқиб кетган.

1919 йил 19 ноябрда РСФСР ва ТАССР томонидан қўллаб-қувватланган халқ қўзғолони бўлиб ўтди. Хива истибдодига барҳам берилди. Сўнгги хон Саид Абдуллоҳ ҳокимиятдан воз кечди. Жунаидхон Қорақум чўли орқали Эронга, сўнгра Афғонистонга қочиб кетди.

Халқ қўзғолони (инқилобнинг дастлабки босқичларида) анти-феодал тусга эга бўлиб, кенг кўламли қишлоқ хўжалигига, крепостной ва истибдодга, "ўрта асрлар сарқити" қарши қаратилган эди. 1920 йил 27-30 апрель кунлари Хива қурултойи бўлиб ўтди, у мамлакатнинг қадимий Хоразм қайта тиклайди ва Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) деб эълон қилади. Янги ҳукуматнинг асосий вазифаси ўрта асрлардаги феодал тузумга барҳам бериш, феодал ер эгалигини йўқ қилиш, ерларни деҳқонларга топшириш ва қишлоқ хўжалигида суғоришни тиклашга қаратилган сув-ер муаммоларини ҳал қилиш эди. Ўзгаришларнинг биринчи босқичи жуда оддий эди. Ёш хиваликлар ҳукумати бу ислоҳотларга қарши чиқди. Улар ўзларининг ҳаракатлари билан халқнинг ишончини йўқотдилар. 1921 йил бошида оммавий қўзғолон "ёш хиваликлар" ҳукуматини ағдариб ташлади ва ҳокимият Совет меҳнаткаш халқининг қўлига ўтди. Ўзгаришларнинг иккинчи босқичи бошланди.

Янги халқ ҳукумати бой-амалдорларнинг ерларини йўқ қилишга киришди. Ортиқча ерлар ерсиз ва ери кам деҳқонларга бепул бўлиб берилди, саноат национализация қилинди.

РСФСР ХХСРга қишлоқ хўжалигини, асосан пахтачиликни, пахта саноатини тиклаш ва қайта қуришда имтиёзли кредитлар, машина ва ускуналар билан доимий равишда ёрдам бериб турди. Суғориш иншоотларини тиклаш ва ривожлантиришга эътибор қаратилди. 1923 йил охирига келиб кўплаб солиқлар бекор қилинди ва уларнинг ўрнида ягона қишлоқ хўжалиги солиғи ўрнатилди. Деҳқонларнинг турмуш шароитларини яхшилашда "Қўшчи" иттифоқи муҳим рол ўйнади. У деҳқонларга ер, чорва моллари, уруғлар беришда кўмаклашди, деҳқонларни кооперативларга жалб қилди.

Қишлоқда матлубот кооперациялари ташкил этилди, қишлоқ хўжалигида кредит шерикликлари – ширкатлар ташкил этилди, бу эса Марказий Осиё қишлоқ хўжалиги банки орқали кам

таъминланган оилаларни кредитлашга ёрдам берди. ХХСРнинг 4 йиллик фаолияти давомида энг асосий соҳа – қишлоқ хўжалиги қайта тикланди. Пахта экин майдонлари 1922 йилдаги 3000 акрдан 1923 йилдаги 9500 акрга кўпайди. 1920-1924 йилларда Россия капиталистик фирмаларига қарашли 12 пахта тозалаш заводи, 3 та ёғни қайта ишлаш заводи ва 3 совун ишлаб чиқариш фабрикаси давлат тасарруфига ўтказилди.

1920 йил сентябрда РСФСР ва ХХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси тузилди. Ушбу шартномага биноан РСФСР, ХХСРга Хоразм республикасида жойлашган барча мулкларини ҳадя қилди. Россия капиталистлари ва Хива хонлари ўртасидаги барча концессион шартномалари бекор қилинди. 1922 йил 29 июнда РСФСР савдо ваколатхонаси тузилди, у икки республика ўртасидаги савдо алоқаларида муҳим рол ўйнади. ХХСРнинг иқтисодий ривожланиши учун 1922 йил февраль ойида ТАССР, ХХСР ва БХСР иқтисодий иттифоқи катта аҳамиятга эга эди. Бу уларнинг яхлит иқтисодий ривожланишини тезлаштирди. Бу ерда Ўрта Осий иқтисодий кенгаши катта рол ўйнади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ХХСР иқтисодиёти кўп тармоқли эди. Хива ва Урганч хунарманчилик марказлари бўлган. 1922 йилда республика товар айланмасининг 90 фоизи хусусий сармоядорларнинг қўлида эди, марказий ҳудудларда бу кўрсаткич 43,9 фоизни ташкил этди. РСФСР билан ХХСРнинг ўртасида савдо ривожланди. Хоразмдан Россияга пахта хом ашёси, жун, чарм хом ашёси, пилла жўнатилган. РСФСРдан Хоразм республикасига ипак матолар, иплар, ойналар, идишлар, чинни, гугурт, цемент олиб келинган.

1921 йил майга қадар Хоразмда саводсизликни тугатиш бўйича 11 та мактаб мавжуд эди. 1921 йилда Хоразм халқ университети очилди. 1922-1924 йилларда таълим соҳаси бир миллион рублдан кўпроқ маблағ ажратилди. Жамият ҳаётидаги бу барча ўзгаришлар халқнинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатди, Совет давлатига ишончи ва ҳурматини кучайтирди.

1924 йил охирида миллий демаркация натижасида республика аҳолиси Ўзбекистон ва Туркманистон ССР, шунингдек, Қорақалпоқ автоном вилоятига қўшилди.

Ўрта Осиёда Хива феодал истибдоди қулагач, Ўрта Осиёнинг сўнгги ўрта аср сарқити бўлиб қолган – Бухоро амирлиги қолди. 1920 йилда барча демократик кучларни бирлаштирган Бухоро коммунистлари, буржуазиянинг оппозицияга асосланган қисмларини, кичик ва ўрта диндорлар ва илғор зиёлиларни ўз ичига олган "ёш бухороликлар" буржуа партиясини бирлаштирган ягона кураш блоки ташкил этилди. Истибдодга қарши халқ ҳаракати 1920 йил 28 августда қуролли қўзғолонга олиб келди. Амир тахтдан ағдарилди. Ҳокимият вақтинча инқилобий қўмитанинг қўлига ўтди. Инқилобий қўмита ёрдам сўраб Совет Россиясига мурожаат қилди. Шиддатли жанглардан сўнг қўшинларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари амирлик пойтахти - Бухорони озод қилди. Бутун Бухоро Қурултойи 1920 йил 6-8 октябр кунлари Бухорони Халқ Совет Республикаси (БХСР) деб эълон қилди.

"Ёш бухороликлар" Бухорода пайдо бўлган ва баъзи либерал-демократик ислоҳотларнинг тарафдорлари бўлган буржуазия манфаатларини ифода этарди. Бундан ташқари, қолоқ феодаллар ва фақат деҳқонлардан иборат мамлакатида социалистик вазифаларни амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Бухоро ва Хоразм инқилоблари дастлабки босқичда инқилобий-демократик мазмунга эга эди.

Бироқ, ушбу даврдаги вазият ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишга имкон бермади. Бухоронинг шарқидаги Бойсун шаҳри амири Анвар пошшо ТАССР ва БХСРга ҳужум қилиш учун қўшин тўплади. 1922 йил 2 январда халқ истибдодини ҳимоя қилиш учун диктаторлик ваколатларига эга бўлган фавқулодда комиссия тузилди. Вазиятни юмшатиш учун, Совет ҳукумати мусодара қилинган вақф ерларини қайтариб бериш, қозилик судлари тиклаш, мўътадил басмачилар учун амнистия эълон қилиш билан, маҳаллий аҳолига имтиёзлар йўлидан борди. Бухорода ижтимоий ўзгаришлар фақат 1923 йилда бошланди. БХСРда иқтисодий ва маданий соҳалардаги тикланишида Ўрта Осиё иқтисодий бирлашмасининг яратилиши муҳим рол ўйнади. Асосий вазифа қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантириш эди. 1923 йилда пахтачилик умумий майдони 80 минг таноб бўлиб, шундан 1,6 миллион пуд хом ашё йиғиб олинган. Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, ерга ишлов бериш бериш бўйича

шерикчлик, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигини тиклашнинг муҳим воситаси кам таъминланган уй хўжаликлари учун солиқ имтиёзлари бериш эди. Йиллар давомида ҳарбий ҳаракатлар туфайли улкан йўқотишларга учраган саноатнинг жонланиши кузатилди.

РСФСР ҳукумати ип йигирув ва тўқув фабрикалари, тўқимачилик ва қоғоз, чарм ва совун фабрикалари учун ускуналар хайрия қилди. Марказда, саноатни тиклаш ва ривожлантириш учун кўплаб муҳандис-техник ходимлар юборилди. Маданият, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш учун кўплаб тадбирлар ўтказилди. Давлат аппаратини демократлаштириш ўтказилаётган эди. Миллий зиддиятларни бартараф этиш учун кейинчалик туркман ва қирғиз ва тожик бўлимлари ташкил этилди.

1924 йил 19 сентябрда Советларнинг бутун Бухоро Қурултойи БХСРни Бухоро Халқ Совет Социалистик Республикасига айлантирди. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда учта республика: ТАССР, ХХСР ва БХССР ташкил этилгандан сўнг, миллий демаркация масаласига яқинлашдик.

Миллий демаркация сиёсатига миллий муаммони ҳал қилиш воситаси эканлигини айтишдан олдин, Марказий Осиё халқлари орасида тили, урф-одатлар ва маданий даражалар бўйича ҳудудий тафовутлар мавжуд бўлганлигига қарамай, бу халқларни бирлаштирадиган жуда кўп шарт-шароитлар мавжудлигига эътибор қаратишимиз лозим. Дини, дўстона иқтисодий алоқалари сақланиб қолган ушбу халқлар ўртасида бирор-бир зиддиятга бормасдан эркин ҳаракатланиш, айниқса, миллий адоват кузатилмаган эди. Тарихан Ўрта Осиё халқлари ўзларининг давлат шаклланишлари доирасида бу борада алоҳида сабабларсиз яшаганлар (хукмдорлар ўртасидаги урушлар бундан мустасно).

Бизнинг назаримизда, инқилобдан кейин Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий тизимларининг бир хиллиги, айниқса уларнинг иқтисодий бирлашиши, келажакда қўшни давлатларга иқтисодий жиҳатдан кучли ва муносиб рақобатчи бўлиши мумкин бўлган федерациясини тузишда ҳеч қандай тўсиқлар йўқ эди. Бунинг учун халқлар ва миллий етакчиларнинг қатъий иродаси зарур эди. Иккита тенг хукуқли, дўстона иттифоқ федерал

республикаси яратилар эди. Ленин, Ўрта Осиёнинг миллий асосда бўлинишининг ташаббускори сифатида, вақт ўтиши билан ҳатто Совет Россияси (РСФСР) ҳам СССР каби йиртқичнинг чангалига тушиб қолишини ҳатто ўйламаган эди.

Аммо тарих саҳнаси ўз қонуниятлари бўйича кетди. Большевиклар режаларига кўра, миллий демаркация Совет давлатчилигини мустаҳкамлаш, ҳокимият ва бошқарув органларини аҳолига яқинлаштириш, миллий ишончсизлик, катта кучлар шовинизми ва маҳаллий миллатчиликнинг вайронагарчиликларини йўқ қилиши, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаши, Марказий Осиё халқларининг амалда тенглигини таъминлаш воситаси эди.

1924 йил апрел ойида Ўрта Осиё бюросининг комиссияси иккита иттифоқ республикаларини - Ўзбекистон ва Туркманистон республикаларини ва иккита автоном вилоят - Тожикистон ва Қора-Қирғиз вилоятини ташкил қилишни таклиф қилди. Хоразм республикаси раҳбарлари миллий демаркацияга қарши чиқдилар. Ленин ва большевиклар Хоразм республикасининг мустақиллигини сақлашга қарши эмас эдилар, аммо, омма марказ томонидан қўллаб-қувватланадиган миллий демаркацияга чақирди.

Делимитариция бўйича катта ишлар қилинди. Қийинчиликлар маъмурий чегаралар халқларнинг яшаш жойлари чегараларига тўғри келмаслигидан келиб чиқди. Шундай бўлса-да, миллий демаркациянинг мураккаб ишлари олиб борилди. Йиллар ўтиб, миллий ўзига хосликнинг кучайиши билан чегараларнинг адолатсиз равишда расмийлаштирилиши ҳақида баёнотлар пайдо бўлди ва деярли барча республикалар бу масала бўйича даъволарни билдиришди.

Янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР иттифоқ республикалари сифатида СССР таркибига кирди. Ўзбекистон ССР ҳудуди 17071600 гектар майдонни ўз ичига олади, 1926 йил маълумотига кўра аҳолиси 4426726 нафар, аҳолининг ¾ қисми ўзбеклар бўлган. 1930 йилгача пойтахти Самарқандда бўлган.

1925 йил мартга келиб иқтисодий демаркация тугатилди, яъни барча фабрикалар, заводлар, экин майдонлари, чорвачилик, илгари Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларига тегишли

бўлган маданий муассасаларнинг тақсимланиши амалга оширилди. Ялпи маҳсулоти 106,9 миллион рубль бўлган 185 та фаолият юритувчи завод корхоналари Ўзбекистон ССР таркибига кирди. Саноатдаги етакчи тармоқлари пахтани қайта ишлаш (39 та завод) ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш (35 та завод) корхоналари эди.

Пахта қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб, аҳолининг 85 фоизи шу тармоқда иш билан банд эди. Ўзбекистон 1195 минг акр суғориладиган ерни олди ва 1923-1924 йилларда иттифоқ томонидан тўпланган пахта пахтасининг 70 фоизини (тахминан 10 миллион пуд) ташкил этди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик каби анъанавий тармоқлар муҳим ўрин эгаллади. Республикада ғалла ва чорвачилик туманлари мавжуд эди.

Юқоридагилардан қисқача хулоса қилган ҳолда социализм ғояларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши даврининг оғир шароитлари, ўша йиллардаги Ленин сиёсатини ўрганишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ленин рус давлатчилигини бошқарган, ўз давлатининг буюк ватанпарвари сифатида, ҳар қандай қарор учун, ҳаттоки халқаро характерда бўлганларида ҳам, Россия манфаатларини кўзда тутган.

Мустамлакачилар ҳар доим “қопқон ва хўрак” сиёсатидан фойдаланишган. Лениннинг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, у нафақат Россия, балки бошқа халқларнинг манфаатларини ифода этувчи “шудгордаги қуйруқ” ёки “қопқонсиз хўрак” сиёсатидан фойдаланган. Бу, эҳтимол, рус халқининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Капитализм бўлмаган ривожланиш йўлида Марказий Осиё халқларининг янги ҳаёт учун курашда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан ифодаланган бундай ёндашув, жабрланган халқларнинг Совет ҳокимиятига бўлган ишончини оширди. Масалан, “Ўз хуқуқини ўзи белгилаш” сиёсатини олиб қарайлик. Бу мардонавор, доно, олижаноб, аммо шу билан бирга “Мана сизга ширинликлар, мен билан бирга юринг” қабилидаги жуда айёрона сиёсат эди.

Лениннинг миллий сиёсати инглиз мустамлакачиларининг “Бўлиб ташла ҳукмронлик қил” сиёсатига жуда ўхшайди, аммо бу ерда Ленин “олижаноблик қилинг, бўлинг, лекин забт этманг,

бўлинганлар бош эгиб келади” сиёсатини тутган. Ленин империализмни таҳлил қилишда айрим хатоларга йўл қўйган. Аммо ўта аниқлик билан, Ўрта Осиё халқларининг социализмга эргашишлари учун енг шимаришдан бошқа чораси йўқлигини даҳоларча кўра билган (С. Есенин).

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) Ленин сиёсатининг қаерда босим ўтказиш ва қандай ҳолларда ён босиш зарур бўлган улкан ютуғи эди. И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтиш даврининг мураккаб муаммоларини ҳал қилиш, тўғри ечимларни топиш учун ленинистик сиёсий ва назарий меросни ўрганган бўлиши мумкин. Сталин ҳам ўз даврида Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳокимиятни сақлаб қолиш учун И.Грозныйнинг давлат бошқаруви сирларини пухталик билан ўрганган.

VII Боб. СССР НИНГ ТАРКИБ ТОПИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАРЧАЛАНИШИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ

7.1. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги беш йилликда Ўзбекистон иқтисодиёти. Саноатни ривожлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш.

Иккинчи жаҳон урушидан олдинги беш йиллик режаларнинг асосий масалаларини ёритишдан олдин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар ғоя атрофидагиларни бирлаштира олса, улкан моддий кучга айланишини муқаррардир. Социализм ғояси ва унинг халқлар учун амалий аҳамият аввало, ўтмиш сарқитларидан воз кечишни, тенглик ва адолатга асосланган янги ҳаёт қуришни, ихтиёрий меҳнатни, жамият ва шахс манфаатларини ҳурмат қилишни тарғиб қилади. Ўрта Осиё халқлари учун социализм аввало, мустамлака ўтмишга, феодал ва истибдод зулмига барҳам бериш эди.

1920-1930 йилларда социализм ғояси ва уни амалга ошириш қудратига эга бошқа муқобил ғоя йўқ эканлигига қатъий ишонч ва самимий эътиқод мавжуд эди. Жамиятни социалистик қайта ташкил этишга ундаган ушбу чуқур ишонч, одамлар ўртасида урушдан олдинги беш йиллик режаларни бажаришда шижоат ва қатъият ҳиссини уйғотди. Ушбу шижоатнинг муҳим жиҳати социалистик мусобақани ташкил қилиш, Стахановчилар ҳаракати, станокчилар ҳаракати, ҳашар ва шанбалик каби оммавий тусга эга тадбирларда ўз аксини топарди.

Барчамизнинг онгимизда иқтисодиётни мафкурадан озод қилиш (адолат, тенглик, биродарлик, меҳнат қилиш ҳуқуқи, шахснинг жамият олдидаги масъулияти, ватанпарварлик туйғусининг фалсафий ибтидоси) маънавий жиҳатдан улкан йўқотишларга олиб келиши мумкинлиги, буларсиз иқтисодиёт барқарор бўлмаслиги ҳақида ёлғон тасаввурлар жўш уради. Чунки ҳар қандай жамият ҳаётида иқтисодиёт ва одамларнинг хулқ-атвори ва маданияти ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуддир.

Социализм, мафкура сифатида олижаноб туйғуларни тарғиб қилди ва халқ уларни илҳомланиш билан қабул қилди. Жамият

манфаатларининг шахс манфаатларидан устунлиги индивидуалликка қарши курашнинг муҳим воситаси эди. Бу хусусий мулкдорларга қарши курашда ва ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари ҳамда иқтисодиёт тармоқларини жадал ижтимоийлаштиришда ўз ифодасини топди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган асрнинг 70-йилларида рўй берган воқеаларга бироз тўхталиб ўтамиз[94].

Ушбу даврнинг хусусиятлари иқтисодий ривожланишнинг вазифаларини ҳам белгилаб берди. Хусусан, биринчи беш йиллик режада капиталистик тузум унсурларни йўқ қилиш ва социализмнинг моддий-техник базасини яратиш ва мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Оғир саноатни шакллантириш кўзда тутилган эди ва шу асосда саноатнинг ўзи ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш кўзда тутилган эди.

Партиянинг мақсади, “беш йиллик режада иқтисодий ва маданий қолоқликни аста-секин бартараф этиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда қолоқ чекка туманлар ва ҳудудларнинг иқтисодиёти ва маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак эканлигидан келиб чиққан эди. Бунга кўра, ушбу ҳудудлар иқтисодиёти ва маданиятининг жадал ривожланиш суръатларини таъминлаш керак. Ушбу соҳаларнинг эҳтиёж ва талабларини Иттифоқ талаблари билан боғлаш зарур” [95]. Бутун Иттифоқ ва Ўзбекистонда халқ хўжалиги қайта тиклангач, халқ хўжалигини янги техник ва ижтимоий асосда саноатлаштиришга ўтишга киришилди.

1925 йилга келиб Ўзбекистон саноати 21 соҳадан иборат бўлиб, цемент, металл, қурилиш, консерва ва бошқа янги соҳалар

---

[94] Муаллифнинг СамДУ профессори, физика-математика фанлари доктори Ш. Ярмухаммедов билан дўстона муносабатлари бўлган. Улар биргаликда ёзги таътилларни ўтказишган, тоғ туризми билан шуғулланишга қизиқишган. Ш.Ярмухаммедовнинг функционал анализ соҳасидаги ишлари дунё миқёсида тан олинган. У математика бўйича АҚШ конгресига таклиф қилинган бўлиб, унинг моҳир оратор, сўз устаси эканлиги барчага маълум эди. Математик баталиялардан сўнг ундан Россиядаги большевиклар ҳаракати ҳақида маъруза ўқишни сўраб қолишади. Бир соат давомида у ўз манфаати йўламасдан ўлимга тик борувчи, халқ манфаати учун ўзини ўтга ташлайдиган кишилар ҳақида, ватанпарварлик, инсонпарварлик, виждонлилик, қалб тозалиги каби инсоний ҳислатлар ҳақида дадиллик ва ишонч билан нутқ сўзлайди. Тингловчилар ушбу нутқ давомида пролетар революциянинг иккинчи жаҳон урушида биринчилардан бўлиб фашизм устидан ғалаба қозонишига ишонч ҳосил қиладилар. Ўзбекистонга қайтгач бир соатлик маърузаси учун профессорнинг бир ойлигидан кам бўлмаган миқдордаги ҳақ тўланганлигидан ҳайратга тушиб қолади ва “Қанчалик қашшоқмиз” дея қўшиб қўяди.

[95] КПСС в резолюциях съездов, конференций, пленумов. Ч-II. - М.: Госполитиздат, 1960. 343 бет.

пайдо бўлди. Ялпи саноат маҳсулоти урушгача бўлган даврнинг 80 фоизини ташкил этди, электр энергиясини ишлаб чиқариш 5 бараварга ошди. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги улуши 61,8 фоизни ташкил этган ҳолда Ўзбекистон аграр республика бўлиб қолди. Шу сабабли, Ўзбекистонни аграр мамлакатдан аграр-индустриал мамлакатга айлантириш вазифаси қўйилди. Ўзбекистонни саноатлаштириш, республиканинг тарихий ва табиий шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди, шунинг учун у бутун Иттифоқнинг асосий пахта базаси сифатида белгиланди. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни саноатлаштириш ва қайта қуриш аҳолининг саводхонлиги пастлиги, кундалик ҳаётда феодал тузум қолдиқларнинг мавжудлиги ва ҳудудларда иқтисодий ривожланишнинг турлича тафовутга эга эканлигини кўрсатди. Аёлларни реакцион диндорлар таъсиридан озод қилиш учун кураш олиб борилди.

Оғир саноатнинг ривожланиши социализмнинг моддий асоси, иқтисодий мустақилликни, бошқа соҳалар, транспорт, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, халқнинг моддий ва маданий даражасининг ўсиши сифатида кўрилди. Саноатлаштириш бутун Иттифоқ доирасида ихтисослашув ва кооперация, социалистик меҳнат тақсимоти тамойиллари бўйича республиканинг барча ҳудудларидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг комплекс саноат ривожланиши доирасида амалга оширилди. Бу ўз навбатида, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, биринчи навбатда пахтачилик билан боғлиқ тармоқларнинг ривожланишига олиб келди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, пахта тозалаш, ёғ-мой санаоти, ипакчилик, консерва ва виночилик тармоқлари ривожланди. РСФСР ва бошқа республикаларнинг беғараз кўмаги билан, фабрикалар ва заводлар қайта қурилди, саноатни ривожлантириш учун ускуналар билан жиҳозланган темир йўл вагонлари, хом ашё ва қурилиш материаллари оқими кириб келди.

Кўплаб электр станциялари қурилди. 1928 йилга келиб электр станциялари сони 5 тадан 29 тага кўпайди. Электр энергиясини ишлаб чиқариш 10 баробардан кўпроқ ошди. Энергетика тармоғининг ўсиши натижасида Тошкент қишлоқ хўжалиги муҳандислик заводи, Тошкент тамаки фабрикаси, Тошкент тўқимачилик фабрикаси қурилиши бошланди, Қувасой цемент заводи

фойдаланишга топширилди, Хилковода цемент заводи реконструкция қилинди, Фарғонадаги тўқимачилик фабрикаси ва консерва заводи, Самарқанддаги ипакни қайта ишлаш заводлари ва бошқалар барпо этилди. Бухоро ва Марғилонда иккита йирик ипак ишлаб чиқариш фабрикаси қурилди, 7 та ғишт фабрикаси фойдаланишга топширилди, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатини яратиш учун дастлабки қадамлар қўйилди. Саноатлаштиришнинг 3 йилида (1925-1928 йиллар) саноат тармоқлари сони 21 тадан 35 тагача кўтарилди. Кўмир ва кимё саноати ривожланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқ хўжалиги Иттифоқникига нисбатан тезроқ ривожланди, Иттифоқдаги кўрсаткич 47 фоизга ўсган бўлса, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 57 фоизни ташкил этди.

Беш йиллик даврда молиялаштириш ички жамғармалар, ишчиларнинг бадаллари ва давлат кредитлари каби манбалар асосда амалга оширилди. Оғир саноатни ривожлантириш учун сарф-харажатлар 1932 йилда 1928 йилга нисбатан 5,4 фоиздан 43,5 фоизгача ўсди. Ялпи саноат маҳсулоти 2,3 мартага, электр энергияси ишлаб чиқариш 3,7 мартага, нефт қазиб олиш 3,3 мартага, металл буюмлар 5,8 мартага, саноатнинг улуши 30 фоиздан 50 фоизга ошди.

Завод ва фабрикалар малакали ишчилар, муҳандислик-техник ходимлар билан таъминланди. Бироқ, маҳаллий халқ вакилларидан иборат малакали кадрлар танқислиги вужудга келди. Иттифоқнинг саноат марказларида ўқув машғулотлари ўтказилди, рус ишчиларининг маҳаллий миллат ишчилари устидан ҳомийлиги амалга оширилди, фабрика-завод мактабларида ўқитилди. Шундай қилиб, малакали кадрларга, мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва уларни тайёрлаш бўйича кўрсаткичлар ўртасидаги тафовут бартараф этилди. Саноатни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва кадрлар таркибининг ўзгариши меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада ошишини, иш ҳақининг юқори бўлишини ва ишчиларнинг маданий савиясини оширилишини таъминлади.

Биринчи беш йиллик режада саноат соҳасида эришилган ютуқлар қишлоқ хўжалигида ўз самарасини бермади. Қишлоқ хўжалиги қолоқ саноат бўлиб қолаверди. Кооперативлар,

колхозлар ва совхозларнинг улуши кам эди. Қишлоқ хўжалигининг асосий шакли майда, якка, ҳовли мерос мулкидан иборат эди. Ерни сотиш қонун билан тақиқланган бўлса-да, амалда мавжуд бўлган. Қишлоқларнинг ижтимоий тузилиши тарқоқ, ибтидоий агротехник тадбирларга ва ёлланма ишчи кучидан фойдаланишга асосланган эди. Мардикорлик (ерсиз ва кам ерли ёлланган ишчилар) ва чорикорлик сақланиб қолган эди. Ер ва чорва молларининг маълум гуруҳлар қўлида тўпланиши келгусидаги ижара муносабатларининг иқтисодий устунлиги учун моддий асос бўлди. Бу вазиятни юмшатиш учун камбағал ва ўрта хол деҳқон хўжаликларига солиқ имтиёзлари, уларга уруғлар, ўғитлар ва бошқалар берилди.

Совет тузумининг аграр сиёсатидаги муҳим босқич 1925 йилда ер-сув ислоҳоти бўлиб, у қишлоқнинг ижтимоий тузилишини тубдан ўзгартирди. Феодал ер эгалигига буткул барҳам берилди. Қишлоқ аҳолисининг асосий кўрсаткичига келадиган бўлсак, ўрта хол деҳқонлар - 61 фоизни, камбағаллар - 37,6 фоизни ва бойлар - 1,4 фоиз ташкил қилган. Аммо 1925-1929 йиллардаги ислоҳотлар ер масаласини тўлиқ ҳал қилмади. Шунга қарамай, майда деҳқончиликдан кенг миқёсли механизациялашган ишлаб чиқаришга босқичма-босқич ўтиш содир бўлди. Колхозлар, совхозлар, машина-трактор саройлари колхозларнинг техник базасига қурилган эди. Беш йил ичида уларнинг сони 78 тага етди.

Юқоридаги сабабларга кўра, дастлабки беш йилликнинг охирига келиб қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигини техник ва ижтимоий қайта қуриш, коллективлаштириш ва қулоқларга қарши курашда кўплаб хато ва қонунбузилишларига йўл қўйилган[96]. Шунга қарамай, беш йиллик давр охирида Иттифоқнинг пахта мустақиллигига эришилди. Пахта экинлари 1928 йилда 588,5 минг гектардан 1932 йилда 985,8 минг гектарга кўпайди. СССРда ялпи пахта етиштиришда Ўзбекистоннинг улуши 65 фоизни ташкил этди. Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришда йиллар давомида ташкил этилган совхозлар катта рол ўйнадилар.

[96] Йирик ер егалари ва мулкдорларнинг мулки Октябр революциясидан кейин тортиб олинган, айримлари ўз ихтиёри билан топширган. Ўзлари Сибир ўлкаларига сургун қилинган. Бундайлар сони кўп бўлганлиги шубҳасиз.

Чорвачиликда маълум ютуқларга эришилди, колхозларда озуқа фермалари яратилди.

Биринчи беш йиллик режада гарчи Туркистон-Сибир темир йўлининг қурилишини якунлаш, йўлни реконструкция қилиш, Арис-Тошкент станциялари орасидаги йўлни қайта қуриш, Тошкент-Урсатевская станциялари ўртасида иккинчи йўлни қуриш амалга оширилган бўлсада, транспорт ва алоқа тармоқлари халқ хўжалигидаги заиф нуқталаридан бири сифатида баҳоланди. Кувасой-Қизил-Қия, Асака-Шахрихон темир йўл участкалари қурилди. 3770 км темир йўл қурилиши режалаштирилган эди. Почта, телефон, телеграф, радиоэшиттириш каби воситаларни ишлаб чиқиш режалаштирилган эди.

Социалистик иқтисодиётнинг мустаҳкамланиши давлат ва кооператив савдонинг ўсиши билан кечди. Агар давлат савдоси шаҳарлар аҳолисига хизмат кўрсатган бўлса, қишлоқ жойларида матлубот кооперацияси пайдо бўлди, унинг улуши 1932 йилда чакана савдонинг 64,6 фоизигача етди. Ўртача ҳар бир сотув пункти 730 кишига хизмат кўрсатди (шаҳарда 565 ва қишлоқда 778). Чакана савдо тармоқлари сони кўпайди. Хусусий савдога чек қўйилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон саноатидаги социалистик сектор 99,4 фоизни, улгуржи савдода 98,6 фоизни, чакана савдода 55,1 фоизни ташкил этди. Темир йўл транспортидаги йирик ва енгил саноатнинг йирик корхоналарида ва йирик совхозларда ИТБлар ташкил этилди (иш таъминоти бўлими). Умумий овқатланиш хизмати ҳам ривожланди.

1933-1937 йиллардаги иккинчи беш йиллик режанинг вазифалари социалистик жамият қурилишини якунлашга, яъни ишлаб чиқаришни тўлиқ социализация қилишга қаратилган эди. Бунга халқ хўжалигининг барча тармоқларини реконструкция қилишни тугатиш, капиталистик элементларга барҳам бериш[97], синфий тафовутларни йўқ қилиш, ишчиларнинг моддий ва маданий даражасини ошириш, янги фабрикаларнинг ривожланиши, янги технологияларни ривожлантириш, ушбу техникани ўзлаштириш

[97] Совет ҳукумати капиталистик жамият элементлари (мулкдрлар, ўзига тўқ деҳқонлар, шаҳар савдогарлари ва шу кабилар) социалистик жамиятни барпо этиш ғояларига амал қилмайди деган фикрда бўлган. Аксинча камбағаллар ва қашшоқлар Совет хокимиятининг такаббур ижрочилари каби “капиталистик жамият элементлари” дан кўпроқ азият чекди.

ва юқори меҳнат унумдорлигига эришишга қодир малакали кадрларни оммавий тайёрлаш кирарди.

Иккинчи беш йиллик режанинг сиёсий йўналиши - одамлар онгида ўтмиш қолдиқларини йўқ қилиш, халқ орасида шижоат ва социалистик онгни ривожлантиришга қаратилган эди.

Ўзбекистонда беш йиллик режанинг вазифалари ҳудудларнинг табиий-иқтисодий шароити асосида аниқланди. Ишлаб чиқариш кучларни оқилона тақсимлаш мақсадида енгил ва озиқ-овқат саноатининг катта қисми жойлашган Тошкент вилоятида машинасозлик, металлни қайта ишлаш ва кимё саноатида ишлаб чиқариш воситалари ва хом ашё ишлаб чиқарадиган корхоналар сонини кўпайтириш режалаштирилди. Жанубий ва жанубий-ғарбий вилоятларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари, хусусан, Фарғона водийсида, енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналарини қуриш кўзда тутилган эди. 1935 йилда Когон ва Қўқон суперфосфат заводлари ва Тошсельмаш заводи ишга туширилди.

Электр энергиясини ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилди ва реконструкция қилинди. 1932 йилда Тошкентда электр маркази қурилиши бошланди. 1933 йилда Бўрижар ГЭСига асос солинди. 1935 йилда Бухоро ва Наманганда ИЭС қурилиши бошланди. 1937 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш қарийб 3 баравар, электр станциялари сони эса 2 баравар ошди.

Ўзбекистоннинг табиий-геологик шароитларини ўрганиш натижасида олтингугурт рудаси, нефт, кўмир, молибден, вольфрам конлари аниқланди[98]. Бу тоғ-кон ва кимё саноатининг ривожланишига туртки бўлди.

Ўзбекистоннинг табиий-геологик шарт-шароитларини пухта ўрганиш ва тадқиқ қилиш натижасида олтингугурт, нефть, кўмир, молибден, вольфрам конлари топилди.[99] Буларнинг барчаси республикада тоғ-кон ва кимё саноатининг ривожланишига туртки берди. Қурилиш материаллари, жумладан, цемент, оҳак, мармар, пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхоналари тўлиқ таъмирланди. Нефть ва газ қазиб олиш ҳажми ушбу беш йилликда 7,8 маротаба ортди.

---

[98] Князев П.К. Недра Узбекистана. - Т.: 1935. 8 бет.

[99] Князев П.К. Недра Узбекистана. - Т.: 1935. 8 бет.

Янги енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари барпо қилинди ва мавжудлари тўлиқ қайта таъмирланди. Улар қаторига Тошкент тўқимачилик фабрикаси, Фарғонадаги ип йигирув ва тола фабрикаси, Намангандаги ипак йигириш, Тошкент тери заводи, турли шаҳарлардаги нон заводлари, Каттақўрғон ёғ-экстракция заводи, Тошкент қандолат фабрикаси, Янгийўл мева-сабзавот комбинатини киритиш мумкин. Агарда Ўзбекистонда 1928 йилда иккита тикув фабрикаси бўлган бўлса, 1937 йилда уларнинг сони 62 тага етди.

Шу тарзда 1937 йилга келиб Ўзбекистон ўзининг кимё, машинасозлик, пахтани қайта ишлаш, шойи тўқиш, тўқимачилик, қоғоз ва бошқа саноат тармоқларига эга бўлди. Беш йиллик давомида қайта таъмирланган корхоналарни ҳисобга олмаганда Ўзбекистон саноати ўша даврнинг илғор технологиялари билан жиҳозланган 189 та корхона билан бойиди.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фондлари қисқа муддатда ошишга эришди. Қайта ишлаш саноатининг йирик корхоналари 1 млн. рублдан ортиқ ишлаб чиқариш фондларига эга бўлди. Оғир саноатда ишлаб чиқариш фондларининг солиштирма қиймати 1913 йилдаги 18,8 фоиздан 1937 йилда 36,5 фоизга етди. Енгил ва озиқ-овқат саноатида бу кўрсаткич 88,2 фоиздан 63,5 фоизга тушди

Биринчи беш йиллик охирига келиб ялпи саноат маҳсулотларининг 85,0 фоизи давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган эди.1937 йилга келиб Ўзбекистон иқтисодиётида саноатнинг ялпи улуши 67,1 фоизга етди. Иккинчи беш йилликда саноат тармоғи ўзбекистонни Иттифоқнинг етакчи республикалари қаторига киришини таъминлаб берди. Буларнинг барчаси Россиянинг марказий шаҳарларидан янги қурилаётган корхоналарга узлуксиз равишда йўналтирилган жиҳозлар ҳисобига эришилди. 1937 йилда Ўзбекистон саноатида меҳнат унумдорлиги ишчи кадрларни, жумладан, аёлларни тайёрлаш асосида 4 маротабадан кўпроқни ташкил қилди.

Шундай қилиб Ўзбекистон чор Россиясининг қолоқ чекка ҳудудида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи йирик аграр-индустриал республикага айланди[100].

Қайта таъмирлаш масалалари транспорт тармоғига ҳам тааллуқли эди. Энг аввало Ўрта-Осиё темир йўллари қайта таъмирланди. Электровоз ва тепловозлар келтирилди. Темир йўл юк ташиш айланмаси 2 маротаба ортди. Автомобил йўлларини ободонлаштирилди, авиалиниялар узунлиги 8 маротаба ортди. Сув транспортида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Алоқа соҳасидаги ўзгаришлар туфайли почта, телеграф ва телефон бўлимлари сони 18,8 фоизга ошди.

Иккинчи беш йилликда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам янги колхоз ва савхозларни ташкил қилиш, экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ва чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш масалалари қўйилган эди. пахта ҳосилдорлигини 15,6 центнерга етказиш режалаштирилган эди.

Белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ижтимоийлаштириш ўз якунига етди. Буни иккинчи беш йилликнинг охирига келиб деҳқон хўжаликларининг 99,2 фоизи, экин майдонларининг 98,8 фоизи қамраб олинганлиги билан ҳам изоҳлашимиз мумкин. Хўжалик юритишнинг социалистик тизими ер хўжалигининг ягона шаклига айланди, колхозларнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиши, аксарият маблағларнинг ирригация тармоқлари қурилишига йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш вазифаси амалга оширилди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида тракторлар сони 1932 йилдаги 3503 донадан 1937 йилга келиб 21550 тагача етди. Тракторларнинг умумий қуввати 81,4 минг от кучидан 321,9 минг от кучига ортди, шу билан бирга бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги машиналарининг сони ҳам ортди. Колхозларда ишлаб чиқаришнинг моддий-техник базаси ва техник таъмирлаш машина-трактор саройлари орқали амалга оширилди. Машина-трактор саройларининг сони 2 маротаба ортиб 163 тага етди,

[100] История Узбекской ССР. - Т.: Изд-во «Фан», 1974; Экономическая история Советского Узбекистана (1917-1965гг.). - Т.: Изд-во «ФАН», 1966.

уларда умумий қуввати ўртача 263 от кучига тенг бўлган 18267 трактор мавжуд эди.

Эътиборли жиҳати иккинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ҳам бошланган эди. Қишлоқ хўжалигини қайта қуроллантириш техник кадрлар, тракторчилар, комбайнерлар ва ҳайдовчиларни қайта тайёрлаш билан биргаликда олиб борилди. 1932 йилда пахтанинг 12,8 фоизи машинада экилган бўлса, 1937 йилда бу кўрсаткич 68,6 фоизи етган. 1937 донли экинларнинг 27,4% фоизи машинада экилган, комбайнерлар томонидан 23,4 фоизи йиғиб олинган. Майдо колхозларни ўзаро бирлаштириш натижасида ирригация қурилиш ишлари самараси кузатилиб, сувдан фойдаланиш тизими яхшиланди. 1937 йилда колхозларнинг асосий қисми ўртача 300-500 га ер майдонига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ортишида минерал ўқитлар билан таъминлаш, агротехник тадбирларнинг яхшиланиши, селекция станцияларининг ташкил этилиши ва уруғчиликда эришилган ютуқларнинг аҳамияти катта бўлди. Умуман олганда большевистик партия ва республика ҳукуматининг социализм байроғи остидаги сиёсати ўзининг амалий натижаларини берди.

Савдо соҳасида ҳам сезиларли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Совет савдоси тижоратнинг ҳукмрон шаклига айланди. Савет савдосининг давлат савдосидаги улуши 1932 йилда 32,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1937 йилда 53% ташкил қилди. Шунга мос равишда равишда кооператив савдонинг улуши ҳам камайиб 67,2 фоиздан 47 фоизгача тушди. 1934 йилда қишлоқ жойларда матлубот кооперацияси энг тармоқланган савдога айланди.

1934 йилда нон, гуруч, унга татбиқ қилинган карточка тизими бекор қилинди. Истеъмол дўконлари тармоғи кенгайди. 1936 йил 1 январдан ягона нархлардаги очиы савдо тизимига ўтилди. Социалистлар фикрича, ягона нархларнинг ўрнатилиши меҳнат ва истеъмол ўлчовини назорат қилишни яхшилашга хизмат қиларди. Умумий овқатланиш тизимидаги ресторанлар, ошхона ва чойхоналарни таъминлаш бўлимлари ташкил этилди. Колхоз савдосининг ташкил этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг пасайишига эришилди. 1938-1942 йилларга

мўлжалланган учинчи беш йиллик арафасида ССР доирасида илғор капиталистик мамлакатларни нафақат ялпи маҳсулот ҳажми бўйича, балки аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича ҳам ортда қолдиришдек мислсиз дастурлар режалаштирилган эди.[101]

Ўзбекистон бўйича саноат тармоқларини яратиш, пахтачилик саноатини жадал суръатлар билан ривожлантириш ва пахта хом ашёсини тўғридан-тўғри қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш режалаштирилди. Бу орқали Иттифоқ, интернационализм, ягона мамлакат манфаатлари учун меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш парчаланмаслигига чуқур ишонч ғоялари тарғиб қилинган эди. иттифоқ мадҳияси устида буюк шоирлар ва иқтидорли муси-қашунослар иш олиб бордилар. Таъкидлаш жоизки, мадҳиянинг матни С.Михалков ва ватандошимиз Эл Регистон бўлди. Бу албатта шонли тарих эди. Александрова томонидан куй басталанган мадҳия кўплаб ватанпарвар кучларни тарбиялашга хизмат қилди. 1944 йил 1 январь куни радио орқали Иттифоқнинг биринчи мадҳияси янгради. Мадҳиянинг пафоси ва кенг жамоатчиликда уйғонган таассуротни ўша вақтда таърифлаб бўлмаган. Ўша даврдан бошлаб биз ушбу сатрлар муаллифлари ёшлик, ўспиринлик давримизни бу мусиқани ғурур ва ифтихор билан эшитардик. Шунинг учун ҳам ушбу мусиқа ҳанузгача дунёнинг қудратли давлатларидан бирининг мадҳияси вазифасини бажариб кемоқда десак муболаға бўлмайди. Мадҳиянинг биринчи сатрларида келтирилган даъватларга тарих ўз ҳукмини чиқарди.

1939 йилда Ўзбекистон фабрикаларида 125 номдаги турли хил қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарилган бўлса, 1940 йилда 190 номдаги машиналар ишлаб чиқарилди. 1940 йилда металл саноатининг ялпи маҳсулоти 1913 йил даражасидан 137 мартага ошди. Йирик корхоналар сони 1937 йилдаги 948 тадан 1940 йилда 1445 тага етди. Оғир, енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланди. 1940 йилда электр станцияларининг қуввати 1937 йилга нисбатан 2 барабар ошди, электр энергиясини ишлаб чиқариш мос равишда 2 барабар кўпайиб 276 миллион кВт/с дан 481 миллион кВт/соатгача ортди. Кимё саноатида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилувчи воситаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар сони 10 тага этди. Улардан энг йириги бутун

[101] “Ўша пайтларда иқтисодиётда ЯИМ тушунчаси ҳали мавжуд бўлмаган”.

иттифоқнинг ёрдами билан қурилган Чирчиқ электрокимё заводи эди. Машинасозлик тармоғи ривожланди. Бутун иттифоқ аҳамиятга эга бўлган Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи бунга яққол мисол бўла олади. Урушдан олдин Ўзбекистонда 58 та қудратли пахта тозалаш корхонаси, 32 та пахта заводи, 320 та йирик озиқ-овқат корхоналари мавжуд эди.

Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар қаторига Чирчиқ азотли ўғитлар фабрикаси, иккинчи навбатда Тошкент тўқимачилик фабрикаси, қатор пахта тозалаш ва ғишт заводлари, Наманган, Бухоро вино заводлари, Қўқон пайпоқ ва ип йигириш фабрикаси ҳамда Бухородаги тикувчилик фабрикасини киритишииз мумкин. Жами 134 саноат корхонаси фойдаланишга топширилди. Корхоналар сонининг кўпайиши билан уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳам ўсди, ишлаб чиқарувчилар ва ишчилар сони кўпайди. Йирик корхоналарда ишчилар сони 1940 йилда 1937 йилдаги 109 минг кишидан 129 минг кишига етди.

Ишчиларнинг моддий ва маданий даражаси ошди. Бироқ, бу аҳолининг асосан ишлайдиган, партиявий ва ҳарбий қатламларига тегишли эди. Аксарият аҳолининг аҳволи сезиларсиз даражада ўзгарган эди. Натижада, урушдан олдинги беш йиллик даврнинг вазифаларини амалга оширишга, урушдан олдинги йилларда техник кўникмаларга эга бўлган ишчиларнинг захираси шакллантирилди, энг янги технологияларни ўзлаштира оладиган, ўз қобилиятларини ижодий амалга ошира оладиган муҳандис-техник ходимлар шаклланди.

Биз элита – социализм маҳсули деб ўйлашдан йироқмиз. Капиталистик мамлакатларда ушбу тоифа кишилар инсон капитали, оқ ёқалилар, истеблишмент деб аталади. Хоҳ капитализм ёки социализм бўлсин, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ёки такрор ишлаб чиқариш жараёни элиталарнинг шаклланишига олиб келади. Шуни таъкидлаш керакки, 20-30-йиллардаги элита чуқур мафкуравий характерга эга эди. Улар ижтимоий тенглик ғалабасига ва бахтли келажакка бўлган ишончи билан ажралиб турарди.

Транспорт ва алоқа соҳасида Тошкент-Чимкент, Тошкент-Мельниково темир йўл тармоқларини, турли йўналишларда

иккнчи даражадаги линияларни қуриш ва фойдаланишга топшириш, темир йўлларни реконструкция қилиш ишларини якунлаш, юк ва йўловчилар ташиш ҳажмини ошириш, янги кучли локомотив ва вагонлардан фойдаланиш вазифалари қўйилган эди. Автомобил йўлларининг ҳолатини яхшилаш, янги йўллар қуриш, транспорт воситаларининг юк айланмасини кўпайтириш, туман ва марказлар билан транспорт алоқаларини яхшилаш режалаштирилган эди. 1940 йилда йўлларнинг узунлиги 31,6 минг километрни ташкил этди. Автотранспорт воситаларининг сони 14 961 донани ташкил этди. Ҳаво транспортида ҳам яхши натижаларга эришилди. Алоқа имкониятлари кўпайди, туман марказлари билан телефон алоқаси кенгайди. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги алоқалар яхшиланди, радио алоқаси бутун Ўзбекистонни қамраб олди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистон Иттифоқнинг муҳим саноат минтақасига айланди.

Учинчи беш йиллик режасида қишлоқ хўжалигида пахта ҳосилдорлигини 19 центнерга етказиш, пахта ялпи ҳосилини 1812,9 минг тоннагача ошириш, ғаллачилик, боғдорчилик ва узумчиликни кенгайтириш, картошка-сабзавотчилик ва чорвачилик базаларини йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофларида яратиш вазифалари белгиланган эди. Давлат кўмаги орқали ирригация ва мелиорация соҳаларини ривожлантиришга жуда кўп маблағ сарфланди. Шу туфайли қишлоқ хўжалигининг асосий фондлари 1937 йилдаги 1275,7 миллион рублдан 1940 йилда 2015,6 миллион рублгача, ишлаб чиқариш активлари 85 фоизга ўсишига эришилди. Қишлоқ хўжалигининг энергетик қуввати Машина-трактор паркларидаги механик двигателлар ҳисобига ўсди. Қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлаш ва ундан фойдалана оладиган малакали механизаторларни шакллантириш, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришда техниканинг ролини кучайтирди.

Қисқа вақт ичида умумхалқ ҳашари асосида қурилган катта Фарғона канали Фарғона водийсининг 26 туманида сув таъминотини яхшилади. Кейинги 6 йил давомида экин майдонларини 430 минг гектарга кенгайтириш кўзда тутилган, шундан 100 минг гектар майдондан фойдаланиш керак эди. 1940 йилда экин майдонларининг кенгайиши донли ва саноат экинлари улушининг камайиши, сабзавот ва полиз экинлари ва картошка учун ем-хашак

экинлари улушининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган таркибий ўзгаришлар рўй берди. Учинчи беш йилликда ўртача йиллик пахта ҳосилдорлиги 16,2 центнерни ташкил этди, иккинчи беш йиллик даврда 12,2 центнер бўлган.

Ғаллачиликда ҳам ютуқларга эришилди. 1940 йилда донли экинлар экиш 87,7 минг гектарга кўпайди. Ғаллачиликнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Чорвачиликда ҳам катта силжишлар бўлган. Хомашё базалари кўпайди, чорва моллари турлари яхшиланди, чорва моллари базаси мустаҳкамланди. зотли чорвачиликка асосланган совхозлар барпо қилинди, хусусан, РСФСР ва Украинадан 3476 бош наслдор қорамол олиб келинган. Зоотехник ва ветеринария хизматлари тармоғи кенгайди, пиллачиликнинг моддий ва ишлаб чиқариш базаси кенгайди. Боғдорчилик ва узум етиштиришда салмоқли ютуқларга эришилди, аммо қишлоқ хўжалигининг ушбу тармоқларида ҳосилдорлик жуда паст эди. Шуниси эътиборга лойиққи, маълум даражада колхозчиларнинг пул кўринишдаги даромади ўсди.

Савдо соҳасида чакана товар айирбошлаш ҳажмини 2 бараварга ошириш режалаштирилган эди. Таркибий ўзгаришлар давлат ва кооператив савдо нисбатларида рўй берди. 1937 йилда савдо-сотиқнинг икки тури ўртасидаги нисбат давлат фойдасига ҳал бўлди. Унинг улуши мос равишда 54,1 фоизни, кооператив савдода 45,9 фоизни ташкил қилди. 1940 йилда бу нисбат кооператив савдо фойдасига ўзгарган эди. Ушбу савдонинг улуши 54 фоизга, давлат савдоси эса 46 фоизга етди. Шундай қилиб, 1940 йилда кооператив савдо қишлоқда кучайиб, колхоз деҳқонларининг яшаш шароити тез суръатлар билан ривожланди.

Чакана товар айирбошлаш таркибида озиқ-овқат ва саноат товарлари нисбати ўзгарган. Хусусан, 1937 йилда давлат ва кооператив савдонинг бутун чакана товар айланмасидаги озиқ-овқат товарлари айланмасининг улуши 43,9 фоизни ташкил этган бўлса, 1940 йилда бу улуш 58,8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотларининг улуши 56,1 фоиздан 41,2 фоизга тушди. 1938-1940 йилларда умумий овқатланиш айланмаси 2,3 баравар ошди, колхоз савдоси ҳам ривожланди.

7.2. Уруш давридаги Ўзбекистон иқтисодиёти ва урушдан кейинги даврда халқ хўжалигининг тикланиши

“Шум тақдир алангасида, тош ҳам мум каби эрийди”
Фирдавсий

Иккинчи жаҳон уруши собиқ иттифоқнинг барча халқлари учун жуда оғир синов бўлди. Уруш иқтисодиётни шошилинч равишда ҳарбий йўналишда қайта қуриш, барча меҳнат, табиий ва иқтисодий ресурсларни фронт эҳтиёжлари учун сафарбар этилишини талаб қилди.

20-30 йилларда ижтимоий ишлаб чиқариш ва бутун иқтисодиётни кескин ижтимоийлаштиришга асосланган социалистик жамиятни қайта ташкил этиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар, саноатни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш вазифаларини бажаришга ёрдам берганлиги, шу билан бирга иқтисодиётни ҳарбий йўналишга ўтказишда катта афзалликларга эга бўлганлиги билан ҳам ғоят аҳамиятлидир. Афтидан, социализмни қуриш жараёни жамиятни яқинлашиб келаётган уруш эҳтиёжларини қондиришга йўналтиришда стратегик рол ўйнаган десак муболаға бўлмайди.

Урушдан олдинги беш йиллик режаларнинг Ўзбекистон халқ хўжалигини режалаштириш ва бошқариш бўйича тажрибаси ички ресурслардан моҳирона ва мақсадли фойдаланишга, қора ва рангли металлургияни яратишга, нодир металлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга, энергия базасини икки-уч бараварга кенгайтиришга, нефт қазиб олишни кўпайтиришга, Ангрен кўмир конини, тўлиқ ишлаб чиқариш қувватига ўтказишга, барча қурилиш материаллари саноатини саноат ва уй-жой қурилиши учун сафарбар этишга имкон берди. Ушбу улкан вазифаларни бажариш, уруш йилларининг бошқа муҳим вазифалари билан бир қаторда, иқтисодиётнинг барча соҳаларини марказлаштирмасдан тасаввур қилиб бўлмас эди. Бу шароитлар эса урушдан олдинги беш йиллик режалар давомида яратилган эди. Эҳтимол, бу ҳолат ўша йилларда социализмнинг капитализмдан устунлиги эди.

Кучли ресурс манбаига эга бўлган уруш эртами-кечми ютиб чиқади. Фронтни барча зарурий ресурслар, қурол-яроғ, ўқ-дорилар

ва бошқа нарсалар билан таъминлаш шарқий минтақаларга, шу жумладан Ўзбекистон зиммасига ҳам оғир юк бўлиб тушди. Республикамиз фашизм устидан ғалаба қозонишда муҳим минтақалардан бирига айланди.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистон саноатини ҳарбий жиҳатдан қайта қуриш амалга оширилди. Катта қийинчиликларга қарамай, мураккаб техник ва технологик муаммоларни ҳал қилиш, корхоналарни, асбоблар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ишчиларни янги касбларга ўргатиш, ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтириш ва тегишли корхоналар билан ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатиш зарур эди. Ўзбекистонга зарур материаллар ва маҳсулотларни етказиб беришни тўхтатиш муносабати билан уларни ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш зарур эди, уларсиз мувофиқлаштирилган ҳарбий иқтисодиётни яратиш мумкин эмас эди.

Энг долзарб вазифалардан бири эвакуация қилинган корхоналарни, эвакуация қилиниши мумкин бўлган ҳудудлардан узлуксиз қабул қилиш, уларни тезда ўрнатиш ва ишга тушириш эди. 93 та йирик саноат корхоналари, шу жумладан 48 та машинасозлик, металлни қайта ишлаш, кимё ва бошқа оғир саноатнинг тармоқлари, 45 та енгил саноат корхоналари тўлиқ ёки қисман Ўзбекистонга кўчириб қилинди. Уруш таҳдид солаётган жойлардан қишлоқ хўжалиги техникаси, чорва моллари ва ёқилғи олиб келинган. Ишчилар сонининг қарийб 30 фоизи эвакуация қилинган корхоналар билан бирга кўчиб келди. Ишчиларнинг етишмаётган қисми ёшлар ва маҳаллий аёллари орасидан тайёрланиши кўзда тутилган эди.

Малакали кадрларнинг кескин танқислиги, мураккаб ускуналар, айниқса, металл кесиш дастгоҳлари ва эвакуация қилинган корхоналарни ўрнатиш учун бино ва иншоотларнинг етишмаслиги ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш ва ишга туширишни янада мураккаблаштирди. Бироқ, урушнинг оғир шароитлари ва қисқа вақтнинг қисқалиги эвакуация қилинган корхоналарни тезкорлик билан ўрнатишни ва ҳарбий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни талаб қилди. Масалан, «Россельмаш» заводи (ҳозирги “Ўзбексельмаш”) 2 ойда, “Электрокабел” заводи - 5 ойда, “Ростов” қишлоқ хўжалиги машиналари заводи - 29 кунда ўрнатилиб,

фойдаланишга топширилди. Эвакуация қилинган ускуналар асосида 47 та янги саноат корхоналари пайдо бўлди. Кўплаб корхоналар маҳаллий саноат корхоналари билан бирлашдилар, янги корхоналар ва комбинатлар яратилди. Корхоналарнинг кўчирилиши ва янги қурилишлар натижасида Ўзбекистон саноатининг тармоқ таркиби янада бойитилиб, ишлаб чиқариш қуввати ва ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Оғир саноатнинг, асосан, машинасозлик, металлга ишлов бериш, кимё, энергетика ва ёқилғи саноатининг улуши ортди.

Урушдан олдинги беш йиллик даврда қурилган, ишғол қилинадиган ҳудуддан эвакуация қилинган ва уруш йилларида янги ишлаб чиқаришларни яратган саноат корхоналарининг нормал ишлашини таъминлаш учун электр энергиясини ишлаб чиқаришни кескин ошириш талаб этиларди. Жамоат қурилиши усулидан фойдаланган ҳолда, биринчи навбатда ГЭСларни қуришга қарор қилинди. Фарҳод ГЭСининг қурилиши, йилига 1110 миллион кВт электр энергиясини ишлаб чиқариш билан бошланди. Ушбу ГЭС қурилишида 50 минг қурувчи ва 70 минг колхозчи қатнашди. Фарҳод ГЭС 1948 йилда ишга туширилган. 1944 йил февралда Қумқўрғон, Шовот, Қорақалпоқ ва Шайхонтоҳур ГЭСларида қурилиш ишлари бошланди. Уруш йилларида 7 та йирик ГЭС ва битта ИЭС қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1940 йилда барча электрстанцияларнинг қуввати 171,3 минг кВтни ташкил этди. 1945 йилда 1,8 баравар кўпайиб, 304,5 минг кВт.га етди. 1940 йилда 482 миллион кВт электр энергиясини ишлаб чиқарилган бўлса, 1945 йилга бориб электр энергиясини ишлаб чиқариш 1,187 миллион кВтга кўтарилди ёки 2,5 марта ортди. 1940 йилда нефт қазиб олиш 119 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1945 йилда 478 минг тоннага, яъни 4 бараварга кўпайди.

Саноат корхоналари, иссиқлик станциялари, темир йўл транспорти, касалхоналар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларини кўмир ёқилғиси билан таъминлаш учун кўмир саноатини ривожлантириш зарурати пайдо бўлди. 1940 йилгача Ўзбекистоннинг ўз кўмир саноати йўқ эди, кўмир асосан Кузбасс ва Қозоғистондан келтириларди. 1940 йилда Ангрен тошкўмир

кони очилди. Шу туфайли кўмир қазиб олиш ҳажми 1945 йилдаги 3,4 минг тоннадан 103 минг тоннагача ошди.

Энергетика соҳасидаги ютуқлар машинасозлик ва металга ишлов бериш саноатини, айниқса, урушдан олдин яратилган машинасозлик, тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигини янада ривожлантириш учун асос яратди. Фақатгина 1941-1942 йилларда эвакуация қилинган корхоналар асосида 16 та йирик машинасозлик корхоналари ташкил этилди. Агарда 1945 йилда Ўзбекистоннинг бутун саноатидаги асосий фондлар 1940 йилга нисбатан 2 баравар кўпайган бўлса, машинасозлик саноатида улар 11 марта кўпайди.

Ўзбекистонда машинасозлик ва металлни қайта ишлашни ривожлантириш, унинг металлургия базасини яратишни талаб қилди. 1942 йил 17 июнда катта воқеа юз берди. Бекобод шаҳрида Ўзбекистон металлургия заводини қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Капитал қўйилмалар 72,3 миллион рублга тенг эди. 1944-1946 йилларда завод тўлиқ ишга туширилди. Биринчи ўзбек пўлати ишлаб чиқарилди. Чирчиқселмаш, Росселмаш, Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ электрокимё заводи, В.И.Ленин номидаги завод, Тошкент электр кабел заводлари фронт эҳтиёжлари учун қурол-яроғ ва ўқ-дориларни ишлаб чиқарадиган ишончли корхоналар сифатида бутун иттифоқ аҳамиятига эга бўлди.

Уруш арафасида ва уруш даврида Олмалиқ, Лангар, Қўйтош, Қоратепа, Ингичкада рангли металларни қазиб олиш, ва Оқтошда боксит конларини ўзлаштириш бошланди. Уруш пайтида Олтинтопган рудани бойитиш заводининг қурилиши бошланди. Шундай қилиб, уруш йилларида Ўзбекистон рангли металлургиянинг йирик марказига айланди.

Уруш даврида кимё саноатининг ютуқлари ялпи маҳсулотнинг 5 баравар кўпайиши билан изоҳланади. Қўқонда суперфосфат заводи, Тошкентдаги лок-бўёқ фабрикаси, сульфат кислота, этил спирти ишлаб чиқарадиган Фарғона гидролиз заводи қурилди. Урушнинг бошланишида эвакуация қилинган корхоналар жиҳозлари ҳисобига Чирчиқ электрокимё заводи кенгайиб, техник ҳолати яхшиланди.

Ҳарбий вазият туфайли корхоналарнинг эвакуация қилинишида ишчилар ва муҳандислар ходимлари билан биргаликда кўчириб келиниши қурилиш материаллари, биринчи навбатда маҳаллий хом ашёлардан (ғишт, оҳак, алабастер, шағал, қум ва бошқалар) ишлаб чиқаришни кескин оширишни талаб қилди. Бироқ, ушбу соҳада ёқилғи, электр энергияси, ускуналар ва малакали кадрлар етишмаслиги туфайли ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди.

Уруш барча халқларнинг тилида очарчилик, вайронагарчилик, ғайриинсоний синовлар, йўқотишлар, болаларнинг кўз ёшлари ва шу кабилар билан рўй берадиган вақт синови, даҳшатли, шафқатсиз ҳодиса сўзлари билан синонимдир. Аммо уруш синовлари бесамар кетмади. Уруш йилларида Ўзбекистон иқтисодиётида улкан силжишлар рўй берди. 280 та янги саноат корхоналари фойдаланишга топширилди, улардан 40 таси энг йирик корхоналар эди. Тошкент Иттифоқнинг саноат марказларидан бирига айланди. Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Янгийўл ва бошқа кўплаб шаҳарлар пайдо бўлди. Кўмир саноатида маҳсулотлар ишлаб чиқариш 30 баравар, кимё саноатида 7,5 баравар, нефт саноатида 3 баравар кўпайди.

1945 йилда ялпи саноат маҳсулоти 1940 йилга нисбатан 7 марта, оғир саноатда 4 марта ва машинасозликда 13,4 баравар кўпайди. Бундан келиб чиқадики, уруш йилларида Ўзбекистон Иттифоқнинг йирик саноат республикасига айланди. Ушбу даврда Ўзбекистон саноатининг ривожланишининг ўзига хос хусусияти енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг улушини пасайиши билан оғир саноатнинг, хусусан, машинасозлик, металга ишлов бериш, кимё саноати, рангли металлургия ва бошқа соҳаларнинг салмоғи сезиларли даражада ошганлиги эди.

Енгил ва озиқ-овқат саноатига келадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, саноат тузилмаларидаги ижобий ўзгаришларга қарамай, уруш йилларида уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада камайди. Бунга пахта хом ашёси етиштиришнинг пасайиши, пахта майдонларининг камайиши ва ҳосилдорликнинг пасайиши сабаб бўлди. Кўплаб пахта тозалаш заводлари хом ашё, электр ва ёқилғи етишмаслиги туфайли

ишламай қолди. Тўқимачилик саноатида хом ашё, электр энергияси, ёқилғи етишмаслиги, жиҳозларнинг ишлаши ва ишлатилишининг пасайиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши ва бошқа омиллар туфайли ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши кузатилди. Енгил саноатнинг чарм-поябзал саноатида ҳам ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди. Худди шу нарса озиқ-овқат саноатида ҳам кузатилди. Чигит ва мойли экинлар етишмаслиги туфайли ёғ-мой саноатида ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди. Гўшт саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 мартага, нон махсулотлари саноатида 4 мартага, консерва ва мева-сабзавот саноатида 2,6 мартага, совун ишлаб чиқариш 2,7 мартага камайди.

Эвакуация қилинган корхоналар туфайли тикувчилик саноатининг салоҳияти ҳам ошди. Бироқ, ушбу саноатнинг етарли даражада моддий таъминланмаганлиги, ишлаб чиқариш қувватларидан юқори даражада фойдаланишга имкон бермади ва унинг ялпи маҳсулоти 1,8 баравар камайди. Украинадан кўчириб келтирилган ускуналари асосда 4 та шакар заводи қурилди, бу уруш йилларида янги воқеа эди. 1940 йилгача Ўзбекистонда бундай заводлар йўқ эди. Уруш йилларида маҳаллий ва кооператив саноатнинг сиғими ошди, уларнинг ялпи маҳсулоти 2 баравар кўпайди.

Уруш йилларининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистоннинг саноат корхоналари, эвакуация қилинган корхоналар, армия сафига чақирилувчи ишчилар ва инжинер-муҳандислар ўрнига мутахассис кадрларни тайёрлаш эди. Кадрларни тайёрлаш саноат ва ҳунармандчилик ўқув юртларида амалга оширилди. Ёшлар жамоаларининг ташкил этилиши у ерда ўқитиш ва таълимнинг самарали шакли сифатида олиб қаралди. Заводларда ёшлар улуши юқори эди. Масалан, Красный Аксай заводида (ҳозирги “Ўзбекселмаш”) 80 фоиз ходимлар, нефтни қайта ишлаш заводи ишчиларининг 70 фоизини ёшлар ташкил этарди. 1940 йилда йирик саноатдаги аёллар улуши ишчилар умумий сонининг 50 фоизини ташкил этган бўлса, 1943 йилда 63,5 фоизгача ўсди.

Ватанпарварлик, фашизмга нафрат, ғалабага ишонч ҳисси оммавий шижоатни, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада яхшилашга, рақобатнинг янги шаклларини, доимий ишлаб чиқариш усулларига ўтишни ва рационализаторлик таклифларининг

ўсишини рағбатлантирди. Бироқ, ишчиларни жадал ўқитиш назарий кўникмаларсиз фақат амалий натижаларни берди.

Уруш йилларини ёритишга қаратилган иқтисодий адабиётларда иқтисодиётнинг ушбу тармоқларида ишлаб чиқаришнинг қисқаришига қарамай, партия ва ҳукумат енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирларни кўз-кўз қилиши ҳам кузатилди. Бунинг сабаблари имкониятдан ортиқ вазифаларни бажариш, ресурсларни сафарбар этиш билан боғлиқ эди. Фронт эҳтиёжлари учун қурол-яроғ ва ўқ-дориларни ишлаб чиқариш учун барча ресурсларни сафарбар этиш талаб этилган, енгил ва озиқ-овқат корхоналари эса иккинчи даражали режимда ишлашаг мажбур бўлди.

Урушдан кейинги йилларда "уруш йилларида аёлнинг қўлидан нонни тортиб олиб қочган барзанги" ҳақидаги ҳикоя жуда кўп тилга олинар, кўпчилик уни тинглашни яхши кўрар эди. Барзанги одамлар уни тутиб олиб ура бошласада, бунга пинагини ҳам бузмасдан, нон еяверган.

Аҳолининг аҳволи қамалдаги Ленинград аҳволидан қолишмас эди. Аҳоли омон қолиш учун зарур бўлган ҳамма нарсага муҳтож эди. Бу енгил ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришни қисқартириш ҳам фронт эҳтиёжлари учун қилинганлигига яққол мисолдир.

Йиллар ўтиши билан халқимиз виждонининг оқ билан қорани ажрата олмас даражада сўқир эканлигини, мафкурамиз ҳақиқий борлиғимиздан ҳам устун эканлигига амин бўламиз.

Уруш шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ва бутун Иттифоқ иқтисодиёти бир хил йўналишда яхлит организм сифатида ишлади. Ўзбекистон ва ўзбек халқи ўз иқтисодиётини йўлга қўйиш учун беқиёс кўмак олди, фронтнинг эҳтиёжлари учун эса барча олганини тўлалигича қайтариб берди. Бу каби ўзаро айирбошлашга мисолларни санаб адоғига етишнинг иложи йўқ, аммо биз улардан баъзиларини келтириб ўтамиз. Ўзбекистонга эвакуация қилинган саноат корхоналари саноат ишлаб чиқаришининг ўсишига, маҳаллий ишчилар сонининг кўпайишига ҳамда техник маданияти ва малакаларининг ошишига ҳисса қўшди. Ўзбекистонликлар урушдан озод қилинган ҳудудларга чорвачилик, ғалла, озиқ-овқат, товарлар, машина ва ускуналар, қурилиш

материаллари жўнатиб турдилар. Ўзбекистондан юборилган ишчилар Первоуральск, Среднеуральскнинг оғир муҳандислик заводларида, Красноуральск мисни эритиш заводида, Златоуст, Магнитогорск қора металлургия корхоналарида, Челябинск шахталарида ва бошқаларда ишладилар. 200 нафар ёшлар, асосан маҳаллий миллат вакиллари, Урал металлургия заводларида малака оширишга юборилди.

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида урушда қатнашиб аъзоси ҳалок бўлмаган оилани топа олмайсиз. 282 нафар ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, юзлаб орден ва медаллар, фронтда ҳам, фронт ортида ҳам бошқа мукофотларга сазовор бўлди. Юз мингдан ортиқ яradор аскарлар ва зобитлар ҳарбий госпиталларга жойлаштирилди.

Иттифоқ академияси институтларининг, таниқли олимларнинг фаолияти Ўзбекистонга келтирилиши илм-фан ривожига, маҳаллий миллатлардан илмий кадрлар тайёрлашга туртки бўлди. 1943 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Фанлар академияси очилди. 1943 йилда Ўзбекистонда 41 та университет фаолият кўрсатган, улардан 12 таси эвакуация қилинган, шунингдек, 52 та ўрта махсус ўқув юртлари бўлган.

Транспорт ва алоқа. Темир йўл транспортисиз корхоналарни, ускуналарни, турли муассасаларни, аҳолининг бир қисмини бошқа жойга кўчириш мумкин эмас эди. Уруш юк оқимларининг таркиби ва йўналишини тубдан ўзгартирди. Илгари юкларни тушириш юклашдан устун бўлган, уруш йилларида, аксинча, юк туширишдан ортиш устунлик қилган. 1945 йилда 1940 йилга нисбатан юкларни жўнатиш 5355 минг тоннадан 3254 минг тоннагача камайди ва юкларни ташиб келтириш мос равишда 8739 минг тоннадан 4869 минг тоннагача камайди.

Қурилиш ва тахта материаллари, ёғоч, шпаллар, рельслар ва малакали мутахассисларнинг этишмаслиги сабабли темир йўлда капитал қўйилмалар режаси 70,4 фоизга бажарилди. Шунга қарамай, уруш йилларида Тошкент-Ангрен, Тошкент-товар линияси фойдаланишга топширилди ва Қўқон-Наманган линиясини тиклаш ишлари бошланди. Темир йўл транспортига кучли локомотивлар кириб келди, қўшимча шпаллар ётқизилиши туфайли поездлар тезлиги ошди.

Темир йўл транспорти иқтисодий районлар ўртасидаги алоқани таъминлаб, фронтни ҳарбий техника ва озиқ-овқат билан таъминлади, одамлар ва буюмларни қисқа вақт ичида фронт ортига эвакуация қилди. Ўзбекистон темир йўлчилари ишғол қилинган ҳудудларга юзлаб паровоз ва вагонлар жўнатдилар. Қайта тиклаш ишларида қатнашиш учун ушбу ҳудудларга сафарбар қилинди.

Автопаркнинг бир қисми фронт эҳтиёжлари учун юборилганига қарамай, 1943 йилдан бошлаб йўловчилар ва юк ташиш ҳажми кўпайди. 1944 йилда юк ташиш ҳажми 6 баробардан кўпроқ ошди. Уруш йилларида йўл тармоқлари, айниқса, асфальтланган йўллар кенгайиб, Сурхон трактининг қурилиши бошланди. дарё ва ҳаво транспортида ҳам маълум ютуқларга эришилди.

Алоқа ривожланиши халқ хўжалигининг эҳтиёжлари ва ҳарбий вазият туфайли рўй берди. Ёзишмалар, пул ўтказмаларини юбориш бўйича алоқа хизматлари ривожланди ва яхшиланди, хизмат кўрсатиладиган мижозлар сони ўсди. Эвакуация қилинган мутахассислар ва касб-ҳунар мактаблари битирувчилари ҳисобига алоқа ходимлари кўпайди. Ўзбекистоннинг барча вилоят марказлари билан Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри телефон алоқаси ўрнатилди, алоқа корхоналари ва телефон станциялари сони кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги. Иккинчи жаҳон уруши машиналар уруши эди, айниқса, 1943 йилдан бошлаб, фронтда катта бурилишлар юз берган. Ушбу машиналарни ишлаб чиқариш харажатлари асосан қишлоқ деҳқонлари зиммасига тушди. 1939 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, республиканинг бутун аҳолиси 6440 минг кишини ташкил этди, шундан қишлоқ аҳолиси 4952 минг кишини ёки 77 фоизни ташкил этди. Деҳқонлар ҳарбий қарзларнинг, мудофаа фондига бадаллар ва бошқаларнинг асосий солиқ тўловчиси бўлган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида асосий пахта базасини сақлаб қолиш, пахта ҳосилдорлигини, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, озиқ-овқат экинлари ва биринчи навбатда ғалла етиштиришни 2 баравар ошириш, экин майдонларини кенгайтириш ва қанд лавлаги етиштиришни ўзлаштириш вазифалари турарди. Аммо қишлоқ хўжалиги муайян қийинчиликларга дуч

келди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасининг ҳолати муаммоли эди. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникаларини етказиб бериш қисқарган, уларни ишлаб чиқарадиган заводлар ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтган, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи, минерал ўғитлар, транспорт воситалари етишмаган, таъмирлаш базаси йўқ, бошқа эҳтиёт қисмлар етказиб бериш қисқарган эди. Натижада, трактордa бажариладиган ишларининг ҳажми пасайган, ҳар бир трактор учун ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайган эди. Меҳнат ресурсларида ҳам ўзгаришлар юз берди, меҳнатга лаёқатли колхозчилар сони армияга чақирилиш ҳисобига кескин камайди. Бундан ташқари, бир қишлоқ хўжалиги ходимига тўғри келадиган иш ҳажми ҳам кескин ошди. Юк машиналари жуда эскирган ва уларнинг аксарияти ишлатилмай қолди. Экин майдонларини суғориш ва мелиорация ҳолатини яхшиламасдан кенгайтириш мумкин эмас эди ва бунинг учун катта капитал маблағлар талаб қилинарди.

Шаҳарлар ишчилари, биринчи навбатда Тошкент ишчилари қишлоқларни зарур ускуналар, эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар билан таъминлади, кўчма таъмирлаш устахоналарини яратишди. Қишлоқ хўжалиги мавсумида ишчилар деҳқонларга ёрдамига келдилар. Ўз навбатида, саноат корхоналаридаги колхозчилар темирчилик, темирчи, бошқа мутахассислар, қишлоқ ишчилари мутахассисликларига эга бўлиб, республикани халқ ҳашари билан электрлаштиришда қатнашдилар. Хусусан, Фарҳод ГЭС қурилишида 70 мингга яқин колхозчи қатнашди.

1942-1943 йилларда пахтачиликда оғир вазият юзага келди. Давлатга 1 миллион тонна пахта кам етказиб берилди. Бунга кадрлар етишмовчилиги, айниқса машинасозлар, мутахассислар, ускуналар, ўғитлар ва об-ҳаво шароити сабаб бўлди. Пахта ҳосилдорлиги кескин пасайиб, 17,1 фоиздан 7,1 фоизга тушиб кетди. Фақатгана 1944 йилда урушдан олдинги пахтачилик даражасини тиклаш мумкин бўлди.

Қишлоқ хўжалигини механизациялашнинг сустлиги туфайли донли экинлар 15 фоизга, йиғим-терим эса 18 фоизга механизациялаштирилди. Бироқ, нон таъминотининг қисқариши эвакуация қилинган ишчилар ҳисобига кўпайиб кетган аҳолидан ўзларининг истеъмол учун ғалла етиштиришларини талаб қилди. Пахта

экинлари қисқариши ҳисобига донли экинлар 35 минг гектарга кўпайди. Беда майдонлари қисқартирилиб, картошка, сабзавот ва полиз экинларини кўпайтиришга имкон берилди. Қишлоқ хўжалигидаги бундай ўзгариш вақтинчалик, мажбурий чоралар эди. Эвакуация қилинган фуқаролар ҳисобига кўпайиб кетган шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш учун саноат марказлари атрофида сабзавот базаси кенгайтирилди. 1945 йилда сабзавот ва полиз экин майдонларининг кенгайиши 1940 йилга нисбатан 105,4 фоизни ташкил этди. картошка экин майдони уруғларнинг этишмаслиги туфайли шу даврга нисбатан 48,1 даражасида қолди.

Ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Моддий ва меҳнат ресурслари билан боғлиқ муаммолар туфайли экин майдонлари лалми ерларда 1943 йилга нисбатан 810,8 минг гектарга, суғориладиган ерларда эса 372,4 минг гектарга камайди.

Қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлашда машина-трактор саройлари муҳим рол ўйнади. Уруш йилларида қанд лавлаги, зиғир, кунжут каби саноат экинларининг майдони кенгайди. Айниқса пиллачиликнинг мудофаа аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, пилла ишлаб чиқариш учун озуқа базаси мустаҳкамланди, аммо шунга қарамай унинг ялпи маҳсулоти камайди.

Чорвачилик соҳасида 1941 йил июнидан 1942 йил январгача колхозлар ва совхозлар фронтга 59 минг отни топширдилар, давлатга гўшт етказиб беришни кўпайтирдилар, қоракўлчилик ривожланди, аммо чорвачиликнинг аҳволи эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган ортиқча харажатлар туфайли ёмонлашди. Ем-хашак базаси камайди, соғин сигирлар ва насли қорамолларнинг гўшт таркиби пасайди. Мутахассислар ва зарур ишчи кучининг етишмаслиги боғлар ва узумзорларнинг қаровсиз ҳолга келишига олиб келди. Шу билан бирга, янги ва қуритилган меваларни йиғиш кўпайди. Уруш йилларида қишлоқда асосий ишлаб чиқариш вазифаси эркаклар касбларини пухта эгаллаган аёллар ва ёшлар томонидан амалга оширилди. Истеъмол товарлари ва қишлоқ хўжалик захиралари ишлаб чиқаришнинг қисқариши аҳолини саноат товарлари билан таъминлашнинг карта тизимини қайта жорий этишга олиб келди.

Иқтисодий адабиётларда қишлоқ хўжалигидаги қийинчиликлар қишлоқ хўжалигини режалаштириш туфайли бартараф этилганлиги, бу эса меҳнат ва ишлаб чиқаришни ижтимоийлашган моддий-техника базаси асосида оқилона ташкил этишга олиб келганлиги ҳақида фикр мавжуд. Бироқ, хўжалик амалиёти ушбу фикрни тасдиқламайди. Шуни таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалиги ишчиларининг пул даромадлари номинал кўринишда ошди, аммо уларнинг реал даромадлари амалда камайди.

Савдо. Уруш йилларида товар бозори фондлари кескин қисқариб кетди. Савдони тартибга солиш карта тизими жорий этилиш орқали меъёрий таъминот билан алмаштирилди, биринчи галдаги эҳтиёж товарлари учун доимий нархлар белгиланди. Савдо соҳаси олдида аҳолининг табақалаштирилган таъминотини (биринчи галда ишчилар, муҳандислар ва ҳарбий хизматчиларни) ва етакчи тармоқларни тўлиқ таъминлашни ташкил қилиш вазифаси қўйилган эди.

Аҳолини меъёрий таъминлаш жараёни давлат, кооператив савдо дўконлари ва ОРС орқали амалга оширилди. Шундай қилиб, аҳолини саноат озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда марказлаштириш кучайди. Чакана товар айирбошлашнинг кескин камайиши кузатилди, айниқса қишлоқ жойларда бу 2 мартадан кўпроқ камайди. Умумий овқатланиш корхоналари сони қисқартирилди, аммо улар завод ва фабрикалар қошида ташкил этилди. Давлат ва кооператив савдо ташкилотларини кўпайтириш мақсадида ёрдамчи хўжаликлар, кичик корхоналар ташкил этилди.

1944 йилдан бошлаб колхоз бозорларида нархларини пасайтиришга қаратилган давлат тижорат савдоси ташкил этилди. Матлубот кооперацияси қишлоқ аҳолисини асосий эҳтиёж товарлар билан таъминлади, пахтакорлар ва эвакуация қилинганлар учун умумий овқатланишни ташкил этишни йўлга қўйди.

7.3. СССР ҳокимиятида уруғ-аймоқчилик кураши шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши фашистлар Германиясининг мағлубияти, СССР ва антифашистик коалициянинг ғалаба-

си билан якунланди. Тинч ҳаёт бошланди, мамлакат ўз иқтисодиётини тиклай бошлади, иқтисодиётнинг барча тармоқларини босқичма-босқич ривожлантира бошлади.

Халқаро пролетариат етакчиси, халқларнинг отаси сифатида И.В.Сталиннинг обрўси унинг ўлимигача - 1953 йил 5 мартгача мустаҳкам эди. Бир мунча вақт ўтгач, мамлакат собиқ ички ишлар комиссари (НКВД) Л.Т.Берия СССР Халқ комиссарининг раиси лавозимига даъво қилаётганини аниқлади, бироқ тез орада отиб ўлдирилади. Бир йил давомида Халқ комиссарининг раиси сифатида Г.М. Маленков, кейинчалик Шепилевнинг партияга қарши ҳаракатда айбланди, Булганин ва Хрущёв ҳокимиятни бўлишолмади. Охир оқибат, ҳокимият учун кураш Н.С.Хрущёвнинг давлат бошқарувига келиши билан якунланди. Н.С.Хрущев партия қурултойи минбаридан туриб Сталин шахсига сиғиниш тўғрисида гапирди. Ўша давр адабиётида ноҳақ "халқ душмани" деб эълон қилинган шахсларни реабилитация қилиниши ҳақида гапира бошладилар.

Бундай ҳодиса тарих учун хосдир. Даврнинг ўзи, одамлар тақдирини ҳал қилиганида, ўз қудрати билан сезиларли из қолдирадиган кучли шахсларни шакллантиради ва сиёсий майдондан кетгач, ҳокимият учун курашда ҳар қандай воситадан фойдаланишни мақбул ҳисоблайдиган издошлар пайдо бўлади.

Н.С. Хрущёв узоқни кўра олмайдиган сиёсатчи эди, айниқса, иқтисодий масалаларни ҳал қилишда нўноқ эканлигини намойиш этди. У томонидан тузилган иқтисодий кенгашлар (СНК) тармоқ вазирликлари ўрнига ўзларини оқламадилар, халқаро сиёсатни олиб боришда хатоларга йўл қўйдилар. 1964 йилда "сарой тўнтариши" амалга оширилди. Октябрь Пленумининг қарорлари билан заиф сиёсатчи бўлишига қарамасдан шахс сифатида Сталинни ортда қолдирадиган Л.И.Брежнев ҳокимият тепасига келди. Л.И Брежнев атрофидаги партия элитаси ҳам унга икки томчи сувдек ўхшарди. Аммо унга омад кулиб боқди. Унинг ҳукмронлик даври СССРнинг қудратли социалистик мамлакат сифатида тараққий этишига тўғри келди. Халқ ўзига тўқ ва тинч эди. Аммо унинг 18 йиллик ҳукмронлиги йилларида СССРнинг буюк давлат сифатида маънавий ва моддий инқирозига олиб келаётган турли муаммолар ўз нишонасини кўрсата бошлаган эди.

Келгуси инқирозни Андропов ҳам, Горбачёв ҳам тўхтатишга қурби етмади.

Ўзбекистонда Й.Охунбобоевдан сўнг У.Юсупов, Ш.Рашидовдан кейинги тартибсизлик ва бўшашиш даврида Усмонхўжаев ва Нишоновлар ҳокимият тепасида эди. Бу раҳбарлар халқ тақдири учун жавобгарликни ўз зиммаларига олишда мустақил ва фавқулодда қарорлар қабул қила олмайдиган ва тарихда туб бурилиш ясайдиган шахслар эмасди.

Сиёсатчининг шахсияти ва шижоатига кўп нарсалар боғлиқ. 2018 йил февраль ойида Москвада Александр Хайнштейннинг китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўша даврдаги далилларга таяниб ва жаҳон геосиёсий майдонидаги кучлар мувозанатини тасвирлаш орқали у М.С.Горбачев ўрнига В.В.Путин давлат бошқарувида бўлганида, эҳтимол СССР парчаланишига йўл қўймаган бўларди деган фикрни билдирган. Муаллифнинг хулосаси жуда катта аҳамият ва эътиборга лойиқдир.

Собиқ иттифоқ ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини, шу жумладан, урушдан кейинги 1950-1960 йилларни таҳлил қилар эканмиз, сиёсий ҳокимиятнинг беқарорлиги мамлакатнинг ривожланиш суръатига бевосита таъсир кўрсатганлигига гувоҳ бўламиз.

Урушдан кейин Ўзбекистон иқтисодиёти тез ўзгарди. 1945 йил охирига келиб, машинасозлик саноати суғориш эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналарини ишлаб чиқаришга ўтди ва минерал ўғитлар ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ўсди. Фарҳод ГЭСи, йирик металлургия заводи ва Ангрен кўмир ҳавзаси қурилиши якунланди. Шу билан бирга, республика фашистлардан озод қилинган қишлоқларга саноат жиҳозлари, қурилиш материаллари ва турли хил ихтисосликдаги мутахассисларни юборди.

Россиянинг бошқа республикалари ва минтақалари билан бир қаторда, Ўзбекистон Украинага 5 мингта трактор, 300 та машина, 500 та тракторнинг омочларини етказиб беришда иштирок этди. Донбассдаги конларни қайта тиклаш учун республика насослар, компрессорлар, кранлар, электр симлари ва бошқаларни юборди. Буларнинг барчаси урушдан зарар кўрган ҳудудларни тиклаш

дастурини амалга оширишни кўзда тутувчи 1946-1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режа доирасида амалга оширилди.

1946-1950 йилларга мўлжалланган халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш режасининг асосий мақсади урушдан олдинги пахтачилик даражасига эришиш эди. Ўзбекистон Иттифоқнинг асосий пахта базаси сифатида 1950 йилда пахта этиштиришни 1132 минг тоннага, 1953 йилда эса 2400 минг тоннага этказиши керак эди. Шунга кўра, пахта ҳосилдорлиги 1950 йилда 22,4 ц/га, 1953 йилда 25 ц / га, этказилиши керак эди. Беш йиллик режанинг кейинги вазифалари бевосита ёки билвосита қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган эди:

– пахтачиликни ҳар томонлама механизациялаштириш мақсадида энергетика, ёқилғи ва металлургия базаларини, кимё саноатини, йўл-ирригация ва электротехника соҳаларини ривожлантириш, уни минерал ўғитлар билан таъминлаш;

- пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига илғор агротехнологияларни жорий этиш, уруғчиликни яхшилаш, юқори ҳосилдор пахта навларини яратиш, янги суғориш тизимларини қуриш ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш;

- қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини жумладан, пилла чилик, чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик, пилла маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш, қорамоллар, қоракўл қўйларининг маҳсулдорлиги ва наслини яхшилаш, экин майдонларини кенгайтириш, суғориладиган ерлардан тўғри фойдаланиш ва суғориш тизимларининг техник ҳолатини яхшилаш.

- саноатнинг барча тармоқларини ривожлантириш асосида истеъмол даражаси; ўртача йиллик иш ҳақи, ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақларини, колхозчиларга нақд пул ва пул ўтказмаларини урушгача бўлган даражага ошириш;

- ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ошириш асосида техник тараққиётни ривожлантириш;

- қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, қурилиш ишларини механизациялаштириш;

- Ўзбекистоннинг табиий бойликларини ўрганиш, кўмир, нефт, темир, рангли ва нодир металлар, кимёвий хом ашё, сув, газ конларини қидириб топиш бўйича ишларни кенгайтириш;

- ички жамғармалар ҳисобига марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг ўсишини таъминлаш;

- колхозларнинг ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишини таъминлаш;

- қадрлар тайёрлашни яхшилаш, кадрларнинг техник маданият даражасининг ўсишига эришиш. Меҳнат захиралари тизими орқали саноат учун малакали кадрларни, оммавий касблар ишчиларини тайёрлаш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қўйилган вазифалар кенг миқёсли, мақсадга йўналтирилган ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун ижобий аҳамиятга эга эди. Бундан ташқари, 1950 йилда саноатнинг ялпи маҳсулотини 1940 йилга нисбатан 53 фоизга ошириш кўзда тутилган эди. Иттифоқдош республикалар миқёсидаги 100 дан ортиқ йирик саноат корхоналари ва маҳаллий саноат корхоналарини қуриш режалаштирилди.

Тўртинчи беш йиллик режа металлургия, машинасозлик, ёқилғи, энергетика, кимё ва бошқалар каби оғир саноатни ривожлантириш билан тавсифланди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон саноатининг қайта ишга туширилиши беш йиллик даврнинг биринчи йилидаёқ якунланди. 1946 йил 30 августда Урал ва Украинадаги металлургларнинг ёрдами билан Ўзбекистон металлургия заводида “300” прокат тегирмони ишга туширилди. Янги саноат – қора металлургия пайдо бўлди. Машинасозлик саноати технологик тараққиётнинг ташаббускори бўлган. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган мураккаб техник тизимлар ишлаб чиқарилди. Қишлоқ хўжалиги техникаларининг имкониятлари ўсди, машинасозликнинг мутлақо янги тармоқлари пайдо бўлди. Машинасозлик саноатининг етакчилари қаторига “Чирчиқселмаш”, «Ўзбекселмаш», «Тоштекстилмаш», «Хлопкомаш», «Чирчиққимёмаш» ва бошқа заводлар кирарди, 1950 йилда машинасозлик ялпи маҳсулоти 1940 йилга нисбатан 19 баравар ошди.

1946 йилда ёқилғи саноатида 1066 минг тонна нефт қазиб олиш даражасига эришилди ва ишга тушириш учун янги нефт конлари очилди. Нефтни қайта ишлаш саноати ривожланди, нефтни қайта ишлаш заводи қурилиб ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қуришга тайёргарлик ишлари

бошланди. Кўмир саноати муваффақиятли ривожланди. Кўмир қазиб олиш 1940 йилдаги 3,3 минг тоннадан 1950 йилда 1533,4 минг тоннагача, яъни 46,5 мартага ортди. Бироқ, капитал қурилиш ишларининг тугалланмаганлиги сабабли кўмир қазиб олиш қуввати ошишига эришилмади.

Тўртинчи беш йиллик даврда энергетика соҳасидаги ютуқлар ҳам сезиларли бўлди. 1950 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш 1940 йилдаги 480,0 млн. кВт / с ўрнига 2655 миллион кВт /с га ёки 5,6 мартага кўпайди. Аммо электр энергиясини ишлаб чиқариш халқ хўжалигининг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмасди. Электр энергиясининг тақчиллиги, айниқса, йирик шаҳарлар ва саноат марказларида сезилди.

Кимё саноатида минерал ўғитлар ва пестицидларни ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди ва суперфосфат саноати қайта яратилди. Бироқ, аммиакли селитра, лаклар, бўёқлар ишлаб чиқариш режалари электр қуввати етишмаслиги ва капитал қурилиш режасининг бажарилмаганлиги сабабли амалга ошмади.

Ушбу беш йиллик даврда янги саноат - рангли металлургия, яна бир янги саноат - газ саноати вужудга келди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, бу кўрсаткич учун урушдан олдинги даврнинг даражаси 1948 йилда эришилди. Урушдан олдинги цемент ишлаб чиқариш даражаси 1949 йилда эришилди, режа 52 фоизга ортиғи билан бажарилди. Аммо цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хусусан, ғишт ишлаб чиқариш халқ хўжалигининг эҳтиёжларидан орқада қолди.

Тўртинчи беш йилликда енгил ва озиқ-овқат саноатида маълум силжишлар рўй берди. Гарчи 1950 йилда урушдан олдинги даражага 12,1 фоиздан юқорироқ даражага эришилган бўлса ҳам, ушбу тармоқларнинг кўпгина кўрсаткичларида урушгача бўлган даражага эришилмади. Шунга қарамай, Тошкент ва Самарқанд трикотаж фабрикалари, сунъий тола фабрикаси, Хонобод ва Тошкентдаги терини қайта ишлаш заводлари, Янгийўлда тикувчилик фабрикаси, Тошкент ва Қўқон пойабзал фабрикалари, Тошкентдаги чинни фабрикалар ва бошқалар ишга туширилди. Ангрен, Фарғонада нон заводлари, Китобда консерва заводи ишга туширилди. Озиқ-овқат саноатининг 2/3 қисмини ёғ-мой саноати

ташкил этди. Илм-фан, санъат, олий ва ўрта таълим, маданий-маърифий ишларни ривожлантириш бўйича ишлар бошланди.

Беш йиллик режадаги вазифаларнинг бажарилиши ишчи кадрларнинг кескин танқислиги туфайли мураккаблашди. Уруш даврида Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари 300 минг кишига камайди. ФЗО, РУ ва турли училишлар орқали 216,7 минг ишчи тайёрланди, улардан 74,1 минг киши саноат учун йўналтирилган.

Юқоридагилардан қуйидаги муҳим хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

1. Тўртинчи беш йиллик режа нафақат Ўзбекистон миллий иқтисодиётини тиклаш режаси, балки уни янада саноатлаштириш асосида иқтисодиётнинг барча соҳаларини юксалтириш дастури эди.

2. Машинасозлик, энергетика, кимё, қора ва рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа оғир саноат жадал суратлар билан ривожланди. Пўлат ишлаб чиқариш урушдан олдинги 140 йилга нисбатан 10 баравар, кўмир қазиб олиш 46,5 марта, нефт қазиб олиш 9 марта, электр энергияси ишлаб чиқариш 5,5 марта, машинасозлик маҳсулотлари 19 баравар кўпайди. Машинасозликнинг янги тармоқлари пайдо бўлди ва муваффақиятли ривожлана бошлади, мураккаб машиналарни ишлаб чиқарадиган тўқимачилик, кимё, кончилик ва бошқалар ривожланди.

3. Саноат қурилиши кенгайди. 150 дан ортиқ йирик саноат корхоналари уларнинг хом ашё манбалари ва истеъмол соҳаларига яқин жойлашишини ҳисобга олган ҳолда ишга туширилди. Капитал қўйилмалар ҳажми 3900 миллион рублни ташкил этди, уларнинг 60 фоизи йирик саноатни ривожлантиришга йўналтирилди.

4. Ўзбекистоннинг саноат ривожланиш суръати Иттифоқдагидан юқори эди. 1950 йилда ялпи саноат маҳсулоти 1940 йилга нисбатан 83 фоизга, Иттифоқ бўйича эса 73 фоизга ошди.

5. Оғир саноатнинг таркиби ҳам тубдан ўзгарди. 1940 йилда оғир саноатнинг улуши 13,3 фоизни, 1950 йилда 47,2 фоизни, енгил саноат мос равишда 61,1 фоизни ва 38,9 фоизни, озиқ-овқат саноати - 25,6 фоизни ва 13,9 фоизни ташкил этди.

6. Енгил ва озиқ-овқат саноатида янги технологик ускуналар ишлатила бошланди.

7. Техник тараққиёт, кадрлар малакасини ошириш, уларнинг маданий ва техникавий даражасини ошириш, шу асосда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ишлар олиб борилди. 1940 йил билан таққослаганда 1950 йилда меҳнат унумдорлиги даражаси 35 фоизга ошди.

Транспорт ва алоқа. Тошкент темир йўлида янги локомотивлар ва тепловозлар ишлатила бошланди. Ўзбекистон иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган жанубий ҳудудларини иқтисодий ривожлантириш учун Чоржуй-Қўнғирот темир йўли қурилиши бошланди. Темир йўлда юкларни жўнатишни ташкил этиш яхшиланди. 1945 йилда 103,35 миллион рубл миқдоридаги капитал қўйилмалар режаси 5 фоизга ўсиб, 108,47 миллион рубль миқдорида амалга оширилди. 1950 йилда транспорт воситаларининг юк айланмаси 1940 йилга нисбатан 2,9 баравар кўпайди. Узунлиги 700 км (Тошкент-Термиз) бўлган Катта Ўзбек автомагистрали қурилиши тугалланди. Вилоят ва туман марказлари ўртасида мунтазам равишда автобус хизмати йўлга қўйилди. Фарғона ва Урганчда автомобилларни таъмирлаш заводлари қурилди, Тошкентда автомобилларни таъмирлаш заводлари ва аккумулятор заводлари реконструкция қилинди. Республика алоқа соҳасида ҳаво транспорти 4000 км ни ташкил этди, барча алоқа воситалари ривожланди.

Қишлоқ хўжалиги. Тўртинчи беш йиллик даврда Иттифоқ ҳукуматининг ёрдами билан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш амалга оширилди. Бу қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама механизациялаштиришга, суғориш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга, янги ерларни ўзлаштиришга, ишчи ва маҳсулдор қорамолларни, қишлоқ хўжалиги техникаларини, автоуловларни сотиб олишга ва қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлашни яхшилашга йўналтирилган катта маблағ ажратилиши билан изоҳланади.

Давлатнинг молиявий ва моддий-техник кўмаги нафақат пахта етиштиришни, балки бутун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳам катта аҳамиятга эга эди. Каттақўрғон, Ўрта-Токар сув омбори, Катта ва Шимолий каналлар ва Ю.Ахунбобоев номидаги Сариқўрғон канали қурилиши бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли 1950 йилда

экин майдони урушдан олдинги даражага яқинлашди ва 1945 йилдаги 2478,8 минг гектардан 2898,5 минг гектарга етди.

Бундан ташқари, 1949 йилда экин майдонларида, ялпи ҳосил ва ҳосилдорликда пахта этиштиришнинг урушгача бўлган даражаси тикланди. 1948 йилда Ўзбекистон давлатга 1940 йилга нисбатан 137 минг тонна кўпроқ пахта хом ашёси топширди ва пахта этиштиришни 2226 минг тоннага етказди. Пахта хом ашёсининг ҳосилдорлиги 1940 йилдаги 14,7 центнердан 20,1 центнерга ошди. Умуман олганда, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти урушдан олдинги 1940 йилдаги даражадан 38,9 фоизга ошди, пахтачилик хўжаликларининг 40 фоизи эса белгиланган режани бажара олмади.

Колхозларнинг моддий-техник базаси ривожланди ва мустаҳкамланди. Тўртинчи беш йиллик режанинг охирига келиб Ўзбекистонда 245 та машина-трактор саройлари мавжуд эди, уларда 29527 трактор бор эди. Далаларда 3617 пахтакор ишлади. Бу қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлари кўпайганлигини англатади. 1945 йилда механик двигателларнинг (тракторлар, комбайнлар, автоуловлар, пахта териш машиналари, электр жиҳозлари) улуши 73,5 фоизни, чорва моллари (механик куч жиҳатидан) 26,5 фоизни ташкил этди ва 1950 йилда у мос равишда 82, 9 фоиз ва 17,1 фоизга етди. Машина-трактор саройларининг қуввати 1940 йилдаги 286 минг от кучидан 1950 йилда 420 минг от кучига кўтарилди.

1946 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига барча молиялаштириш манбалари, шу жумладан, колхозлар жамғармалари учун капитал қўйилмалар 1620,0 млн. рублни ташкил этди, 1950 йилда 2286,2 млн. рублгача ўсди (1946-1950 йилларда 8300 млн. рубл). Ушбу инвестициялар ҳисобига янги ерлар ўзлаштирилди, қишлоқ хўжалиги айланмаси ташлаб кетилган ерлар, суғориш иншоотлари қурилди, машина-трактор саройлари ташкил этилди, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишни енгиллаштирадиган янги суғориш тизимлари жорий этилди. Фақатгина ирригация қурилиши ҳисобига суғориладиган ерлар 264,9 минг гектарга кўпайди.

Экин майдонларининг таркиби пахта ва беда ҳисобига ўзгарди. Шундай қилиб, дон маҳсулотлари ишлаб чиқариши

пасайиб, колхозларнинг кучайиши кузатилди. 1940 йилда уларнинг сони 7439 бўлиб, ўртача экин майдони 365 гектарни ташкил этди. 1950 йилда колхозлар сони 3176 тага қисқарди, уларнинг 59 фоизи ўртача 460 гектаргача экин майдонини, 41 фоизи 500 гектардан кўпроқ майдонни эгаллади. Жамоа колхозларида ерларини исроф қилиш ҳолатлари аниқланиб ерлар колхозларга қайтарилди, дебиторлик қарзлари тугатилди, колхозлардаги маъмурий аппарат штатлари 51 минг кишига қисқартирилди, деҳқон хўжаликларини бошқариш кучайтирилди.

Алмашлаб экиш тизими жорий этилди, қишлоқ хўжалиги технологияси, маданияти яхшиланди, минерал ва азотли ўғитлардан фойдаланиш кенгайди. Чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва узумчиликда ҳам кўпгина ютуқлар бўлди. Аммо беш йиллик режанинг вазифалари, айниқса, чорва моллари сонини кўпайтириш ва чорва молларининг маҳсулдорлиги, сут соғиб олиш бўйича вазифалар бажарилмади.

Колхозлар даромадларининг бир оз кўпайиши муносабати билан меҳнатни ташкил қилиш ва уларга ҳақ тўлашнинг таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди, ишлаб чиқаришнинг янги стандартлари жорий этилди ва маълум даражада иш ҳақини зарарли тенглаштиришга барҳам берилди.

Савдо. Урушдан олдинги 1947 йилдаги ислоҳотлар бир вақтнинг ўзида талон тизимини бекор қилиш ва 1947-1950 йилларда нархларни уч баравар пасайиши билан аҳолининг реал даромадлари ўсишига, унинг харид қобилиятини оширишга ва савдонинг ошишига ёрдам берди. Давлат ва кооператив савдонинг, шу жумладан, умумий овқатланишнинг айланмаси 1940 йилдаги 528 миллион рублга нисбатан 1950 йилда 1089 миллион рублга етди. 1940 йилда давлат ва кооператив савдонинг чакана тармоғининг айланмаси 459 миллион рублни, умумий овқатланиш эса 69 миллион рублни ташкил этган бўлса, 1950 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 984 миллион рубль ва 105 миллион рубль даражасида эди.

Шунингдек, товар айирбошлаш таркиби ҳам ўзгарди, чакана савдода озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари айланмасининг бир оз ўсиши тенденцияси кузатилди. Савдонинг моддий-техник базаси бироз ўсди. Товар захиралари ўсди (тез

сотилмайдиган ва эскирган маҳсулотлар ҳисобига). Савдо ташкилотлари ушбу товарларни паст нархлашни амалга оширишга мажбур бўлишди. Савдо маданияти сезиларли даражада ошди.

Аҳолининг иқтисодий фаровонлиги. Урушдан кейинги давр (1946-1950 йиллар)да миллий иқтисодиётнинг тикланиши ва ривожланиши билан бирга аҳолининг моддий аҳволи ҳам яхшиланиб борди. Тижоратда юқори ва қуйи нархларини тенглаштириш, карта тизимини бекор қилишга тайёргарлик чоралари кўрилди. Кам ва ўрта ҳақ тўланадиган ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи сезиларли даражада ошди, айрим тоифадаги ишчилар иш ҳақидаги ортиқча ортиқча харажатлар бартараф этилди. Кўмир ва нефт қазиб олиш, металлургия ва кимё корхоналарининг иссиқ ва зарарли жойлари, баъзи қурилиш ва юклаш-тушириш операциялари каби меҳнатталаб ишлаб чиқариш тармоқларида ишчиларнинг иш ҳақи ошди. Пахта тозалаш саноатида ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 30,1 фоизгача, ипакчилик саноатида 34,2 фоизгача ўсди. Пўлат саноати, кўмир, кимё ва бошқа соҳаларда узоқ вақт ишлайдиган ишчилар иш ҳақининг фоизли оширилиши тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди.

Умуман олганда, 1948 йилда Ўзбекистонда саноат ишчиларининг иш ҳақи 2,2 баравар ошди. Қишлоқ ишчиларининг даромадлари сезиларли даражада ошди, иш кунлари учун ҳақ тўлаш, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошди, совхозларда қўшимча тўловлар белгиланди. Аҳолининг саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларига, гўшт, балиқ, тўқимачилик ва пояфзалларга бўлган талаби ортган бўлса-да, колхоз ишлаб чиқаришининг етишмаслиги, шунингдек чарм поябзал, мато ва зиғир ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари, трикотаж, пайпоқ буюмлари ишлаб чиқариш урушдан олдинги ишлаб чиқариш даражасига етмаганлиги туфайли аҳолини ушбу маҳсулотлар билан таъминлашдаги қийинчиликларни бартараф этилмади.

Шаҳарда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам одамларнинг турмуш шароити маълум даражада яхшиланди, аммо уй-жой масаласи жуда кескинлигича қолди. Тиббий хизматларнинг яхшиланиши кузатилди, тиббиёт муассасалари тармоғи кенгайтирилди. Меҳнат шароити яхшиланди, айниқса, аёллар учун курорт тармоғи кенгайди ва дам олиш уйлари пайдо бўлди. Мактабгача таълим

муассасалари, болалар касалхоналари ва поликлиникалари жадал суръатларда қурилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида давлат бюджети катта аҳамиятга эга бўлган. 1950 йилда бюджет даромадлари харажатлардан ортиб, 1940 йил даражасидан 2,4 баравар ошди. Ижтимоий-маданий эҳтиёжлар учун бюджетдан ажратмалар республика аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражасининг ўсишига олиб келди. Ижтимоий суғурта тўловлари, пенсия, нафақа, ижтимоий таъминот, бепул тиббий хизмат, бепул таълим, стипендиялар ўсди. Ўрта махсус ўқув юртларида (техникумларда) 1940 йилда 15,8 минг киши таълим олган бўлса, 1950 йилда 33,8 минг талаба ўқувчи таҳсил олган. Университетларда 1940 йилда 16,9 минг талаба бўлган бўлса, 1950 йилда 31,6 минг талаба ўқиган.

1951-1955 йилларга мўлжалланган бешинчи беш йиллик режанинг асосий вазифаси республиканинг бутун иттифоқ меҳнат тақсимотида ишлаб чиқаришга ихтисослашуви билан боғлиқ ҳолда пахтачилик ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини юксалтириш эди. Машинасозлик саноатининг олдида турган вазифа, пахтачиликда асосий ишларни комплекс механизациялаш, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатининг ўсиши, меҳнат унумдорлиги, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари учун машиналар ва механизмлар, суғориш, транспорт ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш машиналарни оммавий ишлаб чиқариш эди.

Режада Чирчиқ электрокимёвий заводи, Қўқон суперфосфат заводи ва Самарқандда суперфосфат заводини қуриш ҳисобига минерал ва азотли ўғитлар, кимёвий моддалар, пестицидлар ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи кимё саноатининг ўсиши қайд этилган. Бундан ташқари, урушдан кейинги даврда яратилган кимёвий муҳандислик кимё саноати учун энг янги машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни таъминлаши керак эди.

Пахта тозалаш саноатида пахта тозалаш корхоналарининг энергия билан таъминланганлик коэффициентини ошириш, меҳнатталаб жараёнларни механизациялаш кўзда тутилган эди. Тўқимачилик саноатида Тошкент тўқимачилик фабрикасининг учинчи босқичини ишга тушириш, Марғилон ипак фабрикасини

реконструкция қилишни якунлаш режалаштирилган эди. Металлургия саноатида рангли металлар заводи қурилишини жадаллаштириш, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қаттиқ қотишмалар ва пўлатлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Янги нефт конларини ишга тушириш орқали нефт ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган эди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши кўзда тутилган эди. Бироқ, енгил саноатнинг ривожланиши ёқилғи ва электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг ўсишига боғлиқ эди. Урушнинг оғир йилларида, тўртинчи беш йиллик режа йилларида халқ хўжалигини электр энергияси билан таъминлашда қийинчиликлар пайдо бўлганини таъкидлаб ўтган эдик. Мавжуд имкониятлар саноатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмади. Шу сабабли, 1951-1955 йилларда беш йиллик давр мобайнида электр энергиясини ишлаб чиқаришни 60 фоизга кўпайиши учун қувватлардан фойдаланишни яхшилаш ва янги электр станцияларини қуриш кўзда тутилган эди. Бу Қайроққум, Навоий, Шахрихон, Хишрау, Шайхонтохур ГЭСлари, Тошкент вилоятида Бўзсув-Чирчиқ ГЭС каскади ва бошқаларни қуриш демакдир. Қуввати 650 минг кВт бўлган Ангрен ГЭСини қуриш (бунинг учун кўмир ишлаб чиқаришни 60 фоизга ошириш керак эди) шунингдек, Тошкент, Қарши, Бухоро ИЭСлари қуриш режалаштирилган эди. Газ саноатининг ривожланиш суръатларини ошириш режалаштирилган эди. Шу асосда бутун энергия тизимининг қувватини икки баравар ошириш режалаштирилган эди.

Вазифаларнинг қандай амалга оширилганлигини қисқача кўриб чиқамиз.

1951 йилда саноат ишлаб чиқариш режаси 103 фоизга бажарилди ва 1950 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди. Бироқ, кўплаб корхоналар ва саноат тармоқлари белгиланган режани бажармади. Хусусан, пахта тозалаш саноати корхонаси ишлаб чиқаришни 180 миллион рублга, ишлаб чиқариш кооперацияси 30 миллион рублга бажармади. Харажатларни камайтириш учун имкониятлардан фойдаланилмади, ёқилғи, хом ашё, электр энергиясини ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилишга йўл қўйилди, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмади. Капитал қурилиш ва янги қувватларни ишга тушириш режаси бажарилмади.

Энергия ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан ортда қолди.

Ярим аср вақт давомида яратилган иқтисодий салоҳият охирги 10 йил ичида икки бараварга ортди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 43 фоизга ўсди, электр энергиясини ишлаб чиқариш 1038 миллиард кВт/с га етди. Саноат тармоқлари ривожланди, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилди ва транспортнинг барча турлари ривожланди. Ушбу беш йилликда Байкал-Амур темир йўли магистрали (БАМ) нинг қурилиши амалга оширилди.

Миллий даромад 28 фоизга ўсди. Бундан ташқари, миллий даромаднинг 4/5 қисми меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига таъминланди. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги 34 фоизга, қишлоқ хўжалигида 28 фоизга ошди. Саноат соҳасида 2000 га яқин йирик корхона фойдаланишга топширилди, корхоналарни реконструкция қилиш натижасижа ишлаб чиқариш фондларининг қарийб 43 фоизи модернизация қилинди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Механизациялаштириш, кимёвий ишлов бериш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш даражаси юқори эди. Чўлларда суғориш

ишлари якунланди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 13 фоизга ўсди, дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Колхозлараро бирлашмалар, давлат-колхоз корхоналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёни қайта ишлаш бўйича саноат типидаги колхоз корхоналари ривожланди. Беш йиллик давр охирига келиб 2300 та ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолият кўрсатди. Ташқи савдо муваффақиятли амалга оширилди, унинг ҳажми 2,3 баравар ошди ва бошқа давлатлар билан иқтисодий интеграция янада фаоллашди.

Ишчи ва хизматчиларнинг маошлари ўртача 20 фоизга, колхозчилар иш ҳақи 25 фоизга ошди.

Ижтимоий истеъмол маблағлари ҳисобидан тўланадиган тўловлар ва имтиёзлар беш йил давомида 2,4 баравар ошди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар 24 фоизга, товар айланмаси 5 йил ичида 36 фоизга, маиший хизматлар ҳажми 1,6 баравар ошди. Узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми жадал суръатлар билан ривожланди, 56 млн. кишининг яшаш шароитларини яхшиладилар. Умумий ўрта таълимга ўтиш якунланди, касб-ҳунар мактаблари тармоғи кенгайтирилди, соғлиқни сақлаш соҳаси сезиларли даражада ривожланди.

Ўнинчи беш йиллик режани (1976-1980 йиллар) Иттифоқнинг ўсиши ва тараққий этишига туртки берган олдинги икки беш йиллик режалар сирасига киритиш мумкин. Ушбу беш йилликнинг асосий вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришни динамик ва мутаносиб ривожлантириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини кўтариш, унинг самарадорлигини ошириш, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашдан иборат эди. Партия мафкурачиларининг фикрига кўра, ушбу давр ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва шакллантириш, социалистик инсон қиёфаси ва турмуш тарзини шакллантириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг даври бўлган.

Беш йиллик директив кўрсатмаларида меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, даромадлар фондини кўпайтириш, иттифоқ

республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва шарқий минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга эътибор қаратилди. Меҳнат унумдорлигининг 27 фоизга ўсиши кўзда тутилган ва шу сабабли саноат ишлаб чиқаришининг 90 фоиз ўсиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсиши таъминланиши режалаштириган эди.

Кўриб чиқилаётган беш йилликда асосий фондлар 1970 йилга нисбатан икки баравар кўпайди. 5 йил ичида саноатда меҳнатнинг фонд билан қуролланганлик даражаси 40 фоизга, қишлоқ хўжалигида эса 60 фоизга кўпайиши керак эди. Миллий даромад миқдорини 96 миллиард рублга ошириш ва капитал қўйилмалар миқдорини 630 миллиард рублга ошириш режалаштирилди, бу 1918-1965 йиллардаги яъни деярли ярим асрлик капитал харажатлар суммасига тенг эди. Саноат ишлаб чиқаришни 36 фоизга, қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик маҳсулотни олдинги беш йиллик даврга нисбатан 16 фоизга кўпайтириш режалаштирилган эди. Ўртача иш ҳақини 17 фоизга ошириш ва уни 170 рублга, колхозчилар даромадларини 26 фоизга, давлат истеъмол фондларидан тўловларни 30 фоизга ошириш, савдо ҳажмини 28,7 фоизга ошириш, шу билан бирга таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият харажатларини ошириш кўзда тутилган эди.

Ушбу беш йиллик даврда Иттифоқнинг Европа қисми энергия тизими билан Марказий Осиё ва Сибир энергия тизимларини бирлаштириш орқали ягона энергия тизимини яратиш бўйича ишлар давом эттирилди. 1981-1985 ва 1986-1990 йилларда охирги икки беш йиллик режалар олдинги беш йиллик режалар каби инсон манфаатларига алоҳида урғу берилган руҳда режалаштирилди ва айрим четланишларни эътиборга олмаганда деярли барча кўрсаткичларнинг бажарилишига эришилди. 1980 йилда Иттифоқ 1970 йилга нисбатан икки марта кўпроқ ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эди.

Статистик маълумотларга кўра, 1989 йилда 1985 йилдаги даражага нисбатан ялпи ички маҳсулот 15,5 фоизга, миллий даромад 11,1 фоизга, саноат маҳсулотлари 14,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 10 фоизга ўсган, меҳнат унумдорлиги 11,2 фоизга, миллий иқтисодиёт учун иш ҳақи фонди - 25 фоизга, ўртача ойлик иш ҳақи, ишчилар ва идора ходимларининг иш ҳақи

26 фоизга, колхозчилар ўртача ойлик иш ҳақи 30,4 фоизга, аҳолига тўланадиган тўловлар ва имтиёзлар. истеъмол маблағлари 27,2 фоизга, чакана товар айланмаси 24,6 фоизга, пуллик хизматлар 48,6 фоизга ўсди.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, сўнгги икки беш йилликлар режалардаги вазифалар босқичма-босқич амалга оширилди, Аммо олдинги беш йиллик режалар маълумотлари билан таққослаганда кўплаб муҳим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича уларнинг ўсиш суръатлари ортда қолаётганлигини сезишимиз мумкин.

Иқтисодий ривожланишнинг даврийлиги нафақат тикланиш, балки турғунлик ва инқироз даврларига ҳам хосдир. Бироқ, бошқа мамлакатлар тажрибасига кўра, бу давлатчиликнинг қулашига олиб келмаслиги керак эди.

Кейинги беш йилликларда (1965-1980 йй.) корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш малаларига алоҳида эътибор қаратилди. Тўлалигича хўжалик ҳисоби жорий қилинди, бозор иқтисодиётининг нарх, фойда, кредит ва бошқалар категориялари кенг қўлланила бошланди. Республикалар ва минтақаларнинг иқтисодий ваколатлари кенгайди, ялпи маҳсулот кўрсаткичи ўрнига ишлаб чиқариш активлари учун ҳақ жорий қилинди, корхоналарда, олинган фойда ҳисобидан ишчиларни иқтисодий рағбатлантириш ва моддий рағбатлантириш маблағларини шакллантиришга рухсат берилди, саноат бирлашмалари яратилди. Маҳсулот сифатини назорат қилишнинг давлат аттестацияси жорий этилди. Шундай қилиб, иқтисодиётда иқтисодий усуллар ва бошқариш дастакларининг роли кучайиб борди.

Буларнинг барчаси бозор шароитида иқтисодиётни ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқадиган зарурий чора эди. Бироқ, партия элитаси ўз позицияларини йўқотишни истамади. Партия доираларида шиор устунлик қилди: “Партия – бу даврингизнинг онги, шаъни ва виждони”. Бу шиор, ҳеч бўлмаганда, одамлар ҳаётини яхшилаш учун амалий натижаларга эришганлигидан қатъи назар, партия элитасининг бошқарув функцияларини оқлаётгандай туюлди. Шу билан бирга, иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши очиқ-ойдин кўрина бошлади, СССР халқлари ва капиталистик дунёнинг ривожланган мамлакатлари

халқлари турмуш даражаси ўртасидаги тафовут тобора таъсирчан тус ола бошланди.

Марказнинг янги иқтисодий сиёсатининг моҳияти шундан иборат эдики, юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар бўйича аниқланадиган республикалар, минтақалар ва корхоналар учун маҳсулотнинг асосий турлари, иш ҳақи фонди, фойда ва рентабеллик, бюджетга тўловлари ва бюджет ассигнованиялари, марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми, инвестициялар ҳажми, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситалар кўрсаткичи, моддий-техник таъминот кўрсаткичлари амалга киритилди. Қолган барча кўрсаткичлар иккиламчи ҳисобланади (агар улар шундай ҳисоблаш мумкин бўлса) ва уларни корхоналарнинг ўзлари режалаштиришлари керак эди. Бу корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигининг кенгайиши сифатида кўрилди ва режали иқтисодиёт ривожига янги туртки бўлиши керак эди.

Буларнинг барчаси иттифоқ чегарасидан ташқарида бозор муносабатлари кўп асрлик илдизларга эга бўлган ва амал қилиб келаётган ҳамда иттифоқ фуқаролари онги бозор муносабатлари моҳиятидан йироқ бўлган бир пайтда юз берди. Шу сабабли ҳам Совет итифоқи ҳаётида давлат ва иқтисодий тизим, режа ва бозорнинг ўзаро муносабати ва таъсирини тубдан яхшилаш вазифаси қўйилмаган. Бироқ, барча ҳаракатлар бозорга ва бозор муносабатларининг устунлигига олиб келди.

Бир тарафдан буни юқори раҳбарият яхши англаб етган, аммо социалистик турмуш тарзи ва марказлашган иқтисодий бошқарувнинг стереотиплари шу қадар кучли эдики, ягона макон ва тартибқоида пойдеворига қурилган социалистик муносабатлар ҳам, раҳбарият ҳам бозор муносабатлари асосида жамиятни қайта қура олмади, телевизор орқали берилган кўрсатувни эслайман, унда Л.И. Брежнев истеъфога чиқмоқчи, лекин партия элитасининг барча юқори лавозимли амалдорлари бош котиб лавозимида қолишни илтимос қилиб мурожаат қилишади.

Л.И. Брежневнинг ҳукмронлиги, бизнинг ёшлигимизга тўғри келди. Ўспиринлик давримиз марксистик-ленинистик мафкуралар билан тўлиб-тошган ҳолда, социализм асосларига кўр-кўрона, аммо чуқур ишонганмиз, гарчи ўша пайтда ҳам марказий раҳбарият сиёсатининг тўғрилиги ва қалбимиз тубида баъзи

шубҳалар бўлсада, ҳеч бўлмаганда уларга эҳтиёж борлигини ва бирор нарсани ўзгартира олишини орзу қилганмиз. Бироқ, улар нима ва қандай рўй беришини ҳеч билмади. Шубҳасиз, жадал ривожланиш учун ноёб имкониятларга эга бўлган бундай улкан мамлакатни тараққиёт йўлидаги тўсиқдан олиб ўтадиган, масалан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг Хитой сценарийсидаги каби ислоҳотчилик руҳида фикрлай оладиган одамлар йўқ эди.

Ушбу даврнинг ижобий томони шундаки, биринчи навбатда СССР ўзининг энг юксак тараққиёт босқичига кирди, дунёда энг катта кучга айланди. Иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланган тармоқлари, ижтимоий ҳаёт, ижтимоий муносабатлар соҳасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Умуман одамлар рўй бераётган ўзгаришларни мамнуният билан қарши олар ва қўллаб-қувватлашарди. Турмуш даражаси сезиларли даражада яхшиланди, ниҳоят, кўпчилик ўз шахсий уй-жойига, ўша давр учун муносиб турмуш шароитларига эга бўлдилар, ҳар бир киши иш билан таъминланди, улар давлат истеъмол фондларидан бепул ижтимоий хизматлардан фойдаланишди. Савдо соҳасидаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг мўл-кўллиги кўзни қувонтирарди, одамлар ўз даромадларини ноозиқ-овқат товарларини сотиб олишга кўпроқ йўналтира бошладилар. Айниқса, Совет халқларининг энг кўп китоб мутолаа қилиши, чет эл адабиётининг ноёб асарларининг рус тилидаги таржимаси мавжудлиги, бой рус миллий адабиёти таъсирида одамларнинг маданий турмуш тарзи ўзгараётгани айниқса, қувонарлидир.

Бир воқеа эсимга тушди: фуқаролик уруши, 1920-1930 йиллардаги қайта қуриш, уруш ва урушдан кейинги йилларни бошидан кечирган кекса одамга етмишинчи йиллар ҳақида фикр билдиришини сўрашади, у ҳеч иккиланмасдан “хозиргидек тўкинсочин ва фаровон бўлган даврни эслолмайман” – деб жавоб беради. Ҳақиқатан ҳам ўша пайтда ҳаммаси шундай эди. Одамларнинг турмуш даражаси, моддий фаровонликнинг сезиларли даражада ўсиши Иттифоқнинг барча жабҳаларида бутун мамлакат, ҳар бир иттифоқдош республикалар ҳаётида ҳам содир бўлди. Бироқ, 70-йилларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари, урушдан

кейинги миллий иқтисодиётни қайта тиклаш давридаги кўрсаткичлар билан таққослаганда жуда яхши кўринарди. Агар биз уларни Ғарб мамлакатларининг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ижтимоий ишлаб чиқариш даражаси билан таққосласак, очиқ-ойдин ортда қолиши аниқ эди.

СССР ташқи сиёсатида пролетар байналминалчилик тамойиллари устунлик қиларди ва мустамлака қарамлигидан озод бўлган мамлакатлар (Миср, Куба, Ангола, Вьетнам ва бошқалар) ва уларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришишига ёрдам беришни бошлади. Афсуски, социалистик дўстларни кўпайтириш ҳақидаги чўпчак ўз қадриятларини ҳимоя қилиш мақсадида социализм ғилдиракларига ёпишган Ғарбнинг бой мамлакатларидан иборат бирлашган кучларга қарши курашда жуда қимматга тушди.

Шу билан бирга, жамиятда йирик давлат арбобидан тортиб оддий деҳқонгача бир-бирини алдаш, "бир нарсани гапириш, амалда эса аксини қилиш"дек иккиюзламачилик иллати кенг илдиз отди. Гапириш ва бажариш ўртасидаги тубсиз тафовут жарлиги зиёли кишилар руҳиятига жуда салбий таъсир кўрсатишнинг универсал нормасига айланди. Партия қурултойлари ва пленумларининг юқори минбарларидан "илмий ва технологик инқилоб ютуқларини социалистик иқтисодий тизимнинг афзалликлари билан органик равишда уйғунлаштириш" зарурлиги ҳақидаги шиорлар эълон қилинди. Бироқ, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган давлат монополияси илмий-техник тараққиёт ғояларини муқаррар равишда рад этди, иқтисодий амалиётда боқимандалик, ислоҳотларга лоқайдлик, фикрлашнинг торлиги тобора ортиб борди. Коммунистик партиянинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, иқтисодий амалиётда ҳам етакчилик ролини аниқ ва асоссиз равишда оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўпланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг қулай воситаси сифатида кўрилди. Шу ўринда бир мисол келтирайлик. XXIV– съезд қарорларига мувофиқ, партия Уставида, партия ташкилотларига нафақат ишлаб чиқариш соҳасидаги, балки илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари ва маданий-маърифий муассасалар маъмуриятлари фаолиятини бошқариш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисида ёзма қарор қабул

қилинди. Директив режанинг бажарилишига эришиш учун маҳаллий партия ишчилари турли хил соҳалардаги корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ташкилотчиси ва назоратчиси сифатида кўпинча иқтисодий функцияларни бажаришган. “Партия – давр виждони, онги ва шарафидир” шиори остида у ҳамма жойда ва ҳаммани назорат қилди, муваффақиятсизликлар учун эса фақат хўжалик раҳбарлари жавобгар бўлиб қолаверди.

Ўша даврда ҳақиқатдан йироқ ва амалга ошириб бўлмайдиган, иқтисодий натижаларга эришишга қаратилган ташаббуслар ва амалиёт кенг тарқалди. Бу каби ёлғон ташаббуслар ортидан Ўзбекистон учун “катта шараф” бўлган “давлатга 6 миллион тонна пахта топшириш” ташаббуси келиб тушди. Бунда республиканинг ҳақиқий салоҳияти ва имкониятлари, инсон ресурсларининг ҳаддан ташқари зўриқиши мумкинлиши, атроф-муҳитга етказилган зарарнинг оқибатлари билан боғлиқ йўқотишлар умуман ҳисобга олинмаган эди. Ўша йилларда Ўзбекистонда кенг майдондаги пахта далаларида суғориладиган ерлар зах босган, кейинчалик ботқоқланган ва шўрланган бўлиб, экинларни алмашлаб экиш тамойиллари мунтазам равишда бузилиб, ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келган, пахта майдонларининг дефолиацияси маҳаллий аҳолининг саломатлигига жуда катта зарар етказиши мумкин бўлган ғайриинсоний усуллар билан олиб борилган. Бу ва бошқа қилмишлар ортибадн Орол денгизи минтақасида экологик вазият ҳалокатли тус олди, унинг таъсири нафақат Ўзбекистон ва қўшни Марказий Осиё республикалари халқларига, балки унинг ташқарисида ҳам ўз “ҳосилини берди”. Ерларни суғориш ва захдан қуритиш мақсадида юзлаб миллиардлаб рубл маблағ Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига бирон иқтисодий натижа бермасдан кўмиб юборилган эди.

Мўмай даромад топиш мақсадида “Иссиқхоналар” ва “чорвадорлар” га қарши турли тадбирлар қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига ва республика аҳолиси даромадларига жуда катта зарар етказди. Шу тадбирлар давомида шахсий манфаатни кўзлаш айбловини рўкач қилиш орқали аҳолининг ерлари, чорва моллари тортиб олинди, иссиқхоналар бузиб ташланди. Бу эса келгусида зўрға кун кечириб келаётган одамлар, айниқса, кўп болали оилалар

учун жуда катта ижтимоий оқибатларга олиб келди. Шу билан бирга хўжалик тузилмаларидаги бош-бошдоқчилик ва тақчилликни бошқаришга асосланган хўжалик тизими негизида шаклланган хуфиёна иқтисодиёт ҳам ўзининг энг юқори даражасига етди. Жуда катта заҳираларга эга турли хом ашё манбаларининг мавжудлиги, улкан ишлаб чиқариш қувватларининг ортиқчалиги мавжуд бўлган мамлакатда товарлар танқислигини тушунтириб бериш жуда мушкул вазифа эди. Корхоналар раҳбарлари ортиқча ва эҳтиёж учун зарур бўлмаган ресурс захираларини мустақил бошқариш, уларни сотиш ёки бошқасига алмаштириш, айирбошлаш учун рухсат берилмаганлиги сабабли, қонунни четлаб ўтиб улардан яширин ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишган ва бу билан совет иқтисодиётининг беркарорлиги ва лаёқатсизлигини янада кучайтиришга "ёрдам беришган". Хуфиёна иқтисодиёт марказда ва жойлардаги партия-давлат аппарати вакиллари билан ҳамкорлик қилишга, унинг ҳомийлигидан фойдаланиб, солиқ солинмайдиган миллиардлаб маблағларнинг ўзлаштирилишига олиб келди.

80-йилларнинг бошларида кенг қулоч ёйган хуфиёна иқтисодиёт тузилиш жиҳатидан кенг тармоқли эди. Буларга косибчилик, тиббий хизматлар, репетиторлик, чакана савдо, ижтимоий хизматлар, хусусий такси хизматлари, маиший хизматлар кабиларни ўз ичига олган тадбиркорлик фаолияти, шунингдек, катта миқдордаги товарлар ва хом ашёларни талон-тарож қилиш, қўшиб ёзишлар, ҳисоб хужжатларини сохталаштириш, давлат корхоналарида ишлаб чиқаришни ҳисобга олмаслик ва давлат савдо тармоғи орқали сотишни йўлга қўйиш, валюта операциялари шу каби амалдаги қонун билан тақиқланган ҳақиқий жиноятлар кирарди. Турли маълумотларга кўра, 80-йилларнинг ўрталарига келиб Совет Иттифоқининг иқтисодиёти бу соҳасида меҳнат қилинаётганлар сони 15 млн. кишини ташкил этган, шуларнинг аксарият қисми эса Ўзбекистонга тегишли эди.

Иқтисодий ўсишга қаршилик қилувчи жиддий тўсиқлар ишлаб чиқаришнинг қиммат, асосан экстенсив турини шакллантирди. Гарчи мамлакатнинг марказий раҳбарияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари бир неча бор иқтисодиётнинг экстенсив ривожланишидан узоқлашишга ҳаракат қилсалар ҳам,

буни амалга ошириш тобора қийинлашиб борди. Юқори раҳбариятнинг минбарлардан мамлакатнинг 30-йиллардаёқ саноатлаштириш босқичидан муваффақиятли ўтганлигини таъкидлашар, аслида эса, иттифоқ иқтисодиёти, ҳатто техник ривожланиш нуқтаи назаридан ҳам капиталистик дунё мамлакатларидан сезиларли даражада орқада эди. СССРда, ҳатто 1980-йилларда ҳам меҳнатнинг машинавий усулларидан машинасозлик технологиясига ўтиш жараёни халқ хўжалигининг барча соҳаларида ва тармоқларида давом этди. Бироқ, Ғарбнинг саноати ривожланган мамлакатлари бозор ва бозор рақобатидан фойдаланиб, илмий ва технологик тараққиёт йўлидан анча илгарилаб кетишди ва бу бизни эргашувчи ролини бажаришга мажбур қилди. Расмий статистик маълумотларга кўра, 80-йилларнинг бошларида мамлакат саноатида оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларнинг улуши қарийб 40 фоизни, қишлоқ хўжалигида - 70 фоизни ташкил қилди ва йил сайин камайиб борди. Ишлаб чиқариш кадрлар қўнимсизлиги туфайли жуда кўп талофат кўра бошлади. Паст малакали ва лоқайд ишчилар техник тараққиётга, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, табиий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга ҳаракат ҳам қилишмади, иқтисодиётда ва иш жойларида жиддий таркибий ўзгаришларни амалга оширишни исташмади ва ҳаттоки бирор нарса умид ҳам қилишмади.

Ғарб давлатлари, хусусан, Совет Иттифоқининг асосий рақобатчиси бўлган АҚШ – қувиб ўтиш мақсадида, илмий ва техник тараққиётни жадаллаштиришга эмас, балки ишлаб чиқаришга қўшимча материаллар, табиий ва меҳнат ресурсларини жалб қилишга киришди. Натижада кўплаб саноат ва ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишдан орқада қолди ва иқтисодий ўсишнинг турғунлик хусусиятлари намоён бўла бошлади. ЯИМнинг ҳар бир қўшимча фоизини яратиш учун кўпроқ ноёб ресурслар ва қимматбаҳо маблағларни сарфлаш керак эди. Агарда тўртинчи беш йилликнинг режасида барча бюджет маблағларининг учдан бир қисмидан кўпроғи иқтисодиётнинг эҳтиёжларига йўналтирилган бўлса, ўн биринчи беш йилликда бу кўрсаткич – 56 фоизни ташкил этди. Ижтимоий ва маданий дастурларни молиялаштириш бўйича бюджет ассигнациялари камайиб борди. 1970 йилдаги 37,4 фоиздан 1985 йилда 32,5 фоизга тушиб кетди. Инсон ресурслари

иқтисодиёти ҳам чуқур тангликни бошдан кечирди. Туғилишлар сонининг мунтазам равишда пасайиб бориши сабабли биринчи марта ижтимоий ишлаб чиқаришга келган ёшларнинг улуши 1971-1975 йиллардаги 12 миллион кишидан 1981-1985 йилларда 3 миллион кишига сезиларли даражада пасайди. Ишчи кучининг танқислиги туфайли мамлакат корхоналарида бўш иш ўринларининг қиймати асосий воситалар қийматининг 12 фоизига етди, бу эса иқтисодиётнинг нормал ишлашига реал таҳдид уйғотди. Улкан харажатлар эвазига қурилган янги корхоналарда жисмоний меҳнатга қилиш лаёқатига эга кишилар деярли йўқ эди. Масалан, ўша йилларда жуда катта молиявий ва моддий харажатлар эвазига Марказий Осиёда йигирув ва тўқув фабрикалари қурилган бўлиб, уларда ишлайдиган ёшларни мамлакатнинг марказий минтақаларидан (Россия, Украина, Белорусия ва бошқалар) олиб келиш кўзда тутилган эди, чунки маҳаллий урф-одатларга кўра турмушга чиқмаган қизларнинг корхоналарда ишлаши кескин чеклаб қўярди. Натижада, 80-йилларнинг бошларида, деярли ҳеч кимга керакмас 32 миллион бўш иш ўринлари вужудга келди. Бундан ташқари, мамлакатнинг баъзи минтақаларида (Россия, Белоруссия) ишчи кучининг кескин етишмаслиги ва унинг бошқа минтақаларда (Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон) бир вақтнинг ўзида намоён бўлиши кузатилди. Мамлакатда одамларнинг қишлоқдан шаҳарга оммавий кўчиши, бутун бошли қишлоқларнинг ҳувиллаб қолишига олиб келди.

Юқори даражадан қуйи тузилмаларга қадар ишга жойлашиш, ўқишга кириш ва ҳоказоларни белгилашда одамларнинг қобилиятига қараб эмас, балки қариндош-уруғчилик ва бошқа алоқалар биринчи ўринга чиқди, жамият учун салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келувчи коррупция механизми кенг қулоч ёйди.

Бундай шароитда Л.И.Брежневга Лениннинг уруш ва вайронагарчиликлар даврида чор Россияси ўлкалари ва халқларини ягона тизимга бирлаштирган ва бозор учун янги иқтисодий сиёсатдан бошқа муқобил йўқлигини кўрсатиб бера олган узоқни кўра олиш ваа халқларни бирлаштира олиш қобилияти етишмади.

Л.И.Брежнев ва унинг жамоаси, 80-йилларнинг бошларига келиб иқтисодий тараққиёт инқирозга юз тутганлигини, СССР ва

социалистик давлатлар иқтисодиёти ва бозор муносабатлари асосида ривожланган давлатлар иқтисодиётида улкан тафовут пайдо бўлганлигини, ўсиш суръатлари сезиларли даражада секинлашганлигини ва иқтисодий рақобатда кечикиш юзага келганлигини жуда яхши англашди. Миллий иқтисодиётни ягона марказдан бошқариш ва режалаштириш иқтисодий ўсишни тўхтатди. Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар, корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва ишчиларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари кутилган натижани бермади. Жамиятда юзага келган вазиятни англашда ўзига хос трансформациялашув кузатилди. Айнан Л.И.Брежнев ва унинг сафдошлари даврида жамият онгини бозор муносабатларига йўналтириш ва ўтиш, бозор муносабатлари қарор топган жаҳон ҳамжамиятига киришига ва ижтимоий онгни аста-секин ўз фойдасига ўзгартириш мумкин эди. Тўлиқ хўжалик ҳисобини жорий этиш, бозор категорияларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш ва шу каби чоралар кўрилган бўлса ҳам, миллий иқтисодиётни марказлаштирилган бошқариш, монополия шароитида ҳар томонлама ижтимоийлашув ва давлат мулкининг ҳал қилувчи ролининг аҳамиятли эканлиги бунга имкон бермади.

Илмий фараз ва хулосалар, турли мулоҳазалар ва тафаккур тарихни ва тарих қонунлари тўғрисидаги билимларимизни йўналтиришга хизмат қилади. Бизнингча, социалистик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган стереотипларни ҳисобга олган ҳолда, уларни ечиш осон бўлмаган. Чунки, ўша йиллар иқтисодий адабиётида режа ва бозор ўртасидаги муносабатлар, қачон ва қандай шароитда бошқаларга устунлик бериш тўғрисида мунозаралар устунлик қилган бўлсада, режа ва бозор ўртасидаги муносабатларга ҳаётнинг ўзи қўйган асосий савол очиқлигича қолиб кетди.

Брежнев даврида Иттифоқнинг бозор муносабатларига доимий ва босқичма-босқич ўтиши, марказлашган режалаштириш туфайли иқтисодиётда юзага келган чуқур зиддиятларни енгиб ўтиш учун катта имкониятлар пайдо бўлди. 70-80-йиллар ижтимоий онгни асосий мақсад коммунизмнинг моддий-техник базасини яратишга эмас балки, жамият онгини бозор муносабатларига

босқичма-босқич ўтиш, кейинчалик халқ хўжалигини режалаштиришни заифлаштириш ва марказлашган иқтисодий бошқарувни рад этишнинг энг мақбул даври эди.

Барчамизга маълумки, Иттифоқ барбод бўлди, тарих қайтиб келмайди, аммо хулоса қилиб айтганда, агар узоқни кўзлаб ва доно сиёсат олиб борилса, Иттифоқни сақлаб қолиш мумкин эди. Умуман олганда, бу тақдир ҳал қилувчи рол ўйнади, чунки ҳар қандай шаклланиш янгиланиш ва ривожланиш охир оқибат янги ибтидога учун йўл очиб бериш учун таназзулга юз тутади.

Ғарб давлатлари, биринчи навбатда, АҚШ сиёсати Совет Иттифоқи тузуми пойдеворини йўқ қилишга қаратилган, қулашида асосий айбдор дегани фикрлар ҳам йўқ эмас.. Албатта, бунда икки тизимнинг қарама-қаршилиги муҳим рол ўйнади, ташқи кучлар мамлакат ичида юзага келган ва авж олган барча нотинчликлар ва бошбошдоқчиликлар ва ҳукуматга нисбатан ишончсизликлар ва умидсизликлардан моҳирона фойдаланишган. Зиддиятларнинг ташқи сабаблари илгари ҳам турли мафкуралар-нинг номутаносиблиги, дунёвий муаммоларга турлича ёндашиш, дунёни эгаллаш ва ҳукмронлик қилишга қаратилган шафқатсиз тенденциялари билан боғлиқ эди, аммо мамлакат унга қарши турди ва ривожланди. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, Советлар мамлакати парчаланишида ички сабаблар энг муҳим рол ўйнаган.

Биринчи сабаб сифатида Иттифоқдаги халқлар дўстлиги муаммоси қайд этилган. СССР мадҳиясида халқлар дўстлиги ишончли қалъа сифатида тавсифланади. Бу дўстлик ҳақиқатан ҳам бўлганми? Россия, Болтиқбўйи давлатлари, Украина, Грузия бирлашган давлатдан чиқиб кетиши, Чеченистон, Арманистон ва Озарбайжондаги урушни қандай тушунтириш керак? 1991 йил 8 декабрдаги учта иттифоқ республикаларининг (Россия Федерацияси, Украина, Белорусия) раҳбарлари СССР парчаланиши тўғрисида битимни имзолаб, МДҲни яратган тарихий воқеа қандай содир бўлди. Махсус хизматлар ва Кремль ҳукумати қаерга қараган? Бизнинг фикримизча, айнан шу ерда энг катта хатога йўл қўйилган эди.

Илгари авторитар тизим сифатида кўкларга кўтарилган Ғарб демократиясининг киритилиши келгусида Октябр инқилобининг

ижтимоий тизимни тарғиб қилиш, номарказлаштирувчи кучларнинг зўрайиши, миллатчилик, рус миллати ва рус тилини қабул қила олмаслик, нигилистик тенденцияларнинг тикланиши, Ғарбга тақлид қилиш, совет муҳитида оммавий маданиятни тўсқинликсиз жорий этиш иккинчи ҳал қилувчи ролини ўйнади.

Таназзулнинг соф иқтисодий омиллари сифатида Иттифоқ иқтисодиётида экстенсив ривожланишнинг барҳам топиши ва интенсив ривожланишга ўтилиши, Ғарбда жорий этилган замонавий технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар киради. Шундай қилиб, иқтисодий ривожланиш сўръатларининг пасайиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тафовутлар кучайиб борди. Бу борада академик Д.Асқаров фикрлари мужа аҳамиятли. “80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жамиятнинг ташаббускор, ишбилармон ва тадбиркор қисми иқтисодиётда моддий манффатдорлик етишмаганлиги сабабли маълум мавқега ёки натижага эришиши имконсиз эди. Мамлакат табиий бойликларга асосланган иқтисодиётни шакллантирди, натижада ишлаб чиқариш инқирози рўй берди[103]. Моддий манфаатдорликнинг йўқлиги ва барча аҳолининг тенг яшаши лозимлиги, одамларда ташаббускорлик ва ишбилармонликнинг сустлиги иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Бироқ, иқтисодиётдаги бундай салбий жараёнлар 80-йилларнинг иккинчи ярмида эмас, балки Совет ҳокимияти ўрнатилиши, хусусий мулкнинг давлат ихтиёрига ўтиши, тадбиркорлик фаолиятининг тақиқланиши ва мулкка нисбатан давлат монополияси ўрнатилиши билан бошланди.

Йигирманчи асрнинг 80-йилларидаги сўнгги ўн йиллик зиддиятли самарасиз ислоҳотлар даври бўлиб, иқтисодиётнинг асосий масаласи мулк билан боғлиқ эмасди. Иқтисодиётда давлат мулки – халқ хўжалигини марказлашган тарзда бошқаришнинг асоси бўлиб қолди. Шу билан бирга, қуйидаги оқибатларни ҳам кузатишимиз мумкин бўлди:

– “пролетар интернационализми” ниқоби остида мулкларнинг талон-тарож қилиниши;

– мамлакатда раҳбариятининг сиёсий вазиятни олдиндан кўра олмаслиги, маънавий жиҳатдан айниши ва тубанлашиши.

[103]Аскаров А. История происхождения узбекского народа. - Т.: «Узбекистан», 2018. 530 бет.

Масалан, йирик давлат вакилларининг катта жанжалга сабаб бўлган пахта ишига аралашиб қолганлигини келтиришимиз мумкин;

– мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсининг пасайиши ва Афғонистондаги уруш туфайли катта моддий йўқотишлар;

– космосни татқиқ қилишда ҳаддан ортиқ ўзига ишониш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда катта кетишлар ва бошқалар.

Шундай қилиб, ташқи муаммолар ортга чегинган бир пайтда ички зиддият ва муаммолар илдиз отди ва таназзулнинг даҳшатли омилига айланди. Ҳар доимгидек, тарих барча учун аёвсиз бўлган ўз ҳукмини ўқиди ва адолат қарор топди. Ижтимоий йўналтирилган тизим сифатида вужудга келган, аммо аслида бутунлай бошқача бўлган Иттифоқнинг ҳақиқий қиёфаси ошкор бўлди.

Юқоридаги келтирилган ўзгаришлар шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши 1965-1990 йиллар давомида Совет сценарийси остида мустақилликка эришгунга қадар ҳаддан ташқари марказлаштирилган режали иқтисодий хўжалик сифатида амал қилди. Республикада 1966-1970 йилларга мўлжалланган саккизинчи беш йиллик режада кўзда тутилган вазифалар муваффақиятли амалга оширилди ва саноат тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказилди. Мазкур беш йиллик даврда саноат ишлаб чиқариши 36 фоизга ўсди, саноатнинг асосий фондлари 1,7 баравар кўпайди ва 100 га яқин йирик корхона фойдаланишга топширилди. Энергетика, машинасозлик, кимё ва газ саноати, рангли металлургия ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жадал ривожланди. Энергетика соҳасида Тошкент, Ангрен, Навоий ГРЭС, Фарғона ИЭСларида қўшимча қувватлар ишга туширилди, Чорвоқ гидроелектростанцияси қурилди, газ ёқилғисида ишлайдиган Сирдарё ИЭСлари қурилиши бошланди. 1970 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш 1965 йилга нисбатан 617 минг кВт/с га ошди. Машинасозликда Тошселмаш, Чирчиқ трансформатор заводи ва Андижон машинасозлик заводлари реконструкция қилинди. Кимё саноатида Олмалиқ кимё заводи, Фарғона азотли ўғитлар заводи ва Навоий кимё комбинатининг иккинчи блоклари қурилди. Газ саноатида табиий газ қазиб олиш 16,5 миллиард $м^3$ дан 23 миллиард $м^3$ га ошди. Олмалиқ қўрғошин-рух комбинати, Мурунтов кон-металлургия корхонаси

ва Кўчбулоқ кони қурилди. Тошкентдаги уй қурилиши заводи комбинатининг иккинчи блоки, Ангрен керамика заводи фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, лифт ишлаб чиқариш заводи ва Самарқанд чинни заводи қурилди.

Ўзбекистоннинг миллий даромади 34 фоизга ўсди. Ўртача иш ҳақи 25 фоизга, колхозчилар даромадлари 47 фоизга ошди. Давлат истеъмол фондларининг тўловлари ва имтиёзлари миқдори ошди, колхозчилар учун ойлик иш ҳақи жорий қилинди ва беш кунлик иш ҳафтаси жорий этилди. Беш йиллик даврда давлат, колхозлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 26 миллион квадрат метр уй-жой қурилди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам сезиларли силжишлар рўй берди. Беш йиллик давомида давлатга 20 миллион тоннадан ортиқ пахта хом ашёси топширилди. Муваффақиятлар пахтани машиналар ёрдамида териш орқали эришилди. Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш ва электрлаштириш, кимёвий ишлов бериш даражаси ортди. Сув хўжалигидаги қурилиш-монтаж ишлари туфайли 650 минг гектар майдонда далаларни сув билан таъминлаш яхшиланди, 240 минг гектар янги ерлар суғорилди. Дон, гуруч, каноп, тамаки, сабзавот, мева, узум, пилла, гўшт, жун, қоракўл териси тайёрлаш режаси ортиғи билан бажарилди.

Кейинги, тўққизинчи беш йиллик даври ҳам иқтисодиётда янги ютуқ ва марралар билан амалга оширилди. 1971-1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик режага мувофиқ, Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 46-49 фоизга ошириш режалаштирилган эди. Беш йиллик режа ҳар жиҳатдан муваффақиятли амалга оширилди, 1975 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш 30 миллиард кВт/соатдан ошди. Кимё ва металлургия саноати, айниқса, мис, қурғошин-рух ва вольфрам рудаларини қазиб олиш ва қайта ишлашнинг кенгайиши натижасида мис ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1970 йилга нисбатан 1,7 баравар кўпайди. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг ҳам жадал ривожланишига эришилди. Бухоро пахта ва Хива гилам фабрикалари, бир қатор ипакчилик, трикотаж, тикувчилик ва пойабзал фабрикалари ишга туширилди. Озиқ-овқат саноатининг

ривожланиши сут, консерва, ёғ-мой маҳсулотларининг ўсиши билан изоҳланади.

Тўққизинчи беш йилликнинг охирида Ўзбекистонда самолёт-лар, тракторлар, экскаваторлар, бульдозерлар, пахта териш ускуналари, музлатгичлар, лифтлар, электр трансформаторлари, турли хил кабеллар, тўқимачилик, пахта тозалаш ва кимё саноати учунинг мураккаб технологик жиҳозлар ишлаб чиқарадиган 100 дан ортиқ йирик саноат тармоқлари мавжуд эди. Бу даврда Ўзбекистон пахтачилик учун техника ишлаб чиқариш бўйича Иттифоқда биринчи ўринни эгаллади, пахта матолари ишлаб чиқаришда иккинчи ўрин, рангли металларни ишлаб чиқаришда биринчилардан, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича учинчи, табиий газ қазиб олиш бўйича тўртинчи, машиналар ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўринни эгаллади. У бутун иттифоқ пахта ишлаб чиқаришининг 75 фоизини, канопнинг 93,3 фоизини, гуручнинг 21,7 фоизини, пилланинг 50 фоизини, қоракўл терсинининг 35 фоизини етказиб берарди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Россия ва Қозоғистондан дон, Сибирдан ёғоч, Кузбасс ва Қарағандадан кўмир, Туркманистон ва Кавказдан нефт маҳсулотлари, Россия, Украина, Белоруссиядан турли дастгоҳлар, автомобиллар ва юк машиналари, тракторлар оларди.

Айниқса, аҳолининг моддий фаровонлиги ошиши, иш ҳақи, иш ҳақидан олинадиган солиқларнинг тартибга солинганлиги, ижтимоий таъминотнинг кенгайиши, бепул тиббий хизмат, пенсия ва нафақа тўловлари, таътил тўловларининг ўсганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Аҳоли жон бошига реал даромадлар қарийб 1,5 баравар кўпайди. Биргина 1972 йилда ижтимоий-маданий мақсадлар учун бюджетдан 2701 миллион рубл сарфланди, бу 1960 йилдагига нисбатан 3 баравар кўп эди. Аҳоли турмуш шароити-нинг яхшиланиши, маданий-маиший товарлар харидининг ортганлиги, тиббий хизматларнинг яхшиланиши, даволаш-профилактика корхоналари, мактабгача таълим муассасалари, шаҳар ва қишлоқ транспортининг ривожланиши ҳам турмуш фаровонлигининг ўсиши кўрсаткичларидан бири бўлди.

Ушбу давр Тошкент метросининг қурилиши учун ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистон ҳудудларининг табиий ва хўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳам қўшимча муайян ҳаракатлар амалга оширилди.

Республика қишлоқ хўжалигида, айниқса, чорвачилик, деҳқончиликда ва бошқа тармоқларда улкан силжишлар рўй берди. Масалан, 1972 йилда пахта ҳосилдорлигининг гектарига 29 центнерга ошиши янги пахтачилик хўжаликлари ташкил этилиши ҳисобига давлатга 4700 минг тонна пахта топширилди. Саккизинчи беш йиллик охирига келиб 4908 минг тонна пахта етказиб берилишига эришилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, 1958 йилда 36 та корхона ва 1973 йилда 157 та корхона экспортда иштирок этди. Истиқлолгача бўлган учта беш йиллик режалар жадал ривожланиш шароитида амалга оширилди. Статистик маълумотларга кўра, 1989 йилда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича кенг кўламли ўзгаришлар рўй берганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, 1989 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш 1980 йилдаги 33,9 миллиард кВт / соат ўрнига 55,9 млрд. кВт соатни ташкил қилди, пўлат ишлаб чиқариш мос равишда 756 минг тоннадан 1080 минг тоннага етказилди. Меҳнат унумдорлиги 1980 йилга нисбатан 1989 йилда 109 фоизга ошди, ишлаб чиқариш асосий фондлари 163 фоизга ўсди ва 63 миллиард рублга этди. Цемент ишлаб чиқариш 1980 йилдаги 4179 минг тоннадан 1989 йилда 6119 минг тоннагача ўсди.

Енгил ва озиқ-овқат саноатида ҳам динамик ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, 1980-1989 йилларда матолар ишлаб чиқариш 349 миллион квадрат метрдан 762 миллион квадрат метргача, трикотаж буюмлар 50,9 миллиондан 110 миллионгача, пайпоқ маҳсулотлари 43,7 миллиондан, 113,7 миллион жуфтгача, поябзал ишлаб чиқариш 30,4 миллион жуфтдан 44,2 миллион жуфтгача ўсди.

Ижтимоий-меҳнат муносабатлар соҳасида кўпроқ ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1980 йилдаги 155,5 рублдан 1989 йилда 193,8 рублга, колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи мос равишда 130 рублдан 165 рублга кўтарилди.

Чакана товар айирбошлаш ҳажми 10233 миллион рублдан 16589 миллион рублгача, аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси 647 рублдан 825 рублгача кўтарилди. Халқ истеъмол товарларини шакллантириш манбалари ва ресурсларининг 52 фоиз ҳажми шахсий ишлаб чиқариш ҳисобланиб, Иттифоқнинг бошқа республикаларидан 48 фоиз миқдорида импорт қилинди. Республикада пулли хизматлар ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатадиган корхоналар сони ошиб борди. Аҳоли фаровонлигининг ўсиши кўрсаткичи сифатида таъкидлаш мумкинки, 1980 йилда 5742 минг кв.метр, 1989 йилда 8629 минг квадрат метр турар-жойлар фойдаланишга топширилди. Мактабгача таълим муассасалари, умумий таълим мактаблар, касалхоналар фойдаланишга топширилди.

1983 йилда таққослаганда республика аҳолиси 1985 йилда 17643 минг кишидан 1989 йилда 20322 минг кишига ёки 10,9 фоизга кўпайган бўлса-да, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи сезиларсиз даражада, яъни 10,1 миллиард рублдан 10,5 миллиард рублгача ёки 3,3 фоизга кўпайди, миллий даромад эса 1,6 фоизга ўсди. Ушбу маълумотлар мазкур даврга келиб турмуш даражасининг пасайишини англатади.

Юқоридагиларни хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, мустақилликка бўлган даврда Ўзбекистон саноат ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, миллий иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилган тармоқларини ривожлантиришда улкан салоҳиятга эга эди. Бироқ, буларнинг барчаси умумиттифоқ меҳнат тақсимоти доирасида амалга оширилган, иқтисодиётни марказлаштирилган тартибда бошқариш, хўжалик муаммоларни ҳал қилишда тезкорлик мавжуд эмасди ва энг кўзга ташланадиган жиҳати – муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда мамлакат ихтиёрининг чекланганлиги эди. Ушбу шароитда бозор муносабатлари режалаштирилган тартибда ва моддий ресурсларни ягона марказ орқали тақсимланиши туфайли етарли даражада қарор топмади.

Ўзбекистон ўзининг сиёсий мустақиллигига эришиши арафасида қудратли аграр ва саноат республикасига айланганлиги ҳақида ўқувчига қисқача маълумот берамиз. Республиканинг саноат потенциалини ривожлантиришда СССРдан мерос қолган ишлаб чиқариш базаси муҳим рол ўйнади, унинг пойдевори

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида, республикага кўплаб корхоналарнинг асосий ишчилари билан биргаликда эвакуация қилинганлиги ҳамда уларнинг барчаси кейинчалик ҳам Ўзбекистонда қолиб кетганлиги жуда катта имконият бўлди. Ўзбекистонда, Иттифоқ парчаланиш даврида 250 га яқин йирик ва ўртача машинасозлик заводлари мавжуд эди. Кучли иссиқлик электр станциялари ҳали ҳам мамлакат энергетика секторининг асосини ташкил этади. Муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон саноат мажмуасининг энг муҳим таркибий қисмлардан бири енгил саноат бўлиб, саноат ишлаб чиқаришининг чорак қисмини, саноатда банд бўлган барча ишчиларининг учдан бир қисмини ўзида қамраб олган. Мустақиллик арафасида Ўзбекистон саноати 100 дан ортиқ тармоқлар, юқори даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги тармоғи, яхши ташкил этилган транспорт инфратузилмаси, илмий-техник муассасаларнинг кенг тармоғи, бепул соғлиқни сақлаш ва таълим, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари, энг муҳими, барқарор давлатчиликни сақлаб қолишга қодир давлат органларига эга бўлди ва ҳоказо.

Бироқ, тан олиш керакки, СССР таркибидаги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ютуқлари қанчалик катта ва муваффақиятли, марказлашган давлатда бўлишимиз қанчалик яхши бўлмасин, иттифоқдош ривожланиш мақсадлари қанчалик инсонпарвар бўлсада, сиёсий мустақиллик, давлат суверенитети ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий манфаатларан қимматроқдир. Ҳар бир халқ ўз ҳисобидан ва ўзининг имкониятларидан келиб чиқиб, ўз қобилиятига кўра жамоат маҳсулотларини ишлаб чиқариши ва уларни халқ хўжалигининг натижаларига кўра, ўз шаъни ва қадр-қимматини йўқотмасдан истеъмол қилиши керак. Мустақил ривожланиш йўлини танлаб, биз бутун дунёга ва рақибларимизга бизнинг генетик жиҳатдан барқарор эканлигимизни, ягона халқ сифатида бирлашиш ва тарихий тараққиётимизни танлаб олишга, жамиятимизнинг эзгу мақсад сари интилишимиз, халқаро меҳнат тақсимотида муносиб ўрин эгаллашимиз зарурлигини исботлашимиз, ҳар қандай давлатнинг тенг ҳуқуқли шериги бўлишмиз керак эди.

Ушбу қисмни якунлаш арафасида шуни таъкидлашни истардимки, СССР парчаланиб кетганидан кейин мустақил Ўзбекистон

Россия билан янги муносабатлар ўрнатиш муаммоси вужудга келди. Рус-ўзбек муносабатлари мустамлакачиликдан олдин, мустамлака даврида, совет ва поссовет даврларида ҳам кўп-томонлама, серқирра, тенг ҳуқуқли кўп жиҳатдан дўстона, айрим вазиятларда ҳаттоки душманлик, муносабатларнинг зиддиятли ва вақт омили ҳукмига ҳавола этилган тарзда давом этиб келмоқда.

XIX аср охиридаги чор Россияси генерал-лейтенанти М.Иванин сўзлари билан ифода этадиган бўлсак "Биз (Россия) 200 йилдан кўпроқ мўғул-татарлар истибдоди ва зулми, 300 йил Марказий Осиё халқлари билан адоват муносабатлари остида яшадик. Бундан кейин (Туркистон ўлкаси мустамлакага айлантирилгач) биз ушбу халқлар билан янги муносабатларни қуришни бошладик[104]. (Бу "янги муносабатлар" чор Россияси ва Россия империясига нисбатан нафрат уйғотганлиги, маҳаллий бойлар ва мулкдоррларнинг хонавайрон қилганлиги ҳақида олдинги бобларимизда келтирилган).

1917 йилдаги Октябр инқилобидан кейинги янги руслар (совет)лар ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркинлик, тенглик, халқлар дўстлиги тамойиллари остида маҳаллий аҳоли билан янги муносабатларни йўлга қўйишди. Совет даврининг 70 йиллик тарихи бу янги муносабатларнинг, айниқса, Иккинчи Жаҳон уруши йилларида жуда муҳим синовлардан ўтганлигини кўрсатиб берди.

1991 йилда мустақилликка эришгач, Ўзбекистон ва Россия ўзаро фаолиятнинг барча соҳаларида дўстлик, ўзаро манфаатдорлик ва ҳамкорликка асосланган янги икки томонлама муносабатларни ўрнатишга киришдилар.

Темур даврини ҳисобга олиб, бизнинг алоқаларимиз тарихий йўналиш чизиғи бўйлаб ривожланган, ўзаро боғлиқ бўлиб, иқтисодий, маданий кундалик алоқаларимизни яқинлаштирди, аммо айтиш мумкинки, биз турли халқлар бўлсакда, тарихий ҳамжамият орқали ягона умумий Осиё оиласига бирлашганмиз.

Ўзбекистонда нафақат ўз тарихимизни, балки Россия тарихини ҳам ўзаро боғлиқлик ҳолда қадрлаймиз. СССР таркибидаги иттифоқдош ривожланиш йилларида Ўзбекистон халқи рус халқи

---

[104] Хасанов.Ф.С. Развитие торгового земледелия в Туркестане во второй половине XIX - начале XX веков (По материалам Сырдарьинской области). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Т.: 1984. Интернет ресурс: https://www.dslib.net

билан кечирган барча яхши нарсаларни сақлаб келди. Бизнинг катта авлодимизнинг Октябр инқилобига, Ленин бўлган муносабати улуғвор ва ҳурмат-иззатга йўғрилган. Айрим қишлоқлар аҳолисининг оғзида Ленин номи ҳали ҳам қўлланилмоқда. Ўрта мактаблардаги ёшларимиз нафақат ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино меросини ўрганишади, балки Менделеев, Бутлеров, Вавилов, Скрябин, Исаев ва рус олимлари ва адибларини ҳам ўрганишади, ёшларнинг катта қисми Россия университетларида таҳсил олишади. Фақатгина 2018 йилнинг ўзида ўзбекистонлик 34203 талаба миграция учун рўйхатдан ўтган[105]. Кўпгина ўғил-қизлар Россия Федерацияси давлат бюджети ҳисобидан ўқитилади. "Россотрудничество" нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Виктор Шуликиннинг расмий маълумотларига кўра, 2019 йилда Россия Федерацияси бюджети ҳисобидан Россия университетларига кириш учун ўзбекистонлик абитуриентлар сони 2018 йилдаги 5,8 минг кишига нисбатан 8 минг кишига кўпайди. Ушбу китобнинг муаллифи ҳам Москвада докторлик диссертациясини бажарган ва муваффақиятли ҳимоя қилган. Ушбу китоб орқали Россия кенг жамоатчилигига мурожаат қилар экан, муаллиф кўп йиллар давомида, давр синовидан ўтган тарихий асрий дўстлик ва халқларимизнинг яхши қўшничилик анъаналари, дўстлик ва қардош қўшничиликни, ҳар қандай безаксиз, муболаға қилмасдан, айрим сиёсий кучларнинг таъсирларисиз сақлаш кераклигини, Ўзбекистонлик муҳожирларни масхара қилмаслик, уларнинг Россияда вақтинчалик меҳмон эканликларини билишларини, бизни боғлаб турган барча нарсани асраб-авайлаш ва қадрлашни таъкидлайди. Шарқ донишмандлари айтганидек "Дўст оғир кунда билинади".

Халқларимизга хос бўлган соддалик ва очиқлик, беғаразлик, бузилмас бирдамлик, яхши қўшничилик муносабатлари жамиятнинг барча жабҳаларида, айниқса, иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли стратегик ҳамкорлик учун асос бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда Россиянинг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши 17 фоизни ташкил этади. Россия Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкори сифатида Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. 2017 йилда

[105] Интернет ресурс: https://www.m24.ru/news/obrazovanie/27022019/67395

Россиянинг Ўзбекистондаги бизнесига 4 миллиард доллар сармоя киритилди.

Ўзбекистон ва ўзбек халқи азалдан рус тилига алоҳида қизиқиш кўрсатиб, барча халқларга самимийлигини, дўстлигини исботлаб келган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, рус тили халқаро алоқалар тили ҳисобланади ва тижорат ҳужжатлари ўзбек тили билан бир қаторда рус тилида юритилади. Ўзбекистонда таълим рус тилида олиб бориладиган ўқув синфлари мавжуд, уларда асосан маҳаллий миллат вакиллари ўқийди, рус маданияти, адабиёти, санъатига қизиқиш жуда катта. Рус тили Европа маданияти ва адабиётининг кенг доираларига киришни осонлаштиради.

Биз бир-биримизга ҳурмат билан муносабатда бўлишни одатий ҳодиса бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Биз тарихий илдизларга эга жамият анъаналарини давом эттирамиз. Фикримизча, келажак учун бизнинг муносабатларимиз шундай бўлиши шарт.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ

XX аср 80-йилларининг охири - 90-йилларининг бошида собиқ иттифоқ халқлари учун янги давр - улкан ўзгаришлар даври бошланди. СССРнинг қулаши миллионлаб одамлар учун кутилмаган офат эди. Халқларнинг тақдирига оид ҳар қандай тўнтариш энг катта мусибатдир, чунки бу йиллар давомида ўрнатилган урф-одатлар, удумлар, турмуш даражаси ва яшаш нормаларидан муайян даражада орқага чекиниш билан боғлиқ зарурий чора бўлиб, оммавий норозиликка сабаб бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз жараёндир.

Ҳикматли мақолда: «Ойнинг 15 ши қоронғу бўлса, 15 ши ёрўғ», дейилган. Иттифоқнинг қулаши мамлакатимизга Мустақиллик эшикларини очди. Бу илоҳий совға эди - тарихий ўзини ўзи ривожлантиришнинг маҳсули. Агар бирон-бир мамлакат иқтисодий ривожланиш ва фаровонликнинг юқори кўрсаткичларига эришган бўлса ва ўз халқига муносиб турмуш даражасини таъминлаган бўлса, бу унинг тўлиқ сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги билан боғликдир. Дунё тарихи бирон бир давлатнинг, қандайдир бошқа давлатга қарам бўлган ҳолда муваффақиятли ривожланиб кетганини билмайди. Шу сабабли сабр-тоқатли Ўзбекистон халқи Қизил империя таъсиридан мустақилликка эришишдан жуда манфаатдор эди.

Сиёсий мустақилликка эришгач, биз Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муносиб аъзо бўлиш учун, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва Узоқ хориж давлатлари билан иқтисодий интеграциянинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш учун жуда кўп мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишимиз зарур эди. Темур империясининг қулаши ва майда феодал давлатларга бўлиниб кетиши, улар ўртасидаги қарама-қаршилик ва ички урушлар, уларнинг руслар томонидан мустамлака қилиниши натижасида кўп асрлик таназзуллар, империя, биринчи ва иккинчи жаҳон уруши, шафқатсиз коллективлаштириш, оммавий қатағон, иқтисодиётда турғунлик, ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги ҳодисалар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бутун жараёнига, одамларнинг психологик

ҳолатига, уларнинг моддий фаровонлиги даражасига салбий таъсир кўрсатди. Коррупция, ўғирлик, алдаш, товламачилик, фирибгарлик, ўзгалар мулкидан ноқонуний фойдаланиш элементлари, товламачилик, иккиюзламачилик, эгоцентризм, шахсий ташаббусни йўқотиш, бефарқлик ва яна кўп салбий туйғулар кўпчиликнинг психологиясига қатъий ўрнашиб, улар ҳаётининг одатий қоидасига айланди. Одамларни ушбу ижтимоий-психологик ҳолатдан чиқариш осон эмаслиги ва Ўзбекистон бунга эришиш учун ўз тараққиётида маълум бир даврни бошдан кечириши зарурлиги аниқ эди.

IX БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ, СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Сўнгра Президент Ш.М.Мирзиёев И.А.Каримов бошлаган ишларни давом эттириб, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, давлат ва муниципал даражада банк тизимини мустаҳкамлаш, бюджет барқарорлиги, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий (фермер хўжаликлари) сектор иштирокида экспорт салоҳиятини кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес манфаатларини ҳимоя қилишкаби устувор вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Президент Ш.М.Мирзиёев миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, халқаро алоқа индустриясига боғланган замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини шакллантириш бўйича пухта ўйланган стратегияни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Президент таъкидлаганидек, қабул қилинган миллий дастур асосида телекоммуникация технологиялари, алоқа тизимларини янада ривожлантириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш, ахборот тизимлари комплекслари ва «Электрон ҳукумат» нинг ахборот базасини шакллантириш белгилаб олинди.

Президент Ш.М. Мирзиёев мамлакат ҳудудларини комплекс иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги қарорларни амалда бажариш зарурлигини таъкидлади. Ҳозирги вақтда 14 та ҳудуддан 5 таси: Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларисубвенция олишмоқда. Мавжуд 167 туманнинг 121 таси ўз бюджетларини давлат бюджети маблағларидан фойдаланган ҳолда шакллантирадилар.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий вазифалардан бири кўп тармоқли фермер хўжаликларини мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги гарови сифатида ривожлантиришдан иборатдир. Ш.М.Мирзиёев қишлоқларга замонавий қиёфа бериш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини шаҳар аҳолиси турмуш даража-

сига етказиш,уй-жой қурилиши, тегишли қишлоқ инфратузилмасини барпо этиш ва, энг аввало, ичимлик суви билан таъминлаш-бўйича ишларни амалга ошириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг юқоридаги баёнотлари икки Президентнинг сиёсатидаги изчиллик ва ворисийликни, умуман, уларнинг уйғунлигини кузатиш учун кифоя қилади, бу ерда Президент биринчи Президент даврида белгиланган барча стратегик вазифаларни амалга оширишни истайди. Иқтисод фанлари доктори, профессор М.К.Пардаевнинг фикрича, "Ҳаракатлар стратегиясини Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов бошлаган бозор иқтисодиётига ўтиш курсининг мантиқий давоми", деб тушуниш мумкин.

Кишини хурсанд қиладиган томони шундаки, чорак аср давом этган иқтисодий хўжалик юритиш амалиётида баъзан жиддий, онгли ва онгсиз равишда камчиликлар ва хатоликларга йўл қўйилиши мумкин бўлсада, чунки ҳеч бир даҳо ҳам хатолардан холи эмас, илгари ишлаб чиқилган режани камтарона давом эттириш ва такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни ортиқча гап-сўзларсиз бартараф этиш фақат Ш.М.Мирзиёевга хос бўлган прагматизм, ишбилармонлик ва улкан тажриба ёрдамида амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, республикадаги мавжуд пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни қондириш мақсадида, экин майдонларини оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу йўналишда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга илғор технологиялар жорий қилиниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган замонавий корхоналар ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти барпо этиш учун имкониятлар, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратилди, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизни ташкил этди.

Макроиқтисодий сиёсатнинг марказида нафақат стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифалар, балки фуқароларнинг ижтимоий ҳаёти, дунёқараши ва маънавиятини ўзгартириш вазифалари ҳам бор эди. Ш.Мирзиёев мамлакатнинг келажаги ёшлар билан боғлиқлигини англаб, уларнинг дунёқараши, маънавияти ва маданиятини тўғри шакллантириш тамойилидан келиб чиқиб, бу масалага ёндашди. Шу билан у ёшларни ўқитиш ва тарбиялашнинг янги тизимини яратишни кун тартибига қўйди. У маърифат, дин, урф-одатлар, тарихий меросга ҳурмат, катталарга ҳурмат кўрсатиш масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтарди, маҳалланинг маҳаллий бошқарув органи сифатидаги ролини оширди. У мамлакатнинг мудоффаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташқи сиёсий фаолият, қонун устуворлигига асосланиб иш кўриш концепцияларини ишлаб чиқди.

Мазкур китобнинг Ўзбекистоннинг биринчи Президенти давридаги иқтисодиёти тарихига бағишланган бўлимини якунлашда мен «Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишидаги сиёсий етакчи сифатидаги ўрни ва роли» номли мақола муаллифи К.Х.Авазовадан иқтибос келтирмоқчиман: «Йиллар ўтади, ўзбекларнинг янги авлодлари Ўзбекистон Мустақиллигини нишонлашда ўзларининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг портретига фахр билан қараб, кўзларига ёш олаётганларини яширмайдилар».[170]

[170] Авазов К.Х. Место и роль Ислама Каримова как политического лидера в устойчивом развитии Узбекистана. Журнал Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. №9-2, 2017. 17-28 бетлар. Интернет ресурс: https://docplayer.ru

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ТАРИХИЙ БУРИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: мамлакатни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тиклаш; ички иқтисодиётнинг ўсиши ва гуллаб-яшнаши; шу асосда халқнинг фаровонлиги ва муносиб ҳаётини таъминлаш; демократик институтларни ривожлантириш; мамлакатда давлатчилик ва тартибни мустаҳкамлаш.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бошланиши жуда муваффақиятли бўлди: нархлар, айирбошлаш курслари ва савдони эркинлаштириш амалга оширилди. Бироқ, умуман олганда, макроиқтисодий сиёсат ва ишлаб чиқариш соҳасида эришилган натижаларни бизнес ва аҳоли етарли даражада ҳис этиши учун етарлик даражада эмас эди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсишини барқарор ва ишончли, деб ҳисоблаш қийин. Асосий капиталга инвестицияларнинг жалб этилиши секин суръатларда пасайиши кузатилмоқда эди. Солиқ юкининг баландлиги бизнесга салбий таъсир кўрсатаётган эди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш активлари эскириб, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиб кетганди.

Бозор ислоҳотларининг оқибатларини бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирлар таклиф қилинди:

солиқларни қисқартириш;

давлат бошқаруви ислоҳоти;

иқтисодий сиёсатни марказлаштиришдан воз кечиш. Иқтисодиётда давлатнинг ҳаддан ортиқ иштирокини қисқартириш ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш;

инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, унинг ўсишига эришиш ва ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш орқали модернизациялашни таъминлаш;

фуқаролар ва ташкилотларнинг иқтисодий соҳадаги ҳуқуқий хавфсизлигини мустаҳкамлаш;

ишлаб чиқариш ва уй-жой инфратузилмасини тубдан мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;

инсон капиталини ривожлантириш;

инновацион ривожланиш йўлига ўтиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш.

Мамлакатда кенг миқёсли иқтисодий ислоҳотларни ўтказишнинг нечоғлик мақсадга мувофиқлигини ўрганиш учун биз яқин ўтмишда Ўзбекистон ва Хитойда рўй берган тарихий воқеаларнинг қиёсий таҳлилини ўтказиш орқали хулоса чиқарамиз. Икки давлатдаги тарихий ўхшашликларни таҳлил қилиш, ушбу давлатлар бошидан кечирган вазиятларнинг ўхшашлиги, тахминан бир хил ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси, бозор иқтисодиётига ўтиш учун тенг шароитлар, тарихий бурилишлар кўпинча ҳокимиятга эга бўлган шахслар, уларнинг феъл-атвори, иродаси, истеъдоди, воқеликни баҳолаши, даврнинг хусусиятлари, ўзгаришлар зарурлигини тушуниш ва уларни амалга ошириш учун қатъиятга боғлиқлигини англатади.

Мао Цзэдун вафотидан кейин Хитойда Хуа Гофэн ҳокимият тепасига келди, у ўн йиллик иқтисодий турғунлик инқирозининг сабоқларини ҳисобга олмаган ҳолда, Мао томонидан бошланган ишни давом эттиришга қарор қилди. Фақат Дэн Сяопин ҳокимият тепасига келганидан кейин Хитой иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар бошланди.

1977 йилда Дэн Сяопин давр талабларини тўғри англаб, «пролетар диктатураси» ғоясидан воз кечди ва Хитой иқтисодиётини ислоҳ, модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш йўлини танлади. Унинг ғоясига кўра, тўртта соҳа: қишлоқ хўжалиги, саноат, армия ва фанни ислоҳ қилишга асосий эътибор қаратилди. Унинг шиорлари ва ғоялари содда ҳамда тушунарли эди.Хусусан: «одамлар бу йил ўтган йилга қараганда яхшироқ яшашлари керак» ёки «қора ёки оқ мушук фарқи йўқ, лекин сичқонни тутиши керак».

Собиқ СССРда1981 йилда Л.Брежнев вафотидан кейин худди Хитойдаги каби вазият юзага келган эди. Унинг издошлари

Андропов, Черненко, Горбачевлар янги давр талабларидан йироқда эдилар, даврнинг янги талабларига жавоб бермайдиган эски тузумдаги ишларни давом эттирдилар. Улар ўша пайтдаги ижтимоий фикр даражасига хос бўлган ёпиқ эшиклар ортида ўйлашни ва яшашни давом эттиришди. Дарҳақиқат, ўша пайтда СССРда тарихни кескин буришга қодир ўзининг Дэн Сяопини мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунидан бошлаб биринчи Президент И.А.Каримов давлат раҳбари сифатида Дэн Сяопин каби кучли, иродали инноватор, бозор иқтисодиётига ўтишнинг муаллифига айланди. Уни ислоҳотчи, деб билган ҳолда, XX аср охири ва XXI аср бошидаги Хитой ва Ўзбекистоннинг ривожланишидаги тарихий шароитларини таққослаш учун бизда асос мавжуд. Хитой ва Ўзбекистон раҳбарлари Дэн Сяопин ва И.А.Каримов томонидан олиб борилган ислоҳотларга баҳо берганда ҳар икки давлатда ҳам бошқарувдаги ўзгаришлар пролетариат диктатураси, тоталитаризм, маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодий сиёсатдан воз кечиш шароитида амалга оширилганини кузатиш мумкин. Ушбу ислоҳотчиларнинг асосий мақсади бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилишдан иборат эди. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотларни амалга оширар экан, тоталитаризм ва буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт СССРнинг қулаши муносабати билан ўз сиёсий ваколатларини тугатган вазиятда ҳаракат қилганини ва Хитойда эса партиялар бюрократияси ва «ҳақиқий социализм» босими остида ислоҳотлар амалга оширилгани кузатилади.

Йиллар давомида биз Хитой ҳамда Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнагани, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ҳаётнинг барча соҳаларида яқин ҳамкорлигига гувоҳ бўлдик. Бу ҳолат икки мамлакат раҳбарларининг улкан ютуқларининг энг ишончли далилидир.

Юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғи сифатида, Хитойнинг амалдаги раиси Си Цзиньпин Тошкентга ташрифи чоғида биринчи Президент И. А. Каримовнинг ноёб истеъдод соҳиби эканини таъкидлаб, унинг кўп фойдали жиҳатларини ўрганиш мумкинлигини таъкидлаганини келтиришимиз мумкин.

Замонавий Ўзбекистонда юз бераётган воқеликни чуқурроқ билиш учун Хитойда 1980-йилларнинг бошларида иқтисодий йўналишни тубдан ўзгартириш зарурати пайдо бўлган шароитда олиб борилган ислоҳотларнинг хусусиятларига назар солиш керак. Хитойда юз берган институционал ўзгаришларга Япония, Жанубий Корея, Тайван, Гонконг ва Сингапур каби иқтисодий ривожланишга эришган давлатлар муваффақиятларининг таъсири катта бўлди.

Ўзбекистон Хитойда иқтисодий ислоҳотлар бошланганидан ўн йиллар ўтгач, мустақилликка эришди ва мамлакатда замонавий бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлида ислоҳотларни амалга оширишни бошлади. Хитойда эса 70-йилларнинг охирларида амалга оширилган «маданий инқилоб» натижасида давлатнинг маъмурий ва иқтисодий институтлари заифлашганди. Партия ва давлат бюрократиясининг мавқеи жиддий йўқотишга учраган, аҳолига сингдирилаётган мафкуравий ақидаларнинг таъсири кескин заифлашган эди.[171]

Хитой аҳолисининг асосий қисми турмуш даражасининг пастлигидан азият чекарди. Шу сабабли, дастлаб амалга ошириладиган ислоҳотнинг асосий мақсади аниқланди: «Ислоҳотнинг якуний мақсади – ижтимоий ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, давлатнинг гуллаб-яшнаши ва кучайиши, одамлар турмушининг фаровонлиги ҳамда бахтли яшашига эришишдан иборатдир».[172]

Аҳоли бундай ўзгаришларга тайёр эди. Бу ислоҳотчиларни меҳнаткашлар эришган натижалар ва социалистик тузумни маҳв этишга уринишда айбловдан халос қилди. Ўтган асрнинг 80-йилларининг охири ва 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда ҳам худди шундай вазият юзага келган эди. Фикримизни тасдиқлаш учун биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», деб номланган асаридан битта ўзига хос иқтибосни ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз: “Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 8,8 миллион киши ёки аҳолининг 45 фоизининг жон бошига даромади 75 рублдан ошмайди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра,

[171] Переходная экономика. - М.: «Экономика», 2005. - 679-680 бетлар.

[172] Реформа хозяйственной системы в КНР. Пер. с кит. /Научн. ред. А.И. Денисов/. - М.: Экономика, 1989. 10 бет.

яшаш учун минимал даромад тахминан 85 рублни ташкил этишини ҳисобга олсак, бугунги кунда одамлар учун бу қанчалик қийин бўлаётганини ўзингиз тушунишингиз мумкин.... Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва сув таъминоти, 50 фоизга яқини оддий ичимлик суви, 17 фоизи табиий газ билан таъминланган, бу кўрсаткичларни нормал ҳолат, деб бўлмайди"[173].

Дэн Сяопин ва унинг сафдошлари биринчи авлод инқилобчиларига мансуб бўлиб, улар очликларни ўз бошидан кечирган, ҳаёт машаққатларида тобланган, ажойиб интеллектуал ва сиёсий тажрибага эга, ўз мақсадларига эришиш учун эҳтиёткорлик ва синчковлик билан, зарур бўлса асоссиз ақидалардан воз кечишга қодир "эски мактаб" вакилларидан иборат эди. Шу жиҳатдан улар Совет партия-давлат элитасидан тубдан фарқ қиларди. Чунки собиқ Иттифоқда етмиш йил давом этган кадрлар танлашнинг партиявий тизими кадрлар имкониятларининг чекланишини келтириб чиқарди ва алал-оқибат СССРнинг қулашига олиб келди.[174]

Энди Хитойда ислоҳотлар нима учун яхши натижалар берди, деган табиий саволга бир жавоб излаб кўрайлик. Хитойда аҳолининг 80 фоизи анъанавий меҳнатсеварлиги, хўжалик юритиш ва тижорий кўникмаларига эга бўлган деҳқонлардан иборат эди. Шу билан бирга савдо ва саноат буржуазиясининг муҳим қисми бўлган давлат корхоналари ҳам фаолият кўрсатарди. Афсуски, Совет Иттифоқи даврида колхозлар ташкил этилиши ва моддий рағбатлантириш тамойилларига бепарволик, меҳнатнинг якуний натижалари учун етарлича ҳақ тўламаслик оқибатида деҳқонларнинг анъанавий меҳнаткашлиги барҳам топди. Бироқ, Ўзбекистонда аҳолининг 60 фоиздан кўпроғи деҳқонлар эди, улар мураккаб даврларда ҳам меҳнатсеварлиги ва меҳнатга масъулиятли ёндошув муносабатини йўқотмади. Қишлоқ меҳнаткашининг бу фазилатлари ҳатто тоталитаризм ва колхоз тизимининг мажбурий сингдирилиши шароитида ҳам маълум даражада сақланиб қолди. Бундан ташқари, деҳқонлар коммунистик мафкурани чуқур миллий тафаккур туфайли шунчаки юзаки равишда қабул қилди.

---

[173] Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011 йил. 47-49 бетлар.
[174] Переходная экономика. - М.: «Экономика», 2005. 680 бет.

Хитойда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида хорижда яшайдиган хитойликлар – Хуацяолар фаол иштирок этишди. Дэн Сяопиннинг «очиқлик сиёсати» туфайли мамлакатда уларнинг катта молиявий имкониятлари, профессионаллиги ва тижорат тажрибасига талаб катта эди. Бу Хитойда ўтказиладиган ислоҳотларга жуда катта туртки берди. Бундан ташқари, ислоҳотчилар мамлакат ичкарисида ва «чет эллик ватандошлар» – Хуацяолар орасида миллатпарварлик салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда давлатнинг обрўси ва нуфузини тезда мустаҳкамлашга муваффақ бўлишди.

Ўзбекистонда ҳам шунга яқин вазият вужудга келган эди, аммо бу ерда хорижлик ватандошлар омили йўқ эди, чунки, фаол миграция ҳаракатлари Хитойдагига нисбатан кечроқ рўй берди. Хитойдаги ислоҳотлар жараёнини кечиктирган салбий омиллар Ўзбекистондаги мавжуд шароитларга жуда ҳам ўхшаш. Гап шундаки, хитойларнинг анъанавий иерархик ҳокимиятга ҳурмат ва бўйсунишга мойиллиги, раҳбарларга ҳурмат кўрсатиш, ижтимоий қадриятларнинг шахсий қадриятлардан устунлиги натижасида ҳокимиятнинг қатъий вертикаллиги сақланиб қолди. Бироқ, америкалик социолог Чжоу Сюэнуаннинг таъкидлашича Хитойда сиёсат ва мафкуранинг юқори даражадаги марказлашганига қарамай, «аслида бир-бири билан кучли боғланмаган маҳаллий тузилмалардан иборат».[175] Бўйсуниш ва ҳурмат қилишга мойиллик бизнинг мамлакатимизда ҳам мавжуд бўлиб, бу жараёнлар ҳали ҳам ислоҳотларни ўтказишда салбий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Кенг жамоатчилик иштирокисиз коррупцияга қарши курашда муваффақиятга эришиб бўлмаслиги фактини ушбу ҳодисага мисол қилиб келтириш мумкин.

Хитойнинг қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислоҳотлар даврида бозор иқтисодиётининг асосларини барпо этиш бошланди. Хитой ерга нисбатан хусусий мулкчиликни жорий этмади. Фермерларга узоқ муддатли ижарага ер участкалари берилди (ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 0,42 га). Оилавий пудрат тизими мунтазам ўсиб бориш тарзида шу қадар ривожландики, бу жараён ўша йилларда партиянинг нуқтаи назарига мутлақо зид равишда амалга оширилди. 1983 йилда деҳқонларнинг ягона бошқарув

[175] Переходная экономика. - М.: «Экономика», 2005. - С.682.

тизимига ўтиш жараёни якунланди. Хитой қишлоқ хўжалигида чуқур ўйланган ва муваффақиятли амалга оширилган ислоҳотлар қисқа вақт ичида жуда сезиларли амалий натижаларни берди. Бу қишлоқ хўжалигини қайта тиклаш, ихтисослаштириш, ижтимоийлаштириш, бозор тамойилларига йўналтиришни жадаллаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш таркибини тартибга солиш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва мамлакатда озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.[176]

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам худди Хитойдаги жараёнлар юз берди. Аммо, бу жараёнлар Ўзбекистонда давлатнинг бевосита иштирокида, деҳқонларнинг тартибсиз ҳаракатига йўл қўйилмасдан амалга оширилди. Кўриниб турибдики, бу мураккаб ўтиш шароитида барқарорликни таъминлаш учун зарурий шартлардан бири эди.

Белгиланган нархларда сотиб олинган миқдордан ортиқча бўлган барча ҳосил ишлаб чиқарувчилар - хитойлик деҳқонлар ихтиёрига берилган. Бундан ташқари, 1985 йилдан бошлаб, давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини марказлаштирилган маъмурий тақсимлаш тизимидан воз кечди ва қишлоқда бозор муносабатлари механизмини жорий эта бошлади. Ерларни сотиш ва иккиламчи ижарага бериш расман тақиқланган. Лекин, ерларни ноқонуний равишда ижарага олиш маҳаллий ҳокимиятларнинг иштирокисиз амалга оширилди. Қишлоқ жойлардаги аграр ислоҳотлар натижасида ортиқча ишчилар сони кўпайиб - 130 миллион кишини ташкил этди. Рус хитойшуноси В.Г.Гельбраснинг сўзларига кўра, бу ҳақиқий «зарба терапияси» (шоковая терапия) эди.[177] Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда муайян камчиликларга йўл қўйилганидан қатъи назар, бу жараён бутун Хитой иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда моддий, молиявий, ижтимоий-сиёсий ва кадрлар билан таъминлашда асос вазифасини бажарди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш шароитида деярли худди шундай жараёнлар кечди. Қишлоқларда ишсизлик ортишининг олдини олиш иложи йўқлиги сабабли вазият оғирлашди. Гарчи давлат «зарба терапияси»дан қочиш учун барча

[176] Реформа хозяйственной системы в КНР. Пер. с кит. /Научн. ред. А.И. Денисов/. - М.: Экономика, 1989. – 192 бет.
[177] Переходная экономика. - М.: «Экономика», 2005. 685 бет.

чораларни кўрган бўлса-да, қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучи аҳоли фаол миграциясининг манбаи бўлиб хизмат қилди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли улуши 1991 йилдаги 41,9 фоиздан[178] 2017 йилда 27,2 фоизгача пасайди[179].

Хитойда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарасиз эди, шунинг учун одамлар деҳқончилик билан маълум бир ишлаб чиқариш фаолиятини бирлаштирдилар. Аксарият ҳолларда улар ўзлари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ эди. Шундай қилиб, қишлоқ саноати ривожлана бошлади. Унинг жадал ўсиши Хитой иқтисодиётига кучли туртки берди. Агар 80-90 йилларда давлат саноатининг ўсиш суръати 2,5 - 12 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ саноатининг ўсиш суръати 21 - 134 фоизни ташкил этди.[180] Шу билан бирга, бу ўзгаришлар Хитойда ўрта қатламнинг пайдо бўлишига ёрдам берди.

Ўзбекистонда аграр соҳада фермер хўжаликлари фарқли равишда аста-секин шакллантирилди. Қишлоқ ҳунармандчилигининг алоҳида кўринишлари мавжуд эди, аммо бу қишлоқ саноати даражасига кўтарилмади. Гарчи давлат кўп тармоқли фермер хўжаликларининг фаолиятини ташкил этиш сиёсатини олиб борган бўлса-да, ундан ҳеч натижа чиқмади: ё Ўзбекистондаги деҳқонларнинг иқтисодий шароити Хитойдагидек оғир эмас эди, ёки бизнинг деҳқонларимиз хитойлик ҳамкасбларидек моҳирликка эга эмаслар.

Хитойда аграр сектор, қишлоқ саноати, хизмат кўрсатиш соҳасида бозор, давлат-хусусий шерикчилик институтларининг ташкил этилиши унинг иқтисодий ривожланишига катта куч берди, аҳолининг озиқ-овқат таъминоти яхшиланди, ташқи иқтисодий мавқеи мустаҳкамланди ва ижтимоий муаммолар ўз ечимини топди. Бу саноатдаги ўзгаришларни бир мунча вақтга кечиктиришга имкон берди, улар ўзигахос хусусиятларга эга «социализм»ни қуришни зиммасига олган ҳукмрон партиянинг ғоявий тарғиботини йўққа чиқарар, «ҳақиқий социализм» учун иқтисодий

---

[178] Основные тенденции и показатели социально-экономического развития республики Узбекистан в годы независимости (1990-2011 гг.) и прогнозы, рассчитанные на 2012-2015 годы. Статистичиский сборник. -Т.: Узбекистан, 2013. 87 бет.

[179] Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. – Т.: «Ўзбекистон», 2018, 38 бет.

[180] Переходная экономика. - М.: «Экономика», 2005. - С.688.

механизмларни такомиллаштириш доирасида анъанавий равишда саноатни қайта қуришни амалга оширган СССРнинг иқтисодиётида 80-йиллардаги каби тўлиқ муваффақиятсизликка учради. Хитойнинг ўзида «хусусийлаштириш» сўзига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашилган ва корхоналар директорлари хусусийлаштириш орқали зарар ва даромадларни ижтимоийлаштиришга интилишган. Баъзи бир таҳлилчиларнинг фикрига кўра, Ғарб ва Шарқ ҳуқуқий тизимларининг фарқлари шундан иборатки, Ғарбда мавжуд қонун қоидалар ҳукмрон, Шарқда эса қонун орқали ҳукмронлик қилинади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Ўзбекистон раҳбарияти хусусийлаштириш жараёнини амалга оширди. Бу жуда адолатли жараён бўлмасада, хусусий мулкчиликни шакллантириш мақсадида амалга оширилди, чунки бу жараёнларсиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг иложи йўқ эди. Бу жараён деярли бир вақтнинг ўзида барча тармоқлар, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, туризм соҳаларида олиб борилди. Шунингдек, электр энергияси, ёқилғи, автомобилсозлик, нефт-кимё ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга устувор аҳамият берилди.

Таҳлилчилар бир овоздан яхлит хулосага келмоқдалар: ўтган 40 йил ичида Хитой мамлакатда амалга оширилган самарали ислоҳотлар туфайли иқтисодий ривожланиш соҳасида улкан ютуқларга эришди ва шу қисқа тарихий даврда у қашшоқ мамлакатдан жаҳоннинг иқтисодий қудратли етакчи давлатларидан бирига айланди. Қиёсий хулосага келсак, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ютуқлар, 28 йил ичида яратилган макротузилмавий салоҳият 12 йилдан кейин Хитойнинг ҳозирги ривожланиш даражасига эришишга имкон беришбермаслигини таққослаймиз. Албатта, 12 йилдан кейин ҳам биз Хитой даражасига эриша олмаймиз. Иқтисодий ислоҳотларнинг ва жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати бўйича бозор иқтисодиётига ўтиш даврида биз Хитойнинг ўсиш суръатларидан сезиларли даражада орқада қолдик. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, Хитойда иқтисодий ислоҳотлар бошланганидан кейинги 40 йил ичида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 47 баробардан кўпроқ ўсди ва Ўзбекистонда сўнгги 28 йил ичида

(991-2018) эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8,6 марта ўсди. Кейинги 12 йил ичида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати қанчалик юқори бўлмасин, 2030 йилда ЯИМ ҳажми 1991 йилдаги ЯИМ ҳажмига нисбатан 47 бараварга кўпайиши даргумон. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг 2030 йилгача ривожланиш концепциясига мувофиқ мамлакатда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмини икки баравар ошириш кўзда тутилган. Агар прогнозлар рўёбга чиқса, 2030 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 500-510 миллиард АҚШ долларини ташкил этади ва 1990 йилга нисбатан қарийб 18-18,5 баравар кўпаяди. Бу бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар барча уч босқичда, масалан, Хитойдаги каби самарали бўлмаган деган хулосани англатади ва кенг кўламли ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги асосда амалга ошириш зарурлигини тақоза этади.

Ҳозирги вақтда Хитойнинг умумий ишлаб чиқаришининг 73 фоизи хусусий мулкдорлар ҳиссасига тўғри келади, мамлакатда иқтисодий ташаббус, бозорга кириш ва рақобат устунлик қилмоқда. Хитойнинг қишлоқ хўжалиги сектори дон, пахта, сариёғ, мевалар, гўшт ва тухум ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Кўпгина электрон маҳсулотлар ҳам энди Хитойда ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки вақтларда денгизга яқин ҳудудларда саноат марказлари пайдо бўлди ва ривожланди, сўнгра қолган ҳудудлар тараққий эта бошлади. Кўплаб эркин иқтисодий зоналар шакллантирилди ва улар замонавий технологияларни жорий этиш марказларига айланди. Эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш амалиёти бизнинг мамлакатимизда ҳам мавжуд.

Бироқ, Хитой мўъжизаси кичик бизнесдан бошланганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсулотлар экспортининг асосий қисми кичик бизнеснинг ҳиссасига тўғри келади. Ушбу соҳадаги Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш керак, чунки кичик бизнеснинг экспортдаги иштироки ўта долзарб ва давлат сиёсатинингмуҳим йўналишларидан биридир. Шу билан бирга, хитойликлар ўзларининг муваффақияти сабаби унсурлари сифатида: паст нархлар, сифатли маҳсулотлар, меҳнатсеварлик ва миллий қадр-қимматни эътиборга олишларини тан олишади.

Халқаро миқёсда тан олинган ва кенг оммалашган Дэн Сяопиннинг»Одамлар ўтган йилга қараганда яхшироқ яшашлари керак» шиори Ўзбекистоннинг амалдаги Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан Ўзбекистоннинг ҳаётида, унинг фаровонлигини ошириш ва уни Ғарбнинг ривожланган мамлакатлари даражасига кўтариш сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қўлланилади. Маълумки, А.Смит давлатнинг иқтисодиётга ҳар қандай аралашишига қарши бўлган ва у «тунги қоровул» вазифасини бажариши керак, деб ҳисоблаган. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, давлатнинг мамлакат иқтисодий ҳаётига фаол аралашуви лозим, қачонки агар бундай аралашув аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшса.

Бу ерда олдинги таққослашларни давом эттирар эканмиз, Дэн Сяопин буюк ислоҳотчи сифатида Хитойни гуллаб-яшнаш, ривожланиш йўлига бурганини таъкидламоқчимиз. Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ғарб услубидаги бозор иқтисодиётининг замонавий, ижтимоий йўналтирилган моделини шакллантиришни изчил давом эттириб, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олишга қаратилган туб ўзгаришларнинг кўлами ва самарадорлиги нуқтаи назаридан Дэн Сяопининг ислоҳотлари билан бир қаторда туради.

Бироқ, бизнинг фикримизча, Президент Ш.М.Мирзиёев бошчилигидаги мамлакатда амалдаги иқтисодий сиёсатни биринчи Президент И.Каримовнинг иқтисодий ислоҳотларини давом эттириш ва янада ривожлантириш сифатида баҳоласак адолатсизлик бўлар эди. Мамлакатни жадал ривожланиш ва ободонлаштириш йўлига олиб борадиган кенг кўламли ислоҳотлар ва чуқур таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Россия оммавий ахборот воситаларини баҳолаш тадқиқотлари махсус марказининг хавфсизлик бўйича халқаро эксперти Игор Николайчукнинг фикрига қўшилмаслик қийин: «Сиёсатшунослар, айниқса, Ғарб олимлари орасида Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан ҳеч қандай рол ўйнамайди. Ушбу жимлик бурчагида авторитаризм ҳукм суради... “ҳақиқий демократия” ўрнига “ибтидоий чекланган демократия”, уруғчиликка асосланган иқтисодиёт, «қашшоқлик»ка қайтиш, «инсон ҳуқуқлари»

ҳолатининг доимий ёмонлашуви ва бошқа иборалар кенг қўлланилмоқда. Биз таъкидлаймизки, минтақа давлатларининг доимий европа меъёрларидан чекинуви ҳақидаги баёнотлар Ғарбнинг ўз сиёсатини асослаш тизимидаги муҳим таркибий қисмлардан ҳисобланади. Ушбу жараённинг янада тезлашиши тахмин қилинмоқда. Мирзиёевнинг фаолияти эса ушбу стереотипларни бузиб ташлаётгани кўзга ташланмоқда".[181] Ҳақиқатан ҳам шундай. Президентимизнинг амалдаги ҳаракатлари кўпларни ўзига хос бўлган стереотипларини ўзгартирмоқда. Шубҳасиз, Аллоҳнинг ўзи Ўзбекистонни ҳар қандай майда ва нолойиқ ҳукмдорлар ва бепарволикнинг хавфсиз маконига айланмаслигига қарор қилгани аниқ бўлиб қолди, чунки баъзида жуда катта, ҳаттоки қудратли давлатлар ҳам бундай бепарволикларнинг қурбонига айланган.

[181] Интернет ресурс: http://ru.sputniknews-uz.com/analytics/20170815/6042123/Mirzieev-socializm.html

XII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЗАРУРИЯТИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида нафақат сиёсатшунослар, нафақат Ғарб дунёси, балки бутун сайёрамизнинг кенг жамоатчилиги онгидаги стереотипларини барбод қилаётган, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб беришга уриниб кўрмоқчимиз. Президент томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар йўналиши халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонга бўлган қарашини тубдан ўзгартирди, унинг халқаро нуфузини сезиларли даражада оширди. Авалло, Ш.Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган йўналиш нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг ва умуман қўшни давлатларнинг ривожланиши ва равнақи учун ўта муҳим ижобий ҳолат эканлигини таъкидлаймиз. Маълумки, 2016 йил сентябрь ойидан бошлаб ҳаётнинг барча соҳаларида ва жамият тараққиётида сезиларли ўзгаришлар бошланди. Кўпчиликни Президент Ш.М. Мирзиёевда бунчалик даражада кенг миқёсли янгиланишларни амалга ошириш учун махсус режа аввалдан бормиди, деган савол қизиқтириши табиий. Ушбу ҳодисанинг илдизини ҳозирги Президентнинг биринчи Президент И.А.Каримов билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг раҳбари сифатида ишлаган даврига мурожаат қилиш орқали излаб топиш мумкин, деб ўйлаймиз. Ўша йилларда стратегик мақсадларни белгилаш ва ислоҳотларни амалга оширишда Ш.М. Мирзиёев тўғридан-тўғри иштирок этди ва у амалдаги сиёсатнинг ижобий натижалари, камчиликларини ҳамда ўша ҳаракатларнинг номукаммал томонларини, шунингдек, қабул қилинаётган кенг кўламли қарорлардан ҳам жуда яхши хабардор эди. Йиллар давомида Ш.М.Мирзиёев ҳал қилинмаган муаммолар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлди ва мавжуд вазиятни ҳар томонлама билиш, жадал ривожланиш, гуллаб-яшнаш учун қандай ва қайси йўлдан бориш кераклигини тўғри англай билди. У томонидан олиб борилаётган йўналишнинг ишончли асоси бўлиб оддий университет ўқитувчиси, олимликдан тортиб давлат раҳбарлигига қадар қийин, аммо шарафли йўлни

босиб ўтгани ҳамда оддий одамларнинг интилишлари ва орзу-истаклари унга бегона бўлмаган оддий халқ муҳитидан келиб чиққани хизмат қилди.

Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил сентябрдан то шу кунгача қилган барча нутқлари ва ҳаракатлари шундан далолат берадики, у жамиятнинг барча соҳаларидаги ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиб, аниқ далиларга бой тажрибасидан фойдаланган ҳолда, дадил, ҳалол, оддий фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан фақат ўз баёнотларига мос равишда ҳукумат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг камчиликлари ҳақида очиқ гапирмоқда. Президент вазифасини бажарувчи сифатида 2016 йил сентябр ойида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги дастлабки маъруза-сидаёқ давлатнинг келгуси ривожланишининг энг долзарб муаммолари, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш зарурати тўғрисида гапирган эди. Хусусан, таълим ва тарбия соҳаси, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш, ёшларнинг ҳар томонлама билимга эга бўлиши, хорижий тилларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашлари ҳақида сўз юритди.

Демократия жараёнларини чуқурлаштириш, фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий партияларнинг обрў-сини ошириш, партияларнинг сайловчилар овозини олишдаги рақобатига катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепцияси эълон қилинди, хусусан: ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашишдан бош тортиш, Ўзбекистон ҳудудида бошқа давлатларнинг ҳарбий базаларининг жойлаши-шига ва ҳарбий қўшинларимизнинг республикадан ташқарида бўлишларига йўл қўймаслик белгилаб қўйилди.

Президент ўз чиқишларида МДҲ ва узоқ хориж давлатлари билан прагматик сиёсат юритиш, қонун устуворлигини таъмин-лаш, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига эришиш, тинч ҳаёт ва барқарорлик гарови сифатида аҳоли турмуш дара-жасини ошириш муаммолари ҳақида гапирди. Оддий одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг долзарб муаммоларини тез ва ўз вақтида ҳал этиш нуқтаи назаридан, Президент раҳбарлар зиммасига оддий одамлар билан уларнинг тилида гаплашиши,

уларни эътибор бериб тинглашлари ҳамда муаммоларини ҳал қилиш вазифаларини юклади. Президент фуқароларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш давлатнинг халқ олдидаги асосий мажбуриятидир, деб ҳисоблашини таъкидлади. У фуқароларнинг мурожаатлари ва уларнинг ечими, халқ билан алоқаларига асосланган ҳолда раҳбарнинг фаолиятини баҳолаш каби муҳим ғояни илгари сурди. Ушбу ғоянинг амалий ҳаётга татбиқ этилиши Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган, кейинчалик стратегик мақсадлардан бирига айланган қуйидаги чин инсоний ғояга хизмат қилади: «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқ учун хизмат қилиши керак».

Оддий одамлар адолатсизликка тоқат қила олмайдилар. Шу боис Президент суд ислоҳоти ҳақида батафсил тўхталди. У мустақил фикрлайдиган, ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятли, ташаббускор, бошқарувнинг илғор усулларини биладиган, ватанпарвар, ростгўй бўлган кадрларсиз давлат бошқаруви сифатини яхшилаш мумкин эмаслигини таъкидлади. Президент, шунингдек, нодавлат институтлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла аҳамиятига эътибор бериб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясига ҳам тўхталди. Президент тилга олмаган бирон бир муаммо қолмади, ҳисоб. Бошқача ифодалаганда, оддий тозаликдан тортиб, фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий иммунитетини мусатаҳкамлашга қадар бўлган мавзуларга тўхталиб ўтди.

2016 йил 19 октябрда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг саккизинчи қурултойида Ш.М.Мирзиёевнинг президентликка номзоди илгари сурилган вақтдаги ўз нутқида у яна бир бор барча долзарб масалаларни кўтарди, кўплаб ҳал этилмаган муаммоларнинг моҳияти ва уларни биринчи навбатда ҳал қилиш ечимларига тўхталди. Энг муҳим муаммоларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмади. Хусусан, мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликка путур етказадиган геосиёсий манфаатларнинг қарама-қаршилиги, зиддиятлар ва рақобатнинг кучайиши, глобал иқтисодий инқироз ва жаҳон бозорларининг беқарорлиги, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи энергия манбалари нархларининг пасайиши ва табиий ресурслар туфайли ҳарбий-сиёсий курашлар рўй бериши, беқарор вазиятни келтириб

чиқараётган жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, жиноятчилик, одам савдоси, терроризмнинг кўпайишига олиб келган аҳоли миграциясининг ўсиши,диний экстремизм, наркобизнес, хавфли юқумли касалликлар тарқалишига ҳам эътибор қаратилди. У коррупция, маҳалийчилик ва «оммавий маданият» таъсири каби камчиликларга эътибор бериб, ахборот-коммуникация тизимининг хавфсизлигини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар зарурлиги масаласини кўтарди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, нотинч дунёда республиканинг мустақиллиги ва унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш зарур. Шу муносабат билан республикада 2200 дан ортиқ турли диний ташкилотлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, 130 миллат ва элат вакиллари ўртасидаги миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликнинг мавжудлиги мустақиллик давридаги муҳим ютуқлардан бирига айланди.

Ш.М.Мирзиёев ислоҳотлар самарадорлигини, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, мамлакатда тинч ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолати сифатида қонун устуворлиги зарурлигини таъкидлади. Ҳуқуқий муносабатлар ҳақида гапирганда, у ушбу соҳада ҳалигача ечимини топмаган муаммолар мавжудлигини таъкидлади. 2016 йилнинг 9 ойи давомида фуқароларнинг шикоятларининг қарийб 30 фоизи судлар ва тергов фаолияти ҳиссасига тўғри келган. Суд ишларини адолатли юритишнинг асосий шарти томонларнинг тенглиги тамойилидир, шунинг учун адвокатлик соҳасида ҳам ислоҳотлар зарурлиги, яъни адвокатнинг ўрни ва ролини ошириш, ваколатларини кенгайтириш ҳақида гапирди.

Фуқароларнинг мурожаатлари ва шикоятларига давлат идоралари раҳбарларининг бепарволикларини таъкидлаб, раҳбарлар ва юқори мансабдор шахслар оддий фуқароларнинг тилида гаплашишни, уларнинг дардини эшитишни ва муаммоларини ҳал қилишни ўрганмаганликларини қайд этдилар. Бизда профилактик чоралар, фуқароларнинг қонунларга ҳурматини ошириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш кераклигини айтиб ўтди. Унинг фикрича, биз мустақил фикрлайдиган, илғор бошқарув усулларини биладиган, ватанпарвар, ҳалол кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини

яратилмагунча давлат бошқаруви соҳасида сифат ўзгаришига эришиш мумкин эмас.

Фуқароларни иш билан таъминлаш, ер ажратиш, иш ҳақи ва пенсияларни ўз вақтида тўлаш ва бошқа масалаларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларива давлат органлари, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига мурожаатлари сони ортиб бормоқда, уларнинг барчаси ишдаги камчиликлардан келиб чиқади. Шу сабабли, Президент раҳбарларнинг фаолиятини баҳолаш фуқароларнинг мурожаатлари сони, уларнинг амалий ечимлари ва раҳбарларнинг аҳоли ўртасида айланишига қараб белгиланиши кераклигини таъкидлади.

Маърузада «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини фаол давом эттириш зарурлиги қайд этилди. Шу сабабли, маҳалланинг роли, ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ва ходимларининг касбий маҳоратини ошириш орқали одамларнинг фикри, дунёқарашини босқичма-босқич ўзгартиришда маҳалланинг аҳамияти катта. Президент фикрига кўра, маҳалла институти адолат тарозисига айланиши керак.

Ўзбекистон Либерал демократик партияси қурултойида республикани кейинги 5 йил давомида ривожлантириш бўйича қуйидаги стратегик муҳим вазифалар ва йўналишлар белгилаб олинди:

1. Макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, сўнгги йилларда эришилган ўсиш суръатларини таъминлаш;

2. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига иқтисодиётнниг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш;

3. Одамлар сони ва уларнинг ёш таркибини ҳисобга олган ҳолда бандлик масаласини ҳал қилиш;

4. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан, замонавий интенсив агротехникалардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш. Пахта унумдорлиги паст бўлган ҳудудларда интенсив боғдорчилик ва узумчилик, сабзавотчилик, ем-хашак етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлашни таъминлаш;

5. Хусусий мулк ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу соҳани ривожлантириш учун ғов бўлиб келган тўсиқ ва чекловларни олиб ташлаш. Агар тадбиркор биринчи марта қонун талабларини бузган бўлса, у зарарни қоплаш орқали маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, молиявий санкциялардан озод қилинади.

6. Мамлакатнинг иқтисодий қудратининг ўсиши, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатининг ошиши, ҳудудларнинг комплекс ривожланиши, субвенция оладиган ҳудудлар сонининг камайишини таъминлаш.

Бугунги кунда зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган ижтимоий-ижтимоий муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Ушбу муаммоларни умумиллий миқёсда ҳал этиш учун 25 та мақсадли дастур тайёрланди. Мазкур лойиҳалардан бири қишлоқ ва шаҳарларда арзон уй-жойлар қурилишини амалга оширишдир. Шундан 2017-2022 йилларда 945 та кўп қаватли бинолар қурилиши бўйича лойиҳалар тайёрланди. Қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш тармоқларини кенгайтириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Бу ерда кўрсаткичларни 67 фоиздан 84 фоизга ошириш керак бўлади. 25 йил ичида (1991-2016 йиллар) мамлакат аҳолисининг 10 миллион кишига ёки 1,5 баравар кўпайиши ушбу ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларнинг зудлик билан ҳал этилишини талаб қилади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисини электр энергияси билан кафолатли ва узлуксиз таъминлаш дастури тайёрланди. 5 йил ичида 25 минг 300 км паст кучланишли электр тармоқларини қайта қуриш, 3 минг 600 та эски трансформатор станциялари янгиларига алмаштирилиши керак эди.

Транспорт инфратузилмаси соҳасида 75 минг км ёки 64 фоиз йўллар таъмирга муҳтож. Бундан ташқари, 9 минг 700 км йўл қайта қурилиши керак. Президент бизга йўллар сув ва ҳаводек зарурдир, деган ёндошувини баён қилди. Аҳоли учун йўлларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда 1700 км йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, 1400 км хўжаликлараро қишлоқ йўлларини таъмирлаш режалаштирилди. Қишлоқ ва шаҳарларда транспорт хизматини янада яхшилаш дастури ишлаб чиқилди. Шунга кўра, 74 та автовокзал ва автобекатларни реконструкция қилиш режалаштирилди, 5700 микроавтобус, 3000 та автобус харид қилинди ҳамда 300 дан ортиқ йўналишлар йўлга қўйилди.

Ҳаво ва темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш учун, биринчи навбатда, Тошкент халқаро аэропортининг янги терминалини қурилиши керак эди. Бухоро-Мискин темир йўлини қуриш ва электрлаштириш, Қарши-Термиз, Поп-Наманган-Андижон-Қўқон темир йўлларини электрлаштириш ва Қарши-Шаҳрисабз йўналиши бўйича тезюрар поездни йўлга қўйиш режалаштирилди.

Бундан ташқари, Президент чиқиндиларни қайта ишлаш, кўмирнинг нархи, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, аёллар ва қарияларга ғамхўрлик, ёшлар сиёсатига оид кўплаб масалаларга тўхталди. Илм-фан, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини ривожлантириш, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини янада ривожлантириш масалалари ҳам четда қолмади. Ушбу соҳаларни ривожлантирмасдан, тараққиётга эришиб бўлмайди. У Либерал-демократик партияни ва унинг аъзоларини ўрта синф, мулкдорлар синфи деб баҳолади ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган нутқида Асосий Қомусимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор муносабатлари ҳамда хусусий мулкка асосланган иқтисодиётни шакллантириш, халқнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг асоси сифатида тутган ўрнига юқори баҳо берди. Бундан ташқари, Конституция фуқароларнинг шахсий эркинликлари, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг кафолати бўлди.

Конституциявий тамойиллар ва қоидалар асосида миллий қонунчилик тизими шакллантирилди. Шу билан бирга, Президент таъкидлаганидек, қабул қилинган қонунларнинг ислоҳотлар самарадорлигига таъсири унчалик сезиларли эмас, бу фуқаролар, ишбилармонлар ва чет эл инвесторларининг ишончини таъминлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимларни сайлаш тизими, маъмурий бошқарув соҳасидаги ислоҳотлар концепцияси ва «Давлат хизматлари тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилиниши масалалари кўриб чиқилди. Бу масалалар Президентнинг олдинги

чиқишларида ҳамда сайловолди дастурида яна бир бор айтилди. Президент ўз нутқида барча вазифалар тизимини ҳал қилиш учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилишини эълон қилди.

Аслида, Ш.М.Мирзиёев президентлик қилган уч йилдан ошиқ вақт ичида мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди.

Президентнинг нутқлари, фаолиятининг шаффофлиги, очиқлиги ва юксак минбарлардан чиқишлари туфайли одамларнинг, айниқса, ёшларнингжамият ҳаётига муносабати тубдан ўзгармоқда. Тадбиркорлар ташқи иқтисодий фаолиятни дадил олиб борган ҳолда бюрократик тўсиқлардан озод бўлиб, ўзларини эркин тута бошладилар. Ички ва хорижий инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди, иқтисодий ислоҳотлар сезиларли даражада тезлашди ва валютани эркин конвертациялаш амалга оширилди.

Давлатнинг ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолияти ҳам тубдан ўзгарди. 2016 йил сентябрдан 2017 йил сентябргача бўлган даврда яқин қўшни (Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Россия) ва хорижий давлатларга (Хитой, АҚШ) 14 маротаба юқори даражадаги ташрифлар амалга оширилди. Ушбу ташрифлар натижасида қарийб 40 миллиард долларлик 245 шартнома ва битимлар имзоланди, савдо-иқтисодий, сармоявий ва технологик ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияларнинг 12 йиғилиши, Ўзбекистон иқтисодий делегацияларининг хорижий мамлакатларга 130 та ташрифлари, хорижий ишбилармонлик делегацияларининг Ўзбекистонга 267 ташрифлари бўлиб ўтди. Сармоявий битимлар ва шартномалар ижросини таъминлаш учун 13 мамлакат билан амалий ҳаракатлар режалари (йўл хариталари) тасдиқланди.

Президент фаолиятини ёритган бир қатор нашрларнинг фикрларига қўшилиш учун барча асосларимиз бор. Президент мамлакатда ва дунёда кўп нарса ўзгарганини, ўзгача шароит ва анъаналарнинг аломатлари пайдо бўлгани ва энг муҳими, аҳолининг ўртача ёши 27 ёшда экани ва сони 30 миллиондан ошгани, ўзига хос манфаатларга эга бўлган янги авлод пайдо бўлганини тўғри англай билди. Бундай шароитда Президент фақат ўзига хос бўлган ҳаракатларни амалга оширди ва бу билан

тизимнинг ривожланишига таҳдид солмади, қарорлар қабул қилишда келажакда кутилган мақсадларни олдиндан белгилаб қўйди. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш керакки ундан ҳозирги ҳақиқий вазиятни очиқ тан олиш,жасорат ва қатъиятлилик талаб қилинганда у буларнинг барчасини ўз вақтида, ҳамма жойда ва ҳамма нарсани бошқаришда намоён қила олди. Президент вазифасини бажарувчи сифатида у ҳал қилинмаган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг сабаблари сифатида вазирликлар ва ҳокимликларнинг юқори мартабали ходимларининг ҳаракатсизлигини таъкидлади. Бу ҳали тўлиқ шаклланмаган ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири эди. Дастлабки нутқларидан бошлаб, у давлат идоралари вакиллари ўз идораларида ўтириб қолгани, улар одамлар манфаати учун ишламаётганлигини ва асл ижтимоий ҳолатни аниқлаш учун одамлар билан мулоқот қилишлари кераклигини очиқ тан олди. Бундан ташқари, халқ билан мулоқот тамойилининг амалга оширилиши Президентнинг бу борадаги ўз сиёсатини ишлаб чиқиш ва ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий гуманитар механизмларни яратишига таъсир кўрсатди.

Йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилишда Президентимизнингкўрсатган ташаббускорлиги ва қатъий иродаси мамлакатимиз аҳолиси, хорижлик ҳамкорларда муаммоларни ҳал қилишга ҳамда мамлакатни янги ривожланиш йўлига олиб боришига ишонч пайдо қилди. Бу йўл муқаррар равишда Ўзбекистон халқининг кўп асрлик орқада қолишини баратараф этиш, олдинги шон-шарафини тиклаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига олиб келади.

Маълумот олишнинг инновацион механизмларидан фойдаланган ҳолда, у pm.gov.uz виртуал қабулхонасини ишга туширди ва мамлакатдаги ҳақиқий вазиятни яхшироқ ўрганиш учун Бош вазир ҳузурида ахборот-таҳлил бўлимини ташкил этди. Кейинчалик у вилоятларга ташрифни кучайтирди, у ерда ёшлар вакиллари, тадбиркорлар, нафақахўрлар, аёллар, жамоат ташкилотлари фаоллари билан учрашди. Бу тўғридан-тўғри, ҳеч қандай воситачисиз, оддий одамларнинг муаммоларини тан олиш, баъзиларини тўғридан-тўғри жойларда ҳал қилиш, уларнинг таклифлари ва фикрларини ўрганиш учун самарали усул эди.

Виртуал қабулхона кўплаб мансабдорларни четлаб ўтиб, фуқароларнинг шикоятларини тўғридан-тўғри Президентга етказиш имконини берди. Бу амалдорларнинг дунёқараши ва уларнинг ишига бўлган муносабатини ўзгартиришга имкон берди. Виртуал қабулхоналар фуқароларнинг коррупцияга қарши курашга фаоллаштириш, ислоҳотларни оммалаштириш, давлат институтларининг обрўсини ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни кучайтиришнинг қўшимча манбаи бўлиб, аҳолининг катта қисмини, айниқса, 14 миллионга яқин ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнга жалб қилиш воситасига айланди. Президентнинг ижтимоий тармоқларда фойдаланувчи сифатида аккаунтининг пайдо бўлиши унинг ижтимоий тармоқлардаги обрўсининг ўсишига ёрдам берди. Шу воситалар ёрдамида Президент жамиятнинг ички ривожланиш йўналишини аниқлаб олди. Замонавий фанда бундай ёндошишга тизимли ёндашув дейилади ва ижтимоий-сиёсий маънода давлатни демократик, халқчиллик асосда бошқариш сифатида баҳоланади.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш вазифаси ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда. Президент ҳокимиятдаги бошқарувнинг марказлашганини бартараф этиш бўйича лойиҳани тайёрлашни буюрди, бунда эса маҳаллий ҳокимият ва маҳалла жамоаларига кўпроқ масъулият юкланди. Ўзининг сайловолди кампанияси даврида ҳам у келгуси йилларда маҳаллий ҳокимлар овоз бериш орқали сайланишларини ва улар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун жавобгар бўлишларини таъкидлаган эди.

Одамларнинг Президентга бўлган ишончи ортиб бормоқда, одамлар унинг фаолияти ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини англадилар.Ишончнинг ўзи улкан яратувчанлик кучига эга, одамларнинг адолатга бўлган ишончи мустаҳкамланди, ёркин келажакка муайян иштиёқ пайдо бўлди, янада яхши ишлаш, ўз ишига масъулиятли муносабатда бўлиш, жамият, қонунларни ҳурмат қилишга интилиш кучайди.

Президентнинг зиёлилар ва ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги диққатга сазовордир. Президентнинг фикрича, зиёлиларнинг нуқтаи назари, диннинг ижобий имкониятлари, қўллаб-

қувватлашидан фойдаланмасдан туриб, кейинги қадамларни ташлаб бўлмайди. Шу сабабли Прзезидентнинг ижодкорлар, илм-маърифат аҳли, зиёлилар, ёшлар ва дин вакиллари билан учрашувлари жамоат ҳаётидаги ўзига хос янгилик бўлди. Илм-фан соҳасини қўллаб-қувватлаш мавжуд ишланмаларнинг амалий равишда бажарилишига катта туртки берди. Маданият соҳасида у шахсий манфаатпарастлик каби салбий анъаналарни танқид қилди ва адабиёт ҳамда санъатнинг бизнесга айланишига йўл қўйилмаслигини таъкидлади. Президентнинг диний соҳа вакиллари фаолиятига янгича ёндашуви Ислом динининг салоҳиятидан тўғри фойдаланиш имконини берди. Эр-Риёд, Нью-Йорк каби шаҳарларда қилган маърузаларида Ислом динининг зўравонлик ва қон тўкиш билан ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, унинг чинакам инсонпарварлик моҳиятини тарғиб қилиш нафақат мусулмон дунёси, балки бутун дунё учун стратегик аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бундай сиёсат бизнинг давримизда ўта муҳим амалий аҳамиятга эга.

Президент одил судлов тизимининг самарадорлигини ошириш, адолатли ва мустақил суд жараёнларини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунларга имзо чекди. Ўқитувчилар, талабалар, шифокорларни пахта теримига жалб этишни қатъиян тақиқлади ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича институтлари билан мулоқотни қайта тиклади. Меҳнат миграцияси ва уни расмийлаштириш муаммоси ҳар томонлама ҳал қилинди. Меҳнат вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига айлантирилди.

Бошланган бундай тизимли ўзгаришлар кейинги ривожланиш учун мустаҳкам асос яратди. Бир қатор нашрларнинг эътирофига кўра, Ш.М.Мирзиёев қарорларни қабул қилишга тизимли ёндошади ҳамда муаммоларни турли идора ва ташкилотлар билан ҳал қилади. Ташқаридан кўриниб турибдики, Президент барча жиҳатлар бўйича якка тартибда ҳаракат қилади, лекин аслида у бутун тизимли муаммоларни ҳал қилишни, жамиятимизни ташкил этувчи барча унсурларни ислоҳ қилишни ўз зиммасига олди. Бу, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида яққол

намоён бўлди. Биринчи мурожаат 2017 йил якунлари ва республиканинг янги ривожланиш босқичи ва 2018 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг етакчи йўналишларига бағишланди.

Йил давомида барча куч ва воситалар Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларини бажаришга йўналтирилди. 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот йили» деб номланиши давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда муҳим қадам бўлди. Амалга оширилаётган кенг кўламли, кенг қамровли ислоҳотлар халқ томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ислоҳотларнинг дастлабки натижалари одамларнинг кундалик ҳаётига ижобий таъсир кўрсатмоқда, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва келажакка ишончи тобора ўсиб бормоқда.

Мамлакат ҳаётига тегишли ҳар бир қарор одамлар билан маслаҳатлашиб, улар билан мулоқот қилиш орқали қабул қилинади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», деган ғоя бизнинг фаолиятимизнинг асосий қоидасига айланди. Давлат хизматчилари, биринчи навбатда, идоралар раҳбарлари аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланмоқда. Шу маънода, 2017 йил халқ билан алоқа тизимини яратиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини самарали ҳал қилиш йили бўлди. Шу билан бирга, фуқароларнинг мурожаатлари билан иш олиб борадиган халқ қабулхоналари ва Президентнинг виртуал қабулхоналари ўзларини демократиянинг асл институтлари сифатида оқладилар.

Ижтимоий адолатни таъминлашда одамларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда суд органлари тизимида, прокуратура ва ички ишлар вазирлиги идораларида катта ўзгаришлар амалга оширилди. 2017 йилда «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи», Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармасининг тузилиши, 1100 ва ундан ортиқ кишининг фуқаролиги тикланиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг амалий намунаси бўлди.

Ўзбекистон Президенти 2017 йил иқтисодиётнинг замонавий талабларга жавоб берадиган даражада шаклланиш ва самарали ислоҳотлар йили бўлганини катта мамнуният билан таъкидлади. Кўриниб турибдики, у бир қатор қонунлар, фармонларни қабул

қилишда иқтисодиётни мутлақо янги асосда ташкил этиш, уни янада либераллаштириш, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган дастурларни ёдда тутган.

Президент рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантирмасдан ижтимоий ва бошқа муаммоларни ҳал қилиб бўлмаслигидан келиб чиққан ҳолда иш тутди. Президент раҳнамолигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар давлатнинг жамоат соҳасига аралашувини камайтиришга, тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнесга кўпроқ эркинлик беришга қаратилган. Хусусан, банклар имтиёзли ставка бўйича кредитлар беришни бошладилар, янги бизнесни бошлаш учун талаб қилинадиган бюрократик ҳужжатлар сони 6 тадан 1 тагача қисқартирилди (2017 йилдан бошлаб 30 дақиқада онлайн режимида бизнесни рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилди). Ўзбекистон ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш марказлари тармоғи яратилди, бу марказларда давлат органларининг барча хизматларини бир жойдан олиш мумкин.

Юқорида келтирилган фикрларни тасдиқлаш учун Президент қисқа вақт ичида 161 та йирик саноат объекти фойдаланишга топширилганини таъкидлади. Бу 2018 йилда 1,5 триллион сўмлик қўшимча маҳсулот олиш имконини берди. Ушбу янги объектлар қаторига 2,5 миллиард кВт электр энергия ишлаб чиқариш имконига эга бўлган Тошкент иссиқлик электр станциясининг буғ-газ қурилмаларини қўшимча равишда киритиш мумкин. Фарғона-Марғилон йўналиши бўйича темир йўлни электрлаштириш ишлари олиб борилди.

2017 йил муҳим воқеа – миллий валютани эркин конвертациялаш жорий этилгани билан ёдда қолди. Юридик ва жисмоний шахслар тижорат банкларида чет эл валютасини чекланмаган миқдорда сотиб олиш ва сотиш имкониятига эга бўлди. Либераллаштириш даврида валюта олди-сотдиси бўйича битимлар ҳажми 1,5 баравар ошди ва 1,3 миллиард долларга етди. Шу жумладан давлатнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди. 2017 йилда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зоналари ташкил этилди. Уларнинг фаолияти

ҳудудларнинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда, яна 50 та саноат зонасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Йил давомида Президент таъкидлаганидек, янги иш ўринларини яратиш асосий эътибор марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш соҳасида янги хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 336 мингта янги иш ўринлари яратилди. Давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни босқичма-босқич амалга ошириш давом эттирилди.

Узоқ вақт давомида мамлакатда давлат бюджети ходимлари, кам таъминланган оилалар учун уй-жой муаммоси ҳал қилинмади ва бу муаммо давлатнинг эътиборидан четда қолиб келди. Ш.М.Мирзиёев тақдим этган маълумотларга кўра, фақат 2017 йилда аҳолининг аҳволини ҳисобга олган ҳолда имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобидан арзон уй-жойлар қурилиши бошланди. Шаҳар ва қишлоқларда 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ намунавий уй-жойлар қурилди, кўп қаватли уйлар 2007 йилга нисбатан 20 баравар, 2014 йилга нисбатан 2 баравар кўп бунёд этилди. 25 йил ичида биринчи марта барча қулайликларга эга бўлган кўп қаватли уйларни арзон нархларда қуриш вазифаси қўйилди.

2017 йилда янги таълим муассасаларини қуриш ва мавжуд таълим муассасаларини таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди, 12 та умумтаълим мактаблари янгидан қурилди, 320 та мактаб реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди, 107 та мактабгача таълим муассасалари реконструкция қилинди ва 195 та болалар боғчалари капитал таъмирланди. Ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ҳамда кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истаклари асосида мамлакатдаги 11 йиллик умумий таълим тикланди.

Республика университетларида ўқитувчиларни тайёрлаш учун иқтисодиётнинг реал сектори эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилди, сиртқи ва кечки бўлимлар очилди. Олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс дастур қабул қилинди. 2018 йилда университетлар сони кескин кўпайди,

Ўзбекистон Фанлар академиясининг моддий-техник базаси кучайтирилиб хийла мустаҳкамланди. Президентнинг сўзларига кўра, буларнинг барчаси Ўзбекистонни илм-фан, интеллектуал салоҳият, замонавий кадрлар тайёрлаш, юқори технологияларни жорий этиш соҳалари бўйича дунё мамлакатлари орасида рақобатбардош шерикка айлантиришга қаратилган.

Маданий-гуманитар соҳада, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳам алоҳида аҳамиятга моликлиги билан ажралиб туради.

Ташқи сиёсат соҳасида салмоқли ютуқларга эришилди. Хусусан, 2017 йилда 21 та саммит бўлиб ўтди, давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан 60 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Натижада 60 миллиард долларлик 400 дан ортиқ савдо-молиявий шартномалар имзоланди ва келишувларга эришилди. Ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида бажарилиши ва амалга оширилиши учун 40 та йўл харитаси ишлаб чиқилди.

2018 йил «Тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар йили» деб эълон қилинди. Чунки, тадбиркорлик фаолияти йўлида кўплаб тўсиқлар мавжуд эди (ноқонуний текширишлар ва аралашувлар, ортиқча бюрократик тўсиқлар, ресурслардан фойдаланишда шароитлар тенгсизлиги, рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қиладиган ортиқча имтиёзлар). Буларнинг барчаси инобатга олинган ҳолда, ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда барча тадбиркорларга тенг имкониятлар яратиш бўйича фаол чоралар кўрилиб, тадбиркорлик субъектлари ноқонуний текширувлар ва давлат хизматчиларининг ортиқча тазъйиқидан халос бўлди.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири бу - божхона қоидаларининг такомиллашмаганлиги эди. Жаҳон банкининг маълумотига кўра, Ўзбекистон экспорт-импорт ҳужжатларини қайта ишлаш бўйича 190 мамлакат орасида 175-ўринни эгаллайди. Бельгияда ҳужжатларни расмийлаштириш учун атиги бир соат вақт кетади ва бизда айнан шу ишларни амалга ошириш учун бир неча ой керак бўлади. Нима учун шундай, деб сўрайди Президент, шунингдек товарлар ҳажми республика ичида бир неча бор текширилиши керак. Ривожланган мамлакатларда божхоналар мавжуд хавф ҳақида огоҳлантириш тизими билан

чекланган. Ушбу амалиёт бизнинг мамлакатимизда жорий этилиши керак. Асоссиз текширувлар бизнеснинг ривожланишини кечиктиради, ташқи савдо самарадорлигини пасайтиради.

2018 йилда давлат раҳбарининг талабига биноан давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим яратилди. Банк молия тизими иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга, шунинг учун тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкамланиши керак. Бу «хуфёна иқтисодиёт» га қарши муҳим воситадир. Қисқа вақт ичида халқаро стандартларга асосланиб, валютани эркинлаштириш жараёни бошланди. Бу валюта бозоридаги ислоҳотларнинг бошланиши эди.

Солиқ сиёсати бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида олиб борилиши керак. Сармоядорларни жалб қилиш учун солиқ тизими қайта кўриб чиқилмоғи лозим. Барча турдаги бизнес учун солиқларни камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқариш ва солиқ базасини кенгайтириш керак. Сармоядорлар нуқтаи назаридан солиқ тизими узоқ муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Солиқ сиёсати ва уни амалга ошириш амалиёти бу нарсаларни билиши керак.

Президентнинг мурожаатида афсус билан таъкидланганидек, бизда инвестициялар бўйича узоқ вақтга мўлжалланган, шакллантирилган дастурларни ўзида мужассамалаштирган аниқ концепция йўқ. Президент бошқа давлатларга ташрифи чоғида хорижий сармоядорлар билан бир неча миллиард долларлик шартномалар имзолаганини эслади. Бироқ, бу борада ишлайдиган тизим йўқлиги сабабли ушбу шартномаларнинг ижроси ёмон бажарилмоқда. Шу сабабли узоқ вақт давомида илк марта концепция ишлаб чиқилади ва биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг Давлат ривожланиш дастури қабул қилинади. Ушбу дастурларни молиялаштириш учун маблағлар шакллантирилади. Бундан буён ҳокимлар, давлат идоралари ва муассасалар раҳбарларининг иш фаолиятига баҳо бериш инвестицияларни жалб қилиши, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлиги, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиши, янги иш ўринлари яратиши асосида белгиланади.

Маълумки, биз Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия ва Эвропа Иттифоқи мамлакатлари

каби шериклар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Биз ўз маҳсулотимизни жаҳон бозорига экспорт қилиш учун транспорт ва транзит йўналишларини шакллантиришга алоҳида эътибор беришимиз керак. Айни пайтда бизнинг юкларимиз Қозоғистоннинг транзит йўллари орқали ўтади. Ушбу йўналишнинг имкониятлари чекланган. Логистика йўналишларини диверсификация қилиш учун қўшни давлатлар билан музокаралар олиб боришимиз керак. 2018 йилда ЖСТга кириш бўйича музокаралар ўтказиш кўзда тутилган эди. Бизнинг асосий мақсадимиз - «ўзбек бренди» номи остида юқори сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи эканлиги ҳақида гапирганда, қишлоқда мамлакат аҳолисининг 51 фоизи истиқомат қилишини таъкидлаш лозим. Бироқ, ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 17 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш эса 10 фоизга етмайди. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ошади. Бундан келиб чиқадики, қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарур.

Бизнинг тўқимачилик саноатимиз 1 миллион 400 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қобилиятига эга, аммо пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг рентабеллиги паст. Шу сабабли, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида тўқимачилик соҳасидаги тадбиркорлари учун нафақат «Ўзпахтасаноат» АЖ орқали, балки тўғридан-тўғри фермерлардан пахта сотиб олиш тартиби жорий этилди. Бундан ташқари, Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш бўйича тажриба бошланди.

Чорвачилик соҳасида яқин келажакда ихтисослашган чорвачилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фермалари, республиканинг ҳар бир вилоятида иссиқхоналар ташкил этилди. Ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинади, бу ерда эса бир йилда 10-15 миллиард доллар миқдорида маҳсулот экспорт қилиш имкони бор. Фермер хўжаликларида этиштирилган маҳсулот ҳажми ва сифати бўйича ягона маълумотлар базаси яратилиши керак.

Президент қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш ва экспортга йўналтириш борасида қарорлар қабул қилиниши натижасида янги экинларни етиштириш бўйича чоралар кўрилди, шунингдек, анъанавий ўрик, гилос, майиз, узум, помидор ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди. Шундан Испания ва Италияга каперс, Ливанга ёнғоқ, Вьетнам, Исроил ва Чехияга майиз, Белгия ва Голландияга қуритилган мевалар, Швейцарияга узум ва полиз мевалари экспорт қилинмоқда. Мамлакатнинг жанубий минтақаларида шафран, кўплаб доривор ўсимликларни етиштириш бу – янги ғоя ҳисобланади. Бу фармацевтика саноатининг қишлоқ хўжалигида бевосита иштирок этаётганини кўрсатади.

Давлат миқёсидаги энг йирик лойиҳалардан бири бутун мамлакат бўйлаб гилос боғларини яратиш эди. Президентнинг 2017 йил 21 июндаги фармони фермерларга «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компаниясининг экспорт монополиясидан қутулиб, ўзлари етиштирган мева-сабзавот маҳсулотларини тўғридан-тўғри хорижий давлатларга сотишига ижозат берди.

Кейин Президент минтақавий иқтисодиётни жадал ривожлантириш масалаларига тўхталди. Бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг минтақа иқтисодиётини ривожлантириш учун жавобгарлигини кучайтириш кераклиги таъкидланди. Ҳудудларни ривожлантириш бўйича давлат билан шериклик концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш орқали субвенциялардан воз кечиш ҳудудлар олдидаги энг муҳим вазифалардан бири саналади. Президентнинг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори субвенция муаммосини ҳал қилишга йўналтирилган эди. Ушбу Қарорга биноан тижорат банклари томонидан кредит бериш филиал даражасида ҳал этилади. Бироқ, банк кредитларининг катта фоизлари тадбиркорни маҳаллий бюджетнинг солиқ базасини кўпайтириши ўрнига солиқ тўловларидан қочишга ва фақат кредит бўйича фоизларни тўлашга мажбур қилади. Ҳудудий банкларнинг ҳисобидаги маблағлар минтақа фойдасига ишламайди ва Марказий банкнинг ихтиёрига кўра тақсимланади. Бундан ташқари, банклар ўз фаолиятидан олинган даромадларни эркин тасарруф эта олмаган. Ўзларининг фаолияти учун масъул бўлган банк филиаллари

қарор қабул қилишда мустақил бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Омонатларни жалб этувчи банкларга талаб ва таклиф асосида ўзларининг кредит фоизларини белгилаши ва фойдани ўз хоҳишларига кўра тақсимлашга рухсат берилиши керак. Кредитлар – бу қўшимча иш ўринлари ва маҳаллий бюджетни кўпайтириш демакдир. Унинг ўсиши инвесторларни жалб қилиш имконини беради. Хулоса: Марказий банк ваколатларини чеклаш керак.

Ҳокимнинг асосий вазифаси: янги иш ўринлари яратиш ва солиқ базасини кенгайтиришдан иборат бўлиши керак. Тадбиркор ва ҳоким ҳамкорлар сифатида ушбу муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.

Хавфсизлик масалаларига эътибор қаратар экан, Президент дунёда иқтисодий рақобат, ахборот қарама-қаршилиги ва террористик таҳдид кучайиб бораётганини таъкидлади. Дунёнинг турли бурчакларида, айниқса Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фаолиятимиз мамлакат тинчлигини таъминлашга, ҳар қандай таҳдидларга қарши курашишга қаратилган бўлиши керак. Бундай шароитда бу жараёнга ҳокимнинг диний ишлар бўйича ўринбосарлари, ташкилотнинг масъул ходимлари, маҳалла раҳбарлари, ёшлар ва аёллар ташкилотлари фаоллари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва бошқалар жалб қилиниши керак.

Диний экстремизм оқимларига адашиб кириб қолган фуқароларни реабилитация қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ахборот информацион дастурлари орқали зарарли ғоялар тарқалишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар идоралари таркибида бўлимлар ташкил этилган. Уларнинг вазифалари доирасига диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро уйғунлик ва фуқаролик ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш масалалари ҳам киради.

Мамлакат мудофаа тизими, унинг ҳарбий жанговар ҳолати, аскар ва офицерларнинг тайёргарлиги тўғрисида гапирар экан, Президент уларнинг тез ўзгарувчан дунёнинг талабларидан ортда қолаётганини таъкидлади. Бироқ, армияда ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларнинг жанговар самарадорлиги ошиб бораётгани жараёни бошланди. Мудофаа доктринаси қабул қилиниб Миллий гвардия тузилди, армияни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилди,

Ҳарбий саноат бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди, Қуролли Кучлар академиясининг ҳарбий кадрлар тайёрлаш бўйича фаолияти жонланди.

Ташқи сиёсат соҳасида яқин ва узоқ хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилди.

У ўзининг Олий Мажлисга қилган мурожаатини якунлар экан, агар биз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимизни алдамасак ва виждонан ишласак, биз шубҳасиз кўзланган мақсадга эришамиз, деб қуйидагиларни айтди: «Мен кўп қийинчиликларни ўз бошидан ўтказган бағрикенг, яратувчан халқимнинг метин иродасига ишонаман». Бу ерда беихтиёр ёзувчининг қуйидаги сўзларини эслайсиз: «Биз бахтли деб атайдиган ҳаёт чўққида ва унга борадиган тик йўлни кўплаб қоялар тўсиб турибди, яхшиликдан зинапоялар қилиб ўша чўққига чиқиш керак. Бу чўққида барчаси тугайди. Чунки бу ер - бизнинг саёҳатимизнинг сўнгги манзилидир". Шунинг учун ҳамма шу ерга интилади, лекин Навоий ёзганидек: «Фақат хоҳиш кифоя эмас, уриниш, ҳаракат қилиш керак»[182].

Ш.М.Мирзиёев тизимли ёндошувдан фойдаланиб, ўз мурожаатида Ўзбекистоннинг барча долзарб муаммоларини кўтариб, вазиятни дадил ва самимий таҳлил қилиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги камчиликларни аниқлади, мавжуд муаммоларнинг реал, мутаносиб ва пухта ўйланган ечимларини кўрсатди. Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, оммавий ахборот воситалари давлат раҳбарининг нутқини ижобий баҳоладилар ва Ш.М.Мирзиёев мамлакат Президенти сифатида залга кириб, у ердан умумэътироф этилган миллий Йўлбошчи сифатида чиқиб кетди, деб ёздилар. Президентнинг рейтинги юқорилигини инобатга олган ҳолда айтишимиз мумкинки, оммавий ахборот воситаларининг ушбу баҳоси аҳолининг мутлақ кўпчилигининг фикри билан тўлиқ мос келади.

2017 йил мамлакат банк-молия тизими учун муҳим йил бўлди, чунки кўплаб банкоматлар ўрнатилди. Биргина Тошкент шаҳрида 1000 га яқин банкомат пайдо бўлди. Маҳаллий аҳоли улардан банк карталаридаги нақд пулларни олиш учун фойдалана

[182] Шевердин М.И. Перешагни бездну. Избранные произведения. Т.1. - Т.: Из-во литературы и искусства им .Г.Гуляма, 1990. 436 бет.

бошлади. Аввалроқ, 2004 йилда Uzcard компанияси томонидан чиқарилган карталардан фойдаланилган бўлса, 2017 йил апрель ойидан Ўзбекистон Марказий банки томонидан тасдиқланган Global Uzcard ўз фаолиятини бошлади. Миллий банк хизматларига янги кириб келган бу компания хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун халқаро тўловлар тизимига уланди.

Президентнинг катта саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда миллий валюта - сўмни конвертация қилиш муаммоси ниҳоят ҳал қилинди. Ушбу муҳим масаланинг асоссиз кечикиши оддий одамларнинг елкасига оғир юк бўлиб тушган эди ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қиларди. Сўм эркин муомаладаги валютага айланди. 2017 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон резидентлари хорижий валютасини бозорда белгиланган курсларда сотиш ва уни хорижда фойдаланиш учун конверсион карталар орқали чекловларсиз сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони орқали эришилди. Ушбу Фармон, биринчи навбатда, барча хўжалик юритувчи субъектларга ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун тенг шароитларни яратишга, қора валюта бозоридаги алмашув курсини йўқ қилишга, маҳаллий ҳамда ташқи бозорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарлари ва хизматлари нархининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган эди.

Фармонда қайд этилишича, «фақат бозор механизмлари асосида иш олиб борадиган мамлакатда валюта бозорини ислоҳ қилиш, барча банкларнинг мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун валюта савдосига эркин киришини, шунингдек, мижозларга ўзларининг хорижий валюталари билан чекловларсиз тасарруф этишни назарда тутади».Фармон амалдаги халқаро операцияларни амалга ошириш учун банкда юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш кафолатини беради. Хусусан, юридик шахслар ўзларининг маблағларини банкларда мавжуд халқаро операциялар учун чекловларсиз, шу жумладан, товарлар, ишлар ва хизматлар импорти, фойдани қайтариш, қарзларни

қайтариш, нотижорат характердаги бошқа пул ўтказмаларини эркин равишда эркин муомалага чиқаришлари мумкин. Фармонга мувофиқ, бундан буён мамлакатда товарлар ва хизматлар учун тўловлар ва давлат божларини ундириш, товарлар ёки хизматларнинг нархлари фақат миллий валютада амалга ошириладиган бўлди.

Ҳаракатлар СтратегиясидаЎзбекистонда сайёҳлик саноатининг янада ривожланиши қайд этилган. Сайёҳликни янада ривожлантириш дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонидан сўнг аниқ амалга оширилди[183]. Ушбу Фармонда инвестицияларни жалб қилиш, мавжуд ресурслардан, Ўзбекистоннинг бой табиий, маданий ва тарихий меросидан фойдаланган ҳолда туризм соҳасига инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш зарурлиги таъкидланган. Фармонда 2018 йил 10 февралдан бошлаб Исроил, Индонезия, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония фуқаролари учун республика ҳудудига кириш кунидан бошлаб 30 кун муддатга визасиз режим ўрнатилган. Бундан ташқари, 39 та мамлакат фуқаролари учун учун 2018 йил 10 февралдан бошлаб сайёҳлик визаларини расмийлаштириш ва уларни 2 иш куни ичида бериш, шунингдек, 2018 йил 1 июлдан бошлаб электрон расмийлаштириш тизими ишга туширилиши белгиланди. Ушбу тартиб Европа Иттифоқи, Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ҳиндистон, Канада, Янги Зеландия ва АҚШ фуқароларига жорий этилиши белгилаб қўйилди. Фармон қабул қилиниши билан ўқув сафари ва мамлакат бўйлаб саёҳатларни ташкил этиш дастури ишга туширилди. Ушбу дастур доирасида миллионга яқин фуқароларимиз – ўқувчилар, талабалар, ногирон болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва бошқалар мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиш имкониятига эга бўлишди.

Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун меҳмонхоналар, йўллар, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси қурилиши бўйича инвестиция лойиҳаларини

[183] Интернет ресурс: http://www.natlib.uz/ru/News/ReadMore/862

молиялаштириш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит йўналишларини очиш кўзда тутилди. Фармонда уларга даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва 3 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод қилиш шаклида имтиёзлар берилди. Туну-кун фаолият кўрсатадиган "Дунё бўйлаб" телеканали Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий ахборот ҳамкори сифатида белгиланди. Тизимли муаммоларни қисқа вақт ичида ҳал қилиш учун Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бу эса туризм соҳасида давлат сиёсатининг янги асосларини яратди.

Президентнинг 2018 йил 3 февралдаги Фармонидан сўнг, 2018 йил 7 февралда «Туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори чиқди. Ушбу Қарорга биноан ички туризм минтақаларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш фуқароларни мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликлари билан таништиришда муҳим омил сифатида белгиланди. Манфаатдор ташкилотларга бир ой ичида туризм субъектларини жалб қилган ҳолда туризм инфратузилмасининг имкониятларини ҳисобга олиб, туризм соҳасига ёшларни жалб этган ҳолда саёҳатлар ва экскурсияларни ташкил этиш муддатларини тасдиқлаш топширилди. Ички туризмни Интернет, оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Қарорда фуқаролар учун сайёҳлик ва диққатга сазовор жойларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар паритет асосида жамоа шартномаларига мувофиқ иш берувчилар ҳисобидан тўланиши кераклиги белгиланди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 18 июлда "Туризм тўғрисида"ги қонунни имзолади.[184] Қонун Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратди. Қонунга мувофиқ, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади. Жисмоний ва юридик шахсларга сайёҳлик объектлари тўғрисида зарур маълумотларни тақдим этадиган, шунингдек,

[184] Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни. 18 июль 2019 йил.

уларни тарғиб қиладиган туристик ахборот марказлари ташкил этилди.

Туризм нафақат информацион, балки характер ва ирода тарбиячиси ролини ўйнайди. Муаллифлардан бири ёшлигида яхши кўрган тоғ туризмининг ижобий таъсирини бошидан кечирган. Тоғларга ҳар бир ташрифдан сўнг, одам ақлли бўлиб қолгандай туюлар эди. “Агар сиз ўз давлатингизнинг, бутун дунёнинг ҳақиқий ўғли, билимли, маънавий эркин, мард, инсонпарвар, меҳнат ва кураш, маънавий қадриятларни яратадиган инсон бўлишни истасангиз бўш вақтингиздан унумли фойдаланинг ҳамда узоқ саёҳатларга чиқиш анъанасига содиқ қолинг. Чунки ҳар бир саёҳат гўзаллик оламига эврилиб кетишдир”, деб ёзган эди К.Г.Паустовский.[185]

Ҳақиқатан ҳам ноёб, бетакрор, муҳташам меъморий обидалар ўзларининг ижодкорлари ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этиб, ўша даврдаги одамлар ҳаёти, урф-одатлари, маданияти ва дини ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу тарихий мўъжиза намуналаридан баҳраманд бўлганларнинг барчаси бу мўъжизаларни ўз хотираларига жойлаб кетади, кейин ўзларининг қанчалик доно бўлганликларини синаб кўриш учун қайта-қайта бу маконларга қайтишни қўмсаб яшайдилар.

[185] Путрик Ю.С., Свешников В.В. Туризм глазами географа. - М.: Из-во «Мысль», 1986. - С.3.

XIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ҲАЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармонида 2017-2021 йилларда мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари белгилаб берилди.[186] У Ўзбекистон Республикасининг энг янги тарихида муҳим босқич бўлиб, ҳақиқатан ҳам замонавий тамаддун барпо этиш йўлида ривожланиш ва қурилишнинг янги, тўртинчи босқичининг бошланишини англатади. Ушбу ҳужжат ўз кўлами ва мустақилликнинг дастлабки йилларидан тўпланиб қолган мавжуд муаммоларнинг барчасини ўзида жамлагани, бозор иқтисодиётига ўтишнинг учинчи босқичидаги, шу жумладан 2016 йилгача бўлган муаммоларни ҳам қамраб олгани билан чуқур таассурот қолдиради. Бошқача айтганда, ҳаётнинг ўзи яқин йиллар учун ривожланишнинг тўртинчи босқичига замин яратди.

Ўтган йиллардаги улкан ютуқлар Ҳаракатлар стратегиясида ўзининг холисона баҳосини олган. Президент қарорида таъкидланишича, аввалги ислоҳотлар давлатчилигимиз ва суверенитетимиз, хавфсизлигимиз, давлат чегаралари дахлсизлиги, жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлади ҳамда буларнинг барчаси халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, унинг яратувчанлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча шароитларни яратди.

Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишда Ш.М.Мирзиёев тизимли равишда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни таҳлил қилган. Унинг учун тизимни ташкил этувчи омиллар фуқароларнинг мурожаатлари, фикрлари, ушбу фикрларни ҳисобга олган ҳолда, муаммоларини ҳал қилиш, кейин иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги ҳақиқий аҳволни «халқ билан мулоқот» орқали баҳолаш, яъни Ўзбекистон келажаги учун нафақат раҳбарлар, балки бутун халқ жавобгардир, деган тамойилни амалга оширишдан иборат эди. Шунингдек, экспортга

[186] Интернет ресурс: http://lex.uz

йўналтирилган иқтисодиёт, ёшлар, зиёлилар ва маърифий исломга асосий урғу берилди. Ташқи сиёсат соҳасида прагматизм, минтақавий ҳамкорлик каби ёндошувлар асосий ўрин эгаллади.

Макроиқтисодий барқарорлик, юқори иқтисодий ўсиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракати - бизнинг ютуқларимиз ҳисобланади. Бироқ, жаҳон бозоридаги ўзгарувчан шароитлар ва ўсиб бораётган рақобат: ташқи, кейин ички бозор биздан янги ёндашув ва ривожланишнинг янги тамойилларини талаб қилди. Бир вақтнинг ўзида, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов: «Агар биз иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини, яъни ишлаб чиқариш соҳалари ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, уларни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни таъминламасак, эртага ташқи ва ички бозор биз ишлаб чиқарган маҳсулотларни қабул қилмайди", деб огоҳлантирган эди.[187] Бундан келиб чиқадики, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, жамиятнинг барча соҳаларини модернизация ва диверсификация қилиш, шунингдек эркинлаштириш жуда муҳимдир. Шу сабабли Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган, бешта йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чикди.

Ҳаракатлар стратегияси, аслида, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг муҳим ва белгилаб берадиган йўналишларини қамраб олади, уларни босқичма-босқич ҳал қилиш орқали одамларнинг турмуш даражаси, тарзи ва сифатини яхшилаш учун зарур бўлган, халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган моддий-техник ҳамда технологик базани яратишни назарда тутади. Бу эса, ўз навбатида, республикамизни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилишининг асосидир. Президентнинг фармонида стратегиянинг ривожланишини белгиланиб, кўзланган мақсадларга эришиш учун амалга оширилиш йўналишлари бўйича аниқ тактикалар ва амалий зарур ечимлар кўрсатиб берилган.

Бир сўз билан айтганда, Президентнинг фармони ҳар томонлама, пухта ўйланган ва келгусидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Ўзбекистон жамиятининг ҳаёти, эришилган

[187] Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Ислом Каримов нутқидан. 2015 йил 11 апрелдаги «Халқ сўзи» газетаси.

ютуқларни ҳисобга олсак жуда катта ва кенг кўламли ва шу маънода тушунарлики, у замонавий, ҳатто стратегик характерга эга бўлса ҳам, қабул қилинган дастурларга тўлиқ мос келмайди. 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури, агар жамиятда мавжуд бўлган маънавиятни яхшилашга қаратилган туб ислоҳотларни ўз ичига олса, кутилмаган ҳолда ижобий натижалар бериши мумкин. Бироқ, маънавият масаласи, эҳтимол, 2021 йилдан кейин ўз долзарблигини йўқотмайди, бу бизнинг жамиятнинг ахлоқий ҳолатини, инсон капиталининг хулқ-атвор муносабатларини, уларнинг моддий-техник ва технологик базага мутаносиб ҳамда муносиблигини яхшилаш бўйича ҳаракатларимизни давом эттиришимизни талаб қилади. Фақат маънавият, ижтимоий ахлоқни ҳар томонлама такомиллаштириш орқали фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш мумкин. Сиёсий, ҳуқуқий ва фуқаролик маданияти мавжуд бўлган тақдирдагина «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга ошириш мумкин. Ушбу тамойилнинг мазмун–моҳияти мамлакатни бошқаришда фуқароларнинг ролини доимий равишда оширишдан иборат. Чунки, тарих шуни кўрсатадики, жамоатда тартибни кучайтириш учун фақат кучли давлат етарли эмас - кучли жамият ҳам зарур.[188]

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов биз XX1-асрда - интеллектуал меҳнат, интернет ва глобаллашув асрида яшаётганимизни ва муваффақиятимизнинг асосий пойдевори онг, тафаккурнинг ўзгариши, халқимизнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти, дунёқарашининг ўсиши эканлигини таъкидлади.[189] Буларнинг барчаси халқимизга сиёсий ва ҳуқуқий саводхонликни берадиган онгни такомиллаштириш муаммоси билан боғлиқ. Биз онг соҳасида олдинга катта қадам қўйдик ва маънавият соҳасида ҳам ҳали кўп иш қилиниши керак. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастур ечимларининг ворисийлиги ва мустақиллигини кузатиш учун биз Президент Ш.Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган бешта устувор йўналишларга мурожаат қиламиз.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг

[188] Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Ислом Каримов нутқидан. 2015 йил 11 апрелдаги «Халқ сўзи» газетаси.
[189] Ўша ерда.

биринчи Президенти даврида бир неча бор кўриб чиқилган. Бу ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини, мамлакат сиёсий тизимини ривожлантиришда партияларнинг ролини кучайтириш ва партиялар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамоат қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлди.

Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишда давлат бошқарувининг ўта марказлашувидан воз кечиш ва иқтисодий бошқарувда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартиришга эътибор қаратилди. Масаланинг кун тартибига бундай қўйилиши хусусий мулк эгаларига берилган эркинлик, имтиёзлар давлатнинг иқтисодиётдаги улуши ва даражаси, стратегик ҳамда иқтисодий жиҳатдан оқланган ўлчамларгача камаймагунча кутилган натижаларни бермайди, дэган қарашга тўлиқ мос келади.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматлари самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш мақсадида жамоатчилик назоратининг замонавий шаклларини яратиш, ижтимоий шериклик, маҳалла институти самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш кабилар кўзда тутилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи аниқ йўналиши – бу қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилиш керак бўлган ислоҳотлардир. Аввалроқ, ушбу соҳада суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллиги, юқори ҳурматга сазовор бўлишини таъминлаш, бу тизимни демократлаштириш ва такомиллаштириш вазифалари қўйилган эди. Шу билан бирга, судларга ноқонуний таъсирларнинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, суднинг мустақиллиги, бетарафлиги, томонларнинг тенглиги ва мунозарали тўқнашуви тамойили, суднинг тергов ҳаракатлари устидан назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида ҳал этилиши, фуқароларга суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

ва назорат органларига мурожаат қилишда бюрократик ёндашувнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилиниши кафолатлари қайд этилган. Маъмурий, жиноий, фуқаролик ва иқтисодий қонунчиликни такомиллаштиришга эътибор кучайтирилди. Хусусан, айрим жиноий ҳаракатларни декриминаллаштириш, жазоларни инсонпарварлаштириш, жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши кураш тизимини такомиллаштириш йўналишидаги жиноий-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва либераллаштириш, шу қаторда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва билимларини ошириш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш белгилаб берилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи қисми иқтисодий ривожланиш ва эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган. Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишининг олдинги уч босқичида макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Ривожланишнинг ушбу босқичида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш кўзда тутилган. Шу билан бирга, макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, ўрта муддатли ва институционал ўзгаришлар туфайли ЯИМнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга эътибор қаратилди.

Давлат бюджетининг ижтимоий харажатларга йўналтирилган қисмини сақлаб туриш билан бир қаторда турли даражадаги, шу жумладан, маҳаллий бюджетларнинг мутаносиблигини таъминлаш белгиланган. Солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини соддалаштириш сиёсати давом эттирилди. Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб пул тизимини такомиллаштиришга катта аҳамият берилди. Банк тизими, унинг капиталлашув даражаси, депозит базасини кўпайтириш, юридик ва жисмоний шахсларга кредитлар беришга катта эътибор қаратилди. Суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларни ривожлантириш бўйича амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар белгиланди.

Халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланишда қарз сиёсати алоҳида ҳисобга олинган. Ҳаракатлар стратегиясида «Иқтисодий мустақилликсиз сиёсий мустақилликка эришиш мумкин эмас» тамойилига амал қилган ҳолда, таркибий ўзгаришларни

чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатбардошлигини оширишга урғу берилган ҳамда миллий иқтисодиётда саноат, хизматлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари улушини ошириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Президентнинг дастурида 2030 йилда ялпи ички маҳсулотни икки баравар ошириш ва иқтисодиётнинг саноатдаги улушини 40 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу шуни англатадики, яқин беш йил ичида умумий қиймати 40 миллиард АҚШ долларига тенг 657та лойиҳа бўйича саккизта махсус дастурни амалга ошириш натижасида саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш мумкин бўлади. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш, транспорт коммуникациялари ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Маҳаллий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш орқали юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш мақсад қилиб қўйилди.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун иқтисодиёт тармоқлари ўртасида самарали рақобат муҳитини яратиш, тубдан янги технологияларни қўллаш орқали миллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босувчи тармоқларни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш зарурияти ҳисобга олинган эди.

Шунингдек, энергия ва ресурсларни тежаш, энергия тежовчи технологиялар[190], қайта тикланадиган энергия турлари, эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, замонавий юқори технологиялар хизматларини ривожлантириш, туризм, туризм инфратузилмаси, экспортни либераллаштириш, ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси масалаларига эътибор кучайтирилди.

Кейинги кичик бўлим қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, унинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга эришишга, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида жадал ривожлантиришга бағишланган эди. Бунинг учун таркибий

[190] Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёев 2019 йил август ойида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жадал чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилди.

ўзгаришлар пахта ва ғалла майдонларини қисқартиришни ўз ичига олди. Бўшаган майдонларда картошка, сабзавот, ем-хашак ва мойли уруғлар экилди, экин майдонларини оптималлаштириш орқали интенсив боғлар ва узумзорлар барпо этилди. Нафақат маҳсулот етиштириш билан шуғулланадиган, балки қайта ишлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этилди.

Дастур тайёр маҳсулотни комплекс қайта ишлаш ва қадоқлаш учун янги юқори технологияли қайта ишлаш заводларини қуришни ҳам ўз ичига олади. Инвестицион лойиҳалар асосида мавжуд корхоналарни реконструкция ва модернизация қилиш, шунингдек, замонавий агрокимёвий, молиявий ҳамда бошқа бозор хизматлари инфратузилмасини кенгайтириш кўзда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив, мелиорация ва ирригация иншоотларнинг ҳолатини яхшилаш, сув ва ресурсларни тежайдиган илғор агротехнология, юқори маҳсулдорли қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, шунингдек, юқори ҳосилдорликка эга ўсимликлар, наслли ҳайвонларни танлаб олиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш учун қуйидаги институционал ҳамда таркибий ислоҳотларни амалга оширишда: агар одамлар бой бўлса, давлат янада бой ва кучли бўлади тамойилига амал қилинди. Тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши, корпоратив бошқарувнинг мукаммал стандартларга мувофиқлаштирилиши, давлат-хусусий шериклик ҳамкорлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳамиятининг тобора ошиб бораётгани диққатга моликдир.

Сўнгги бўлим минтақаларни мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган. Хорижий минтақашунос олимларнинг изланишлари шуни кўрсатадики, минтақаларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1 фоиздан 3 фоизгача қўшимча ўсишини таъминлайди. Ушбу муҳим захирадан унумли фойдаланиш керак. Бунга маълум бир ҳудудда мавжуд бўлган хом ашёлардан комплекс фойдаланиш, уни чуқур қайта ишлаш, минтақанинг меҳнат ресурсларидан оқилона

фойдаланиш ва ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш бўйича минтақавий дастурларнинг асосларини яратиш орқали эришиш мумкин. 2017-2021 йилларга мўлжалланган минтақавий дастурларни амалга ошириш натижасида илгари субвенция олган 81 та ҳудуд ўз-ўзини молиялаштиришга ўтади ва 41 та туман ва шаҳарларда субвенция даражаси сезиларли даражада пасаяди.

Аҳоли бандлиги, уларнинг реал даромадлари ва харид қобилиятининг доимий ўсиши, кам таъминланган оилалар сонининг қисқариши ҳамда аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутнинг пасайиши муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни доимий равишда ошириш ҳамда уларнинг инфляциядан юқори даражада бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Янги иш ўринларини яратиш, иш билан таъминлашда авваламбор, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, меҳнат бозори ва унинг инфратузилмасининг ишсизлик даражасига мутаносиблигини ривожлантириш, меҳнатга лаёқатли одамларни меҳнатга жалб қилиш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти учун шароит яратиш ҳам белгилаб қўйилган. Иш кучининг сифатини тубдан ошириш, ишлашни истаган одамларни мутахассисликларга ўқитиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ишчиларнинг касбий маҳоратини оширишга эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, устувор йўналиш сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди. Аҳолини мажбурий ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш орқали давлат томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қисмини, қарияларни ва ногиронларни ҳимоя қилишни кучайтириш, давлат-хусусий шериклик орқали ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзи, оилавий саломатлик, оналар ва болаларни ҳимоя қилиш, тиббий хизматлар кўрсатиш, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кишиларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларнинг нормал ҳаётини таъминлаш масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Фармацевтика соҳаси ва дори-дармон нархлари эътиборга олинди. Арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурлар қабул қилинди. Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида автомобил транспорти муҳандислик-коммуникация

воситалари, ипотека кредитлари, коммунал хизматлар, тоза ичимлик суви, экологик хавфсизлик ва чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқа масалалар қамраб олинган.

Таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш бўлимида малакали кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини кучайтириш, болаларнинг боғчаларга тўлиқ қамраб олиниши, педагог кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини халқаро стандартларга мувофиқ ошириш, спорт, мусиқа ва олий ўқув юртларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириб бориш масалалари ифодаланган. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатининг такомиллаштирилгани кўрсатиб ўтилган. Бу ерда жисмонан соғлом, баркамол, мустақил фикрлайдиган, ватанига садоқатли, ижтимоий фаол ёш ўғил-қизларни тарбиялаш масалалари қайд этилди. Бу ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жойлар ва ижтимоий хизматларни яратиш масаласи ёритилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг охирги, бешинчи қисми хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат соҳаларига бағишланган. Шу билан бирга, конституциявий режим, суверенитет, давлат чегараларининг яхлитлиги, ахборот хавфсизлиги, фуқароларнинг ўзаро тотувлиги, давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, генофондни ҳимоя қилиш ва фавқулодда чораларни кўриш масалалари кўтарилган.

Ўзаро манфаатли ташқи сиёсатнинг аниқ йўналишлари мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги тобора ортиб бораётган ролини, демократик давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилигини, мамлакатнинг халқаро миқёсда тан олиниши, давлат чегараларининг делимитация[191] ва демаркацияси[192] масалаларини ҳал этиш кабилар кўрсатилган.

Ҳеч шубҳа йўққи, келгуси беш йилликка мўлжалланган вазифаларни ҳал этиш мамлакатимиз тараққиётини ўртача ривожланган давлатлар даражасига келтириб, дунёнинг ривожланган

---

[191] Делимитация (лотин тилидан. delimitato) – чегараларни ўрнатиш. Давлат чегарасининг қўшни давлатлар ўртасидаги келишув бўйича, шартномаларда қайд этилган ва шартномага бириктирилган карталарда график жиҳатдан кўрсатилган қоидаларини ва йўналишини аниқлаш. Делимитация асосида чегара демаркацияси амалга оширилади..

[192] Чегараларни демаркация қилиш – чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар асосида чегара белгиларини ўрнатиш орқали ердаги чегара чизиғини белгилаш. Аралаш комиссиялар томонидан амалга оширилади, улар аҳдлашувчи томонлар томонидан тенглик асосида тузилади. М.: 1983. 372 бет.

давлатлари даражасига кўтарилиши учун пойдевор яратилишига олиб келади. Ҳаракатлар стратегияси – бу Президент Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастурининг мукаммал кўриниши бўлиб, у мамлакат тараққиётининг аввалги босқичлари натижаларини изчил акс эттирди ва ривожланиш, тараққиёт йўлида олдинга силжиш учун аниқ йўналишларни белгилаб берди.

2019-2021 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг режаси тузилиб, унда молиявий кўрсаткичларга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар, хусусан, уч йиллик солиқ-бюджет сиёсати стратегияси, давлат бюджети, мақсадли бюджет маблағлари ва бошқалар ҳисобга олинган. Прогнозларга кўра, ЯИМ ўсишининг ижобий динамикаси давом этади: 2019 йилда - 5,4 фоиз[193], 2020 йилда - 6 фоиз, 2021 йилда - 7 фоиз (кутилаётган рақамлар). 2019 йилда саноат ишлаб чиқаришининг кутилаётган ўсиши 4,9 фоиз, қурилишда - 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалигида - 3,3 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасида - 6,2 фоиз, асосий капиталга инвестициялар киритишнинг ўсиши –17 фоиз, товарлар ва хизматлар экспорти 15,5 фоиз, импорт 6,3 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача пасаяди. Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бекор қилинди. 2019 йилда давлат бюджети даромадлари 102,6 трлн. сўмни ташкил этди, бу ЯИМнинг 24,2 фоизи демакдир. Давлат бюджети харажатлари - 107,1 трлн. сўмни ташкил этиб, шундан 2019 йилда мактабгача таълимга 4,0 трлн. сўм, умумий таълим учун -17,1 трлн. сўм, соғлиқни сақлаш учун-12,1 трлн. сўм йўналтирилади.[194] Макро даражадаги ушбу ижобий ўзгаришлар халқ фаровонлигини ошириб боришга хизмат қилиши керак.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида маълум муаммолар юзага келди. Масалан, баъзи вазирликларда етарли маблағ мавжуд эмас, бошқалари эса ажратилган маблағларни ўзлаштира олмайдилар. Масалан, 2018 йилда таълимга 92 миллиард сўм, соғлиқни сақлашга 129,9 миллиард сўм сарфланмасдан қолган. Агар Тошкентдан узоқ қишлоқда

[193] Фақат биринчи ярим йилликда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг реал ўсиши 5,8 фоизни, саноатда ўсиш 7 фоизни ташкил этди. Бу ҳақда Сенат раиси Т. Норбоева 2019-йил 23-август куни Олий Мажлис Сенатининг 21-ялпи Мажлисига ўз нутқида маълум қилган.

[194] Интернет ресурс. http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru

мактаб қуриш учун маблаг юборилса, бу маблағнинг йўналиши аниқ ва шаффоф бўлиши керак. Айрим вазирликлар ва маҳаллий ҳокимликларнинг айби билан кўплаб лойиҳалар, улар Ҳаракатлар дастурига киритилганига қарамай, амалга оширилмади.[195]

Масалан, 90-йилларнинг ўрталарида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи янгидан қурилди. Аммо, энг муҳим лойиҳа бу – автомобилсозлик заводи бўлиб, мантиқан бу тўғри эди. Чунки Тошкентда авиация заводи замирида самолётлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳақиқатга мос келмас эди. Осиё мамлакатлари саноатлашган мамлакатлар тоифасига киритилишининг энг кенг тарқалган усули енгил автомобилсозлик ривожланиши билан боғлиқ эди. Шу жумладан, иқтисодий тикланиш учун маҳаллий автомобилсозлик саноатида Япониядан кейин иккинчи ўринда турадиган Жанубий Кореядан намуна танлангани бежиз эмас.

Бироқ, биздаги автомобилсозлик саноати ўзига хос хусусиятларга эга. Хорижий валютага биз Жанубий Кореяда тайёр автомобил қисмларини сотиб олдик, кейин уларни йиғдик ва асосан ички бозорда сотдик. Бу ерда қийинчилик, биринчидан, автомобил қисмлари Кореядан бутун Россия ва Қозоғистон орқали олиб ўтилиши керак эди, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш таннархининг ўсишига олиб келди, иккинчидан, валюта конвертациясининг йўқлиги автомобил ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёнини қийинлаштирди.

Бу ерда иккинчи вазият жуда муҳим эди. Автомобилларнинг импорти учун ҳаддан ташқари юқори божлар туфайли Ўзбекистонда автомобилларга талаб катта эди. Бундан ташқари, мамлакатда истеъмолчиларнингталаби юқорилигидан автомобиллар ички бозорда жуда машҳур бўлди. Бироқ, давлат пахтани деҳқонлардан арзонга сотиб олиб, уни валютага сотди ва шу валюта ҳисобига автоулов қисмларини харид қилиб, улардан автомобиллар ишлаб чиқарилди ва аҳолига конвертация қилинмайдиган сўмга сотгани маълум бўлди. Кейин яна автоулов қисмларини автомобил заводи жойлашган мамлакатдан валютага сотиб олиш керак эди. Аммо, давлатнинг ўзи заводни таъминлаш учун валютани фақат пахта ёки олтин сотилишидан олиши мумкин

[195] Сенат раиси Т.Норбоеванинг 2019 йил 23 август куни Олий Мажлис Сенатининг 21-ялпи Мажлисида сўзлаган нутқи.

эди. Аслида, бу ҳам импорт, аммо автомобилсозлик концепцияси асосида яратилган импорт эди. Шундай қилиб, давлат ички талабнинг фақат маълум қисмини қондириш учун ресурсларни йўналтирди. Бозор иқтисодиётининг одатий шароитида талаб мутлақо бошқача таркибга эга бўлар эди. Аммо энг муҳими шундаки, бозор шароитида Ўзбекистонда автомобил ишлаб чиқариш қиймати ва ушбу маҳсулотнинг қўшимча қиймати тушунарли бўлар эди.

Масалан, XIX аср охирида Афғонистонда Амир Абдураҳмон Европанинг артиллерия буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Бироқ, уларни ишлаб чиқариш таннархи бозорда сотиб олиш мумкин бўлган нархдан 3-4 баравар юқори эди. Ҳаммаси ҳеч нарса эмас, ҳар ҳолда ишаб чиқариш йўлга қўйилди, аммо амир бунинг учун мамлакатнинг ички даромадидан маблағ оларди. Натижа фойда учун эмас, балки ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш эди. Бу Ўзбекистонда автомобил ишлаб чиқариш ташқи иқтисодий вазиятга боғлиқ эканлигидан далолат беради. 1997 йилда 64,9 мингта, 1998 йилда 54,4 мингта, 1999 йилда 58,3 мингта, 2000 йилда эса атиги 31,3 мингта автомобил йиғилди. Эслатиб ўтамиз, Осиё инқирози 1997 йилда бошланган ва у Россия иқтисодига таъсир кўрсатиб, нефть ва бошқа хом ашё нархлари минимал даражага тушиб кетган эди. Ўшанда олтиннинг бир унцияси 300 доллардан кам бўлган, нефтнинг нархи бир баррели учун атиги 10-12 долларни ташкил этган. Ўзбекистонда нефть кам эди, аммо жаҳон иқтисодиётининг умумий аҳволи пахта нархининг ҳам пасайишига олиб келди. Табиийки, давлат ихтиёрида бўлган валюталар камайиши эвазига, автомобиллар ишлаб чиқаришда ҳам пасайиш вужудга келди, бу эса уларни ишлаб чиқариш ҳажмига автоматик равишда таъсир кўрсатди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши минтақаларнинг иқтисодий ривожланишининг кўрсаткичларининг ўсиш суръатларига боғлиқ. Президент Ш.Мирзиёевнинг мамлакат вилоятларига ташрифи ҳукуматнинг табиий, хом ашё, демографик ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда минтақалар иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш нуқтаи назаридан минтақавий сиёсатга қанчалик катта аҳамият беришининг тасдиғидир. Минтақавий сиёсат 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг бир қисми сифатида Тараққиёт дастурининг бир қисмига айланди.

XIV БОБ. РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ЁКИ КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистонни жадал ривожланиш ва гуллаб-яшнашининг кенг йўлига олиб чиқиш учун ақл бовар қилмайдиган қандай тадбирларни амалга оширди? Мамлакатда сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар, қишлоқ жойлардаги ишлаб чиқариш кучларининг мисли кўрилмаган ривожланиш суръатларини таъминланиши борасида ўз хулосамизни билдиришга ҳаракат қиламиз.

Ш.М.Мирзиёев ҳокимиятга келган уч йиллик даврида ўз халқи ва ватани учун шунчалик кўп иш қилдики, дунёда бирон та ҳам Президент, бирон та ҳам давлат раҳбари бу қадар кенг кўламли ишларни амалга ошира олмаган. Фақат ошкоралик, сўз эркинлиги ва очиқлик сиёсатининг ўзи тараққиёт учун қанчалик муҳим аҳамият касб этади. Давлат бюджети, ялпи ички маҳсулот, даромадлар ва иш ҳақи, турмуш даражаси, бандлик, қимматбаҳо металлар ва бошқа бойликлар тўғрисидаги барча маълумотларини интернет тармоғидан ҳеч қандай муаммосиз топиш, келажак тўғсидаги фикр-мулоҳазаларни, таклифларни эркин изҳор қилиш мумкин.

Ш.М.Мирзиёевнинг қисқа президентлик фаолияти давомида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида муҳим, чинакам туб ўзгаришлар рўй берди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Битта китоб доирасида мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва туб ўзгаришларнинг барча жиҳатларини қамраб олишнинг иложи йўқлиги аниқ. Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил ҳисобот тайёрлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймадик. Айниқса, ҳозирда Президентимиз «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» каби тарихий ҳужжатни қабул қилганидан уч йил ўтгач, бу ёки бошқа даражада кенг кўламли ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларини,

миллий иқтисодиёт тармоқларини қамраб олган.[196] Оммавий ахборот воситаларида хорижий ва маҳаллий экспертлар саккизта муҳим ислоҳотлар[197], ўнта катта ислоҳотлар[198] ва Ш.М.Мирзиёев лавозимга тайинланганидан кейин Ўзбекистонда юз берган ўн икки ўзгариш ҳақида ёздилар. Ушбу ислоҳотлар ҳозирги кунда ҳамма жойда, қонунчилик ва суд тизимларидан тортиб, таълим ва ташқи савдо соҳаларигача давом этмоқда. Банк сектори, меҳнатни тақсимлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш соҳаси, қишлоқ хўжалиги сектори ва бошқалар ислоҳотчиларнинг эътиборидан четда қолмаган.

"Юксалиш" миллий ҳаракати томонидан экспертлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари жуда қизиқ натижаларни берган. Сўров Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатда амалга оширилган сўнгги ислоҳотлар натижаларини оммалаштириш, Ўзбекистонда ижобий ўзгаришларга ҳисса қўшган ташаббуслар ҳақидаги фикрларни ўрганиш мақсадида ўтказилган. 100 кишидан иборат экспертларнинг таркибига тажрибали иқтисодчилар, сиёсий шарҳловчилар, етакчи олимлар, маданият намояндалари, журналистлар, ҳуқуқ ҳимоячилари ва мустақил тадқиқотчилар орасидан етакчи миллий ва хорижий экспертлар киритилгани билан аҳамиятлидир. Албатта, турли соҳалардаги етакчи мутахассислар орасидан танланган экспертлар таркиби сўров натижаларининг юқори даражадаги ишончлилигини таъминлайди. Сўров давомида муатахассислар бугунги кунда Ўзбекистон Президенти илгари сураётган энг муҳим ташаббуслар, тарихий аҳамиятга эга, халқ томонидан тан олинган, турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қиладиган асосий ўзгаришларни аниқладилар. Сўров натижаларига кўра, Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз ва бутун Марказий Осиё минтақаси учун тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим 10 та ташаббуси шакллантирилди. Мана, улардан бир нечтаси. Яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш, чегараларни очиш ва назорат-ўтказиш пунктларини барпо этиш, Марказий Осиё мамлакатлари билан истисносиз барча масалалар бўйича амалий мулоқот ўрнатиш энг муҳим ташаббус

[196] Интернет ресурс. http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru. Указ Президента РУз от 07.02.2017г. за №УП-4947.
[197] Шавкат Мирзиёевнинг саккизта асосий ислоҳотлари. Интернет ресурс: https://glavportal.
[198] Шавкат Мирзиёевнинг 10 та асосий ислоҳотлари номи. Интернет ресурс: https://repost.uz.

бўлди (96%); валюта бозорини эркинлаштириш, нақд пул муаммоларини бартараф этиш (90%); олий таълим тизимини ривожлантириш, университетларга қабул квоталарини кўпайтириш (78%); Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва жамоатчилик қабулхоналари институтини жорий этиш (63%). Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари, солиқ ислоҳоти, суд ислоҳоти ва бошқа соҳалар мутахассис экспертларнинг эътирофига сазовор бўлдилар.

Таъкидлаш керакки, мутахассисларнинг ушбу муваффақиятли сўрови давомида Ўзбекистон Президенти томонидан жамиятнинг барча жабҳаларида илгари сурилаётган ташаббуслар нафақат республика миқёсида ва унинг фуқароларига, балки Марказий Осиёнинг барча қўшни давлатларига ижобий таъсир кўрсатади.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, ислоҳотлар ва бозор ўзгаришларининг ушбу жиҳатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тарихий тараққиёт учун инқилобий аҳамиятга эга бўлган ва мамлакатни жадал ривожланиш, гуллаб-яшнаш йўлига олиб борадиган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ташаббуслари ҳамда ёндашувлари тўғрисидатўхталишни ўринли.

Халқ билан мулоқот ўрнатиш, унинг кучини ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларга сафарбар қилиш ва йўналтириш. Ўзбекистон Президенти ҳокимиятга келган дастлабки кунларданоқ мансабдорларга оммавий ахборот воситалари билан яқин алоқада бўлиш, халқ ва фуқаролик жамияти билан мулоқот ўрнатиш вазифасини қўйди. Илгари ҳукумат амалдорлари яккаланиб қолиб, сояда қолишни афзал билишар, журналистлар билан алоқа қилиш, одамлар билан учрашишдан қочишган, қабул қилинган қарорлари ва юзага келган муаммоларни муҳокама қилиш заруратини кўришмаган, камдан-кам ҳолларда интервью ва шарҳлар беришган. Давлат раҳбари ҳокимиятга келганидан кейин ҳукумат амалдорлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги масофани қисқартириш учун жиддий чоралар кўрилди. Президентимиз ташаббуси билан ушбу сиёсатни амалга ошириш жараёнида 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури Ўзбекистонда амалга оширилаётган фуқаролик

жамияти жараёнларининг сифатини тубдан яхшилаш, оддий одамлар билан очиқ мулоқот ўрнатиш учун самарали механизм ва усулларни жорий этиш, ҳаётий муаммолар ва фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш ҳамда уларни изчил амалга ошириш эзгу ғоя – инсон манфаатлари барча нарсадан устун ва муқаддас ғоясига асосланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга мувофиқ, Президентнинг ички сиёсатининг марказий қисми давлат ва халқ ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашдир. Президентлигининг бошида у: «Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши керак», деб эълон қилди. «Халққа ишониш», «халқ билан бирга» ва «ҳамма нарса халқ учун» каби чақириқлар Ш.М.Мирзиёев бошчилигида қабул қилинган давлат қарорларининг ўзаги бўлиб қолмоқда.

Президентнинг халқ манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фуқароларни ва бизнесни тинч қўйишга чақириши катта аҳамиятга эга эди. У шундай деди: “Барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари буни яхши эслаб қолсин. «Идора»да яшириниб, ўз манфаатларини кўзлаб, ватан ва халқ манфаатларини инобатга олмасдан барча соҳаларга аралашиш вақти ўтди. Бундан буён ҳеч ким сохта далиллар, туҳмат ва чақувлар асосида жавобгарликка тортилмаслиги керак. Конституция ва қонунларнинг меъёрларига қатъий риоя қилиш учун ишончли кафолатлар яратиш зарур”.[199] Президент Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа давлат тузилмалари фаолиятида қонун устуворлигини ўрнатиш бўйича аниқ чораларни кўрди.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»[200] давлат дастурига мувофиқ барча давлат тузилмаларида ислоҳотлар ўтказилди. Шу билан бирга, аҳолининг маҳаллий давлат идоралари билан тўғридан-тўғри алоқасини яхшилаш бўйича муҳим вазифа қўйилди. Ҳукумат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги масофани камайтириш учун ҳукумат амалдорлари, журналистлар ва кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, дипломатик

[199] Интернет ресурс: https://uz.sputniknews.ru/politics/20171224/7142284/novaya-politika-mirziyoeva-10-tezisov-kotorye-izmenyat-stranu.html
[200] Ўша ерда.

ходимлар ва халқаро экспертлар иштирокида халқаро пресс-клуб ташкил этилди.

Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва халқ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги шакли амалга оширилди, унда фуқароларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлашнинг асосий механизми ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда ўзаро алоқанинг кучайиши билан давлат ва жамият манфаатларининг жадал яқинлашуви жараёни рўй бериб, оддий одамларнинг давлат органларига бўлган ишончи ортиб, халқ ва давлат тузилмалари ходимларининг манфаатлари ўртасидаги тафовутни бартараф этиш жараёни бошланди ва давом этмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг янгича ёндошуви мамлакатдаги тарихий тараққиётни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам, аҳолининг кенг қатламларининг улкан энергиясини жамлаш ва уни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг қудратли омилига айлантириш нуқтаи назаридан стратегик аҳамиятга эга.

Давлат раҳбари, миллат етакчисининг энг муҳим вазифаси бу шароитлардан холис хабардорлик, вазиятга ҳаққоний баҳо бериш, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар ўртасидаги сабаб-оқибат каби чуқур муносабатларни аниқлаш, кўп қарорлар ичидан энг тўғрисини қабул қилишдир. Давлат раҳбари – табиат томонидан инъом этилган иқтидор эгаси, тарихий воқеалар чўққисига чиққан ва оддий одамлар кўрмайдиган нарсаларни кўришга қодир одам. Шунинг учун оддий одамлар ўзларининг ҳукмдорларига ишонадилар ва унга эргашадилар, айниқса, халқнинг ўзи уни демократик асосда сайлаган бўлса (2016 йилги президент сайловларида Ш.Мирзиёев 88,6 фоиз овоз олган)[201]. Давлат раҳбарининг роли бир томондан шахсий фазилатлар, қобилият, истеъдодга қараб, шунингдек, иккинчи томондан тарихий даврнинг хусусиятлари, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қараб энг аҳамиятсиз ва ижобий бўлмаган ҳолатдан буюклик томонга ўзгариши мумкин. Миллат етакчиси ва давлат раҳбари жамиятда унинг ташаббуси, бевосита назорати остида рўй берган

[201] Мирзиёев Ш.М. Эркин, демократик ва фаровон Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Ўзбекистон Республикаси президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. "Халқ сўзи" газетаси, 16 декабрь 2016 йил, 2 бет.

ўзгаришлар ва тарихий тараққиётнинг кўлами, аҳамиятига қараб буюк бўлади. Дарҳақиқат, буюк файласуф Гегел (1770-1831): «... тарихий шахсларни умумий эҳтиролардан ташкил топадиган жиҳатларга нисбатан муносабатига қараб аниқлаш керак. Уларнинг жуда улкан шахслиги шундаки, улар .... зарур ва адолатли»[202] ишни хоҳлаган ва амалга оширганлар[203]. Бундан келиб чиқадики, давлат раҳбарининг буюклиги унинг одатий қарорлар қабул қилиши билан эмас, балки унинг Аллоҳ берган ғайритабиий қобилияти, адолатли ва зарур бўлган, мамлакат (жамият нуқтаи назаридан муҳим бўлган,алоҳида бир гуруҳ ёки ижтимоий қатламлар манфаатидан келиб чиқмаган) ривожланиши ва фаровонлик йўлидаги қарор қабул қилиши билан боғлиқ. Сингапур давлатининг етакчиси Ли Куан Юнинг коррупцияни мағлубиятга учратиши ҳақидаги машҳур сўзларини келтириш ўринлидир, бунинг учун, дейди у, дўстлар ва қариндошларни, агар улар айбдор бўлса жазога тортиш керак[204]. Ўз ўзидан келиб чиқадики, дўстлар, айниқса қариндошлар, ҳатто улар айбдор бўлишса ҳам, жазога тортиш осон эмас, лекин бу миллат, бутун халқнинг порлоқ келажаги учун, тарихий тараққиёт ва барқарор ривожланишга эришиш нуқтаи назаридан адолатли ҳамда зарурдир.

Буюк шахснинг фаолияти мос равишда тарихий тараққиётга мувофиқ ҳолатда амалга оширилади ва жамиятни ҳар қандай, ҳатто энг қийин вазиятдан ҳам ривожланиш ҳамда гуллаб-яшнаш йўлига олиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, тарихий шахс ҳар доим ўз даври тарихий воқеаларининг марказида бўлади, бу жамият, халқ томонидан қўйилган талабга жавобдир. Биз китобнинг олдинги бобларида таъкидлаганимиздек, Буюк Темур ўз тарихий даври, яъни Мовараунаҳрда тартибсизлик ва келишмовчиликлар ҳукмронлик қилган, ишлаб чиқариш, вайронагарчилик, очлик ва қашшоқлик таназзулга юз тутган вақтнинг маҳсули эди. Мовараунаҳрнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ундан кейинги майда, ёпиқ феодал давлатлар ҳамда меҳнат тақсимоти ва савдо алмашинуви муносабатларининг паст самарадорлиги оқибатида ривожлана олмади. Маҳаллий феодаллар, савдогарлар, заргарлар,

---

[202] Ўша ерда.

[203] Гегель Г. Сочинения в 14 томах, т.8. Философия истории. Перевод А.М.Водена. - М.: Государственное социально-экономическое издательство Соцэкгиз, 1935. -3 бет.

[204] Почему в России борются с коррупцией. Интернет ресурс: https:// zen.yaedek.ru

ҳарбий техника ва бошқа маиший буюмлар, саноат мақсадларида ишлаб чиқарувчилар ўзаро келишмовчиликка барҳам беришга, бирлашишга, кейин бошқа мамлакатларнинг улкан бозорлари ва бойликларини забт этишга, қуллар ва маош олувчилар учун янги даромад манбаларини очишга интилишиб, ҳарбий қўшинларга ёлланиб, ўзлари учун фойдаланиш ва шу йўл билан пул топиш, фаровон яшаш учун ҳаракат қилдилар. Мовароуннаҳрнинг улкан ҳудудларида яшайдиган кенг қатламларнинг интилишлари ва эҳтиёжларини рўёбга чиқарадиган давлат арбоби учун объектив эҳтиёж пайдо бўлди. Бу буюк давлат арбоби ва ҳукмдорнинг тарихий ташрифини бажаришга муваффақ бўлган, бутун дунёга машҳур бўлиб, ўзининг номини абадийлаштирган Амир Темур бўлиб чиқди. У билан шафқатсиз уруш олиб борган бирорта қуролдоши, унинг яқин дўстлари ёки қариндошларининг орасидан ҳеч ким унинг ўрнида у бажарган ишларни амалга ошира олмас эди. Ҳатто Соҳибқироннинг ўз қони билан суғорилган фарзандлари ва меросхўрлари ҳам, унинг бой тажрибасини ўрганган издошлари ҳам у бажарган ишни муносиб равишда давом эттиришга қодир эмас эдилар. Бунинг натижасида Амир Темур томонидан барпо этилган кучли марказлашган давлат унинг вафотидан кейин қулади.

Ҳозир эҳтиёжлар ва уларни қондириш воситалари ҳам мазмунан, ҳам сифат жиҳатдан мутлақо ўзгарган жамиятда яшаймиз. Бироқ, ушбу эҳтиёжларни қондириш орқали катта ютуқларга эҳтимолий эришишга бўлган талаб катта. Агар Буюк Соҳибқирон даврида давлатнинг мақсадига эришиш жанг майдонида, ҳудудларни душман ҳужумларидан ҳимоя қилиш, янги ҳудудларни босиб олиш, бутун халқларни бўйсундириш ва асирга олиш, вайронагарчилик, биродарлик урушлари ва қасос, қилич, қалқон, ўқ, камон, ёлланган қўшинлар ёрдамида ҳал қилинган бўлса, бугун жамиятнинг ривожланиши ва фаровонликка эришишга бўлган эҳтиёжлари халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиш, ақлу-заковат ва қобилият устунлигини исботлаш, дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ривожлантириш асосида амалга оширилади. Замонавий жамиятнинг мақсадларига эришиш воситаларига

қуйидагилар киради: тадбиркорлик, таълим, фан, билим, техника, технология, инновация, интеллектуал мулк ва бошқалар.

Давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларни оқилона тартибга солиш асосида давлатни ривожлантиришда жуда катта рол ўйнайдиган замонавий тараққий этган жамиятда давлат раҳбари мамлакат ва одамлар тақдирини ҳал қиладиган, муҳим, ўта муҳим қарорларни қабул қилиши, буйруқ ва фармойишлар чиқариши, фармон ва қарорларни қабул қилиши, халқаро шартномаларга имзо қўйиши керак. Бу ва бошқа шахсий хусусиятлар тарихий ривожланиш жараёнига ҳар доим ҳам ижобий ва яратувчанлик билан эмас, баъзан салбий ва бузғунчилик каби тескари таъсир кўрсатиши мумкин. Бир воқеани эсга олиш ўринли: ўтган аср 60-йилларининг биринчи ярмида СССР ҳукумати мамлакатнинг чорвачилик саноатида тартибни тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу фармонга биноан, оилаларга битта қорамолни ёрдамчи хўжаликларида сақлашга рухсат берилди ва қолган барча қорамоллар гўшт-сут комбинатига топширилди ёки колхоз бозорида сотилди. Шунда бизнинг оиламизда ота-онамиз битта сигирни гўшт фабрикасига сув текинга топширишга мажбур бўлиб, уйимизда биттагина сигир қолган эди. Ушбу ҳукумат қарори амалга оширилгандан сўнг, амалда чорва моллари сони кескин камайди ва одамлар узоқ вақт давомида ҳукуматнинг самарасиз фармони қурбонига айланишди.

Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун давлат раҳбарининг шахсий хоҳиш-иродаси ва у томонидан қабул қилинган қарорлар чуқур ўйланган, мувозанатли ҳамда халқ манфаатларига тўла мос бўлиши керак. Президент давлат томонидан қабул қилинадиган қарорлар сифатига катта аҳамият беради: “Албатта, мен режалаштирган ўзгаришлар қанчалик кўп қиррали ва мураккаб бўлганини яхши тушундим. Аммо, қандай тўсиқлар ва қийинчиликларга, долзарб ва шошилинч муаммоларга дуч келсак ҳам, биз тезкор қарорлар қабул қилишга, шошқалоқ қадамлар ташлаш ва шошилинч қарорлар қабул қилишга ҳаққимиз йўқ»[205]. Шундагина омма ўз етакчисига эргашади, унинг сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлайди ва амалга оширилаётган ўзгаришларда фаол иштирок этади.

[205] Мирзиёев Ш.М. Эркин, демократик ва фаровон Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Ўзбекистон Республикаси президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. "Халқ сўзи" газетаси, 16 декабрь 2016 йил, 2 бет.

Халқ улкан энергия манбаи ва чиндан ҳам бу энергиядан фойдалана билиш қобилияти изчил ривожланиш ҳамда фаровонликнинг калитидир. Халқ барча моддий ҳамда маънавий қадриятларнинг яратувчиси ва ижодкоридир, уларнинг фаровонлигини таъминлаш учун давом этаётган ўзгаришлар эса иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадидир. Шу муносабат билан, Президент томонидан эълон қилинган, давлат ва жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги асоси – «Халқ давлат органларига хизмат қилиши керак эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак»[206] тамойили давлат ташкилотлари ва оддий одамлар ўртасидаги тафовут, биринчи навбатда сўз ва амал бирлиги ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишда катта аҳамиятга эга.

Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлиснинг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига киришиш маросимида сўзга чиқиб, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг машҳур сўзларини келтирди: “Одами эрсанг, демагил одами, анингким йўқ халқ ғамидин ғами”, ва таъкидладики:» ... одамлар ташвиши билан яшаш инсонийликнинг энг зўр мезонидир”[207]. Халқ билан мулоқот ўрнатиш, уларга яқинлашиш, уларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш ва сўровларни амалга ошириш мақсадида 2017 йилда Ўзбекистонда давлат органларининг оммавий мурожаатлари билан ишлаши учун мутлақо янги механизм ишга туширилди: ҳар бир туман ва шаҳарда, ҳар бир вилоят ва республика миқёсида «Халқ қабулхоналари» ишлай бошлади. Шу асосда оддий одамларнинг мурожаатлари ва шикоятларини ҳар томонлама ўрганиш ва ҳаётий ҳамда долзарб муаммоларни ҳал қилиш амалиёти жорий этилди. Ўзбекистоннинг ҳар қандай фуқароси, оддий одамлар нафақат ҳар қандай мансабдор шахсга, балки мамлакат Президентига шахсан мурожаат қилишлари учун ҳақиқий имкониятга эга бўлдилар.

Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, давлат органларининг халқ билан ишлаш механизми мамлакат Президенти хоҳлаганидек силлиқ ишлаб кетмади ва самарадорлиги кўзланганидек даражада

---

[206] Ўша ерда.

[207] Мирзиёев Ш.М. Эркин, демократик ва фаровон Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Ўзбекистон Республикаси президенти лавозимига киришиш тантанали маросимидаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. "Халқ сўзи" газетаси, 16 декабрь 2016 йил, 2 бет.

эмас. Ушбу китоб муаллифларидан бири Президентнинг виртуал қабулхонасига бир неча бор мурожаат қилди, аммо ўз мурожаатида кўтарилган муаммоларга аниқ жавоб ололмади. Аччиқ тажриба орқали шу нарса аён бўлдики, фуқароларнинг мурожаатини мантиқий якунига етказишга имкон бермайдиган кўплаб расмиятчиликдан иборат субъектив муаммолар мавжуд. Шунга қарамай, одамлар билан яқинлашувнинг энг муҳим жараёни бошланди ва маълум ҳаракатлар билан келажакда катта истиқболга эришиш мумкин.

Шундай қилиб, «давлатнинг халққа бўлган ғамхўрлиги» ва шу билан бирга «халқ - давлатнинг таянчи» - ягона яхлитликнинг икки таркибий қисми бўлиб, улар биргаликда сифат жиҳатдан янгиланган жамиятнинг асосий мақсадига эришиш учун жуда муҳимдир. Агар мамлакат Президенти давлат саъй-ҳаракатлари ва омманинг интилишларини бирлаштириш ва уларни бир йўналишга йўналтириш ғоясини тўлиқ амалга оширса, шубҳасиз, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда катта ютуқларга эришилади.

Коррупцияга қарши курашиш ва давлатнинг коррупцияга қарши сиёсати. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, коррупция, биринчи навбатда, давлат тузилмаларида гуллаб-яшнайди ва шу билан давлат ҳокимиятининг халқ олдида обрўсини пасайтириб, мамлакатнинг иқтисодий аҳволини ёмонлаштиради. Бу, биринчи навбатда, давлат хизматчилари учун фуқаролар ва давлат органлари ўртасида воситачига айланиш, жамоат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳар доим ҳам адолатли бўлмаган қарорларни қабул қилиш имконини берадиган махсус ваколатлар ва имкониятларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, иқтисодий адабиётларда, ўтиш даври иқтисодиёти мавжуд бўлган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти ўртасида коррупцион алоқалар кенг тарқалганлиги тўғрисидаги фикр тез-тез учраб туради.[208] Миллий иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар дастури изчил ва узлуксиз амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикаси ана шундай давлатлар тоифасига киради. Шунинг учун ҳам коррупцияни илдизлари билан йўқ қилиш керак, чунки бу бирламчи ва

[208] Интернет ресурс: https://cyberleninka.ru

даҳшатли ички душман, ўз халқига қарши –ҳар бир оиланинг иқтисодиётидан тортиб мамлакатнинг давлат бюджетини ҳам йўқ қилишга қодир жиноят деб баҳоланиши керак.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябр)[209] ратификация қилди ва 2010 йилда Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Истанбул коррупцияга қарши кураш режасига қўшилди.[210] Ш.М.Мирзиёевнинг ҳокимиятга келиши билан коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ажралмас таркибий қисмига айланди. 2017 йил январ ойида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси махсус қонунининг қабул қилиниши бу борадаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Ушбу Қонун коррупцияга қарши курашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. У коррупцияга қарши давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг иштирокини, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни тартибга солади.[211]

Қонуннинг кучи нафақат унинг мазмуни ва жамиятнинг муайян долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилганлиги, балки уни амалда қўллаш ва амалга ошириш билан ҳам белгиланади. Юқорида қайд этилган қонун қабул қилинганидан бери республикада катта ишлар амалга оширилди ва кўзга кўринарли натижаларга эришилди. Бош прокуратура Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг ишчи органи этиб белгиланди. Бош прокурор бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди, унинг вазифаси тасдиқланди. Комиссия таркибига вазирликлар ва идораларнин, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий муассасаларнинг масъул ходимлари - жами 43 киши киритилди. Ўтган давр мобайнида идоралараро комиссия томонидан коррупцияга қарши кураш бўйича тизимли ҳуқуқий ишлар

[209] Интернет ресурс: https://cyberleninka.ru
[210] Интернет ресурс: https://cyberleninka.ru
[211] Закон Республики Узбекистан. «О противодействии коррупции». Газета «Народное слово» от 4 января 2017 года, 1 бет.

ва амалий чоралар кўрилди. Коррупцияга қарши қонунларни ўз ичига олган қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Бир қатор идоравий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бундай натижаларга давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш, соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланиши йўлга қўйилгани натижасида эришилмоқда.

Мамлакатимизнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мувофиқ ва энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имиджини тарғиб қилиш мақсадида 2019 йил 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»[212] қарор қабул қилди. Ўзбекистон Президенти Коррупцияга қарши кураш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тасдиқлади. Қарорда ўрта муддатли истиқболда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари (суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат хизматчиларининг даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқалар) белгиланган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадбирлар самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун махсус комиссия тузилган. Президенти қарорига биноан коррупцияга қарши кураш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллаш, шу жумладан, Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳисобдорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида «Йўл харитаси» лойиҳаси ишлаб чиқилиши, парламент олдида ва қарорларни қабул қилишда фуқароларнинг иштирок этишининг ошкора ва самарали усулларини жорий этиш жуда муҳимдир.

---

[212] Ш.М.Мирзиёев "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 19 июлдаги ПҚ-5769 сонли Қарори. Интернет ресурс: http://lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир доирасида "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши ислоҳотлар: ютуқлар ва устувор вазифалар"[213] мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда маъмурий ислоҳотларнинг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва амалий ишларни амалга оширишдаги муҳим роли, давлат органларида коррупцияга қарши кураш мониторинги натижалари, коррупцияга қарши курашда халқаро ҳамкорлик каби масалалар юзасидан фикр алмашилди. Анжуман доирасида китоблар, газета ва журналлар кўргазмаси, буклет ва баннерлар, коррупцияга қарши курашни тарғиб қилувчи турли хил тарқатма материаллар тарқатилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, Ўзбекистон ҳукумати олий таълим тизими ва қурилиш соҳасини коррупциядан холи ҳудудларга айлантириш учун ҳужжатлар ишлаб чиқди. Ҳозирги вақтда бир вақтнинг ўзида 65 бошқарув тизимида ички идоравий чекловларни жорий қилиш орқали коррупцияга қарши курашиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.[214]

Қонунни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар маълум амалий натижаларни берди. Биринчидан, барча даражаларда қўрқмасдан очиқчасига муаммонинг мавжудлиги ва коррупцияга қарши курашиш зарурлиги ҳақида гапира бошладилар. Бу мавжуд муаммони аниқлаш ва кун тартибига тўғри қўя олиш уни муваффақиятли ҳал қилишнинг биринчи ва энг муҳим шартидир. Муаммони ҳал қилиш учун уни аниқлаш ва шакллантириш ҳар доим бирламчи ҳисобланади. Иккинчидан, коррупциянинг долзарб муаммолари, унинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий сабаблари, жамият учун ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, унга қарши курашиш воситалари ва уни камайтириш усуллари таҳлилига бағишланган кўплаб илмий ва оммабоп илмий нашрлар, шу жумладан Интернетда ҳам мақола ва илмий тадқиқотлар натижалари кўпайди. Учинчидан, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ёркин ва яққол

[213] «Халқ сўзи» газетаси. 09.08.2019. № 163

[214] Интернет ресурс: https://kun.uz/ru/news/2019/08/24/erkin-yuldashev

натижаси ўтган йилларда республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўтказилган қабул жараёнида муваффақиятли кўзга ташланди. Совет даврида ҳам, мустақилликка эришганидан кейин ҳам ўтган мустақил ривожланиш йилларида ҳеч ким бундай муваффақиятга эришмаган эди. Тўртинчидан, давлат амалдорлари, меҳнат жамоалари, талабалар ва жамоатчилик ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари билан бир қаторда, давлат айбдорларни қаттиқ жазолай бошлади. Масалан, 2018 йилнинг ўзида республикада турли тоифадаги 1561 мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди, улардан 821 таси бошқа одамларнинг мулкини ноқонуний ўзлаштиришга, 138 киши пора олишга, қолганлари бошқа хизмат вазифасига тегишли жиноятларни амалга оширган. Ҳисобга олинганларнинг асосий қисми хўжалик субъектлари раҳбарлари (580 киши), таълим соҳаси ходимлари (247 киши), соғлиқни сақлаш тизими ходимлари (83 киши), қолганлари бошқа соҳалар вакилларидан иборат. Жазога тортилганларнинг 39 нафари вазирликлар ва республика даражасидаги давлат тузилмаларининг ходими, қолганлари вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги ходимлардир.[215] Тошкент вилоятининг Чиноз тумани прокурори фирибгарликда айбланган Аҳмад Турсунбоевнинг молиявий фирибгарлиги бўйича тергов ва текширувлар вақтида ташкил этмагани учун лавозимидан озод этилди. Бир неча ўн минглаб одамлар Турсунбоевнинг «пирамидаси» қурбонига айланишди. Турсунбоев ҳибсга олинганда ундан тахминан 12 миллион доллар мусодара қилинган. Кейинчалик фирибгарга ёрдам берган шахс Бош прокуратура ходимларидан бири эканлиги аниқланди.[216] Самарқанд вилояти ҳокими ҳам ер тақсимотини амалга оширишда суистеъмолга йўл қўйганликда айбланди. Вилоят ҳокимлигида кўп хонадонли уйлар қуришга рухсат бериладиган ерларни тақсимлашда порахўрликка йўл қўйган. Сентябр ойи бошида Тошкентдаги бешта йирик бозор раҳбарлари тўрт миллион долларни ўзлаштириш ва давлатга зарар етказганликда айбланиб ҳибсга олинди.[217]

---

[215] Алишер Рўзиохунов. Ўзбекистонда қанча амалдор коррупцияга қўл урди? Интернет ресурс: https://kun.uz/new/2019/02/13.

[216] Интернет ресурс: https://ru.sputnik.kg/columnists/20180923/1041229149/uzbekistan-mirziyoev-korrupciya-borba.html

[217] Интернет ресурс: https://ru.sputnik.kg/columnists/20180923/1041229149/uzbekistan-mirziyoev-korrupciya-borba.html

Бироқ, Ўзбекистон ҳукумати коррупцияни йўқ қилишга қанча жиддий ёндашмасин, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни яратиш орқали ушбу муаммони юмшатишга ҳаракат қилса ҳам, ҳозирги кунда у долзарб муаммолар орасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда ва мамлакатда амалга оширилаётган туб ислоҳотларга тўсқинлик қилмоқда. Буни мамлакат аҳолиси орасида ўтказилган сўров натижалари ҳам тасдиқлайди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассислари 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури доирасида Ўзбекистон фуқароларининг ушбу ҳодисага муносабатини ўрганишди. Сўровда қатнашганларнинг ярмидан кўпи ёки 56,8 фоизи жамиятда коррупция мавжудлигига ишонишади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси бу ҳақда кўпроқ фикр билдирган. Бу ҳолат қишлоқ аҳолисига қараганда кўпроқ шаҳар аҳолиси орасида, шунингдек, тадбиркорлар, чет эл ташкилотлари ва фирмаларининг ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, коллеж ўқувчилари, лицейлар орасида кўп учраши тўғрисида фикр билдирилган. Сўралганларнинг 76,3 фоизи коррупция ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар фақат жамият ҳаётининг айрим соҳаларида содир бўлади, деб ҳисоблашади. Тадқиқот шуни кўрсатдики, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўпинча соғлиқни сақлаш (37,6 фоиз) ва таълим (31,4 фоиз) соҳаларида учрайди. Иштирокчиларнинг ҳар тўртдан бири ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг коррупциясини қайд этган. Шунингдек, бандлик, ижтимоий таъминот, коммунал хизматлар, банклар, солиқ, божхона органлари, ҳокимликлар ва бошқа тузилмаларда коррупция биан тўқнаш келганини қайд эишган.[218] Сўралганларнинг 29 фоизи ҳар иккинчи амалдор коррупциялашган деб ҳисоблашади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистонда коррупция даражаси жуда юқори ва шунинг учун унга давлат даражасида қарши курашиш ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

[218] Интернет ресурс: https://www.gazeta.uz/ru/2017/06/16/corruption

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг жамиятимизда коррупцияга қарши курашиш, турли жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, қонун билан мазкур жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш учун қатъий чоралар кўзда тутилган. Бу борада БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муҳим аҳамиятга эга. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу конвенцияга қўшилиш орқали Ўзбекистон қонун устуворлигини таъминлашга, суд ҳокимияти ва қонунийликни мустаҳкамлашга, энг муҳими, жиноятчилик ва унинг олдини олишга эътиборини кучайтирмоқда. БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида қилган маърузасида Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бутун дунёни таништирди.[219] Шуниси эътиборга лойиқки, ҳисоботда халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Ушбу тамойилнинг кундалик ҳаётга татбиқ этилиши шуни англатадики, оддий одамлар давлат хизматчиларига ноқонуний тўловлар тўлашдан бутунлай озод бўлишади, чунки ҳозиргача ким кимга хизмат қилиш кераклигини ҳеч ким аниқ билмас эди. Давлат органлари халққа хизмат қилиши кераклиги сабабли, агар давлат хизматчилари ўз хизмат вазифаларини бажариб, бунинг учун давлат хазинасидан муносиб маош олсалар, оддий фуқаролар уларга пора беришлари шарт эмаслиги ойдинлашади.

Кенг кўламли қонунчилик ислоҳотлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий қўллаб-қувватланиши кўпгина давлатлар дуч келадиган глобал муаммолар ва шунингдек, айрим мамлакатларнинг муваффақиятли тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу омилларни қайд этар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай ўзгаришлар, шу жумладан иқтисодий ўзгаришлар, қанчалик тез бўлмасин, фақат сиёсий ирода, доктриналар ва истисно тариқасида бугунги кун кайфиятига асосланмайди. Иқтисодий назариялар, иқтисодий сиёсат, иқтисодий ислоҳотлар ва ҳатто «иқтисодий инқилоблар» фақат қонун билан мустаҳкамланганидан кейингина амалга

[219] Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бутун дунёни таништирди. Интернет ресурс: https://www.un.org/ru/ga/72/agenda/.

оширилиши мумкин. Бу уларни муқаррар равишда мамлакат тарихи, ҳуқуқий анъаналари билан боғлайди. Мустақил ривожланишнинг ўтган йиллар давомида бизнинг тарихимиз ёш республиканинг иқтисодий ривожланиш жараёнларини амалга оширишнинг ёрқин намунасига айланди. Ушбу мисол иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақиятли амалга оширилганинин, шунингдек, айрим камчиликлар ва хатоликларга йўл қўйилганини англатади. Шуни таъкидлаш керакки, ўтган йиллар нуқтаи назаридан, уларнинг иккаласи ҳам нафақат танланган иқтисодий моделнинг самарадорлигига, балки ушбу модел ишлаб чиқилган, жорий қилинган ва ишлаб чиқилган ҳуқуқий тизимнинг мавжудлигига ҳам боғлиқ.

Фақатгина 2017-2018 йиллар давомида кенг кўламли ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган 90 та қонун, икки мингдан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ш.М.Мирзиёевнинг қисқа фаолияти давомида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш, янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Суд-ҳуқуқ тизими тубдан ўзгартирилди ва такомиллаштирилди, ягона олий суд ҳокимияти ҳамда маъмурий судлар ташкил этилди, ички ишлар органлари тизими сифат жиҳатидан тубдан ислоҳ қилинди, ушбу органлар фаолиятини оптималлаштириш бўйича шошилинч чоралар кўрилди. Ички ишлар органларининг асосий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Ички ишлар вазирлиги раҳбарларига депутатлар олдида қилинган ишлар, шунингдек, аҳоли билан фаол ишлаш тўғрисида мажбурий ҳисобот бериш амалиёти жорий этилди. Қонунчилик тизимида қонун лойиҳаларини халқнинг кенг муҳокамасига тақдим этиш, уларни депутатлар ва халқ томонидан биргаликда муҳокама қилиш самарали амалиёти жорий этилди.

Инвестициялар жалб этиш бўйича фаолликни ошириш ва инновацион жараёнларнинг ривожланиши. Давлат раҳбари

замонавий ишлаб чиқаришни жорий этиш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, муҳим ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш ва, энг аввало, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш омили сифатида инвестицияларни доимий равишда кўпайтириш зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди. 2017 йил инвестиция дастурида 50 миллиард АҚШ долларига тенг 545 инвестиция лойиҳаси жорий этилди ва йил давомида 7,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги капитал харажатлар ўзлаштирилди, шунингдек умумий қиймати 2,4 миллиард АҚШ долларига тенг 170 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Фақатгина шу йилнинг январ-апрел ойларида умумий қиймати 73,5 миллион АҚШ долларига тенг 9 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди. Инвестицион дастурдан ташқари, Президентнинг вилоятларга қилган сафари давомида ҳудудларни ривожлантириш учун муҳим бўлган 19 трлн. 300 млрд. сўмдан ортиқ лойиҳалар ишлаб чиқилди ва шундан 39 та объект фойдаланишга топширилди.

Президент айрим соҳалар ва вилоятлар раҳбарларини масъулиятсизлик ва ташаббускорликнинг етишмаслиги борасида кескин танқид қилди, кўплаб инвестиция лойиҳалари молиявий шартномалар, лойиҳа-смета ҳужжатлари йўқлиги сабабли ўз вақтида тугатилмади. Бу объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилмаслиги, бозор учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмаслиги ва ёшлар учун иш жойларининг етишмаслигини келтириб чиқаради. Инвестицион дастурга самарасиз лойиҳаларни киритиш амалиёти кескин танқид остига олинди.

Ўзбекистон Президенти 2018 йилдаги инвестиция дастурига лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр ва аниқ молиялаштириш манбаларига эга бўлган инвестиция лойиҳаларининг киритилиши ва лойиҳа бошқарувчиларининг шахсий жавобгарлигини ошириш кераклигини таъкидлади.

2019 йилда энергетика соҳасида умумий қиймати қарийб 4,5 миллиард долларлик 60 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта ялпи ички маҳсулотда инвестициялар улуши 38 фоиздан ошди. Жами ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 86 трлн. сўмни ташкил этди. “Обод қишлок” давлат дастури доирасида мамлакатнинг 160

туманидаги қарийб 480 қишлоқни ободонлаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Жорий йил охирига қадар 10 мингта якка тартибдаги ва 110 тадан ортиқ кўп қаватли тураржой қурилиши режалаштирилди.[220]

Давлат бошқарувида маҳаллий ҳокимият органларнинг ролини ошириш. Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги фармонида ҳудудларнинг ролини ошириш стратегик муҳим вазифа сифатида белгиланди. Президент бу билан давлатнинг функциялари ва ваколатларини марказлаштиришдан воз кечиш масаласини кўтарди. У маҳаллий ҳокимият органларининг якуний натижалар учун жавобгарлигини ошириш учун муайян ваколатларнинг минтақавий органларга ўтказилишининг тарафдоридир, шунда очиқлик ва белгиланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгарлик маҳаллий давлат бошқарув органларининг самарали шаклланиши ва фаолиятининг муҳим шарти бўлиб қолишини таъкидлайди. Президент маҳаллий кенгашларнинг ишини баҳолашда маҳаллий бюджетнинг тўлиқ бажарилиши таъминланиши, жиноятчиликнинг камайиши, янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланишига эътибор бериш кераклигини таъкидлайди. Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилишича ҳудудларни қўллаб-қувватлаш учун 6 трлн. сўм маблағ ажратилди.[221] Президентимиз мамлакат вилоятларига мунтазам равишда ташрифларни амалга оширгани бежиз эмас. Бу асосан минтақани иқтисодий ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишга ва маҳаллий ҳокимият саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ энг муҳим муаммоларни ҳал этишга бор куч-ғайратини сафарбар этишга қаратилган.

Юқоридагиларни тасдиқлаш учун биз унинг мамлакат бўйлаб қилган сафарларидан бир нечтасини мисол қилиб келтирамиз.

Президент Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташриф буюрди. У Фарғона механика заводига ташриф буюриб, янги маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишди. Ҳозирги кунда заводда 36 турдаги саноат маҳсулотлари ва 31 турдаги истеъмол товарлари ишлаб чиқарилмоқда. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратиш

[220] Интернет ресурс:https://kun.uz/ru/news/2019/08/23/
[221] Интернет ресурс: http://lex.uz

мақсадида завод негизида кичик саноат зонасини ташкил этиш режалаштирилган. Саноат зонасида 300 тонна антифриз, ойна юзаларни тозалаш учун 200 тонна суюқлик, 10 минг дона тормоз колодкалари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 38,5 миллиард сўмни ташкил этади. Ушбу иқтисодий эркин зонанинг фойдаланишга топширилиши 2018 йилнинг 3 чорагида якунланди. Шунингдек, минтақа маҳсулотларининг 45 фоизи экспорт қилинди. «Мадад» МЧЖ суюлтирилган газ ташиш учун сиғимлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш учун қутилар ишлаб чиқариш лойиҳасини тақдим этди. Бу лойиҳанингқиймати 40 млрд. сўмни ташкил этади, шундан 30 млрд. сўм «Капиталбанк» кредитлари эвазига молиялаштирилади. Корхона 2018 йилда тўлиқ ишга тушади ва 2020 йилга келиб экспорт ҳажмини 1,5 миллион АҚШ долларигача ошириш режаси тузилди.

Фарғона политехника институти вилоят корхоналари билан ҳамкорликда қуввати 50 кВт бўлган 2та микроГЭС лойиҳасини ишлаб чиққан эди. Микро ГЭСларни ишга тушириш орқали йил давомида 17 миллиард сўмлик электр энергияси учун сарфланадиган маблағни тежалд. Президент мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам микроГЭСлардан фойдаланишни тавсия қилди. Бундан ташқари, Президент картон, ПВХ ва бошқалар ишлаб чиқарадиган корхона фаолияти билан ҳам танишди.

Марғилонни Қўқон билан боғлайдиган поезд қатновининг йўлга қўйилиши тарихий воқеага айланди. 2017 йилда Фарғона-Марғилон темир йўлини электрлаштириш ишларини якунлаш вазифаси қўйилди. Президентимиз таъкидлаганидек, бу барча ўзгаришлар олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Президент 2018 йил 17 март куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Олдинги ташрифларида Самарқанд вилояти раҳбарияти олдига курилиш, туризм, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш вазифаларини қўйган эди. Белгиланган вазифаларни бажариш учун янги саноат корхоналари ташкил этилди, хўжалик юритувчи субъектлар сафи кенгайтирилди, экспорт ҳажми ортди. 15 та лойиҳанинг тақдимоти бўлиб ўтди, 18 та лойиҳа устида иш олиб борилди. Президент ал-Бухорий

мажмуасига ташрифи муносабати билан таълим туризмига алоҳида эътибор қаратди. Оқдарё туманида у гидропоника усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланадиган «Даромадбахтомад» МЧЖнинг иссиқхонасига ташриф буюрди ва бошқа ҳудудларда ҳам шундай иссиқхоналарни ташкил этишни таклиф қилди. Бундай иссиқхоналарнинг афзалликлари шундаки, улар учун тупроқ ер талаб қилинмайди. Ушбу иссиқхоналар энергия тежайдиган, иқтисодий суғориш ва ўсимликларни тозалаш тизимига эга. 4 гектар майдонда жойлашган гидропоник иссиқхоналарда помидор етиштирилади. Дастлабки маҳсулот ишлаб чиқариш 220 тоннани ташкил этди, шундан ярми Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинди. Иссиқхонада 22 нафар доимий ва 30 нафардан ортиқ мавсумий ишчилар ишлайди. Шунингдек, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини кўпайтириш бўйича лойиҳаларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

2018 йил 2-февраль куни Президент Наманган вилоятига ташриф буюрди. Дастлаб у Чуст туманидаги «Баракимевасаноатсервис» МЧЖ фаолияти билан танишди. Бу давлатнинг қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавот этиштириш ва уларни экспорт қилиш ҳажмини оширишга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратаётган вақтга тўғри келди. Ушбу маъсулияти чекланган жамият ўз фаолиятини ёнғоқ ва майиз экспортидан бошлаган. Корхона кунгабоқар, картошка, маккажўхори ва иссиқхонада помидор етиштиради. 32 киши иш билан таъминланган, мавсум давомида 100 нафаргача одам ишлайди. 160 гектар майдонга ўртача 4 минг 600 тонна ҳосил берадиган ёнғоқлар экилган, етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи экспорт қилинади. Президентга Наманган шаҳридаги «Орзу» кичик саноат зонаси лойиҳалари тақдим этилди. Ушбу зонада 22 лойиҳада 142 миллиард сўмлик енгил ва озиқ-овқат саноати, тиббиёт ускуналари, матбаа буюмлари, полиэтилен сумкалар, энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Президент маҳаллий раҳбариятга ишбилармонлар муаммоларини ҳал этиш, хом ашё сотиб олиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Президенти Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг туманларига ҳам тез-тез ташриф буюрди. Маълумки, ушбу минтақа ўзининг катта салоҳияти, улкан табиий, инсон ресурслари ва ривожланган транспорт коммуникациялари жиҳатидан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда етакчи ўринни эгаллайди. Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 20 сентябрда йирик инновацион лойиҳалар билан танишиш мақсадида Ангрен шаҳрига ташриф буюрди. Ушбу лойиҳалардан бири конвейер, автомобил шиналари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа эди. Лойиҳага кўра, йил давомида 100 минг чизиқли метр конвейер ленталари, 200 минг дона қишлоқ хўжалиги техникаси шиналари, 3 миллион дона автошиналар ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Конвейер ленталари ва шиналар илгари чет элдан келтириларди. Ушбу товарларни ишлаб чиқариш импорт ўрнини босиш, чет эл валютасини ва ушбу товарларни экспорт қилишдан тушадиган даромадни тежаш, янги иш ўринларини яратиш билан аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаб, ижтимоий муаммоларни кескин ҳал этиш имконини беради. Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, завод мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳимдир, деди Президент. Ушбу заводда «GM-Uzbekistan» қўшма корхонасига етказиб бериш учун «Барс» бренди остида 21 турдаги турли ўлчамдаги шиналар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги учун 140 минг дона тиркама ва 60 минг дона тракторлар учун шиналар ишлаб чиқарилади, мазкур заводнинг қуввати ички бозорни таъминлашдан ташқари, 60 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни экспорт қилади. Президентимиз мазкур заводнинг хом ашёсини Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси маҳсулотлари ҳисобига маҳаллийлаштиришга эътибор қаратди. Бундан ташқари, мамлакатимизда бошқа хом ашё манбаларидан фойдаланиш, хусусан, каучук дарахтлари етиштириш имкониятини ўрганиш кўзда тутилган.

Президент Ўртачирчиқ туманидаги «Ўзбегим отлари» фермер хўжалиги фаолияти, «Паркентсой» сувдан самарали фойдаланиш бўйича интеграциялашган суғориш лойиҳаси билан танишди. Президентга Тошкент вилоятида туризм соҳасининг салоҳияти, транспорт коммуникациялари, кўп қаватли бинолар

қурилиши, ижтимоий соҳа объектлари ҳажми ҳақида маълумот берилди. Паркентсой ва Қизилсой сув омборлари қурилиши масаласи муҳокама қилинди, бу эса 5800 га ерни доимий суғориш, 3900 га ёмғирлатиб суғориладиган ерни сув билан таъминлаш муаммосини ҳал қилади ва 1900 га ернинг суғорилишини яхшилаш имконини беради. Паркент эркин иқтисодий ҳудудини ташкил этиш мақсадида 100 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтириш таклиф этилди. Шунингдек, Президент Юқоричирчик туманида барпо этилаётган замонавий логистика марказига ташриф буюрди. Ушбу марказ «Greenfoodtrade» МЧЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун қурилмоқда. 40 гектар майдонни эгаллаган ушбу мажмуада 5 та Kross-дўкон, гипермаркет, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун 10 минг тонналик музлатгич ва 150 ўринли меҳмонхона қурилди.

Ўзбекистон Президенти 2019-йил 21 август куни Нукус шаҳрига ташриф буюрди. Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишда у Нукусга « қарсак эшитиш учун эмас, балки меҳнат қилиш, халқ нима билан яшаётганини кўриш учун” келганини айтди.Унинг қарсакларга эмас, балки одамлар ҳаётини яхшилаш учун самарали ишлашга эҳтиёжи катталиги диққатга сазовор. Шунинг учун мамлакатнинг барча вилоятларига ташриф буюриб, ҳолат билан яқиндан танишди.

Мамлакат ҳудудларига ташриф буюриш Президентга Ўзбекистон иқтисодиёти ҳолати ва ривожланишини баҳолаш, мамлакат ишлаб чтқариш кучларини ривожлантириш мақсадида асосли қарорлар қабул қилиш, минтақанинг саъй-ҳаракатларни сафарбар этиш учун жуда қимматли, ҳаққоний маълумотлар олиш имкониятини берди. Бундай маълумотларнинг мавжудлиги унга 2017 ва 2018 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлисга қилган мурожаатида катта муваффақият келтирди, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий тизимга интеграциялашувинингкучайиши. Глобаллашув ёки глобал иқтисодий тизим турли мамлакатлар иқтисодиётининг ягона жаҳон тизимига интеграциялашувидир.

Океанларда савдо йўллари очилиб, Англия ва Францияда саноат инқилоби амалга оширилганидан кейин, АҚШ ва Германиянинг саноатлашуви натижасида «Умумий бозор», «Европанинг кўмир ва пўлат ташкилоти»нинг ташкил этилиши ҳамда шунга ўхшаш битимлар жаҳон савдо тизимининг вужудга келишининг имкониятларини кенгайтириб, уни бир-бирига боғлиқ, яхлит тизимга айлантирди.

Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг ўтган даври мобайнида жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Мамлакат иқтисодиётини интеграцион жараёнларга жалб қилиш иқтисодий ўсиш учун катта истиқболлар очди. Шу билан бирга, бу жараён республиканинг ички ва ташқи савдосига муайян муаммолар туғдирди, бу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш учун муҳим вазифаларни белгилаб берди. Президент Шарқ ва Ғарб халқлари тарихий тараққиётининг асосий қонуниятлари бирлигидан келиб чиқиб иш тутди. Шу асосда ташқи сиёсат соҳасида ижобий натижаларга эришилди. Осиё минтақасида, айниқса, Марказий Осиёда бутунлай янги сиёсий ва иқтисодий муҳит юзага келди. Ўзбекистон эришаётган ижобий ўзгаришлар халқаро майдонда унинг нуфузини оширди. Ташқи дунёда Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистонда очиқлик сиёсатини амалга оширгани туфайли миллат етакчиси сифатида тан олинди. Биргина 2018 йилда 18 давлатлараро ташрифлар амалга оширилиб, умумий қиймати 1,080 миллиард АҚШ долларини ташкил этувчи 52 лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Жаҳон банки ва бошқа молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестиция портфели ҳажми 8,5 миллиард АҚШ долларига етди. Ҳозирги кунга қадар хорижий инвестициялар ҳисобига умумий қиймати 23 миллиард АҚШ долларига тенг 456 лойиҳа бирин-кетин амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан импортга нисбатан экспортни 30 фоизга кўпайтириш топшириғи берилди. Бу вазифа жуда қийин, лекин муҳими ҳал

қилса бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 июндаги “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига берилган шарҳларда жорий давр мобайнида 360 дан ортиқ янги корхона экспортг соҳасига жалб этилиб, 120 дан ортиқ турдаги янги маҳсулот экспорт қилинаётгани таъкидланди. Бундан ташқари, ташқи бозорларда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, минерал ўғитлар, енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари талаб кўпайиб, 230 тонна тонна мева-сабзовот маҳсулотлари экспорт қилинди[222], лекин бу кўрсаткичлар Ўзбекистон иқтисодиётининг экспорт салоҳиятидан жуда ҳам паст даражададир.

Мева, сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари экспортини янада кенгайтириш, шунингдек, «Ўзагроэкспорт» монополиясини чеклаш мақсадида ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини шартнома ва юз фоизлик тўлов асосида экспорт қилишга рухсат берилди. Шунингдек, барча тадбиркорлик субъектларига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини экспорт қилишида ишлаб чиқарувчиларнинг имтиёз ва имкониятларидан фойдаланишга рухсат этилди. Бундан ташқари, ташқи бозор шароити ёмон бўлса, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш қийматидан паст нархларда сотилса, кўрилган зарар эвазига камроқ солиқ тўлаши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, Президентимизнинг мазкур қарори ва кейинги чиқишларидан кўриниб турибдики, давлат экспортни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқарувчиларга катта имтиёзлар ва кенг имкониятлар берди.

Мутахассисларнинг фикрича, импорт ўрнини босувчи ва импорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш протекционизм элементларисиз, қўшимча қиймат солиғи улуши юқори бўлган саноат маҳсулотларига асосланган импорт йўналиши моделига ўтиш деярли мумкин эмас.

Портер назарияси ва унинг Жанубий Кореядаги амалий тадбиқига кўра, миллий рақобатбардошлик саноатнинг доимий ривожланиши ва янгиликларга қодирлиги билан белгиланади. Бунинг учун тўртта омил, шарт-шароит талаб этилади. Биринчиси: меҳнат, табиий ресурслар, инфратузилма, билим ресурслари,

[222] Интернет ресурс: http://lex.uz

капитал мавжудлиги; иккинчиси: ички ва ташқи талабнинг мавжудлиги; учинчиси: ўзаро алоқадор (технологик тўлдирувчи) ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар (бутловчи қисмлар етказиб берувчи, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқалар) мавжудлиги; тўртинчиси: ички бозорда рақобатнинг мавжудлиги. Жанубий Кореяда кластерларни шакллантиришда ўзаро алоқадор ва қўллаб-қувватловчи тармоқларни ривожлантириш омили мамлакатда импорт қилинадиган бутловчилар ва ярим тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга эътибор берилди. Шу билан бирга, бу омил саноатни модернизация қилиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Маҳаллийлаштириш нафақат импорт ўрнини босиш усули, балки иш ўринлари яратиш, хорижий инвестиция ва технологияларни жалб этишнинг самарали механизми ҳамдир. Ички бозордаги рақобат саноатнинг таркибий муаммолари билан боғлиқ бўлганлиги туфайли у ташқи рақобатбардошликни таъминламайди. Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун замонавий технологияларни импорт қилишга асосий эътибор қаратилди. Бу замонавий бозорда рақобатнинг ягона йўли сифатида ташқи бозорда маълум афзалликларни берди.

Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларига кўра импорт қилинадиган маҳсулотларнинг аксарият турларига нисбатан юқори божхона тўловлари ўрнатилди. Бироқ ортиқча ҳимоя чоралари савдо тизимининг мувозанатини бузди ва нарх омиллари орқали нафақат ички истеъмол товарлари, балки экспорт товарлари нархининг ҳам ошишига олиб кела. Шунинг учун, мутахассислар қиёсий афзалликлари бор экспорт объектлар учун, импорт чекловлари сақлаб қолинишини тавсия этишади. Аммо импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг ҳаддан ташқари чекловчи чоралари, экспорт қилувчиларни ташқи бозордан ички бозорга қайта йўналтиришга олиб келиши ва бу билан экспортнинг қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, ЖСТ қоидаларига кўра, аксарият ривожланаётган мамлакатлар импорт тарифларини камайтириш дастурларини амалга оширади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатида инфратузилмани яхшилаш, телекоммуникацияни ривожлантириш,

давлат, молиявий ва транспорт хизматларини такомиллаштириш орқали экспортни рағбатлантиришнинг нейтрал усуллари кенг тарқалган бўлиб, бу экспорт товарлари учун ички транзакцияларни сезиларли даражада камайтиради (эксперт ҳисобкитобларига кўра, улар нархнинг 30 фоизига етади). Бу экспорт товарлари таннархини пасайтириш ва ички экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим захирасидир.

Келажакда ЖСТга аъзо бўлиш истагимизни инобатга олган ҳолда, бизнинг саноат сиёсатимиз миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва экспортни рағбатлантириш учун давлат кафолати билан солиқ ва молиявий имтиёзлар, кредитларни субсидиялаш каби молиявий воситалардан фойдаланиши керак. ЖСТ аъзоларининг тажрибасидан келиб чиқиб, амалдаги рақобат қонунини кўриб чиқиш зарур, бу эса ошкоралик, бевосита ҳаракат нуқтаи назаридан рақобат муҳитини яратиш воситаларини аниқ ва равшан белгилаб беради.

Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиши, аввало, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви билан боғлиқ. Бироқ, совет даврининг тарихи ва бозорга ўтиш даврининг мураккаблигини эсласак, бу жуда қийин иш. Мустақил тараққиётнинг барча йилларида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси жадал ривожланди. 1990 йилда ташқи савдо айланмаси 805,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди, 2017 йилда эса 26962,0 млн. АҚШ долларига етди, яъни 1990-2017 йилларда деярли 33,5 баробар ошган бўлса, бу даврда экспорт 31,5 баробардан зиёд, импортэса 35,8 баробар ошди. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий ўсиш натижасидир, аммо айни пайтда моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг паст самарадорлигини кўрсатади, чунки энг бой табиий ресурслар ва муҳим иқтисодий салоҳият билан, Президентимиз айтганидек, биз миллат сифатида ишлаб чиқарганимиздан кўпроқ истеъмол қиламиз. Бу ҳолатни қандай тўғрилаш мумкин?

Иқтисодий воситалар орасида ривожланган бозор механизмларининг валютани тартибга солиш ва миллий валюта курсини шакллантириш, унинг конвертацияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, интеграциялашган ва мувозанатли

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иқтисодиётни либераллаштириш, минтақалар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби йўналишлари бор.

Сиёсий анъаналардан яна бири – бу давлатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш. Республика ташқи сиёсати халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив сиёсатни амалга оширишга қаратилди. Бу сиёсат соҳаларининг барчаси билан биргаликда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Ўзбекистоннинг ўзига хослиги шундаки, у ижтимоий меҳнат тақсимоти доирасидан чиқиб, дастлабки вақтларда МДҲ давлатлари энг аввало, Марказий Осиё давлатлари билан зиддиятли иқтисодий алоқаларга эга эди.

МДҲ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун имкониятлар унинг иқтисодиёти барқарор ривожланишида кучли омил бўлиши мумкин. МДҲ доирасида кучли интеграция энг кам харажатлар ва қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг Ғарб глобал иқтисодий тизимига шу жумладан, унинг барча субъектларга кириш учун зарур шарт-шароитлар тайёрлашда муҳим рол ўйнаши мумкин.

Умуман иқтисодиётни, хусусан, Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёни давом этмоқда. Бу жараённинг бир қисми сифатида республика ҳукумати Ўзбекистоннинг жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиши муаммосини ҳал қилиш ниятида. Албатта, бу дадил ва истиқболли қарор. ЖСТга аъзолик миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш, илмий-техник тараққиёт, ички бозорда товарлар ва хизматлар учун паст нархлар жорий этилишини жадаллаштириш, ички ишлаб чиқарувчилар томонидан ресурс самарадорлигини ошириш, рақобат ва экспорт базасини кенгайтириш, ташқи савдо ва шу кабиларнинг ривожига катта ҳисса қўшади.

Бироқ, ЖСТга қўшилиш муайян қийинчиликлар ва катта таваккалчилик билан боғлиқ, чунки у тариф, нарх ва инвестиция сиёсатида туб ўзгаришларни талаб қилади. Халқ хўжалигининг юқори сифатли рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда

орқада қолаётган кўплаб тармоқлари зарар кўради. Миллий иқтисодиётга паст сифатли, қиммат ички ишлаб чиқаришга путур етказиши мумкин бўлган импортнинг кескин ўсиши жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ, бу Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий тизимига янада интеграциялашуви ва миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини кескин оширишнинг ягона йўлидир.

ЖСТга қўшилиш орқали Ўзбекистон ўз миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётнинг экспорт базасини сезиларли даражада кенгайтириш, ички маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқаришни кўпайтириш имкониятига эга бўлади. ЖСТга аъзо бўлишга тайёргарлик аъзоликнинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида юксак технологияларни жорий амалиётга жорий этиш, чуқур илм-фан талаб қилинадиган юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқиш, меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш билан бирга олиб борилиши лозим. Маҳсулот бозорлари учун курашда нарх параметрлари ва маҳсулот (хизмат)ларнинг техник янгилиги муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бу муаммони ҳал қилиш учун миллий иқтисодиётни кластерлаштириш йўлини, харажатларни камайтириш ва тайёр маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам берувчи инновацион ривожланиш стратегиясини кузатиб боришимиз лозим.

Президент томонидан ўтказилган энг самарали ислоҳотлар бу - мажбурий ва болалар меҳнатидан воз кечиш, иқтисодий ривожланишнинг стратегик мақсадларига эришишини таъминлайдиган малакали кадрлар тайёрлаш, иқтисодиётнинг «хуфёна сектори»га қарши кескин курашиш ва унинг улушини камайтиришга эришганида, деб ҳисоблаймиз.

Президент рақамли иқтисодиётнинг миллий концепциясини ишлаб чиқиш керак, деб ҳисоблайди. Бу эса ЯИМнинг 30 фоизга ўсишини таъминлайди ва коррупцияни кескин камайтиради.

Валюта бозорининг тартибга солиниши. Валютани эркинлаштириш мамлакат учун катта аҳамиятга эга. Бу муаммо йиллар давомида ҳал этилмади ва халқнинг елкасидаги оғир юклардан бири бўлиб келди. Бу жараён иккита катта, бир-бирига чамбарчас

боғлиқ вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади, яъни: биринчиси - халқ фаровонлигини ошириш, иккинчиси - тадбиркорликни ривожлантириш. Хорижий валютани сотиш эркинлаштирилган-дан кейин, тадбиркорлар ва аҳолинингамалдаги қонунларни четлаб ўтиб, «қўлдан» икки баробар қиммат нархда валютани сотиб олиши барҳам топди. Чунки, бу давргача Ўзбекистонда хорижий валютанинг турли хил курслари мавжуд эди. Валютанинг "қора бозори"да «эркин» сотиб олиш ва сотиш асосида ўрнатилган курси. Бу бозордаги валютанинг қиймати қимматлашганда Марказий Банкнинг расмий курсидан икки баробар қиммат нархгача кўтарилган вақтлар ҳам бўлган. Валютанниг юқори курсидан аҳолининг кўпчилик қисми, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектлари фойдаланар эди. Бундан ташқари, «қора бозор» бўйича валюта операциялари унинг иштирокчилари учун катта хавф туғдирарди, чунки бундай олди-сотди Ўзбекистон жиноят кодексига мувофиқ жазоланиши муқаррар эди. Шу билан бирга, бундай ҳолат мансабдор шахсларга ўзларига ёқмаган жисмоний ва юридик шахсларни ноқонуний валюта айирбошлашида айблаб, жиноий иш қўзғатиш ва уларни бартараф имконини берарди. Марказий банкнинг расмий курси нисбатан анча паст бўлиб, асосан статистик ҳисоботларни тузиш, шунингдек, жамиятнинг имтиёзли қисмини «рағбатлантириш» йўлида фойдаланилган ҳамда бу қатлам учун катта даромад манбаи бўлиб хизмат қилган. Чунки,давлат курсида паст нархларда сотиб олинган хорижий валюта ҳар доим қора бозорда икки баробар қимматга сотилар эди. Шуниси аниқки, чекланган миқдордаги кишиларгина хорижий валютани энг паст курсда сотиб олиш имкониятига эга эди. Ахир, миллий валюта муомалага киритилганидан бошлаб йиллар давомида, хорижий валютанинг давлат ва қора бозордаги курсининг ўртасидаги фарқ юқори мартабали мансабдорларнинг халқ ҳисобидан чекланмаган миқдордаги даромад ва бойиш манбаи бўлиб хизмат қилди.

ХУЛОСА

Темур ва Темурийлар давридаги иқтисодий ўсиш ва фаровонликдан сўнг узоқ давом этган вайронагарчилик ва тушкунликлардан бизнинг давримиздаги жадал иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига қадар ўта мураккаб ва ибратли йўлни босиб ўтган давлатнинг иқтисодий тарихини ўрганиш якунланди. Биз жуда катта эътибор ва синчковлик билан Темур империясининг шаклланиши ва кейинги натижалари, Мовароуннаҳрнинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилиши, Совет давридаги ривожланиши сабаблари ва иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг буйруқбозлик усуллари асосида иқтисодий тизимнинг ҳалокатли иқтисодий оқибатларининг шоҳиди бўлдик. Ўзбекистон сиёсий мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги иқтисодий ривожланиш масалаларига муҳим ўрин берилди. Энди Аллоҳ назари тушган бу заминда мулкчилик, тақсимот ва алмашув муносабатларидаги туб ва концептуал ўзгаришлар асосида жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг жадал ва барқарор ривожланиши учун жуда қулай шарт-шароитлар яратилди. Фавқулодда чора-тадбирлар ва халқ оммаси томонидан олиб борилаётган улкан энергияни сафарбар қилиш орқали мавжуд муаммолар муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, ниҳоятда оғир иқтисодий таназзул шароитида республиканинг биринчи Президенти «Ўзбекистон – буюк келажаги давлат» шиорини ўзига хос башорат тарзида эълон қилди. Узоқ давом этган турғунлик ва иқтисодий таназзулдан сўнг мамлакат яна бир бор мислсиз фаровонлик ва ўзининг собиқ шон-шуҳратини тиклаш йўлидан бормоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда Ўзбекистон улкан салоҳиятга, қудратли ва жадал ривожланаётган иқтисодиёт, ривожланган саноат ва қишлоқ хўжалиги, кенг транспорт тизими, замонавий телекоммуникация тармоғи, саноат ва жамоат инфратузилмасига эга мамлакатга айланди.

Тарихий ўлчамларда қарайдиган бўлсак, қисқа вақт ичида мамлакатимиз Мустақилликка эришиб, ўтиш даври қийинчиликларини енгиб ўтди. У буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизимдан бозор муносабатларига асосланган тизимга ўтишни ва

иқтисодиёти устун ривожланган мамалакатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашни бош мақсад қилиб қўйди. Ислоҳотлар жараёнида ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этиш ва йиллик барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда юксак натижаларга эришиш имконини берди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва бозор ўзгаришлари жараёнида миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилмаси тубдан ўзгартирилди. Мамлакатда автомобил, нефт-кимё, нефт-газ ва темир йўл муҳандислиги, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, маиший электроника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби кўплаб янги тармоқлар пайдо бўлди ҳамда фаолият кўрсата бошлади. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида ҳам халқ хўжалигининг барча соҳа ва тармоқларини жадал ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий база яратилиб, мамлакатда қулай инвестиция муҳитини таъминлаш бўйича долзарб ва самарали чора-тадбирлар белгиланди. Қулай инвестиция муҳити ва инвестицияларни рағбатлантириш чора-тадбирлари кўрилди, инвесторларнинг ҳимояси кафолатлангани умумий инвестициялар оқимининг ўсишига хизмат қилди ва бугунги кунгача киритилган инвестиция миқдори 190 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади ҳамда шунинг 65 миллиард АҚШ долларидан ортиғи хорижий инвестициялардир.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақли равишда Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Мустақилликдан олдин мамлакатда кичик бизнес деярли бўлмаган, айни пайтда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг ушбу секторида ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда барча хўжалик юритувчи субъектлар умумий сонининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес субъектлари ташкил этиб, аҳолининг меҳнатга лаёқатли 78,3 фоизи иқтисодиётнинг ушбу секторида банд. Мамлакатимизда бу соҳани қўллаб-қувватлаш тадбирлари, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ҳимоя қилишнинг ишончли тизимларини яратиш, солиқ юкини камайтиришлар ҳам ушбу соҳанинг улуши ва аҳамиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг янги босқичи 2016 йилдан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз лавозимига ўтирганидан кейин бошланди. Жамиятнинг барча соҳаларини тизимли ва кенг миқёсда қайта қуриш бевосита унинг номи билан боғлиқ. Ривожланишнинг Ғарб модели бўйича замонавий тўлақонли бозор иқтисодиёти томон ҳал қилувчи, қатъий ва шу билан бирга истиқьолли бурилиш ясалди. Президентимиз иомонидан фаолият соҳаларининг ҳар бирини танқидий таҳлил қилиш орқали кўплаб камчиликлар ва энг муҳими, уларни бартараф этиш йўллари ҳамда тўпланган муаммоларнинг амалий ечимлари мавжудлиги эътироф этилди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан республикада 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси белгилаб олинди. Ушбу стратегия давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш, суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотларни амалга ошириш, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш, фаол ташқи сиёсат юритиш ва хорижий давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган. Иқтисодий фаолиятнинг айрим параметрлари бўйича 2035 йилгача ўсиш прогнозлари мавжуд.

Видеоселектор давомидаги чиқишларидан бирида Ш.М.Мирзиёев шундай деган: «Биз ўзимиз ўзгармасак, ҳаёт ҳам ўзгармайди». Бу катта маънони ўзида лўнда мужассамлаштирган ҳалол ва самимий эътироф эди. Шундан сўнг давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар бошланиб, Ҳаракатлар стратегияси билан белгиланган Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналишлари изчиллик билан амалга оширилди.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам ўта муҳим воқеалар юз берди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон каби қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар тикланди.

Ш.М.Мирзиёев Президент лавозимини эгаллаганидан кейин ўтган қисқа муддат ичида жуда кўплаб янги саноат ва ижтимоий объектлар ишга туширилди. Биргина 2017 йилда 161 йирик саноат корхонаси, жумладан, Тошкент ва Навоий вилоятида иссиқлик

электр станциялари, Қизилқум қучоғида гидрометаллургия заводи қурилиши, Фарғона-Марғилон темир йўлини электрлаштириш ва бошқалар амалга оширилди. Барқарор иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизни, экспорт ҳажмининг 15 фоизга ўсиши таъминланган ҳолда, миллий валютанинг конвертация муаммосини муваффақиятли ҳал этди, валюта захиралари 1,1 млрд.долларга ўсди. 12 та эркин иқтисодий ҳудуд ва 45 та саноат зоналари ташкил этилиб, яна 50 та саноат ҳудудларини барпо этиш режалаштирилган. Буларнинг барчаси мамлакат ва унинг минтақаларини жадал ривожлантиришга қаратилган.

Кучли ижтимоий сиёсат: замонавий Ўзбекистоннинг «ташриф қоғозчаси»га айланди. Давлат бюджетининг 60% дан ортиғи фақат таълим ва фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга сарфланади. Президентимиз ташаббуси билан 2019-йил «Фаол инвестиция ва ижтимоий тараққиёт йили", деб эълон қилинди.

Ўзбекистон қонун устуворлиги асосида бошқариладиган демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади, чунки жамоат тартибини сақлаш нафақат кучли давлатни, балки кучли фуқаролик жамиятини ҳам талаб қилади. Интеллектуал ва маданий салоҳиятни яратиш бўйича йўналиш олинди. Бунда ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳисобга олинди, чунки бу мамлакатлар дунёда юқори ривожланиш даражасига эришган.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш истаги ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда беқиёс аҳамият касб этади ва амалга ошса таҳсинга сазовор иш бўлади.

Олдинда, биринчи навбатда, макроиқтисодий барқарорлик, сўнгги йилларда эришилган ЯИМ ўсиш суръатларини сақлаш ва босқичма-босқич жадаллаштириш, жаҳон бозорларида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва диверсификация қилиш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ бандлиги муаммосини ҳал қилиш ва аҳолининг реал даромадлари ва иш ҳақини тубдан оширишдек катта вазифалар турибди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий интенсив қишлоқ хўжалиги технологияларидан

фойдаланган ҳолда ер ва сув ресурсларидан мақсадли фойдаланиш стратегик аҳамиятга касб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, узоқни кўзловчи тикланиш сиёсати узоқ йиллар давомида амалга оширилиб, унинг пировард мақсади – мамлакатни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш ва Ўзбекистон халқини муносиб турмуш даражаси билан таъминлашдир. Президентимизнинг асосий шиори: «Буюк келажак бугун бошланади». Шу билан бирга, жамиятнинг иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ ҳал қилувчи ва кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилаётганда, мамлакат иқтисодиёти ва бутун дунёдаги умумий вазият ўзгарганлиги, бозор ислоҳотларининг дастлабки босқичларига нисбатан анча мураккаблашганлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини ёдда тутиш керак. Шу муносабат билан амалга оширилган қадамлар бозор ўзгаришининг дастлабки босқичларига қараганда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари учун кўпроқ ташвиш уйғотади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу китобни нимадан бошлаган бўлсак, ўша нарса билан якунламоқчимиз. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ва ўзаро таъсири тарихини ўрганиш келажакда мамлакат иқтисодий тараққиётининг долзарб муаммоларини ҳал қилишнинг бошланғич нуқтасига эга бўлгани туфайли самарали ва фойдалидир. Умид қиламизки, ушбу китобдан олинган билимлар иқтисодиётнинг келажакдаги ривожланишини илмий асосланган ҳолда прогноз қилинишига ижобий таъсир кўрсатади.

МУНДАРИЖА

Кириш.....3
БИРИНЧИ БЎЛИМ. Иқтисодий тарих фан сифатида 12
I БОБ. Ўзбекистон иқтисодий тарихи фанининг предмети, усулари ва уни даврларга ажратиш амалиёти.....12
1.1. Иқтисодий тарих фанининг предмети.....12
1.2. Иқтисодий тарих фанининг ўрганиш усуллари ва уни илмий нуқтаи назардан даврлаштириш.....17
1.3. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон иқтисодий тарихини даврий ўрганишининг ўзига хос жиҳатлари 18
ИККИНЧИ БЎЛИМ: Темурнинг мўғулларсиз Чингизхон империясини тиклашдаги тарихий роли. 21
II боб. Темур ва Ўрта Осиё халқларининг кучли феодал давлатининг барпо этиши 21
III боб. Темур империяси ва унинг Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ривожланишида тутган ўрни.....37
3.1. Темурнинг оқилона иқтисодий сиёсати – Империя юксалиши ва қудратининг асосидир 37
3.2. Темурийлар даврида Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаёти ….59
3.3. Шайбонийлар истилоси ва Ўрта Осиё феодал хонликларининг шаклланиши 69

УЧИНЧИ БЎЛИМ. Ўрта Осиё феодал давлатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг пасайиши ва таназзулга учрашининг сабаблари ва Россия Империяси томонидан мустамлака қилиниши...73
IV боб. Ўрта Осиё феодал давлатлари иқтисодиётининг мустамлакадан олдинги ҳолати. 73
V боб. Ўрта Осиё феодал давлатлари иқтисодиёти мустамлакачилик даврида.....78

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган социалистик қайта қуриш даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 108
VI боб. Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва СССР таркибида ЎзССР шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари..108
VII боб. СССРнинг таркиб топиши, ривожланиши ва парчаланиши шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти 132

7.1. Урушдан олдинги беш йиллик даврда Ўзбекистон иқтисодиёти. Саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш...132
7.2. Уруш йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти ва урушдан кейинги даврда қайта тикланиши. 146
7.3. 1951-1965 йилларда СССР раҳбариятидаги ҳокимият учун гуруҳлар кураши даврида Ўзбекистон иқтисодиёти.....157
VIII боб. СССРнинг XX асрнинг 60-90 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи ва Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши 192

БЕШИНЧИ БЎЛИМ. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 217
IX боб. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурияти, стратегик мақсадлари ва миллий ўзига хослиги..... 219
X боб. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишда Ўзбекистонинг тарихий тажрибаси 232

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ТАРИХИЙ БУРИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ…291
XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....291
XII боб. Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш зарурияти ва унинг келиб чиқиш сабаблари.....303
XIII боб. Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларда ҳаётнинг барча соҳаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегияси.....328
XIV боб. Ривожланиш ва фаровонликнинг янги босқичи ёки кенг кўламли ислоҳотларнинг дастлабки натижалари 339

Хулоса 369

М. М. МУХАММЕДОВ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРИХИ

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2021

Муҳаррир: Ш.Кушербаева
Мусаввир: У.Ортиқов
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 97-450-11-14, 93-381-22-07.
Босишга рухсат этилди 20.12.2021.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 23,75. Нашр босма табоғи 23,5.
Тиражи 300. Буюртма № 172.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22-б уй.

63000

65.5

ISBN 978-9943-7670-9-6